



**ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР**

**ТҮРТ ЖИЛДЛИК**

**БИРИНЧИ  
ЖИЛД**

**Шеърлар ва достонлар**

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 2000



**Таҳрир ҳайъати:**  
**О.Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Э. Воҳидов, Х. Султонов,**  
**Р. Ш. Шоғуломов, М. Юсуф, К. Норматов**

**Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи**  
**Дониёр Бегимқулов**

**О 4702620202-69  
М 352(04)-2000** ренага қўшишча, 2000

**ISBN 5-635-01920-X**

**© Абдулла Орипов,  
Faafur Fулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.**

## КҮРГАН-БИЛГАНЛАРИМ

Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шахридан беш-үн чақирим шимолроқ томондаги Күнгиртов этакларидир. Күнгиртов дегани у ерда дов-да-рахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-кўнгир тусда бўлганлигидандир. Кўнгиртовда ягона шўр сувли булоқ бор. уни Кўтирибулоқ дейдилар. Чунки, унинг шўр, тузлик сувидан одамлар турли дардларига шифо топиб юрадилар. Геолог дўстларимизнинг айтишларига қараганда у ниҳоятда эски тоғнинг қолдиги, чўқиртаклари экан. Бу тоғнинг нариги томони Самарқанд, бериги томони Бухорои шарифга юз тутиб турибди. Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога ана шу Кўнгиртовни ошиб ўтган эмишлар. Албатта, бу гаплар халқнинг хотиграсида ўқтин-ўқтин чақнаб турадиган хаёл учқунлари бўлиши мумкин.

Қишлоғимизнинг номини Некўз дейдилар. Унинг маъносини мен яхши билмайман. Ҳар ҳолда у қадимий ўзбек уруғларининг бир шоҳобчаси бўлиши мумкин. Дарвоҳе, Амир Темур бобомизнинг оналарини Некўзбегим ҳам деганлар.

Ота тарафдан катта боболарим Норбой бобо, Боймурод бобо, Убайдулло боболар бўлишган.

Ундан кейин менинг отам Ориф бобо. Она тарафимдан бобомни Эрдона карвон деганлар. У киши чамамда, қандайdir карвончилик билан машғул бўлган.

Қишлоғимизда сув ниҳоятда тақчил эди. Қашқадарёдан тортиб келинган иккита ариқ бўлиб, бирини Хомариқ (Хонариқ ҳам бўлиши мумкин), иккисини Фаданг дейишган. Фаданг арабча сўз, маъноси ёйнинг ўқини билдиради. Гўё Қашқадарё эгик камон бўлса, Фаданг ундан отилган ўқ каби. Лекин бу ариқларга сув жуда қийинчилик билан чиқар, шу сабаб одамлар ариқни тинимсиз чуқурлаштиргани-чуқурлаштирган эди. Бу жараённи ҳайров дер эдилар. Сув старли жойда албатта у-бу нарсалар экиларди, тоғининг этаклари лалмикор ерларда эса асосан буғдой, арпа этиштириларди. Аёнким, бу поёнсиз кирадирларда чорва кўп эди. Туя, йилқи, кўй дегандай. Кудукларнинг суби батамом шўр, ичишга яроқсиз. Лекин уни негадир мол-ҳол ичиб юраверарди. Айниқса, баҳор пайтларида бу ер-

ларга ёғин күп тушар, Күнгиртов этаклари минг хил ўт-ўлан, чучмомаю қизгалдоқлар билан, қүёңтүпигу исмалоқ билан, каррагу ҳазориисфанд билан, құзигуллар билан қолланар, атроф-теварак жаннатий бир манзара касб этарди. Сел сувлари тұпланиб қолган кичик-кичик күлларни “қоқ” дейишарди. Унинг тоза сувини одамлар ташиб ичишар, бола-бакра чучмомаю исмалоқ, замбуруғ териб, Күнгиртов этакларида күнларини кеч қылар эди. Бу ерларга баҳорда турна тушарди. Турналар ўт-ги-еңдарни териб еб, қүй-құзиларнинг орасыда бемалол, беҳадик юравишаради. Шунингдек, Күнгиртовда у пайтлари кийик күп эди. У кийикларнинг зоти, кейин билишимча, хонгули экан. Улар ҳозир Бухоро атрофидаги күриқхонада сақланиб қолган. Емиши бор эди шекиіллік, бүри, тулки, шақол ҳам күп эди бу жойларда. Кейинчалиқ, атроф-теваракни одамлар ишкол қилиб олишгач, ёввойи ҳайвонлар ўз-ўзидан йүқолдилар. Турналар, лайлаклар келмай құйди. Кийикни эса ҳазрати Инсоннинг ўзи еб битирганига ўзим гулохман.

Отам раҳматлик колхозда раис булиб ишлар, райкомнинг котиблари қишлоғимизга тез-тез ташриф буюришиб, усти очиқ газик машиналарда күпинча тунда кийик овига чиқышарди. Кийик жонивор кечаси қоронғыда машина ёргуга рүпара келганды құзы қамашиб жойида таққа тұхтаб қоларди. Ана ўшанда уни отиб олсаям бұлади, тутиб олсаям бұлади. Эсимда, бир сағар ўша котиблардан бири овга чиқыб, үн иккита кийикни отиб, машинага босиб келишган эди. Улардан биттасини уйда қовуриб ейиши. Кийикнинг гүшти қызыши бұлиб, ғоятда иссиқ-лиқидир.

Ўшанда онам раҳматлик ҳалити овчи котибларни ўзича ўқи-ниб-ўқиниб қарғагани ҳамон ёдимда. “Нафсинітә ўт туштур, кийик есанг биттасини е, үн иккитасини ўлдириб нима қиласан?”, дерди онам. Улар қолган кийикларни машинага босиб, шаҳарға кетишарди.

Ўша Күнгиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўттан. Баҳор келганды ҳавони ўт-ўланнинг ёқимли хүшбүй ҳиди қоллар, шаррос ёмғир қүйганды биз тоғ чүққиси унгурیدаги кичик-кичик горларга бекиниб олардик. Ўша юксаклиқдан шимол тарафдаги ям-яшил бепоён кенгликларни томоша қылар эдим, түйиб-түйиб нафас олар эдим. Айниқса, бу жойларда жануб кечалари, юлдзули осмон ниҳоятда гүзәл бұлар эди. Тим қора осмонда құл чұзсанг етгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарапқаб туради. Ҳаётимда бундай гүзәл манзараларни кейин учратада олмадым.

Қишлоғимизда қудук суви ичишга яроқсизлигини айтib ўтдим. Биз чучук сувни түрт чақирип наридаги Эшонқудук деган қишлоқдан ташиб келар эдик. Эшакка түрттә күзани кажава қилиб ортиб олардик. Құзалар бир-бирига тұқишиб синиб кетмаслігі учун алоҳида ёғоч қолипларда жойлаб қўйиларди.

Бу қолиqlарнинг яна бир яхши томони шуки, кўзанинг дастаси синиб мўндига айланиси қолганда ҳам уни қолипга жойлаб, бемалол ишлатавериш мумкин. Бир кунда икки маҳал сувга чиқардик, айниқса саратон кунлари Эшонкудуққа қатнаш жуда зерикарли бўларди. Юрагим сиқилиб кетганидан бир нималарни минғир-минғир тўқиб, ўзимни овутгардим, шекиллик.

Энди гапни берироқдан бошласак, бу дунёning воқеа ва ҳодисалари хотирамда тўрт-беш ёшларимдан бошлаб қолган. Урушдан қайтмаганларнинг азалари-ю, қайтган майиб-мажруҳ қишлоқдошларимнинг кўлтиқтаёни тўқиллатиб юрганлари эсимда. Очарчилик, одамларнинг кунжара еганларини кўп кўрганман. Балки вақти-соати етиб, мен бу кечинмаларимни батафсил ёзарман. Чунки ҳозир мана шу саҳифаларга сифматидан ранг-баранг хотираларим жуда кўп.

Биз оиласда тўрт ўғил, тўрт қиз ўғанмиз. Акаларим Бухоро, Тошкент олий ўқув юртларида тил-адабиёт факультетларида ўқишишарди. Табиийки, улар кўтариб юрган китобларнинг аксарияти бадиий адабиёт намуналари эди. Менинг аллақачон саводим чиқсан, китобларни шариллатиб ўқий олардим. Мен бутунги кунда ғоятда ажабланиб шуларни эслайман. Негадир болалигимда хотирам ниҳоятда кучли эди. Бир ўқиганим эсимда қолаверар эди. Радио, телевидение ёхуд бошқа томошалар бўлмаганидан кейин эрмагим китоб эди-да. Дуч келган нарсани ўқиб, дуч келган нарсани ёллаб олардим. Бу китоблар орасида халқ достонлари ҳам, Навоий бобомизу Пушкиндан таржималар ҳам, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон шеърияти ва яна бошқа кўп рўмону қиссалар бўларди. Дарвоқе, қиши кунларида тўйларга кўшини туманлардан номдор баҳшилар келиб, тонг отгунча достон айтишишарди. Биз болалар баҳшини тинглай-тинглай бир-биrimизга бикинишиб ухлаб ҳам қолар эдик. Янглиш масам, ўшанда Умур шоир деган баҳшининг достонларини кўп эшиштанман.

Бир қўшнимиз ғоят покдомон Камолхон эшон деган киши бўларди. Раҳматликнинг онасини Биби момо дердилар. Билмадим, улар балки Каттакўргон ёклардан келиб қолишган. Биби момо ўта даражада саводхон буви эдилар. Онам раҳматликка эргашиб, уларнинг сұхбатига қатнашиб қолардим. Биби момонинг катталиги сандалцек келадиган китоби бор эди. Китобни Навоий-китоб дердилар. Биби момо Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларни чунонам қироат билан ўқирдики, маъносини кўпам тушунмасам ҳам қироатдан маза қилардим.

Энди биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қофиялашга ишқибоз бўлиб қолганим эсимда. Балки зерикканимдан, балки завқим тошиб, ниманидир ёзгим келаверарди. Фикр эса йўқ. Ёзмасликтининг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун она, ота, мактаб,

бригадир Нодир каби гапларни ўзимча шеърга солиб айлантириб юрардим. Ундан ташқари, яна бир қизиқ деталь. Мендан катта акам, ҳозир у қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор, шеър ёзиб, муттасил болалар газетасига жўнатиб турарди. Газетадан келган жавоб хатини акамга билдиримай ўқирдим. Хатда жумладан бундай гаплар ёзилган бўларди: “Абдураззоқжон, шеърингизнинг мавзуи яхши, лекин қофия-туроқлари чатоқ ва ҳоказо”. Кейин мен қофия-туроқни ўрганиш учун роса китоб титардим. Акам бўлса, унга келган жавобни ўқиганимдан бехабар, мен қайта елимлаб қўйган конвертни очиб ўқир, “нима ёзибди” деб сўрасам, жаҳл билан “ишинг бўлмасин” деб хатни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлар ё бўлмаса ёқиб юборарди.

У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта, таклид эди. Ўқиган шеърларимда ҳамма шоир асосан Сталин, Москва, Кремль ҳақида ёзишарди. Мен ҳам “ё бисмило” деб ўшаларни куйлай бошлаганман. Бир куни хонадонимизга район раҳбарлари меҳмон бўлиб келишидди-ю, чамамда мусалласхўлик ҳам қилишди. Уларнинг баъзилари менинг шеър ёзиб юрганимдан хабардор экан шекилли, дафъатан чақириб, менга “шеър ўқи” деб қолишибди. Мен “Кремль деворлари” деган шеъримни тантанали равища ўқидим. Яқинда юз ёшни қоралаб қазо қўйган Ҳамроқул ота Мамедов эди шекилли (ўшанда раийжроқум раиси), кайфияти баландмикан, дадиллиги қўзиб, “Улем, ўзинг Кремли кўрганмисан?” — деб қолди. Мен “йўқ” дедим. У киши “бўлмаса кўрмаган нарсангни бундан кейин ёзма!” — деб қолди. Ўшандаган дашномим менга ҳозиргача дарс бўлиб келаётир.

Мактабни олтин медель билан битирдим. Акаларим турли шаҳарларга ўқишига кетиб қолгани учун отам мени қўйиб юборгиси келмади. Бу орада Зарафшондан Эски Ангор канали қазилиб, қишлоғимизга бир дарё сув оқиб келган, одамлар катта кувонч билан боғ-роғлар яратишга киришиб кетишиган эди. Бизнинг боғимизда эллик тупдан ортиқ сархил олма навлари, узуму аңжир ва бошқа мевали дарахтлар гуркираб ўсиб, мўлмўл ҳосил бериб ётарди. Отам белкурагу кетмонни кўтариб, боғни парвариш қилас, мен отамга доимий ёрдамчи эдим. Хуллас, 1958 йил Тошкент Давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимига келиб қолдим.

Шеърларим аввал туман, вилоят газеталарида босилиб турган бўлса-да, биринчи марта республика болалар газетасида “Кушча” деган шеърим босилиб чиқкан. Мен шеърим чиққан кун бу газетани “Тўқимачилар саройи” кинотеатрининг “Қизил бурчаги” да кўриб қолганман. Бу орада қанчадан-қанча шеърларим, тўпламларим чоп этилди. Бирок, илк шеърим босилиб чиққан ўша дақиқалар, унинг кувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Балки бу ҳам адабиётдаги биринчи муҳаббат нашгъасидир.

Университетда адабий жараён фоятда қызғын эди. Адабиёттимизда из қолдирган ва қолдираёттан кўпдан-кўп ижодкорлар ўша йиллари дорилғунуннинг турли курсларида таҳсил олишарди. Барчанинг номини санаб ўтиришим шарт эмасдир. Улар ўzlари ёзган таржима ҳолларидан билиб оларсиз.

Факультеттимизда адабиёт тўгараги муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов каби устозларимиз биз билан соатлагаш масхулот олиб борарадилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов жуда дадил эди. Москвада бирор асарни қоралаб қолишиша, ўша асарни дарҳол ўқиб-ўрганиб, ўзимизча баҳосини берардик. Масалан, бадном қилинган Борис Пастернак ҳақида “у ёмон шоир эмас”, деган хулосага келганимиз.

Шеърларим матбуотда тез-тез босила бошлади. Озод аканинг “Оқ ўюли” билан “Шарқ юлдузи”да шеърларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасидаги мушоиралардан бирида “Муножотни тинглаб”, “Бургут” деган шеърларимни ўқидим, ўша куни Абдула Қаҳҳор назарига тушдим. Миртемир домла атрофида кўп шогирдлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадек донишманд устозга эргашиб, у киши шеър ўқиган минбардан мен ҳам шеър ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги “Турон” кутубхонасида ўқиган шеърларимни тингловчилар жуда илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода домла билагимдан тутиб, “Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлгайсиз, ишқилиб қарсаклардан талтайиб кетмасангиз бўлгани”, деган. Бу гаплар ҳам менинг қулоғимга қўроғошиб дай куйилиб қолди.

Бу орада китобларим кетма-кет нашр қилинди. Устоз Faфур Фулом қатнашган давраларда шеърларини ўз оғизларидан неча-неча бора эшийтдим. Бир сафар Faфур aka елкамга қоқиб, “Кеча телевизорда шеър ўқиган бола сенмисан. Ёзавер, ўрлим” деганларини ҳеч қачон унумтайман. Ва ниҳоят, бир куни мени Ойбек домла йўқлаётганини айтиб қолишиди. Бу улуғ зот беморроқ бўлганлари сабабданми ёки салобатлари фоят буюклигиданми, хонадонларига ҳар қандай қаламкаш юрак ютиб боролмас, баҳайбат чўққига боққандай домлани узокроқдан томоша қилиб юардик. Ойбек домла билан учрашувларимни ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қофзга туширсан бир рисола бўлар. Домлага “Арманистон” деган шеъримни ўқиб берганимда “ингичка, ингичка”, деб қўйганларини эслайман. Бу хитоб шеърингизда нозик қочиримлар бор дегани бўлса керак, деб ўйлайман. Ойбек домла кейинги сафар чорлаганларида қўлимга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка тавсия қофозини тутқаздилар. Иккинчи тавсия Миртемир домладан келди. Шу йўсинда уюшмага Комил Яшин раисликларида аъзо бўлиб кирдим.

Сўнг турли матбуот идораларида хизмат қилдим, катта-кичик мукофотларга, ҳалқ шоири унвонига сазовор бўлдим. Мус-

тақиғлил үйилларимизнинг буюк инъоми Ўзбекистон Қаҳрамони увонига ҳам лойиқ топишиди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Давлат мадҳияси матнини ёзишга мушарраф бўлдим. Асосий иш фаолиятим ижод ва ижодий соҳага тегишили хизматлар билан ўтаётир.

\* \* \*

Энди очиғини айтганда, камтарингина бир ижодимиз борлиги учунгина юқоридаги таржимаи ҳолимизга эҳтиёж сезилипти. Демак, энди асосий гап ижод атрофида бўлмоғи лозим. Энг аввал шуну үқтириб айтмоғим лозимки менинг деярли ҳар бир шеърим ҳаётдаги маълум бир воқеа, ҳодиса билан боғлиқ, жунроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. Масалан, “Аёл” деган шеърим урущдан қайтмаган амакиларимнинг беваларига бағишлиланган. Мен уларнинг изтиробларини кўриб, кузатиб улғайғанман. Ёхуд “Ўзбекистон” қасидасининг ёзилиши-чи? Бунинг ёзилишига нима туртки бўлган, дейишли мумкин. Гап шундаки, Ватанинг бутун Совет Иттифоқи, деб үқтириб турилган бир пайтда, менга Ўзбекистон нима бўлди экан, деган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, “Ватаним — Ўзбекистон” деб шеър ёзган бўлсан, тилимизнинг ҳар қадамда ерга урилаётганини кўриб “Она тилимга” номли шеърни ёзганман. Ишхонамиз ёнида бир сассик ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта тилла балиқ оғзини капша-кашпа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолига ачиниб, мен ҳам “Тилла балиқча” деган шеър ёзиб, балога қолганман. Эмишки, сассик ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутганиман. Демакким, ҳақиқатан ҳам бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди.

Ҳозир ўтган йиллар бутун нуқсонлари билан кўзга ташлашиб, танқидга учраб турган бир даврда ўтган замондан жабр кўрган “қаҳрамонлар” ҳам оз эмас. Баъзан ўша замонларда қамалган оддий киссавур ҳам ўзини замондан ноҳақ жабр кўрган зот, деб зълон қилишни хуш кўради. Лекин собиқ мағкурадан, собиқ сиёsatдан ҳақиқатан озор чекканлар кўпчиликдир ва уларнинг тарихлари ҳаммамизга маълум. Ҳар ҳолда ўша тазйиклардан 60-йилларда адабиётга кириб келган ёшлар ҳам бебахра қолмаганимиз. Мен бу гагларни зинҳор-базинҳор ўзимни жафо чеккан шўрлик шоир сифатида курсатиш учун айтмаётиман. Ўша йиллари менинг ёш идрокими икки-уч савол қаттиқ қийнарди. Биринчиси, нега менинг ҳалқим иккинчи сорт, иккинчиси, нега менинг тилим беобру, нега менинг Ватаним мавҳум, нега табиат ато этган ҳис-туйғуларни ҳам ошко-ра изҳор қилиш мумкин эмас, масалан, яқин қариндошинг ўлса марсия ёзиш мумкин эмас, муҳаббатинг баҳтсиз бўлса, надо-

мат чекиши гуноқ ва ҳоказолар. Энди ўиласам, ҳамма халқлар катта бир йилки ююри сингари битта қамчининг ишорасига бўйсуниб яшар экан. Нафакат моддий, балки маънавий боқимандалик ҳам худди шу уюрчиликнинг оқибати бўлиб, унинг таъсиридан ҳанузгача купчилик кутулолган эмас. Ўша йиллари ёзилган талай шеърлар худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашигинанг сабаби шунда. Мен бу ўринда бошимдан ўтган турли майдо-чуйда газийкларни эслаб ўтирамайман. Лекин бир гапни айтмасам бўлмас. Менинг ижодимда ёлғизлик, маҳзунлик туйғулари кўп учрайди, дея дакки беришган ва бунинг сабабини турлича шарҳлашган ҳам. Аслида эса менинг табиатим ўзи шунақароқ бўлса керак. Иккинчидан, мени қийнаган саволларга жавоб тополмай ўртангандирман, учинчидан, шу ҳасад деган балонинг ҳужумига жуда эрта дуч келдим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, ҳажвий руҳдаги шеърлар ҳам қандайдир сунъий равишда яратилган эмас. Кўп қатори мени ҳам лақиллаттан, алдаган одамларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳалигидай аччиқроқ шеърларнинг ёзилишига, албатта, ўшалар сабаб бўлган.

Мен таржимачилик билан ҳам шуғулландим. Ушбу машру-лотимнинг энг асосийси Дантенинг "Илоҳий комедия"си деб биламан. Ҳозирча унинг "Дўзах" қисми таржима қилиниб, нашр этилди. Бу асар таржимасига кўл уришимга раҳматли Шароф Рашидов сабабчи бўлганлар. Атрофимизда турли қора ёрликлар айланиб қолганда Шароф ака бизни ўзларича муҳофаза қилдилар шекишли ёки ижодни бутунлай ташлаб кетмасин, деган хаёлга бордиларми, "Комедия"ни таржима қилишни менга топширдилар. Таржима жараёни мен учун энг улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсан, ўша таржима устида тўкканман. Она тилимизнинг нақадар бой эканлигига имон келтирган бўлсан, ўша таржима жараёнида имон келтирганман. Азбаройи таржима асл нусхадан кам бўлмаслиги учун тилимиз бойлигидан имкон борича тўлиқ фойдаланиши учун изландим, тил ҳазинамидан сўзлар ахтардим. Бунга нечоғлиқ эришганман, бу бошқа мавзу, бироқ ишондимки, бизнинг тилимиз ҳеч бир муболагасиз жаҳондаги энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир. Ўрни келганда ёш шоир укаларимга бир гапни айтиб ўтай, зинҳор битта шеърни бир ўтиришда ёздим деб мақтаниб юрманг, шеър, яъни сўз айрим унли ва ундошлирига қадар тинимсиз сайқал топгандагина ва айни чоқда биринчи ёзилишдаги руҳий куввати ва сехрини йўқотмаган тақдирдагина мукаммал асарга айланиши мумкин. Албатта, мен бу камолотта эришганман, демоқчи эмасман. Лекин мумтоз адабиётимизни ўқиб-ўрганиб, Данте сингари шоирларни таржима қилиб, шу холосага келганман. Мен ҳозир тажрибамни эмас, балки орзу-армонларимни айтистирман.

Аввалги мафкура, айниқса Сталин ҳаётлиги даврида шоирлар шахс сифатида ўз юрагини очолган эмас эди. Кейинги даврдаги мұхит шарофати билан бизнинг авлод шоирлари юракдағи дардларини аста-секин оча бошладилар, бу дардлар халқнинг умумий дардига, халқнинг пінхона кайфиятіга бир қадар мос түшди ва ўқувчилар неча ўн йиллардан бүён эшитилмаган оқангларға қулоқ тута бошлади. Аста-секиңлик билан ёлғонни ёзишга умуман әхтиёж қолмади. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллігидан кейин күтпилигимиз беҳудага лайлак ҳайдаб юрганимиз маълум бўлиб қолди.

Дунёда мавзу шу қадар кўп эканки, уни таңлаб олишда муаллиф гоҳо шошиб қолиши мумкин. Масалан, халқимизнинг шонли тарихини ҳали юз-икки юз йилда ёзіб адo қилиш қийин. Лекин ёзувчининг оддий тарихнавис, йилномачидан фарқи бор. У кўпроқ ўз майян ғояларига мос келувчи мавзуларни излайди. Шу маънода, асрлар бўйи камситилган, ҳақоратланган Амир Темур бобомизнинг образи менинг учун халқнинг обрў-эътиборини, қадрини белгиловчи образ бўлиб кўринди. “Соҳибқирон” асаримни ўтмишга боқиб, бутун учун ёзганман.

Узоқ йиллик ижодий тажрибамдан хulosа шулки, ижодкор истеъоддининг даражасидан қатъи назар, иложи борича ўзини ёлрон-яшиқдан олиб қочсин. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин. Яъни, ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кечинмаларини бутун бир халқнинг кечинмалари, деб эълон қилишдан ўзини тийсин. Аксинча, халқ дардни ўзининг шахсияти фильтридан ўтказа билсин. Ўзининг шахсий дардни халқники деб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники деб билсин.

Менинг инсон ва ижодкор сифатида баҳтим — Ўзбекистонимнинг Мустақиллігини кўрдим ва небаҳтим, озод Ватанимга баҳоли кудрат хизмат қилиб юрибман.

2000 йил 23 январь

**ШЕЪРЛАР**

## УЧҚУН

Гоҳо хаёл дарёсида жим  
Ўтказаман тунларни бедор.  
Баъзан ғализ жумла устида  
Соатлаб бош қотирганим бор.

Шалоладек бўлса шеърларим,  
Ёғду сочса мисли аланга.  
Сидқидил-ла қобил ўғилдек  
Хизмат қўлса элга, Ватанга.

Ҳали бунга кўп гап бор, ҳали  
Фикрларим тарқоқ, туйфусиз...  
Ҳали қанча тунларни яна  
Ўтказишим керак уйқусиз...

Ачинмайман, сизга, ўйларим,  
Ачинмайман, сизга, узун тун.  
Ачинмайман, чунки оташга —  
Оқ йўл берар одатда учқун!

1957

## ҚУШЧА

Гоҳ бутоққа, гоҳ гулга қўнар,  
Тиним билмас сайроқи күшча.  
Нечун баҳор сени ром этган,  
Қайда эдинг баҳор келгунча?

Кел, яшайлик ҳамиша бирга,  
Бизда баҳор, гуллар барчаси.  
Билсанг мен ҳам чаман ўлкамнинг  
Шўх ва кувноқ, шод ўғилчаси.

1958

## ЮЛДУЗЛАР

Апрель осмонига тикиб кўзингни,  
Қандай соз, тунларни кузатиб қолсанг.  
Кўк сари хаёллар элтса ўзингни,  
Қандай соз, юлдузлар ичра йўқолсанг.  
Юлдузлар ичида юлдуссан ўзинг,  
Завқингни қитиқлар ширин туйғулар.  
Милт-милт ёнаётган жажжи дил сўзинг  
Юлдузлар чамани ичра шўх бўйлар...  
Ипак из қолдириб учар қувноқлар,  
Бир-бирин қувлашиб, чақишар чақин.  
Осмон гўзалларин кумуш ётоқлар  
Кўйнига чорлайди, субҳидам яқин...  
Дейман: осмонларнинг ҳилоли бўлсам,  
Хулкар ва Зухроси бўлгим келади.  
Шу гўзал ўлкамда камолга тўлсам,  
Порлоқ юлдузлардай кулгим келади.  
Юлдузлар, о бўшлиқ, мусаффо чирой!  
Сен илқом гулида кумуш шабнамдай.  
Учарман сиз билан бир кун пайдар-пай,  
Осмон гумбазида баҳсга тушгандай.

1958

## ТОГЛАР

Эх, сиз тоглар, нақадар күркам!  
Сизга берар илк нурин күёш.  
Пар булутлар, марварид қорлар  
Юксак чүкки узра қўйган бош.

Шўх шалола тошар ҳайқириб,  
Кўксингизга бахш этиб чирой.  
Қояларга бош урар салчиб,  
Сувлар тўлиб оққан тошқин сой.

Сиздан кўзин узолмай ҳар кеч  
Күёш қўяр ёстиғига бош.  
Соф ҳавода олишиб ором  
Ухлар сокин ҳар чўкки, ҳар тош...

Фақаттинга у шўх шалола  
Дараварга солади шовқин.  
Ой сузади кўм-кўк самода,  
Ўқигандек ҳуснингта таҳсин...

Эх, сиз тоглар, дилрабо тоглар,  
Ёш қалбимни мафтун эттансиз.  
Ёшлик, баҳти куйлагин, дея,  
Ижодимга илҳом туттансиз.

1958

## ЧҮПОН

Изларингни кучиб шалола  
Қояларга тамғанг солади.  
Пешвоз чиқиб сенга гул, лола  
Яна келгин, дея қолади.  
Савлат түкиб, қуриқчисимон  
Боботогин: турар ёнингда.  
Сени севиб, қаршилаган тонг  
Нур тўшайди истиқболингта.  
Шўхликларга тўлгил, ўйнагил,  
Яйра, завқдан худди қўзичоқ,  
Сарғаймасин сен севган чаман,  
Куримасин сен ичган булоқ.  
Най чалишиб бирга сен билан  
Қалбга илҳом солгим келади.  
Шодликларга тўлиб бир умр  
Хузурингда қолгим келади.

1958

## КАПАЛАК ВА МЕН

Капалакнинг учишин узоқ  
Кузатдим ҳам юрдим ортидан.  
Қаршимизда фунчалар порлоқ,  
Милтири шудринг чаман сатҳидан.

Аллақайда кезиб тинимсиз  
Йиғдик роса завқ атирларин.  
Сўнгра баҳам кўрдик иккимиз,  
Менга тегди шу сатрларим.

1958

## ҚҰШИГИМ КАБИ

Еллар, мени койиманғиз, гар —  
Сиз-ла бирга уча олмасман.  
Боғлар атрын пуркаб, сарбасар,  
Тоғлар құксин құча олмасман.

Еллар! Күйга тұлиб учинг-чи?  
Учинг, диллар ошиғи каби!  
Гулзорларни тинмай қучинг-чи,  
Менинг учкур құшиғим каби!

1958

## КЕЛИНГИЗ, ДҮСТЛАРИМ

Тоғлар құйнидадир менинг қишлоғим  
Чүккілари оша куринар олам.  
Шундадир донг ёйган сұлым боғларим  
Шундадир шеъримнинг илҳомлари ҳам.  
Ҳув ана, меҳнатим синғтан гүзәл бое,  
Тоғларимни безар боғларнинг ўзи...  
Тингламоқ бұлсанғиз ҳар шому саҳар  
Тұрғай ашуласин, булбулнинг сүзин, —  
Келингиз, дүстларим, келинг биз томон,  
Сизга, дер боғларим асалин, болин.  
Ёшлик құшиғини күйлайлық шодон,  
Нақароти этиб тонгнинг саломин.

1958

## БАҲОР

Баҳор келди гул сепин ёйиб,  
Тенгсиз чирой касб этди ўлка.  
Гул баҳорнинг нурли жилваси  
Сўнгсиз севинч баҳш этди қалбга.  
Кир, адирда кўк майса-гилам,  
Бутоқларда жилмаяр куртак.  
Яна келди эркатой кўклам  
Ёшлиқдай шўх, нурдай ютурак.  
Тошдан тошга тӯш уриб шошар —  
Қаёққадир зилол шалола.  
Қандай гўзал баҳор тухфаси!  
Адирларда қирмизи — лола.  
Гул баҳорнинг мафтуни бўлиб  
Сахий қуёш сочар заррин нур.  
Баҳор! Дилни ром этди ўзга,  
Жилвасида ёшлиқ ҳам фурур.  
Баҳор, баҳор, о гўзал баҳор!  
Ёшлиқ каби дилга яқинсан.  
Юрагимга шеър бўлиб кирган —  
Шодлик, илҳом, завқда тўкинсан.

1959

\* \* \*

Тонгни ҳам осмонга тик боқиб кутдим,  
Кузатдим бирма-бир юлдузларни ҳам.  
Хаёл дарёсида үзни йүқтотдим  
Бошимдан коинот зар сочгани дам...

Юлдузлар! Беркинманг тонг туманига,  
Кетманг күзларимни ёшлаб кетгунча.  
Якка сұхбатдошим, кетмагин Зухрам,  
Кетма, сенга айттан шеърим биттүнча.

1960

\* \* \*

Умр дүч қыларкан кимга бир-бирни  
Таҳлил этмоқ даркор аввал тақдирни.  
Паҳлавон эмасман, күкни ер, ерни —  
Осмон айламоқни кутмагил мендан.

Ҳар пари рухсорға бермадим хаёл,  
Сен ҳам, эй дилбарим, шуни билиб ол:  
Хусидор эмасман, күрганларни лол,  
Ҳайрон айламоқни кутмагил мендан.

Баъзан кечираплар ёш бўлса нодон,  
Аммо умр бўйи мен дейман шодон,  
Бойликни севмасман, яъни тиллодан  
Ҳамён айламоқни кутмагил мендан.

1960

## СОФДИЛ

Сокин туннинг сайрига  
Таклиф этдим, қайтмадинг.  
Қайтмадинг о, ўзгани  
Севишингни айтмадинг.  
Сен кетдинг-у, қалбингнинг  
Изи қолди ёдимда,  
Сутдай ойдин кечанинг  
Ўзи қолди ёнимда...

1960

\* \* \*

Ҳали олдиндадир гўзал кунларим,  
Ҳали лаб тегмаган кулгулар олдда.  
Вазнга тушмаган қўшиқлар олдда,  
Ҳеч нима эмасдир бу кўрганларим.  
Ҳаммаси олдинда, фам ҳам, алам ҳам,  
Айрилиқ ҳам, қанотлари зил...  
Саксон ёшли бобо, сен ҳам дунёнинг  
Ҳаммасини кўрдим, демагил.  
Асло ундей дема,  
Ўн гулимдан бири ҳам  
Очилмаган деб турғил ҳар вақт.  
Ҳаммасини кўрдим,  
Тўйдим деган кунинг, билсанг,  
Яшамоққа қолмайди ҳожат.

1960

## СЕВГИСИЗ ОДАМ

Кулоқ солинг менга, яхши қиз, бир оз  
Дилимни очмоқчи бўляпман Сизга.  
Тунов кун бир дустим мени даб-дуруст  
Айблади севгисизликда.

Бехабар эмишман муҳаббатдан мен,  
Қалбимда ишқ эмас, бор эмиш илон.  
Исбот: қизлар билан юрмас эмишман,  
Сирлашмас эмишман ҳар кимлар билан.  
...Етмасмиди ўзи қалбдаги тўлқин,  
Кул босган оташни қўзғадинг нечун?  
Севги керакмиди сенга, дустгинам?..  
Севаман тинч оқшом, юлдузли тунни,  
Севаман сайраса қушлар бетартиб.  
Севаман оромни, суронни, лекин  
Мен уни севардим булардан ортиқ.  
Хуруж айлаганди бедаво фироқ.  
Аччиқ алам ичра ёнсам тутоқиб.  
Ўлимни жонимдан севаман, бироқ  
Мен уни севардим ўлимдан ортиқ.  
Аммо ҳаёт оқар ўз билишича...  
Ўзганинг юраги сенга бўйсунмас.  
Севсангу, севсанту севилмасанг гар  
Бундан қайгулироқ қайғу топилмас.  
Нима керак менга ишқ-муҳаббатни  
Яна ўзга қиздан талаб айламак!  
Муносибдир бугун ишқсиз хилватни  
Менинг номим билан балки бойламак.  
Яхши қиз, хаёлга толдингиз нечун?  
Нечун кўз ёшингиз томди йўлимга?  
Севгисиз одамга ачинмоқ нечун,  
Қўзёш йўл тополмас менинг дилимга.  
Хайр энди, чикай,  
Ойдин кўчадан  
Эшитилса агар бир ёлғиз қадам,  
Ажабланманг асти, у сизга таниш  
Севгисиз одам...

1960

## СУВ ПАРИСИ

*Ул санамки сув яқосинда паридек ўлтурур.*

*Отойи*

Бир баҳор туни эди, йил фаслида оддий боб,  
Үшал баҳор тунини күйла дединг умрбод.  
У баҳор туни эди, дарёнинг қирғоғида  
Ёнар эдим интизор бир гўзалинг доғида.  
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,  
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.  
Дарё ширин висолни айлар эди ҳикоят,  
Жилваси ой нурида у қиз каби шўх фоят.  
Нигоҳимни аллалаб, тебранишиб учарди,  
Бешик-бешик тўлқинлар хаёл каби кўчарди.  
Кўзларимда пастлади ўшал тунда осмон  
Тўлқин аро тўлғониб, қиз бўлганда намоён.  
У тун бешик тўлқинлар, асов-асов чопдилар,  
Харсанг узра ястанган пари қизни топдилар.  
У сехрли сув қизи! Ой нурида оппоқ қор,  
Тирилдими қаршимда афсоналар ё қатор.  
Бешик-бешик тўлқинлар атрофимда тўлғонди,  
Борлиқ юзи қопқора кокилига чўлғонди.  
Кўз олдимда не ҳол бу? Одаммисан ё пари?!  
Юлдузмисан, учдингми масканингдан сарсари.  
О, сув қизи, сув қизи, кимсан, айла иноят,  
Кокилингта чўлғонмиш қайси мудҳиш ҳикоят.  
Малакмисан ё Таврид афсонавий гўзали,  
Қайси ҳарам юлдузи, қайси юрак ғазали.  
Сен кимлар хаёлида юрмоқдасан сарсари  
Хиёнаткор бир гўзал руҳимисан ё, пари.  
Не истайсан, сув қизи, балки бўлай халоскор,  
Мен кутаман бу жойда севиклимни интизор.  
Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,  
Рашқ этиб, ой шуъласин оёқларин ёпарди.  
Тўлқинлар қуршовида дарё билан пайваста  
У тим қаро кокилига тароқ урди у аста.  
Имо этди қошига ва чорлади узокқа  
Мендан йироқ ёт гўша — соҳил, яшил чорбоққа.

Күй, пари қыз, майли, кеттгин, одаммисан ё пари  
Сени ёринг кутмоқда, бор, дайдима тунлари.  
Кұрасанми, париваш, тұлқын үпар қирғогин,  
Күзларимга тушмасин хиёнаткор нигоҳинг.  
Гүзәлликка зор бұлсанг, майли кетма йироққа.  
Севиклигим келганда ўзинг чиққын қирғоққа.  
Бешик-бешик тұлқынлар той-той булиб чопдилар,  
Асов, ёлдор қирғоқ-ла нигоҳимни ёпдилар...  
Фойиб бұлды сув қызи, учди янгроқ қаҳқаҳа.  
Таниш эди овози, таниш эди у, ҳа, ҳа!  
Бир баҳор туни эди, дарёнинг қирғоғида  
Ёнар эдим интизор сен гүзәлнинг доғида.  
О, шүх гүзәл, сен у тун шүхликларга тұлмадинг,  
Тұлғонмадинг ёнимда, сен ўшал тун келмадинг.  
Тонг юлдузи кулганда ётоғингта йүл олдим,  
О, уйқусиз күзларда не сирларни күролдим...  
Йүк, уйқусиз күзлардан сүз очмадим мен у тоб,  
Үшал баҳор тунини куйла, дединг умрбод!

1960



\* \* \*

Кулма, кулма,  
Нега куласан  
Хижолат чекканинг ҳолига.  
Нега қўл тегиздинг  
Камбағалнинг  
Ўғрилардан қолган молига.

1960

\* \* \*

Тонгни ҳам осмонга жим боқиб кутдим,  
Кузатдим бирма-бир юлдузларни ҳам.  
Хаёл дарёсида ўзни йўқотдим  
Бошимдан коинот зар сочгани дам...

Юлдузлар! Беркинманг тонг туманига,  
Кетманг кўзларимни ёшлаб кеттунча.  
Ёлғиз сұхбатдошим, кетмагин, Зухрам  
Кетма, сенга айттан шеърим биттунча.

1960

### **СЕНДАН ЙИРОҚДА**

Сенинг ээзгу хаёлинг билан  
Тонг ёришди, күёш ҳам ботди.  
Ва менинг бу севги асири  
Юрагимда ҳислар тутоқди.  
Қайдা сенинг латиф қиёфанг?!  
Ишонмадим шеър хаёлига.  
Наҳот тушсам сендан йироқда  
Пинҳон ёнган ошиқ ҳолига...

1961

\* \* \*

Шовуллади тун бўйи шамол,  
Қалдироқлар кўчди ларзакор.  
Шивирлдинг ёнимда хушқол:  
“Яна келди, дустгинам, баҳор”.

Шовуллади тун бўйи шамол,  
Қорликларда учди изимиз.  
Шивирлдинг ёнимда хушқол:  
“Мангу бирмиз, дустим, иккимиз”.

1961

### “НОМАЪЛУМ ҚИЗ” СУРАТИГА

Сен чиндан ҳам гўзалсан  
Лабларинг ол, қирмизи...  
Сочларингта сунбул банд,  
Кўзларинг тонг юлдузи.  
Сен чиндан ҳам гўзалсан,  
Хузурингта келдим бот.  
Ёлбораман, туш пастга,  
Ёлбораман, паризод...

1961

## КУЗ ХАЁЛЛАРИ

1

Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,  
Боғларга чўкканда оқшомги туман,  
Совуқ куз елидан жунжикиб, нари —  
Очиқ айвон остин этганда маскан,  
Дўсттинам, хаёлан қучаман сени,  
Хазон даврасида кутаман сени.

2

Бунда бари гўзал: тим қора оқшом,  
Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи.  
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам  
Совуқ ва ёқимили: шундоқ анвойи,  
Уларга боқаман, тўнаман баъзан,  
Ширин бир хаёлга чўмаман баъзан.

3

Нимани хоҳлайман? Истагим нима?  
Чангалзор шовқинин тинглаб тураман.  
Япроқлар бандида кезган жимгина  
Маъюс ва безовта кузни кўраман.  
Унинг қушиғида, унинг оҳида  
Сезаман одамзод қалбин гоҳида.

4


Унга бари бирдай ҳаёт ва ўлим,  
Гўёки кекса чол сўнгини ўйлар.  
Ва секин силкитиб каҳрабо қўлин  
Кўрганин-билганин бирма-бир сўйлар.  
Бир ҳикмат ўқийман хазонларда мен:  
“Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен”.

Мангу яшилликнинг маскани қайда,  
 Қайдадир хазонни билмаган баҳор?  
 Нечун у ҳовлиқиб оққувчи сойда  
 Чавандоз умрнинг қайтмас сехри бор?!  
 Нечун уйғонади қайтадан баҳор,  
 Нечун инсон умри бўлмаган такрор?..

Мени саволларга кўмар дафъатан,  
 Хазоннинг тақдири, сўнгги шовқини.  
 Кўзимга кўринар умрим қайтадан,  
 Гарчанд сурмакдаман баҳор шавқини,  
 Гарчанд йигит ёшим яшнаб турса ҳам,  
 Кексалик қисматин ўйлайман шу дам.

Шу дам туйғуларга тўлади кўнглим,  
 Титраб тарашлайман қаламим учин.  
 Тонг ҳам ёришади, эй менинг умрим,  
 Бунчалар тезликда чопасан нечун?  
 Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,  
 Дўстим, ҳузуримга шошиб кел сен ҳам!

1962



## ДАРБАНД ДАРЁСИ

Яшил тұлқинларинг айқырса чунон  
Фазаб тангрисининг худди ўзисан.  
Гоҳо сен ширин бир оромга макон,  
Гоҳо қайнаб тошган булоқ күзисан.

Юракда сен ижод ҳиссини чертдинг,  
Тұлқинлар гулдури, гирдоб ҳавоси.  
Хотирамга ажыб үйлар кириптинг,  
Эй илқом дарёси, илхом дарёси...

Арчазорлар күркін дилга құчирдим  
Сенинг хушқаволи соғилларингда.  
Чүпон, баҳшиларнинг базмida бұлдым,  
Тўймадим ҳикоя, нақларидан...

Яшил чиройингни соғинганимда,  
Тўйиб күрмоқ учун қайтарман яна,  
Соғинган қалбимни тұлқинларингда  
Аллалатмоқ учун қайтарман яна,  
Эй Дарбанд дарёси, илхом дарёси...

1962

## ҚҮЛ

Йигит күчга түлди, етилди,  
Билакларин түлдирди мускул.  
Чамасида билак кучининг  
Қаршисида осон ҳар мушкул.  
У истаса метин тошларни  
Совуради тупроқ, кул каби.  
Аммо ёрнинг юзида у қул  
Сийпаланар майин гул каби.

1962

## ОДАМЛАР

— Эй, йоловчи, бұла қол күнок,  
Үйда борин күрамиз баҳам.  
Тагин үзинг биласан, бироқ,  
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.  
Йўлчи қолар овулда, мезбон  
Келтиради топган-тутганни.  
Отамлашар сўнгра икковлон  
Ёдга олиб ўтган-кетганни.  
Ҳорғин йўлчи мудрар ичиб чой,  
Чўзилади мезбон ҳам аста.  
Тонгда йўлчи товуш қиласар. — Ҳой,  
Мен кетдим. — Қол! — Раҳмат.  
Шу бас-да!  
Ажралишар, улар ҳаттоки  
Исмларин сўрашмаслар ҳам.  
Улар қайта учрашар балки,  
Балки қайта учрашмаслар ҳам...

1963

## ЭСЛАШ

Хар тонг қаршилардим сени шу йулда,  
Билмам, қайларгадир шошиб үтардинг.  
Илк баҳор селидай тошиб үтардинг,  
Нигоҳсиз кимсага, на ўнгу сұлға.  
Мен дердим, бу қызнинг қайда гүшаси,  
Йұлларида унинг кимдир зормикан?  
О, у севгисидан баҳтиёрмикан  
Ва ё манзилида хазон тұшаги?  
Әнді йұлларимиз түщиди күп йирок,  
Босилди қалбдаги үшал түфөнлар.  
Қайдасан, қалбимни тирнаган сүроқ,  
Қайдасан, илқом баҳш айлаган онлар?  
Қайдасан, мен сени унұттим келмас,  
Умр йұлларимнинг тотли дамлари?  
Бунда үтган бир йил, қайғу ҳам ҳавас,  
Ёниш, үрганишлар, хаёллар бари...

1963

\* \* \*

Деразангни қоплар оқшом зулмати,  
Изин қора айлаб ботади ой ҳам.  
Нечун мени фақат шу зулмат пайти  
Кучиб ардоқтайсан, нозик фариштам?  
Самовий күзларинг сачратиб учкун,  
Нечун тикилади фақат ўшанда?  
О, наҳот шу кўзлар ётдир мен учун  
Кундуз машъяласи порлаб турганда.  
Теппамдан тун каби қуюлади соч,  
Қора тун ёнади оташ юзларда.  
Нечун үзгаларга нур сочган қуёш  
Бизнинг орамизда бўлади парда?  
Нечун иккимизни қолдириб ёлғиз,  
Коинот тубида қуёш чекар оҳ?  
Жавоб бер, қошингда чўкмакдаман тиз,  
Жавоб бер, макрингдан мени қил огоҳ.

1963

\* \* \*

Үйлардимки, номингни сенинг  
Такрор этмас энди тилларим.  
Кўп бўлмишки, кўмсаб васлингни  
Йўлларингда оқмас унларим,  
Мен бепарво яйраб аршимда  
Сен учун ҳам юардим шодон.  
Нечун пайдо булдинг қаршимда,  
Яна кабоб бўлсинми бу жон.  
Яна қўшиқ айтайми инграб,  
Яна андуҳ бўлсинми ишум?!  
Истамайман, фамимни тинглаб,  
Дўстларимниг маъюс бўлишин...  
Хайр энди, хайр дилрабо,  
Майли куйлай номингни айтиб,  
Катта йўлга чиққанман, аммо,  
Ул сўқмоқда бормасман қайтиб,  
Хайр энди, хайр, дилрабо.

1963

### ҚАЛАМ

Эркалангиз қаламни олиб,  
Ўпib қўйинг уни мулойим.  
Шўрлик ўзи яланғоч қолиб,  
Кийинтирап эгасин доим.

1963

\* \* \*

Жажки гұдак, сен туғылдинг, сен учун  
Кім беланчак ясаб турар шу дамда.  
Кімдір сенга учқур түлпор эгарлар,  
Кімдір сенга ҳасса йұнар шу дамда.

1963

\* \* \*

Бахт кутмасман үзгадан зиндор,  
Бирөвга бахт беролмасман әм,  
Сен баҳтимсан, демагил, дилдор,  
Бахт беролмас одамга одам.

Күряпсанми, гавжум бутоқдан  
Чирт узилиб түшди бир япроқ.  
Барглар йиғласа-да фироқдан,  
Күтқаролмас дүстини бироқ.

1963

## ПУШКИН

Шовуллайди, зангор дараҳтзор тунда,  
Япроқлар учида ой нури зарҳал.  
Осмон ва боғларнинг туаш сафида  
Кўринар таниш ҳайкал.  
Ажиб бир ўхшашлик, о, буюк шоир...  
У — сен, шеъриятнинг дилрабо қадди,  
Мангу яшилликнинг туғма улфати —  
У — сен!  
Тегрангда даврасин қурмишdir илҳом,  
Ажиб бир макон бу: — Шоир ва Илҳом!  
Ажиб бир макон бу, тингла, эй гений,  
Табиатнинг мангу ёш қўшиқчиси  
Сенмасмидинг ахир, безаган уни...  
Тилсиз табиатнинг тил укувчиси!  
Сенмасмидинг ахир, дардли ўйларин  
Сўққабош чинор-ла баҳам кўрган жон  
Ва сўлим Тригорское боғларин ўпган  
Озодликка чанқоқ, куйчи қаҳрамон!  
Кузни севардинг-ку, ажиб тафовут:  
Тегрангда шивирлар маъсума баҳор.  
Япроқлар ўзлигин этибди унут,  
Сакрашар, шовуллар, куйлайди бедор.  
Кузни севардинг-ку, ҳолбуки, баҳор...  
Кузни севардинг-ку, дердинг-ку ўзинг:  
“Недир топар ундан ўжар хаёллар”.  
Йўқ, йўқ, дардли шоир, порлоқ юлдузни  
Айт-чи, ким ғамли деб айта оларкан,  
Боқгувчи кўзда ғам бўлмаса агар!  
Сил бўлган гўзалга ўхшармиди куз,  
Қалбингда баҳордан ғам бўлмаса гар,  
О, буюк шоир!..  
Сўйла-чи, сен кимга бергандинг озор,  
Сен учун баҳорни қора этдилар.

Хор-зорларга ачинмоққа чақырган  
Эзгу юрагингни пора этдилар.  
Сүйла-чи, сен кимга бергандинг озор...  
Тожу тахт қусури, қону адоват,  
Фийбату кин, гараз бижғиб сасиган —  
Замонға абадий лаънатлар бўлсин!  
Эзгулик куйчисин ўққа туттан у  
Олифта Дантеснинг қиёфасида!..  
Сен қуладинг, шоир ўзга йўл йўқди,  
Қаддингни тиклашга истаб бир замон:  
“Бош устимда қушлар, сайрасин, дўстим,  
Мангулик чиройда яшнаб беармон...”  
Баҳорни васият этдинг ул замон...  
Қонун каби пучдир ӯлимнинг кучи  
Ўзидан юксакроқ одамлар учун.  
Қаҳқаҳа ур, шоир, тирик нафасинг!  
Ўлганлар устидан қаҳ-қаҳ ур, бу кун.  
Ўчгандир зулматнинг заққумли саси  
Ва ул жаллод замон биттан абадий.  
Қаҳқаҳа ур, шоир!..  
Шовуллайди тинсиз дараҳтзор тунда,  
Планетарийнинг зангор гумбази зарҳал.  
Шовулла, дараҳтзор, ой ёлқинида  
Товланган ҳайкал —  
Буюк одам эди, баҳодир қалбли,  
Күшиқчинг эди у, эй тирик олам!  
Шовқин сол, шовқинлар сол, мажнун дараҳтим,  
Шовуллайвер тинсиз, дараҳтзоргинам!  
Бир вақтлар у қушиқ куйларди сенга,  
Энди-чи, навбати — тинглайди сендан...

1963



## ОНАМГА ХАТ

Қайтгим келди, онам, ёнингта,  
Юрагимда исмисиз дардлар.  
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,  
Ташқарида хазонрез боғлар,  
Ёмғирнинг жим хониш қилиши...  
Бариси ҳам нечундир бу дам  
Туширмоқда сени ёдимга...  
Қайтгим келди, онам, ёнингта.  
Юрагимни очиб гапирсам,  
Кам-кам бўлар менда бундай ҳол.  
Шодмон юрсам, менинг ёдимга  
Сен тушмайсан ростдан, онажон.  
Ногаҳоний бундай ҳолда-чи,  
Шундай кўргим келади сени.  
Айтсан сенга бор гапларимни,  
Орзуларим, ҳасратларимни  
Йиғлаб, кулиб айтгим келар, ҳа,  
Одамларнинг қадру қимматин  
Англамаймиз бирга бўлганда.  
Аммо ногоҳ узоқча тушсак,  
Ё танҳолик ҳасратин чексак,  
Баъзан шундок,  
Одам зотининг  
Тирнофига зор бўламиз, ҳа!  
Тушунмайман бул ҳақиқатни,  
Сен-ку, ахир онасан, она...  
Онам, ранжимагил хатимдан,  
Мен ростини ёздим, шод дамим  
Сен тушмайсан асло эсимга.  
Аммо ҳаёт ӯзи, биламан,  
Солар сени ёдимга бот-бот.  
Яъни, бошимизни доим ҳам  
Она булиб силамас ҳаёт.

1963

## СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ

Уйғонгувчи боғларни кездим,  
Топай дедим қирдан изингни.  
Ёноғингдан ранг олган дедим —  
Лолазорга бурдим юзимни,  
Учратмадим аммо ўзингни,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узокъларда залворли тоғлар  
Хаёлимни келдилар босиб.  
Кечди қанча интизор чоғлар,  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам фариб,  
— Сен баҳорни соғинмадингми? .

Ўнгирларда сакрайди оху,  
Нъматакда саъва миттижон.  
Қорликлардан сипқарилган сув,  
Дараларда уради жавлон.  
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,  
— Сен баҳорни соғинмадингми? .

Мана, бутун наврӯзи олам,  
Дўстларимга гуллар тутарман.  
Қайлардасан, севгили эркам...  
Қўлимда гул, сени кутарман,  
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

1963

Мен күвонар бўлсам — сен сабаб,  
 Ўйга толар бўлсам — сен сабаб.  
 Мен ўлишни истамасман, йўқ,  
 Ногоҳ ӯлар бўлсам — сен сабаб.

*1963*

### **БУЛОҚ**

Кутлуг бир саҳарда кўз очди булоқ,  
 Йўл солди дарёлар сари адашиб.  
 Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоқ  
 Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.  
 Одамлар, тегмангиз, майли тошсин у,  
 Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида.  
 Кўйинг, ўз йўлини ўзи топсин у,  
 Завқданолсин у ҳам кураш сўнгидা.

*1963*

### **ГИЁХ**

Улувор бир қудрат билан  
 Чайқалади чўнг денгиз.  
 Қанча оғир харсанг тошлар  
 Тубда унга чўккан тиз.  
 Аммо мўъжаз, нозик гиёҳ  
 Ўша тубсиз ўлкада.  
 Кўкка ўсар, ҳа, денгизни  
 Кўтарганча елкада!

*1963*

\* \* \*

Жұнар бұлдим мен бундан дилтант,  
Йұлларимга қараб қолдинг сен,  
Сочгинангни тараб қолдинг сен,  
О, биламан, баджағұл отанг,  
Остонанғта йұлатмас мени,  
Ишонмайди сен севган ёрга.  
Узоктарға жұнатмас сени,  
Кетар бұлсак иккимиз бирга.  
Билагузук тақибди отанг  
Құлгинаңғи боялаб бир йұла.  
Билагузук, бандинг узилсин,  
Ёр күлини қысғандан күра.  
Сен дедингки: “Бұлсайдим юлдуз,  
Осмонлардан боқсам-да сизга,  
Тушишга йўл топардим, эсиз,  
Отам оқ йўл берсайди бизга...”  
Тўхта, етар, бир кун отангнинг  
Хузурига қайтиб келармиз.  
Кечир, — дермиз, етмаса, агар,  
Учта бўлиб узр сўрармиз.  
Бизни ҳеч ким айб этмас, дўстим,  
Фамгин бўлмас биздан хотира.  
Севгисидан баҳт топғанларнинг  
Бўлғанми ҳеч номлари қора?..

1963

## КУРСДОШЛАРИМГА

Тақдир тұлармикан сизларни яна,  
Күзимдан саңраган томчи ёшларим...  
Жудолик кутмоқда бизни ҳам, мана,  
Тенгқур жұраларим, эй курсдошларим.  
Ким қайға шошилар... Не кутар бизни?  
Ва қайта тұланиш бұларми? Қачон?!  
Яшнаган базмлар қолди-ку бари,  
Қолди тотув беш йил үтмишда бу он.  
Қандай эсланаркан бу йиллар, дүстлар,  
Еки унут бұлар кимга әхтимол...  
Барибир даврамиз тарқалар энди,  
Хар ён сочилармиз тарықлар мисол.  
Хар ён сочилармиз, аммо шу зайлі  
Англармиз дүстликкінг қадрини илк бор.  
Дүстларим, дүстларим, қайда бұлмайлық  
Муқаддас дүстликка тушмасин губор.  
Бизни туташтирган нозик ҳисларнинг  
Барчаси ҳар қайда сақлансын омон.  
Дүстларим, дүстларим, қайда бұлмайлық  
Пок бұлсиян қалбимиз, пок бұлсиян виждон.  
Үргатмоқ, эмас-ку үзгага ақл,  
Тилак тиіллар бу дам дүстларга дүстлар;  
Дүстларим, не учун дунёга келдик,  
О, агар ниятлар унут бұлса, гар —  
Бугунги ақлға сал губор тушса,  
Ортиқ мағрур этса шон-шұхрат кимни,  
Кимнинг орзу эттан куни келганды  
Ҳасад чулғар бұлса үзга бир кимни..,  
Кимдан оналари рози бұлмаса,  
Гар рози бұлмаса кимданки Ватан,  
Қайта учрашмайлық у ҳолда рости,  
Майлиға, келмасин үндай бадбаҳт дам.  
Дүстларим, дүстларим, келинг жипсроқ,  
Гуркирасин дүстлик номи-ла қасам...  
Бор бұлсиян яхшилик, соғ юрак, ақл,  
Бизга илм берган Дорилфунун ҳам!

1963 ишіл, июнь

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Йүқ керакмас, қўйинг, керакмас,  
Менга ором истаманг, дўстлар.  
Хилват соз деб қистамант, дўстлар,  
Кўйинг, бундай ором керакмас.  
Ногаонда хаёлга ботсам,  
Ё ухласам, уйғотинг дарров,  
Номим туғиб, сўз қотинг дарров.  
Беҳудага бир ёққа борсам,  
Қўлларимдан ушлаб ўшал дам  
Курашларнинг сафига қўшинг,  
Кур, ярат денг,  
Ҳайқир денг, жўш денг,  
Шундай яшар одатда одам.

1964

## МИЛТИРАЙДИ МИТТИ ЮЛДУЗ

Кўк гумабазин бир четида  
Бўшлиқларга уриб бош,  
Милтирайди митти юлдуз,  
Танқоликдан тўкиб ёш.  
Атрофида на бир юлдуз  
На булут бор, на туман.  
Юлдузларга термулиб у  
Титраб турар шамсимон.  
Эҳ, бечора, яшаш нечун,  
Порламасант, кулмасант.  
Ўз тўдангдан нега учдинг,  
Қайтиш йўлин билмасант?!

1964

## БУРГУТ

Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор  
Кумуш булутларнинг тўзғитиб парин.  
Учмоқда, қалбида мағур ишонч бор,  
Қақшаган қоялар, чўққилар сари  
Учмоқда! Қаерга? Чўққига! Нечун?  
Бургутнинг шиддатин уйғотган нима?  
Бўронли даргоҳда не кутар уни,  
Кудратли қанотин қўзғатган нима?  
Ўйноқи шамоллар ила басма-бас  
Ана, қўнди бургут энг юксак жойга!  
Чўққи узра турди-ю бирпас  
Яна бўрон мисол қўзғалди. Қайга?  
Ахир, не бўларди берсанг, табиат,  
Шу буюк шиддатта яраша мақсад!

1964

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб түтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни,  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.  
Аслида дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки қўёшими севгимга сабаб?  
Ахир қўёшли-ку бутун Осиё.  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,  
Нечун ардоқларкан тупроғини мен  
Ўпаман: “Тупроғинг бебаҳо, Ватан...”  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,  
О, Қашғар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!  
Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиласман она халқимга:  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангубузликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Мехрим бермасмидим ўша музларга?  
Ватанлар,  
Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангубузлик музда ҳам, аммо  
Юргим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

1964

## АЛЬБОМГА


Үз қалбини дағын этди шунда.

Байрон.

Юзлаб шоир ётган қабристон аро  
Күммоқдаман мен ҳам қалбимни.  
Юзлаб мозор ичра адашмай асло  
Топа олгин менинг қабримни.  
Мана, гулга чұмид әтибди Байрон,  
Фаҳрланиб лордлиги учун.  
Сен мени унутиб құймагин аммо  
Гунохим — ҳаваскор, мұртлигим учун...  
Рейн бүйларидан Гейне ҳам шунда,  
Гүзәл Лорелей тинглар сирини.  
Бир құли инқилоб ноғорасида,  
Амалия томон чўзган бирини.  
Юзлаб шоир ётар бунда, бари ҳам  
Жанглар майдонида жангдан сўзлаган.  
Нечун сенга келганда, альбом,  
Ҳар ким ўз дардини айтиб бўзлаган?!  
Буюк жангчилар ҳам варагинг очиб,  
Аламлар шарҳидан ўтмади асло.  
Альбом, альбом, жанглар даъватига сен  
Наҳот беролмасдинг бир акси садо?!  
Юзлаб шоир ётган шу альбом ичра  
Мен ҳам қалбим учун қабр қазаман.  
Ҳали из тушмаган оппоқ варакқа  
Мен ҳам ўз дардимни ёзаман.  
Аммо кеча кўрган тушимни эмас,  
Хур Ватан сўзини ёзаман, ўртоқ!  
Зотан, юрт ҳурлиги ўзи мен учун  
Барча шахсий ишдан кура шахсийроқ!  
Ким менга афтини бужмайтди шу зум,  
Ким менга панадан эълон қилди жанг?!  
Гар шу асрда ҳам хур Ватан ишин  
Ўз ишимдир, дея қабул этмасанг.  
Тан олмасанг агар миллионлар дардин,  
Уни альбомингга ёзмасанг агар,

Майлига, күзларинг күр бўла қолсин,  
Майли, қулоқларинг бўлиб қолсин кар.  
Кўзларингни очгин, қара дунёга,  
Дўстим, ҳақиқатни ҳис эт бир замон.  
Сен учун, мен учун жангда мардона  
Миллион-миллион одам тўккан эди қон.  
Тарих бизлар учун жангта кирганда  
Нима керак яшаш ўргимчак мисол.  
Озодлик, йўлингта ёв бўлганларга  
Найзадай санчил-у, тезроқ бўла қол...  
Ҳуррият шундайин эзгу сўздирким,  
Унинг замирида энг олий қисмат...  
Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон,  
Унда мен истаган синмас ҳақиқат!  
Ҳур Ватан сўзини ёздим альбомга,  
Сен унга боқмагин бир эрмаксимон.  
Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам  
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!

1964



## **“МУНОЖОТ”НИ ТИНГЛАБ...**


Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг,  
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг,  
Нечун керак бұлди сенга күз ёшим,  
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам.  
Эшилиб, тұлғаниб ингранади күй,  
Қайлардан туғилмиш бу оху фарёд.  
Ким у йиглаёттан? Навоиймикин  
Ва ё май күйчиси Хайёммикин, дод!  
Етар, эй өлтірүчі, бас қыл созингни,  
Бас, етар, құксимга урмагил ханжар.  
Нақотки дунёда шунча ғам бордир!  
Агар шу муножот рост бўлса агар,  
Агар алдамаса шу совуқ симлар,  
Гар шул әшиттаним бўлмаса рўё,  
Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,  
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!..  
Эшилиб, тұлғаниб ингранади күй,  
Асрлар ғамини сўйлар муножот.  
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига  
Қандай чидай олган экан одамзод!

**1964**

\* \* \*

Бола эдим,  
Менинг озроқ  
Бўлар эди ваҳима “дардим”.  
Гулдираса ногоҳ момақалдироқ  
Онамнинг бағрига яширинардим.  
Бовлиқ эшар эдим бир кун пичанда,  
Ҳамла қилиб қолди чинқироқ илон.  
Серкесак шудгорга қочдим ўшанда,  
Онамнинг бағрига шошганимсимон,  
Ўша йиллар эди, қишлоқ кӯчасида  
Қувлаганди мени бир ит қутуриб.  
Ўшанда осилиб чинор шохчасига  
Қутурган итдан ҳам қолдим қутулиб.  
Майли, дейман бутун бурон турса ҳам,  
Майли, даҳшатларга тўлса ҳам дунё.  
Балки фазоларнинг қўйнида бир дам  
Бекина олурман улардан, аммо  
Гар гуноҳ ортиурсанг ўзингта оғир,  
Виждон азобида қоврилсанг бот-бот.  
Ҳайҳот! Кимга бориб дод дейсан, ахир,  
Қайга бекинасан ўзингдан, ҳайҳот!

1964



## АСРИМИЗ ОДАМИ

Менинг күз үнгимда жонланар тарих,  
Фамлардан тұқылған шу күұна олам.  
Асрлар бирма-бир үтар ва ахир  
Юксалар қаршымда эңг баҳтли одам.  
Юксалар-у, шу дам чопар, уринар,  
Талпинар қайгадир билмасдан тиним.  
Бахтининг ёнида ғами күринар,  
Ғами күринади баҳтида унинг.  
Билагида гарчанд етарли кучи,  
Бойлик әргашса-да гарчанд ортидан,  
Унинг чехрасида ташвиш бор, нечун?  
Нечун у айрылмиш ҳаловатидан?  
Гоҳ бемор бошида жарроҳ бўлиб у  
“Тақдир иазал”га курсатса кучин.  
Гоҳо бир довюрак сайёх бўлиб у  
Совуқ Арктикага уради тўшин.  
Дам оғир хаёлга бўлур занжирбанд,  
Дам қушиқ тўқииди у ёна-ёна.  
Интилар юлдузлар туманига дам,  
Дам ойнинг ёнида бўлар парвона.  
У нима истайди? Шону шавкатми?  
Юлдузлардан баланд, кундан пурзиё.  
У нима истайди? Тенгсиз кудратми,  
Оёғи остида ётсинми дунё?!

У нима истайди? Балки истаги  
Унинг теграсида айлансын олам?  
О, дўстим, саволнинг йўқдир кераги,  
У истайди бунинг ҳаммасини ҳам!  
Одамлар ўтдилар бир вақт, бир замон,  
Ўтдилар эңг оддий баҳтдан ҳам йироқ.  
Ягона орзуси эди парча нон,  
Эңг буюк армони — озод яшамоқ!  
Одамлар ўтдилар бир вақт, бир замон,  
Ҳа, яшаб ўтдилар, энди-чи, мана:  
Ўзи банди бўлган олам устидан  
Ҳоким бўлмоқни у истар ягона!

1964

## БУЛУТ

Тиниқ күл бағридан парча оқ булуут  
Сузиб чиқди бир вақт мовий осмонга.  
Шамол қанотида йүл олди хушнуд  
Ошёнидан узоқ-узоқ томонга...  
Қайларга шошарди?! Билмас эди у  
Ошиб үтди чүллар, тоғлардан йироқ  
Ва бир күн кезишлар жонга тегди-ю,  
Қайтмоқ бүлди шунда ортига, бироқ,  
Бироқ... йүл бермади шамоллар ҳайдаб,  
Йиғлаб битди булуут, сел бүлди күз ёш.  
Сұңг ирмоқ бүлди-ю, билмайды, қайда...  
Маконин ахтариб олиб кетди бош.


1964

## ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ

Юргил, далаларга кетайлик, дўстим,  
Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.  
Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун  
Бир пари фаслнинг оғушида масти.  
Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,  
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.  
Куёшнинг эринчоқ ёғдуарида  
Нафис ялтирайди барги ҳазонлар.  
Ҳар ёнда тўкинлик...  
Куздан нишона...  
Ҳар ёнда гўзалик ёймиш дафтариң.  
Сонсиз эгатларга сочилимиш, ана,  
Менинг шодликларим, эзгу дардларим, —  
Менинг она ҳалқим...  
Эй қадим, ҳалол,  
Ризқи она ерга сепилган ҳалқим,  
Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол,  
Миллион эгатларга эгилган ҳалқим!  
Бир нафас бошингни кўтаргин-у, боқ  
Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз.  
Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувноқ  
Хушфөъл бўлиб келмиш тупроғингта куз.  
Улуғ Алишернинг соч оқин кўриб,  
Оғир хаёлларга чўмган бу фасл,  
Қайрагоч ёнида ғамгин ўтириб,  
Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл,  
Азалий кўркини қиласди кўз-кўз...  
Наҳотки шунча тез айланар дунё?!  
Бахтли кексаликни ёдга солар куз.  
Сокин хилватларга чорлайди, аммо,  
Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибоғ,  
Хилватда ўй суриш ярашмас бугун.  
Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?!

Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.  
Улуг мөхнат кезар шан далаларда,  
Хар ёнда ҳоким бир ташвишли илҳом.  
Қуёш бота бошлар ... гавжум қирларга  
Қорая-қорая тұшалар оқшом.  
Эх, кузги оқшомлар...  
Дилимда менинг  
Теран түйғуларим құзгалар жүшиб.  
Құзгалар-у, шу дам қалбимдан секин  
Тұқыла бошлайди ойдин бир қүшик.

1964



Йұлым бошлар,  
 Кетарман бир күн  
 Сендан йироқ, үзға томонга.  
 Уй ёнидан ўтаркан, секин  
 Күз ташларсан бүм-бүш маконга.  
 Балки у күн курсида якка  
 Турган бұлар үзға бир одам.  
 Балки у ҳам ётиб түшакка,  
 Хаёл сурар эхтимол у дам.  
 Балки уни ўжшатиб менга,  
 Қақырарсан номимни айтиб.  
 Ишонмассан балки құзингіта,  
 Балки сұнгра боқмассан қайтиб.  
 Ірілмаган ярадай севги  
 Үңда бизни қийнамас тұлиб.  
 Күчаларда, ёр әмас, энди  
 Түқнашамиз бегона бўлиб;  
 Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг,  
 Наҳот бўлмас бирор хотирот?  
 Ишонмайман, муҳаббатдан сўнг  
 Бегоналик бошланса наҳот?!

1964

\* \* \*

Сен Пушкиннинг севган малаги,  
Сен Гёте орзу этган қиз.  
Сен Байроннинг ўтли юраги,  
Сен Гейнени ёндириган юлдуз.  
Алишернинг Гулисисан сен,  
Сен Лутфийнинг сўлим фазали.  
Булбулисан Ҳофиз гулшанин  
Ва Ҳайёмнинг ширин асали,  
Толеимда нозланиб турган  
Эй сен, менинг эрка гўзалим!

1964

\* \* \*

Юлдузлар ўтига бардош берурман,  
Фазолар тафтига қилурман тоқат.  
Ёнингта соғ-омон қайтиб келурман,  
Оташ нигоҳингда ёнгали фақат.  
Тўлқинлар қутурсин майли, беомон,  
Менинг қисматимни кўмолмагай у.  
Барибир ёнингта қайтаман омон,  
Мовий кўзларинга чўмгали мангу.

1964

У қүшиқ күйлади ёр шаънига масть,  
 Шұхчан шеърлар айтди севги номидан.  
 Ҳаммани күлдирди, қыз эса фақат  
 Бепарво жилмайиб үтди ёнидан.

У қүшиқ күйлади ёр шаънига масть,  
 Йиғлаб, фарёд чекди севги номидан.  
 Ҳаммани йиғлатди, қыз эса фақат  
 Бепарво жилмайиб үтди ёнидан.

У қүшиқ күйлади ёр шаънига масть,  
 На күлди, на қатра түқди ёшини.  
 У күйлади мағрур, қыз бўлса шу вақт  
 Ҳузурига келди эгиб бошини.

1964

\* \* \*

(“Соя” даралатик достонидан)

Уни курсам, қора қуюн қоплар дилимни,  
Шунда кимдир йигит номим масхара этар.  
Аlam билан мен қолгандай тишлиб тилимни  
Феруза ёт,  
Феруза ёт?!

Даҳшат нақадар!

Күз олдимда турибсан-ку, Ферузам, шу зум  
Қайси бир куч ололаркан сени құлимдан!  
Токи танда жоним борким, очиқдир құзим,  
Қайси бир куч ажратолар толе гулимдан.  
О, агар сен-чи?  
Мамнун бўлиб боқсанг-чи сен үшал тақдирга?!

Унда, наҳот, teng этсанг-а эр номимни қора бир ерга?!

Нега гавҳар бўлмадинг сен ва ё чақмоқ тош,  
Қўлларимга туғиб юрсам кеча-ю кундуз.  
Нега севгим айламаган сени бир гултоҷ?!

Бошгинамга қўйиб юрсам кечаю кундуз.  
Нега бир тош бўлмагансан, сени авайлаб,  
Тил остимга солиб юрсам жонимга жойлаб,  
Нега бир тош бўлмагансан?!

1964

## КУЗ МАНЗАРАСИ

Кечки кузак кирмокда, нина сочар изгирин,  
Деңқон ҳам ташлаб кетди қадрдон дала-қирин.

Хувиллаб қолди, мана, гавжум боғлар, боғчалар,  
Яшил элларга томон учиди күшчалар.

Кетди қирдан турна ҳам, бүшаб қолди табиат,  
Үлкік мезонлар кезар совуқ далада фақат...

1964

\* \* \*

Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,  
Эсга тушар дорнинг сиёғи;  
Ажаб ҳикмат, одам ўларкан  
Узилганда... ердан оёғи.

1964

\* \* \*

Қуй, дүстим, тилларанг шаробдан менга,  
Қүйгин, шонли улфат күрсатсан кучин.  
Ичай, отагинам деңден ҳаққига,  
Жавдар хирмонининг соғлиги учун!  
Ортиқ ҳеч бир нима менга керакмас,  
Бошимда нур сочиб турса бас офтоб.  
Ўша заҳматкашим омон бўлса бас,  
Куиилиб турса бас ғазал ва шароб.

1964

\* \* \*

(*Манзара*)

Булут тощди,  
Водий осмонини  
Қоплаб олди хира кўланка.  
Ел овора,  
Намхуш ҳазонни  
Учиролмай боғдан йўлакка.  
Новдалари бирдан қотгандай  
Кўринади сукутда толзор.  
Гўё ниманидир кутгандай  
Булутлар ҳам ювощ, беозор...

1964

\* \* \*

- Нега мени севмадинг?
- Күзгинанг юлдуз учун.
- Нега мени демадинг?
- Қошгинанг қундуз учун

Юлдузи йүкқа боқай,  
Юлдузим талош бұлур.  
Кундузи йүкқа боқай,  
Кундузим талош бўлур...

.....  
.....

1964

## I

Келингиз, дүстларим, келинг, бир нафас  
 Сұзлашиб олайлик очық, юзма-юз.  
 У йироқ истиқбол мавзумиздир, бас,  
 Демакким, истиқбол борасида сүз.  
 Келингиз, дүстларим, келинг, бир нафас  
 Шу күхна дафтарни очайлик яна.  
 Эриш туолмасин ташбиҳларим, бас,  
 Ҳозир дабдурустдан дейманки: ана, —  
 Мамонтлар тұдаси чиқди үрмондан,  
 Шимол құчкініңдай ваҳшій ва сармаст  
 Ва лекин ваҳшійроқ тұда ҳар ёндан  
 Бостириб келдилар гурас ва гурас.  
 Яна тұқнаш келди инсон ва ҳайвон,  
 Яна ҳаёт учун жанг кетди узоқ.  
 Яна голиб келди ваҳшій оломон,  
 Яна шүрлик мамонт енгилди, бироқ  
 Үша күн бузилди азалий удум,  
 Уни инсон ўзи бузиб ташлади.  
 Қундузғи ошкора үғрилардай у  
 Үлжасин уй-уйга торта бошлади.  
 Бизнинг бошимизни боғлаган зулмат,  
 Нотиқлар тутақиб сұккан зулм, қон,  
 Дунёдаги неки ёмөнлик, кулфат,  
 Барчаси бошланған эди үша он...  
 Йўқ, ҳавас қымайман маймунга ҳечам,  
 Иштонсиз аждодни қўмсамоқ нега?  
 Аммо үлжасини талашган одам  
 Йўлдан адашгандай кўринар менга.  
 Мен бир тажрибасиз, фур йигит, нечун  
 Адашдинг деяпман дунёга, ҳайҳот.  
 Абдулла, ханжарни ўзингга ургин,  
 Сен ўзинг адашмай ўсдингми, наҳот?!  
 Ҳа, ёшлиқда мен ҳам бир оз адашдим,  
 Қотил бўлганим йўқ, аммо ҳар қалай...

Дунё ҳам бир вақтлар мамонт талашиб,  
Адашиб кетганди йўлидан мендай.  
У шўрлик илк бора ўрмонга қочди,  
Қулдорнинг калтаги қонатди бурнин,  
Спартак бўлиб сўнг ҳаққин талашибди,  
Зевс сиймосида ахтарди ўрнин.  
Мангу экзотика — Римни у қурди,  
Бироқ тиёлмади кўзда ёшини:  
Юрагига Цезарь наизасин урди,  
Чингизхон чўқмори ёрди бошини.  
Асрлар шундайин тентиб ўтдилар,  
Ер узра ҳукмрон ғам бўлди фақат!  
Кимларки яхшилик донин экдилар —  
Ёмон деб ном олди ўзи оқибат!  
Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу,  
Наҳотки одамзод қилингандир оқ?!  
Наҳот ўша Фрейд ҳақ бўлса, ёху,  
Наҳот қотил бўлса ўсиб чақалоқ?!  
Одамлар бир замон энг буюк маъни —  
Ёшлик софлигига қўйганлар сарҳад.  
Ёшлик софлигига ким қайтмас, қани,  
Адашган йўлидан ким қайтса, шу мард!  
Ер юзида кечган зулмату ваҳшат  
Чекинар-ку охир чириб ва қариб.  
Фақат У истиқбол — ул эзгу ният  
Инсонга софлигин берар қайтариб.  
...Ўжар муҳолифлар, сал пастта тушинг,  
Оғирроқ бўлинг сал, сиз ҳам, жўралар.  
Эй, нозик ўкувчим, учмасин ҳушинг,  
Буюк мақсад сари етса мисралар.  
Фарёд солманг тағин, қизил гап, дея,  
Элга фарзанд инсон элнинг гапин дер.  
Сизга бир жуфт савол айлайин ҳадя:  
Мавзуда нима айб, фализ бўлса шеър?  
Осон қутуламиз мавзудан баъзан,  
Хаспўшлаб ўтамиз, урра-урралаб.  
Сўнгра дод соламиз: — Фалону пистон,  
Кулокқа ёқмайди деймиз — ўша гап.  
Холбуки, ўзимиз ахтарган баҳтлар,  
Бўғзимизда турган ҳар эзгу армон —  
Барчаси бир сўзда жамланди, агар  
Ёқмаса топингиз бошқа бирор ном!

Ха, мен истиқболни күйлайман, балли,  
Унда халқ йўлига туташар йўлим.  
Бироқ урраларни севмайман ҳали,  
Урра демоқликка қисиқдир тилим!  
Баъзи одамларни кўрсатиб ҳали  
Қийиндири соф инсон, дея атамоқ.  
Гарчи инсон зоти бўлолмас пари,  
Бироқ ҳали бордир шайтонга ўртоқ.  
Қора булат ёғмай кетса-да магар,  
Тиниқ қўзгуларга тушаб ўтар нам.  
Ҳали осмонларда булутлар учрар,  
Ҳали найзалар бор, баъзан менга ҳам  
Шундайин тиканлар санчилар гоҳо...  
Шунда ҳамдард бўлар ширин меҳнатим.  
Дўстлар даврасидан кетаман ҳатто,  
Олис юлдузларга кучар хилқатим.  
...Юлдузлар, юлдузлар, сиз менинг учун  
Софлик ва маъсумлик бўлиб ёндингиз.  
Борим шудир, дея жовдираб секин  
Оқ кўнгил фарзандим бўлиб қолдингиз.  
Йўқ! Йўқ! Мен сизларга термулиб бедор  
Фалак сафарини ўйлаганим йўқ.  
Юлдузлар, мен сизга боққанда хумор,  
Қалбимда ер ишқи бўлади тўлик.  
Юлдузлар, билмайсиз менинг халқимни,  
Бундайин заҳматкаш ер юзида кам.  
Елда тиним бордир, унда йўқ тиним,  
Шундай ишпарастдир у мунистигинаам.  
Мен уни ўйлайман тун-кечаларда,  
Она халқим, дейман, меҳрим оқар жим.  
Кўзимга баъзида кўринса жанда  
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман, халқим...  
Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,  
Пиширдинг ўзингта бенасиб таом.  
Кийгиздинг бирорга, ўзинг киймадинг,  
Юлдузни кашф этиб ном олдинг — авом!  
Ўтганга ачинмоқ одатим йўқдир,  
Бехуда мотамлар теккандир жонга  
Ва лекин тош отмай иложим йўқдир  
Фурқатни бадарға этган замонга.  
Мени кечирингиз, оддий одамлар,  
Сизни эсга солар ҳар машъум тақдир.

Орангизда ўтди қанча фурқатлар,  
Безгакка чалинди қанча Алишер!  
Ер юзида кезган зулмату ваҳшат  
Чекинар-ку ахир, пок бўлар дунё!  
Фақат У истиқбол — ул эзгу ният  
Халқимга бахтини айлар ҳадя.

## II

Мезонлар учмоқда, ҳаво билтурдан...  
Яна ҳисларимга кел, деб ёлбордим.  
Хазонлар тўкилди, мен ҳам қалбимдан  
Бадбин ўйларимни қувлаб юбордим.  
Ажойиб фасл бу: ўйчан, баркамол —  
Қиздай маъюсгина туради куйлаб.  
Мен кузни севаман, кезаркан хушҳол  
Олтин Ўзбекистон тупроғи бўйлаб.  
Бўғзимга ҳисларим тиқилар яна,  
Танҳо тентирайман, билмайман, нечун.  
Куйлагим келади, тунлар жимгина,  
Гулгун шафақларнинг соғлиги учун.  
Кумушранг йўлларда от суриб юрсам,  
Шимирам шабнамдан, куйласам сармаст.  
Сўнгсиз водийларга термулиб турсам,  
Бепарво охуда кўзғазам ҳавас.  
Аммо кечалар мен кессан-да бедор,  
Охулар қўйнимга кирса-да қиздек,  
Менинг нигоҳимни тортади такрор,  
Миллион эгатларга сочиған ўзбек.  
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам  
Ва лекин дилимда ташвиш бор менинг.  
Майлига, шўх қўшиқ янграсин тилда,  
Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени.  
Кузги райхондайин маъюс ўсдинг сен,  
Табиат бермади билагингта куч.  
Ўзингдай одамга қаллиқ тушдинг сен,  
На соғлиқ, на ёрдан ялчимадинг ҳеч.  
Мен сени ўйласам, синглим — рангпарим,  
Гоҳо тўғонаман сўзсиз, ҳасратда.  
Сен унда тер тўксанг, синглим, жигарим,  
Мен нечун юраман ахир ишратда?!

Йұқ, рангпар бўлмасин ҳеч ким ҳам, йұқ, йұқ!  
Сингиллар полвондай юрсингилар бардам.

Ва лекин табиат бермайди ҳуқуқ  
Полвон деб уларни унутмоққа ҳам...  
Сенинг қаторингда она халқ бордир:  
Сен каби меҳнаткаш, сен каби суюк.  
Унинг ташвишини унутмоқ ордир,  
Уни унугтандар — тұнқадир, куюк.  
Сингилга — халқимга боқсам доимо  
Улуғ келажакни айладим орзу.

Дедим: Истиқболдан баҳт топар дунё.  
Дедилар: гүдагим, түғри йүлинг шу.  
Құлымдан тұғди-ю, шу улуғ имон,  
Менинг ҳам күнглимда жүшди тилагим,  
Аммо баъзиларга дуч келсам бир он  
Аччиқ изтиробга тұлар юрагим.

Рост-да, бирөвлөрни этади шайдо,  
Үз айби турганда үзға бир чирой.  
Кулғу аримасин лаблардан, аммо —  
Тақдир әркалатди бизни ҳар қалай...  
Сокин кечаларда келар ёдимга  
Қанчалаб жувонмарг йигит қисмати.  
Дейман, қани ёнса авлод қонида  
Үша оталарнинг буюк шиддати.

Худбин тенгдошимга қарайман ғамгин,  
Күлмак давра күрсам ээзилар күнглим.  
Халқим, келажагинг үшалармикин,  
Халқим, шундайларга қолмасин кунинг.  
Мен үзим нимаман? Аслида, балким  
Эңг нұноқ одамдан нұноқман, фақат,  
Фақат бир нарсаны яширмас қалбим:  
Менинг юрагимда бордир Мұҳабbat!  
Сени, она халқим, севаман жондан,  
Сенинг ташвишингни ташвишим дейман.  
Нима қылолардим? Фойдам кам гарчанд,  
Бироқ мен үзимча ғамингни ейман.  
Дилдан қувонаман, қирларда пода —  
Яғрини ялтираб юрганин күрсам.  
Дилдан қувонаман, тошлоқ ерларда  
Бүгдейзор шовиилаб турганин күрсам.  
Суюниб кетаман мактаб боладай,

Сонсиз мүриларда күраркан тутун.  
Ана, таниш уйда доғ бўлмоқда мой,  
Шивирлайман: — Синглим, насибанг бутун!  
Куйлаб замондошнинг қадду камолин  
Эркиннинг шўх сози таратса жаранг,  
Дейман, У истиқбол — ул мунис толе  
Халқимга шўх қушиқ бермоқда, қаранг.  
Тўю тўйхонани кўрсам, ҳамма вақт  
Улуг замонага айтдим шукронга.  
Аммо инсон умри тўй эмас ҳар вақт,  
Олддадир ҳали энг гўзал замона.  
Истайман, қора ранг қолмаса жиндай,  
Истайман, ботмаса шу рангин қуёш.  
Аканинг сингилга ачинганидай  
Инсон инсон учун тўка олса ёш.  
Она ҳалқ баҳти деб ҳар вақт, ҳар қачон,  
Истайман, бир сафда турса одамлар.  
Сокин кечаларда қалбни ногаён  
Куршаб олганида шундай оҳанглар —  
Сизга талпинаман, одамлар, яна,  
Ўтмиш муҳаббатта талпингандай жон.  
Аммо баъзи маҳал қоламан якка  
Севгиси рад бўлган ёш Вертерсимон.  
Йўқол, эй бехуда мағрурлик ҳисси,  
Йўқол, эй бехуда самовий дамлар.  
Ўзимни сизлардан ажратсан, сўзсиз  
Таважжуҳ этмангиз дейман, одамлар!  
Дўстларим, мен сизга талпинган дамда  
Қалбимда бўлади ёлғиз бир раъим:  
Хиёнат бўлмаса дейман ҳеч кимда,  
Дўстларнинг имони бут бўлса доим.  
Дейдилар: дунёни кураш айлар бир,  
Инсон жанг-жадалда бўлар жуфтум тоқ.  
Ахир қон оқиши шартмикан, ахир,  
Бу кураш қайси бир жангдан осонроқ?!  
Деймизки, оламни буғдойзор боссин,  
Ер юзида фақат янграсин кулги.  
Ахир, буғдойзорнинг ўзи унмаским,  
Дилдан кула билиш осон эмас-ку.  
Ҳа, буюк жанг бу ҳам, қошида хомуш —  
Не ўжар одамлар бош эгмоқда жим.

Шу метин сафларни ким бузолур, хүш,  
Шу эзгу курашдан четда турар ким?!  
Қани, ҳей дүстларим, тинглангиз сүзим,  
Бир сүзким, оддийдир, ҳақиқатсимон.  
Дейманки: Истиқбол — тарихнинг үзи, —  
Келмоқда кимга дүст, кимга беомон.  
Хайқирияпман ҳозир... Баъзида лекин  
Заиф шамолларга бўйсунар созим.  
Юрагим, юрагим, миттисан-ку, сен,  
Хайқириш аслида сенгами лозим.  
Биламан, ортимдан кимдир ўқрайиб,  
Қараб ўтириби худди шу замон.  
Қани, ҳей, бу йўлдан бўлмасин тойиш,  
Қани, ҳей, Истиқбол, янгра беомон!  
Майлига созимни севмас давралар,  
Ошиқлар сатримдан чекмаслар фарёд.  
Менинг хаёлимни ҳозир етаклар  
Фақат Истиқболни эслатган ҳаёт.  
Ана, йўл четида борар қурилиш,  
Фишт терувчи йигит дорбоздай юарар.  
Отга қамчи урагер керосинфуруш,  
Бир кампир энгашиб кўча супуарар.  
Ана у таниш жой — анҳор қырғоги,  
Пивога кўп хумор талаба дўстим,  
Мен сенинг исмингни билмайман, соқий,  
Буюр мен учун ҳам майли бир жуфтин.  
Уларга боқаман, қалбимда ўқтин  
Бир хушнуд ҳиссиёт кутарап елкан.  
Ўзгаларнинг ғами йифлатса, нечун,  
Нечун иқболлари кувнатмас экан?!  
Ахир инсоф билан ўйласанг-ку, рост,  
Ўшалардир бугун соҳиби замон.  
Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан тили қисиқмас,  
Чегарадир фақат инсоф ва виждан.

\* \* \*

Қани, ҳей, дўстларим, ташланг бир қадам  
Шу эзгу Истиқбол ҳимоясига.  
Мен сизни кутаман, ушбу шеърим ҳам  
Ўшанда етади ниҳоясига!

1964

Кел, ёруғ эт, сенсиз бу хона  
Зулмат тұла қоронғи қафас.  
Сенсиз дунё үзи э... нима  
Хувиллаган вайрона-ку, бас,  
Кел, ёруғ эт, сенсиз бу хона.

Қизиғи йұқ менга яшашнинг  
Бу хилватда дүстүр ёронсиз.  
Ёргудайин қалбимни ғашлик.  
Ёрил, юрак, дүстүр ёронсиз  
Кимга қизиғи бор яшашнинг...


Эшигимдан үтган йұловчи  
Кетма, кетма, киргил уйимга...  
Хамдам бұлғыл фикрим-үйимга  
Келгил, майли, душман бұлсанғ-да...  
О, танқолик құрсын, кел, одам,  
Майли, ким бұлсанғ...

1964

## АЙРИЛИҚ ҚҰШИФИ

Асло айрилиқни күйламас эдим,  
Умрим ұтса дердим құшнуд, баҳтиёр.  
Фақат висолингни күйласам дердим,  
Не қилиб қўйдинг сен, бевафо дилдор.  
Не қилиб қўйдинг сен?! Алвидо демак  
Наҳот, шунча осон севган кўнгилга?!  
Хайр дейман мен ҳам ва лек ноилож,  
Сенинг хотирангни сақлаб мангуга.  
Хайр, — дейман мунгли... аммо биламан:  
Қалбимдан шириң күй күйларман яна.  
Дўстларим севгисин шан давраларда,  
Шўхчан висолларин күйларман яна.  
Шунда, эй хотирот, заҳар тилингни,  
Шириң дамларимга қўшмагин фақат.  
Бемаҳал уйғониб, йўқолган ишқим,  
Шодумон қалбимни буқмагин фақат.  
Заҳар қўшма фақат қўшиқларимга,  
Мен шириң қўшиқлар айтмоқ истайман.  
Кулгу ила мен ҳам шұх давралардан,  
Тотли хаёл ила қайтмоқ истайман...

1964



## ҚАСАМ ДАРА

Қасам дара гувиллайди масть,  
Гувиллайди туби йүқ макон.  
Күкдан унга күринар фақат  
Митти юлдуз ва парча осмон.  
Атрофидан қоқ қоя тошлар  
Журъат билан термулади лол.  
Бир күрай деб зина тараашлаб  
Қояларга тирмашар ҳилол.  
Бунда на қуш, на бир жонивор  
Ва на шамол күрсатар қора.  
Афсоналар сүйлайди такрор  
Менинг чанқоқ дилимга дара:  
— Ана, овчи, оху қувади,  
Учадилар тошлар аро тик.  
Қочқин оху тоққа құнади,  
Сүңг дарага сакрайди шүрлик!  
Қасам дара — даралар шери  
Үлжа кутиб увларкан пастда,  
— Ҳайт, — дейди-ю (о, сен, ов меҳри)  
Ташланади овчи ҳам пастта.  
Ботирини сақлайди омон  
Тасодифға тұла бу дунә.  
Овчи овин айлар саранжом,  
Овулига өзгеланар, аммо,  
Аммо бирдан қотади караҳт...  
Асир этмиш уни бу макон.  
Атрофига тошлар-у, фақат  
Тепасида юлдуз ва осмон.  
Алвоңларин ёйиб уфқа  
Чиққунича зар кокил қүёш,  
Шүрлик овчи интилар күкка,  
Сүңг иложсиз түкар юм-юм ёш.  
Ботирини ахтариб шу зум  
Келар ёри, овулдошлари.

— Айтинг, ота, не қилмоқ лозим?! —  
Кекса чолга юзланар бари.  
— Болаларим, ов меҳри уни  
Туширибди дарага осон,  
Аёл меҳри, ёр меҳри, кўринг,  
Олиб чиқар жардан бегумон.  
Шунда,  
Ёвқур бир йигит дадил  
Бажо айлар чолнинг шиорин:  
Дара узра кўтариб адл  
Кучоқлайди овчининг ёрин.  
Фарёд солар овчи хотини,  
Йигит эса кучар яхшироқ.  
Овчи, ҳайҳот, қутурар ёниб,  
Қафасдаги шердан ваҳшийроқ.  
Гүё чўкар даранинг маҳри,  
Гүё тошлар кетар орадан:  
— Ҳайт, — дейди-ю (о, сен, ёр меҳри!)  
Овчи чиқиб кетар дарадан.  
Қасам дара гувиллайди маст,  
Гувиллайди туби йўқ макон.  
Кўкка боқиб у кўру карахт  
Афсоналар сўйлайди ҳамон.  
Қасам дара, кездим маҳрингда  
Киприқдаги ёшдай омонат.  
Қасам дара, сенинг бағрингта  
Қасам ичган тушармиш фақат.  
Ҳайрат билан сенга бокурман,  
Ҳали қасам ичмаганим рост.  
На овчиман ва на ботирман,  
Кезиб юрган ошиқман, холос.  
Пайти келса, севгим, сен учун  
Ёр олдида ичурман қасам.  
Фазоларни айланиб бутун  
Денгизларга қўярман қадам.  
Амр этса гар ўша дилбарим  
Ташланаман дарага шу зум.  
Бир илтимос фақат, дустларим,  
Қайтишида чиқаман ўзим!

\* \* \*

Қани, най бер менга, дўстгинам,  
Бергил, майли, рубоб бўлса ҳам.  
Бер, бир нафас бўшатиб олай  
Тўлиб кеттан юрагимни ман.  
Қаламимнинг кучи етмади  
Ҳисларимни буткул тўкмоқча.  
Дўстим, тингла, япроқчаларнинг  
Шивирлаши эшитилмоқда...  
Гўзал, сокин оқшом чўкмоқда,  
Тебранади елда чироқлар.  
Дараҳтзор ҳам сокин солланар...  
Қандай маъсум, эрка бу чоқлар...  
Қандай ширин дамлар... менинг ҳам  
Юрагимда бир ҳис тошмоқда,  
Юрагим ҳам дараҳтзор каби  
Ниманидир олқишиламоқда.  
Кўзларимга бу ёруғ олам  
Кўринмоқда бирам суюмли.  
Қани, най бер менга, дўстгинам,  
Тўқай тўлиб кеттан кўнглимни.

1964

*Умид билан сүқілған таёқ  
Бир күн берар меваю япроқ.*

*Гёте*

Учқур хаёл соҳиби йигит  
Яшар эди хилват қишлоқда.  
Уни бир күн етаклаб умид:  
“Хайр, — деди она даргоҳга. —  
Олим бўлиб қайтай, қишлоғим...  
Кечир, қолиб кетсам агарда”.  
Уни ёш ва бўронли қалби  
Олиб кетди олис шаҳарга.

Одамлар-чи, баъзи одамлар  
Кишлоқ аро тарқатдилар гап:  
“Хой, фалончи, эшитдингми, а,  
Хув фалончи дайди бўлмиш заб,  
Таги паст-да, курт бор бошида,  
Тортди фалон қариндошига...”

Йиллар ўтди... Барг ёзди ахир  
Умид билан сүқілған таёқ.  
Шараф сенга, сабот ва ақл,  
Шараф сенга, меҳнат ва идрок!  
Олим бўлиб қайтди у, балли,  
Чўлларига сув чиқаргали...

Одамлар-чи, энди, одамлар  
Бир-биридан сўрар суюнчи:  
“Хой, биродар, эшитдингми, а,  
Олим бўлмиш ўша фалончи.  
Ёшлиқда ҳам оқил эди, ҳа,  
Тортган эди бизга, ҳа, бизга...”

1964

## ГЕОЛОГ ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҚАБРИ ЁНИДА

Айт, нелар изладинг ернинг остидан,  
Куқунни кўзингга айлаб тутиё.  
Темир панжаралар қабринг пастида,  
Сенинг излаганинг ўшамиди ё?!  
Нима ахтаргандинг ернинг остидан,  
Тошлар меҳварига ёзганмидинг байт.  
Қабринг тепасида мармар обида,  
Сенинг ахтарганинг ўшамиди, айт!  
Нечун сен жимжитсан, эй улуф инсон,  
Жавоб ё сен учун бир жабрими.  
Нима ахтаргандинг, эй нури жаҳон,  
Ёки ахтарганинг шу қабрими?!

1964

## ИСТАКЛАРИМ

Янги йил ҳам келаётир,  
Дўстларим, бугун  
Янги-янги баҳт тилаймиз бир-бири мизга.  
Янги зафар, янги омад, янги байт учун  
Янги-янги аҳд тилаймиз бир-бири мизга.  
Ҳамма нарса янги-янги бўлсин, майлига,  
Қутлув бўлсин гўдакларнинг янги қадами.  
Ўша янги қадам билан ўссин, майлига,  
Шу умидбахш асримизнинг янги одами.  
Ҳамма нарса янги бўлсин, дўстларим, фақат  
Чехрамиздан аримасин ҳаётнинг ранги.  
Ҳамма нарса янги бўлсин, дўстларим, фақат  
Фам бўлмасин, эски фамлар бўлмасин янги!

1964

Уйғон, қүёш үйнар юзингда,  
 Бугунги тонг шунчалар гүзал.  
 Ловуллайди шафाळлар ял-ял,  
 Нечун хаёл қотмиш күзингда.  
 Кипригингда ёш олмос-олмос,  
 Нечун чўмдинг уйқута қайта?  
 — Олтин ёшлигимни курдим мен,  
 — Қайда?  
 — Тушимда...

*1965*

### ОНА ТИЛИМГА

Минг йилларким, булбул каломи  
 Үзгармайди, яхлит ҳамиша.  
 Аммо шўрлик тўтингинг ҳоли  
 Үзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз  
 Булбул куйин шеърга соламан.  
 Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,  
 Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

*1965*

## ДОРБОЗ

Булутларга ёндош,  
Осмон остида  
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.  
Қиличнинг дамидай арқон устида  
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.  
Одамлар, одамлар, уни олқишиланг,  
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўқтам.  
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар  
Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.

1965

## ТИЛЛА БАЛИҚЧА

Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни  
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.  
Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,  
Хору хас, ҳазонлар устин ёпдилар.  
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча  
Ва гавжум толларнинг аччиқ ҳазони.  
Менга алам қилас, тилла балиқча  
Бир қўлмак ҳовуз деб билар дунёни!

1965

## ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Баъзан кўп ажибдир дунёнинг иши,  
Ким ҳам бу савдони ўйлаб кўрибди:  
Ҳайвонот боғида бир телба киши  
Маймунни масхара қилиб турибди.

1965

## БУЛБУЛ

*Раҳматжонга*

Сен — булбулсан, булбулларни маст қила қол, булбулим,  
Менинг учун сайрашингни бас қила қол, булбулим.

Шому саҳар тиним билмай шарҳ айладинг дилингни,  
Қани, айт-чи, булбулгинам, ким тушунди тилингни?

Бирор сени нола деди, бирор деди оҳ-фифон,  
Булбул тилин булбул билар, мен билмасман, булбулжон.

Англарми деб беҳудага роз сўйлама, қушим, ҳай,  
Сен — булбулсан, булбулгинам, сени булбул тушунгай.

1965

## ТЕМИР ОДАМ

Бир ҳайкал турибди,  
У — Робот эмиш,  
Темирдан ясалган, одам тимсоли.  
Илмда энг сўнгги кашфиёт эмиш,  
Ақдли зот эмиш, қусурдан холи.  
Шахмат ҳам ўйнармиш,  
Ер ҳам қазармиш.  
Росмана ювармиш юзу қўлини.  
Ҳадису ҳисобдан адашмас эмиш,  
Ҳаттоқи санармиш Сомон йўлини.  
Ёнида халойик ҳайратда турар:  
— Қарангиз, нақадар ақдли, мумтоз!  
Хулласки, оламда кашфиёт дерлар,  
Кашфиёт эмас бу, кечиринг, устоз.  
Тилсимни билмайман, аммо анчайин  
Одатим тарк этиб, кўкрак кераман!  
Мен сизга темирнинг худди шундайин  
Ажиб бир нусхасин топиб бераман.  
У ҳам ишлай билар, унинг қошида  
Сизнинг темирингиз ожиз бир буюм.  
У ҳам санай билар, унинг бошида  
Алжабр усули уюм ва уюм.  
Балки у донодир беқиёс, якка,  
Балки йўқ унинг-чун бирор муаммо;  
Балки у ҳеч қандай темир-терсакка  
Аъло вужудини эгмайди, аммо,  
Устоз, қалби йўқдир унинг ҳам, ҳайҳот,  
На нафрат, на ишқни танлайди у ҳам.  
Унинг ҳам кўзида чақнамас ҳаёт,  
Мунис боқишлиарни англамас у ҳам.  
У ҳам тўлғанолмас,  
инграмас,  
кулмас,  
Йиғлаган гўдакни юпатолмас ул.

У ҳам юлдузларнинг ҳидини билмас,  
Бағрини тирнамас сўлаётган гул.  
Кимсанинг меҳридан, балки, о, балки  
Сизнинг темирингиз бўлар миннатдор.  
Азиз дўст, меҳрни билмас бу ҳали,  
Дўст кутиб йўлларга чиқмас интизор.  
Дунё-ю одамлар тақдирни зарра  
Ташвишга солмагай, йўқ зўру зори.  
Ташвишга солади на қушиқ ва на  
Менинг юрагимда нималар бори.  
Бу-чи, йиглай олмас, айланган тошга!  
Кимдир у?

Кимдир у? Балки у менман?!  
Балки у сиздирисиз?

Балки у бошқа...

Ҳаётнинг поёнсиз уммони ичра  
Бор шундай гариллар — темирлар ҳиссиз.  
Ва лекин ўзларин темирмас сира,  
Муҳтарам инсон, деб атарлар, эсиз...  
Шундайлар бўлмаса, азалдан тупроқ  
Яшнарди тагин ҳам гўзалу мумтоз.  
Темир одам ясад юргунча, кўпроқ  
“Жонли темир”ларни ўйлангиз, устоз.

1965



Одамлар ухлайди ўн йил, ўн беш йил<sup>1</sup>,  
Сезмасдан, севмасдан, ҳиссиз ва муррок.  
Баъзида, очик гап, ўрганса күнгил  
Ухлагим келади менинг ҳам узоқ.  
Майлига, дўстларим унутсин секин,  
Умид ҳам узсинлар алвидо айта.  
Майлига, олис йил ухлайнин, лекин  
Энг кутгугу саҳарда кўз очсан қайта.  
Балки ер юзида қолмас эди ғам,  
Бундан ҳам ёругроқ бўларди дунё.  
Фақат табассумда яшнарди олам,  
Сержилд китобларда ёзгандай гўё.  
Ёмон туш кўрмасдик саҳарлаб қалқиб,  
Бош эгиб қайтмасдик уйимизга кеч.  
Дунёда ёвузлар қолмасди балки,  
Разиллар, пасткашлар бўлмас эди ҳеч.  
Балки тинчланарди нотинч асримиз —  
Кўксидан қон силқан ярадор оху.  
Унинг дардларини этяпсизми ҳис,  
Қандай аср ўзи, биродарлар, бу?!

Урушу фалокат, низою таъқиб  
Тинмайди, тинмайди, тинмайди сира.  
Қани, ким шодланар асрга боқиб?  
Қани, ким атайди уни бокира?!


Асрим, ўша олис ой қорасини  
Санаб бўлгунингча бир зум толмадинг.  
Бироқ одамзоднинг дил ярасини  
Санаб етолмадинг, йўқ, етолмадинг.  
Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,  
Юлдуз қилиб отдинг фазога ўзни.

---

<sup>1</sup>Летаргия уйқуси назарда тутилади.

Күзфата олмадинг үрнидан бироқ  
Аскар елкасида турган юлдузни.  
Асрим, изга солдинг уммонлар кучин,  
Яратмак истадинг сұнмас бир чирой,  
Бироқ гулзорингни топтамоқ учун  
Қайдадир разилга бериб қўйдинг жой.  
Митти фарзанд бўлиб, бир дилбанд бўлиб,  
Асрим, сени баҳтда кўрмоқ истайман.  
Ва лекин баъзида уйкуга чумиб  
Сендан кўзларимни юммоқ истайман.  
Аммо борми имкон бундай уйкуга,  
Курашга яралган жафокаш инсон.  
Ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга,  
Ҳар қандай уйку ҳам — ўлим ҳар қачон!

1965



## ОТЕЛЛО


*Аброр Ҳидоятов хотирасига багишлайман*

Чигатой<sup>1</sup> кўчасин сўл томонида —  
Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф,  
Саноқсиз қабрлар ғаладонида  
Ётибди Отелло — у буюк араб.  
Мен баъзан шу йўлдан уйга қайтаман  
Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг қошини.  
Отелло шаънига салом айтаман,  
Зиёрат қиласман мозорбошини.  
Арабий кулонкир — Фарбнинг хўжаси,  
Майлига, гапимга қилма эътиroz.  
Мен-ку бир ўзбекнинг саркаш жўжаси,  
Уйқашга ўҳшайди исмимиз бир оз.  
Бир замон Оллодан сенинг волиданг  
Тиланиб олибди, мен-чи, садақа.  
Савдомиз бир экан, номлар ҳамоҳанг  
Ва лекин ўҳшамас қалблар, шунаقا...  
Мен орзу қилардим сендай севишини —  
Қўлимда ханжару қонимда олов.  
Удалай билмадим лекин бу ишни,  
“Телбадай севарди” дейёлмас биров.  
Истардим сендаги рашкни ҳам, илио,  
Булбулга дард қайдга гул йўқса агар.  
Ҳам бунинг устига, билсанг, Отелло,  
Қизларнинг қўлида у қонли ханжар.  
Сендаги нафратни хоҳлардим асти,  
Разиллар кўзига боқолсам хунхор.  
Чунки ҳалигача, Отелло, рости,  
Ягони ўқитиб қўйгувчилар бор.  
Ортиқча нафрат ҳам керакмас, аммо  
Лақаб ҳам тақмасман кимса отига,  
Чунки бу асрда, азиз Отелло,  
Хурмат кўп буюkdir инсон зотига...  
Баъзан кўз ўнгимга тизилиб келар  
Севигига гадолар айқаш ва уйқаш.

<sup>1</sup>Ҳозирги Форобий кўчаси шеър ёзилган пайтда шундай аталган.

Гадо деб атама сен бизни дерлар,  
Дейдилар, дунёда Отелло яккаш.  
Шунда сен келасан күзингни ёшлаб:  
— Қайда ишқ, қайда рашқ, қайдадир улар?!  
Шу шұрлық заминни кетмангиз ташлаб,  
Муқаддас туйғулар, олий туйғулар.  
Бизнинг руҳимизга ҳокимдир баъзан  
Қаноат аталмиш ожиз бир сезги.  
Отелло, Отелло, сенинг ишқингдан  
Ҳайратта тушишнинг ўзи бир севги...  
Йўқ, тақлид қилмасман сенга росмана,  
Ҳар кимнинг ҳаётда бор ўзга ўрни.  
Ролингни ййнаса, рашқ қилиб, мана,  
Қабрга тиқибсан буюк актёрни.

1965



Йигитлар мактубин битганда қондан,  
Келинлар фироқдан чекканда ёху,  
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,  
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,  
Куриган кўксіда ёлғиз беланчак.  
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,  
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас,  
Кечалар кечмишин айлади кўмир.  
Паришон соchlари ёр кўкси эмас,  
Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,  
Мунгайиб термулар ботгувчи кунга.  
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,  
Қайтадан баҳт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,  
Бунчалар буюксан вафо шеваси.  
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,  
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан иолиб,  
Надомат комида қолғанлар, айтинг.  
Ўзини минг битта бозордан олиб,  
Минг битта бозорга солғанлар, айтинг.

Шу чўлпон кузларнинг буюк ҳурмати,  
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,  
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,  
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун  
Саҳардан шомгача құлтурсыз тоқат.  
Бирок ёрингизни күттегі нечун  
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,  
Буюк зот қошида айланғиз салом.  
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,  
Шу содиқ бевага айланғ эхтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,  
Ҳайкал ҳам құйингиз бамисли хаёл.  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

1965

## ЭТГАЛИ

Тұлғаниб гул очилар боғларни гулзор этгали,  
Боғ сари дилдор чиқар ошиқларин зор этгали.

Боғ сари чиқмас эди, чиқди бу кун у қасд ила:  
Йұлида муштоқларин ё йүғу ё бор этгали.

Ногақоний саҳни боғдан ҳайқириб чиқди Ҳофиз,  
Ул деди, ёйди пари кокилларин дор этгали.

Ёлбориб гуллар деди: — Кирма бу боққа, эй йигит,  
Бунга кирғанлар киурулар сочини қор этгали.

Не ажаб, майдон топилса мен учун ҳам деб эдим,  
Үзга бир дилдор билан арузда бозор этгали.

1965

Ташқарыда ёмғир шивирлайди жим,  
 Күрингай на чироқ ва на бир зиё.  
 Гүё деразамни чертар аллаким,  
 Босиб кела бошлар қандайдир рүё.  
 Үзимни түшакка отаман шу он,  
 Үраниб оламан ваҳима ичра.  
 Қоронги йұлакда шитирлар хазон,  
 Кимдир деразамдан кетмайди сира.  
 Чироқни ёқаман бетоқат бориб,  
 Гүё ваҳималар бўлади абас.  
 Ёмғир ялтирайди нурда оқариб,  
 Тасалли чулғайди дилни бир нафас.  
 Липиллаб сұнади чироқ ҳам охир,  
 Қайдадир шовуллаб эгилади тол,  
 Кимдир ташқарыда энтикар оғир,  
 Бирдан деразамни қоплайди хаёл.  
 Кимсан, эй, тунлари мени пойлаган,  
 Макрига бойлаган ёвуз дарбадар.  
 Кимсан, эй, руҳимни мағлуб айлаган,  
 Мағрур юрагимга ташлаган назар.  
 Ёлвора бошлайман кимгadir ёниб,  
 Бир зум иродамни этаман бекор.  
 Бир зум ўзлигимдан қоламан тониб,  
 Бир зум ожизликка бўламан икор.  
 Гуноҳкор бандадай титраб-қалтираб  
 Кимдандир сўрайман сўнгти ҳимоя.  
 Шамол ҳам увишлар нимадир тилаб,  
 Бирдан кела бошлар у машъум соя.  
 Тўлғониб кетади ногоҳ юрагим,  
 Нимани истайсан, сўйла, эй дайди!  
 Секин гудурлайди шунда аллаким:  
 — Наҳотки менга ҳеч раҳминг келмайди.  
 Ёмғир ҳам савалар мени беомон,  
 Шамол ҳам ҳолимдан кулгани-кулган.  
 Бошпана бер менга, мен — ваҳимаман,  
 Ботирлар қалбидан кувғинди бўлган.

1965

## ХАЁТ ИШҚИ

Хазил

Сұлым чойхонада давра қуришиб,  
Тенги-түши билан яйрашар чоллар.  
Эгилаб -букилиб, баҳтим борми, деб  
Гутурт күтисини ташлашар чоллар.  
Холбуки, ортдадир энди бу дунё...  
Манглайда борини күрган бу чоллар.  
Яна қандай баҳтни кутар, ажабо,  
Ҳар бири түқсонаға кирган бу чоллар.

1965

\* \* \*

Үтінаман,  
Йироктардан мен  
Хузурингта соғиниб елсам,  
Толеимга кулиб чиққын сен,  
Кувончингни яширма ҳеч ҳам.

Узоктарга отлансан яна,  
Сафар түнин кийсам эрта-кеч,  
Үтінаман, эркам, үшанды  
Дариг тутма күз ёшингни ҳеч!

1965

## АРМОН

Усмон Носирга

Жажжи бола тинмасдан сира  
Акасига ёлворар ёниб:  
— Жон акажон, күрсат биргина,  
Жон акажон, бир күрай қониб.  
Акасининг кўймас қулидан,  
Ўртанади ёшгина жони.  
Ниманидир олиб кўйнидан  
Кўрсатади сўнг акажони.  
Гудак яна ўтмайин фурсат,  
Акасига тикади кўзин:  
— Жон акажон, яна бир курсат,  
Кўзим билан кўрайин ўзим.  
Тинчитмайди уни бир нафас,  
Осилади “жон” деб бўйнига.  
Акажони кўрсатиб бирпас,  
Яширади сўнг бор кўйнига.  
Нимайди у? Маъсум туйғунинг  
Оромига сололган ғавғо?  
Не бўлса ҳам болакай унинг  
Дийдорига тўймади асло.  
Нимайди у? Балки бир безак —  
Армон қилиб юрган нечалар.  
Не бўлса ҳам ушани гудак  
Тушларида кўрди кечалар.  
Нимайди у? Балки бир тутун,  
Ё оддий тош, ёки оддий гул.  
Не бўлса ҳам ёш инсон учун  
Ўша дамда ноёб эди ул.


1965

\* \* \*

Оилада туғылса гұдак  
Үнга суюб құярлар исм.  
Гар боғланса иккита юрак,  
Дүстлик дейиш бұлғандир расм.  
Волидалар гұдаги учун  
Бешик олиб, тортадилар ош.  
Худди шундай, дүстлар ҳам у кун  
Бир-биридан айлады маош.  
Инсон яшар, пайти ҳам келар  
Тұхтаб қолар умр — югурик.  
Лекин, дүстлар, айтинг, не бұлар  
Дүст-дүстидан айрилса тирик?  
Тобут ўтар сұнгти күпrikни,  
Қаро ерга уни құярлар.  
Дүстлар, айтинг, сұнған дүстликни  
Қайға олиб бориб күмарлар?  
Мархұмларға очишиб аза  
Либосларни күкка бүярлар.  
Дүстлар, айтинг, дүстлик сұнғанда  
Қандай йиглаб, қандай киярлар?  
Азалилар күрса ёмон туш,  
Мозор узра сукут этарлар.  
Тирик туриб қайта келсанғ дуч,  
Унда, ахир, қайға кетарлар?  
Ҳайҳот, илк бор ингради күнглим,  
Бир барғдайин титрадим, толдим.  
Мен дүстимдан айрилдим бутун,  
Тирик туриб, айрилиб қолдим.  
Ёзармидим йиғлоқи байтни,  
Чекармидим мен ахир нола,  
Дүстлар, агар бошланмасайди  
Икки қалдан буюк оила.  
Ёзармидим йиғлоқи байтни,

Титгәрмидим күзда ёш билан,  
Дүстлар, агар бошланмасайди  
Төг қулаши икки тош билан.  
Дүстлар, айтинг, дил ёнмаганда,  
Чекармидим шунчалар ох-зор.  
Агар, агар... Ҳеч бүлмаганда  
Топилсайди күмгали мозор.

1965



## УЛГАЙИШ

(Хазил)

Бебош эдим бир вақтлар мен ҳам,  
Бүшамасди ўйиндан құлим.  
Күп насиҳат қыларди отам:  
— Бир озгина оғир бұл, үғлим.  
Катта бўлиб қолдинг ҳар қалай,  
Тутиб олгин ўзингни энди.  
Йиллар үтди, санқидим талай,  
Тутиб олдим ўзимни энди.  
Энди шўхлик қаёқда дейсиз,  
Юришларим сипо ва ўйчан.  
Суронларга боқаман фарқсиз,  
Бир маҳаллар чопардим шўхчан.  
Минг ўйлайман сўзлар сўзимни,  
Оқибатни курап кўзларим.  
Авайлайман доим ўзимни,  
Ёш эмасман ахир, дўстларим.  
Керак бўлиб қолар бир куни,  
Ҳеч кимсани ёмон демасман.  
Кўрқоқ деманг, дўстларим, мени,  
Энди ахир гўдак эмасман...  
Энди дилда ҳокимдир тоқат,  
Хурматни ҳам ўргандим, мана:  
Мен онамни сен дердим бир вақт,  
Энди бўлса Сиз дейман, она...  
Етакламас энди туйғулар,  
Турмушимда қатъий қоида.  
Бир вақт мени бола дердилар,  
Энди бўлса ҳурмат жойида.  
Ишлар шундоқ юришса, қаранг,  
Арбоб бўлиб қолгум эрта-кеч.  
Тутиб олдим ўзимни аранг,  
Энди кўйиб юбормасман ҳеч.


1965

## МУҲАББАТ

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.  
Фақаттана бир ғам ўргар юракларимни,  
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.  
Болаликдан ўтиб мен ҳам, бўй етиб секин,  
Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб,  
Бир ёш йигит севганчалик севдиму, лекин  
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.  
Кўнгил шишам бир сўз билан қолганда дарз еб,  
Қаламимдан илк мартаба тўкилди ғамлар.  
Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб  
Ичдим ҳатто талай-талай шеърий қасамлар.  
Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,  
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.  
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи —  
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.  
Юрагимда севги изи топилмас асло,  
На бир афсус, на бир алам чиққайдир ундан.  
Шоир сатрин тақрорлайман секин, бепарво:  
“Қайтмас энди, умид қилма кетган тўлқиндан...”  
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундоқ,  
Ўтирмайман у кунларни сўқиб, қоралаб.  
Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ  
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.  
Ёлғиз туриб юлдузларга боқаман гоҳи,  
Ё ўзимча туш кўришнинг сирин ўйлайман.  
Кайфиятим кўтарганда, тушса нигоҳим,  
Тўғри келган ҳар нарсани шеър деб куйлайман.  
Баъзан узоқ қишлоқдаги кекса онамга  
Юбораман маъниси йўқ, пала-партиш хат.  
Ҳамма нарса гоҳо эрмак туюлар менга,  
Ҳамма нарса гоҳо осон кўринар фақат.  
Баъзан эса ўз-ўзидан кетаман тўлиб,

Титрайман ҳам оқангларни тинглаб жимгина,  
Үртоказарим ўраб олар юпатмоқ бўлиб:  
— Айттин, ахир, нима сенга етишмас, нима?!  
Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин мендан,  
Тўрт мучам соғ, дўстларим бор ҳавас қилгулик.  
Нолигайман на келажак, на ўтмишимдан,  
Иродам бор — келса агар бирор кўргулик.  
Фақатгина бир куч бордир, фақат угина  
Зор йиғлатар, қилолмайман мен унга тоқат.  
Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгина,  
Толеимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.  
Кимга шошай, кимни қумсаб, кимга сифинай,  
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?  
Кимни Лайлім, Шириним деб, бахтим деб атай,  
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?!  
Йўқ, йўқ, ўтган муҳаббатни қўмсамайман ҳеч,  
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!  
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч!  
Наҳот энди кўнгил узсан севгидан бутун?!  
О, қалбимга сен ҳам ошно бўлсайдинг, севгим,  
Айрилиқмас, висол куйлаб қолсайдим замда.  
Ҳар қандайин аянчни ҳам улуғлар эдим,  
Мен ўзимни бахтли дердим ҳар қандай замда.  
Йиғласам-да кулар эдим магрур ва осон,  
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай замга.  
Яна қайта севарманми? О, гар севолсанам,  
Майли, ҳаёт, бор-йўғингни ташла елкамга.  
Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,  
Қотиллик ҳам қиласай, майли, Отелло монанд.  
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

1965



\* \* \*

Кўпдан кутган эдим орзиқиб, мана,  
Булутлар тарқалди тўкишиб кўз ёш.  
Хаёлим осмондай ёришди яна,  
Ёруғ кунларимдай порлади күёш.  
Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,  
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.  
Юргил, сайр этайлик, юргил, малагим,  
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.  
Кўряпсанми, қандай яшармиш олам,  
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.  
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳечам,  
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.  
Бутун бош устингда яшнаган япроқ  
Шовуллаб тўкилар эрта пойингта.  
Бу учкур йўловчи солмайди қулоқ  
Сенинг илтимосинг, сенинг раъйинита.  
Хазонли августнинг бирор оқшоми  
Уни кўрарсанми тушингда такрор?!  
Майлига, ўзгадир кузнинг илҳоми,  
Бутун-чи кўз ташла: атрофда баҳор!  
Қани, қўлгинангни бергил жимгина,  
Шу маъсум йўлчига қўяйлик ихлос.  
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,  
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос...

1965

## ЧОЛ ВА “КОММУНИЗМ” ҚИССАСИ

Шаҳарнинг серҳашам кўчаси бўйлаб  
Қайгадир мункиллаб кетар эди чол.  
Кексаликда, ахир, миянг бўш турмас,  
Ҳар қадамда чулғар янги бир хаёл.  
Чолнинг тасаввури мана бир зумда  
Куриб кўйди гўзал коммунизмни:  
“Мана ширин кулча сенга ва менга,  
Бу эса — эмизак, юпат қизингни,  
Ким нима истайди, қани, марҳамат,  
Умум дастурхонда барчаси тайёр.  
Мана, меҳмон кутар чол — йигит ёшда,  
Ёнида келинчак — кампири ҳам бор...”  
Ва бошқа ҳоказо хаёллар шундоқ  
Чолни ўз қаърига тортди-ю кетди.  
Шундай қилиб, чолимиз Коммуна курди,  
Ёшарди ва унда меҳмон ҳам кутди.  
Аммо падарлаънат носнинг хумори  
Парчалаб юборди хаёлни бирдан.  
Ғўлдираб қолди чол: “Хой, ота гури,  
Чекилмасанг бало бормиди шу дам,  
Шундай бир хаёлга завол бўлдинг-а”.  
Ғазабга тўлган чол сўкишнинг барин,  
Саксон йилдан бўён асраганларин  
Роса қалаштириб қўйди бир зумда.  
Аlam қилмайдими, бир отим нос деб  
Қайтиб келсанг ахир коммунизмдан!  
Бўлинган хаёл ҳам кўчган фишт мисол  
Қайта тушмас экан ўз қолипига.  
Қанча ўй сурмасин, етолмади чол  
Хаёл қалавасин қочган ипига.  
“Коммунани энди куриб эдим-а,  
Ростдан айб ўтдими менинг ўзимдан?”  
Хаёл-ку қайтмади, чолнинг ҳам аммо  
Қайтгиси келмади коммунизмдан.

Белини йигитдай тутди-ю, чолнинг  
Хира кўзларида порлади зафар:  
“Отимни бошқатдан қўйганим бўлсин  
Ўша Коммунани қурмасам агар!”  
Дўконларга кириб харид қилди чол  
Бир талай кулча-ю ҳамда эмизак.  
Сўнгра кимларгадир узатди: “Ма, ол,  
Нон сенга, бу эса қизингта эрмак”.  
Бундан нарёгини, азиз ўкувчим,  
Мен ҳам кўрганим йўқ, эшиздим фақат;  
Тунов куни чолимиз берибди элга,  
Умум дастурхондан умум зиёфат!

1965



— Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.  
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!  
Сени кеч топғандим, эрта йүқотдим,  
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингта.  
Үзгалар қалбидә қадр уйғотдим,  
Бироқ етолмадим үзим қадрингта.  
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,  
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.  
Қисматим, үзимман гуноҳкор бу гал,  
Наҳот, гуноҳкорга күшиқдир жазо?!  
— Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.  
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Сен бугун кимларнинг масъум ҳамроҳи?!  
Қайси бир одамнинг баҳтига ёрсан,  
Очилдими сенга толе дарчаси?!  
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан  
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

1965

## ҚОНЛИ КҮЙЛАК

Бер, онажон, бер отамнинг  
Кўйлагини қўлимга.  
Бергил, майли, чиқсин яна  
У муқаддас йўлига.  
Бер, кўйлакни байроқ этиб  
Қадам кўяй қуёшга.  
Тонгда балқиб, қони билан  
Кўринсин қари-ёшга.  
Майли, бир зум тирик олам  
Бўлиб қолсин ҳайронлар.  
Қонли кўйлак порламоқда,  
Боқингиз, эй инсонлар.  
“Боқинг, уруш даҳшатидан  
Огоҳ бўлинг, яхшилар.  
Бўлмасин-чун кўйлаклар қон  
Сергак бўлинг, яхшилар”.  
Қонли кўйлак коинотни  
Чорлаб турсин шундайин.  
Бер, онажон, жанг гувоҳин  
Мен қуёшга қадайин.  
Бизнинг узоқ авлодлар ҳам  
Келганида дунёга,  
Кўргай, мангу тинчлик учун  
Нелар кечган дунёда!

1965

## ХҮРОЗҚАНД

Жажжи ўғилчасин етаклаб олиб,  
Ота шошар эди қайгадир тонгда.  
Кимдир қаршисидан чиқди жар солиб:  
— Хүрөзқанд сотаман, қолма армонда.

Дада этагига ёпишди гүдак:  
— Хүрөзқанд олиб бер, дада, дадажон...  
Майли, Умригаям бераман қиттак,  
Қандфурууш тиржайди: — Обберинг, арzon.

Ота чүнтағига құл чұзды секин,  
Сұнгра бошқасига, сұнг бошқасига.  
Ҳаммасин бирма-бир титди-ю, лекин  
Үғлига энгашди: -Юр, бошқасига...

Дада этагини құймасди бола,  
Митти күзларига тизилган маржон.  
Эңг сүнгти уими迪 чиқарди нола:  
— Үғлингиз бұлардим, дадажон...

Дадажони эса туарди бирдак,  
Худди ниманидир йүқтотгансимон.  
... Қайдан билсин бола, қайдан билсин гүдак,  
Баъзан оталар ҳам бұлар паришон.

1965

## ГАЗЕТА СОТУВЧИ

Одамлар қайнайди гавжум күчада,  
Хар ким югуради қайгадир доим.  
Фақат чорраҳада — тахта уйчада  
Газета сотувчи ўтирап қоим.  
— Қани, хүш биродар, нима гап яна?  
Яна қовоқ солиқ, тушиб кеттган лаб?  
Газетани имлаб тұнғиллар: — Мана,  
Кубанинг устида яна ҳар хил гап.  
Дунёнинг туриши чап ёнбош бугун,  
БМТ Вьетнамга қилибди фириб.  
Худди ўз уйини сув босгандай, сұнг —  
Хиндистон селидан кетар галириб.  
Дейлик, күнлар ўтиб келганида гал,  
Үнда учратасиз очиқ чехрани:  
Врач эмасмисиз?  
— Нимайди?  
— Ошнам,  
Маошинг ошибди, құлни бер, қани...  
Шу рангин оламга тахта уйчадан  
Туну кун термулар күтгандай дийдор.  
Одамлар бепарво ўтар күчадан,  
У-чи, ўшаларни ўйлады бедор.

1965

## ХУШ КЕЛИБСАН, ЯНГИ ЙИЛ

Яна келдинг ҳадяга тұлиб,  
Күтмоқдайдык сени интизор.  
Қадамингдан миннатдор бўлиб  
Зарра-зарра тўкилади қор.  
Хафамасмиз бобо йилдан ҳам,  
Кувонтириди у бизни қанча?  
Конфетини кўришдик баҳам  
Ва қўшиқлар ўргандик анча.  
Ниҳол ўси, курилди қаср,  
Фазоларга қилдик сафарлар.  
Ўша йили туғилди ахир  
Бизнинг қанча ўринбосарлар.  
Сени асло унутмагай дил,  
Хайр энди, хайр, йил бобо.  
Симобдайин типирлар кўнгил,  
Янги йилга энди марҳабо,  
Энди уни кутлаб зиёда  
Манзилига жадал элтамиз.  
Кирмоқ учун кечки кинога  
Ўн олтига тезроқ етамиз.  
Йул оламиз мактабга қатор  
Бу йил энди биринчи карра.  
Мактаб ўюли, дўстлар, фазокор  
Парвозидан кам эмас зарра.  
Боғчаларга эмаклаб оз-оз  
Яна келар янги қисмимиз.  
Улғаяди ёшимиз бир оз,  
Ўзгармайди аммо исмимиз.

1965

## АВЛОДЛАРГА МАКТУБ

Йўқ, яшай билмасман асримдан нари,  
Даъво ҳам қилмасман мангулик изга.  
Балки бир кимсанинг унут дафтари  
Ногаҳон етказар бу шеърни сизга.  
У замон менсиз ҳам билурсиз аён  
Бизнинг асримизнинг буюк офатин.  
Балки туш кўргандай қолурсиз ҳайрон,  
Эшитиб Тошкентнинг сабру тоқатин.  
Китобдан санани излаб у нафас  
Балки юрагингиз энтикиб урар.  
Лекин қаршингизда фожиа эмас,  
Хушнуд одамларнинг сурати турар.  
Тагида — сарғайган сатрлар аро  
Кимнингдир сўзлари жаранглар мағрур:  
“Бундай жасоратни кўрмаган дунё,  
Чунки у советлар Тошкенти эрур”.  
Шу замон кўзингиз олдида бирдан  
Помпея тарихи қолур бир чақа.  
Дерсиз, ё Тошкентда ҳеч гап бўлмаган,  
Ё эса боболар сирли, шунаقا.  
Бизнинг руҳимизни олис юлдуздай  
Хаёл осмонида илгарсиз аранг.  
Зилзила туюлар мавҳум бир сўздей,  
Ўйларсиз, боболар кўрқмапти, қаранг.  
Дўстлар, буюк эди чиндан фожиа,  
Асаблар тупроқда чўккан эди тиз.  
Ва лекин ўйламанг сирлисиз дея,  
Бизлар сирли эмас, оддий эдик биз.  
Бу чексиз оламнинг ичу тошида  
Нима бор? Илгарми одамзод кўзи?  
Ким кўкрак керарди дунё қошида,  
Уни яратмаган бўлса гар ўзи.  
Одамзод хаёли етмаган фалак  
Гар инсон бошида айлантирса тош,

Илож йўқ инсонга бардошдан бўлак,  
Жасорат аталмас иложсиз бардош.  
Дўстларим, ҳайратда қолмангиз фақат,  
Сирлилик бизларнинг шеърларга мосдир,  
Дунё қаршисида ожиз жасорат  
Инсон боласига ҳамиша хосдир.  
Ботирни тан олмас сўкир фожиа,  
Чарчашиб ҳам мардликка келтиргмагай шак.  
Боболар меҳнатда ҳоргандир дея,  
Азиз набиралар, ўйларсиз бешак.  
Сержилд китобларни вараклаб яна  
Раҳмдил қалбингиз энтикиб ураг.  
Лекин қаршиңгизда тағин мардона  
Паҳлавон кимсанинг сурати тураг.  
Тагида — сарғайган сатрлар аро  
Бизнинг услубимиз жаранглар мағрур:  
“Бундай меҳнаткашни кўрмаган дунё,  
Чунки у советлар фарзанди эрур”.  
Шу замон кўзингиз олдида бирдан  
Кичик чумолича қолгуси Фарҳод.  
Оддий жуссангизга кўз ташлаб зимдан,  
Азиз набиралар, солурсиз фарёд.  
Ўйларсиз, Алпомиш давридан буён  
Паҳлавон ўтмаган булар сингари.  
Ўйларсиз, мунча тез қарибди инсон.  
Наҳот биз шуларнинг набиралари.  
Йўқ, полвон эмасдик бизлар ҳам асло,  
Жуссамиз оддий деб чекмасдик андуҳ.  
Бир кун айтибидирки Навоий бобо:  
“Доим ўзга бўлур суврат ила рух”.  
Дўстларим, ҳайратда қолмангиз фақат,  
Девқараш бизларнинг суратга мосдир.  
Дунё яралгандан буён шу меҳнат  
Инсон боласига ҳамиша хосдир.  
Сизга фалокатдан берганда хабар  
Дўстлик борасида ёзурлар албат.  
Ёзурлар: “...биз бўлдик тенгсиз биродар,  
Бу хислат бизларга хос эрур фақат”,  
Шу замон кўзингиз олдида беҳол  
Рум, Ромул номусдан солиб қолур дод.  
Ўйларсиз, бундайин дўстликни алҳол  
Кўрмаган экан-да қадим одамзод.

Дүстлик-ку инсоннинг азалий касби,  
Дунёдай қадимдир оддий бир салом.  
Агар дүстликни ҳам билмаса асли  
Кимга керак ахир, инсон деган ном!  
Дүстларим, ҳайратда қолмангиз фақат,  
Паҳлавон асрға лоф уриш мосдир.  
Инсон боласига меҳр ила шафқат  
Ҳаммага хос эди, бизга ҳам хосдир.  
Дүстлар, буюк эди чиндан фожиа,  
Чиндан оғир эди машъум асорат.  
Лекин ўйламангиз бадбинсиз дея,  
Бизда ҳам бор эди меҳнат, жасорат.  
Биз ҳам измимизни бергандик бутун  
Дүстликнинг муқаддас қоидасига.  
Чин дилдан раҳматлар айтurmиз бугун  
Саховатли эллар оиласига.  
Аммо қолмай дейман шеър гуноҳига,  
То виждон қошида чўкмагайман тиз.  
Дүстлар, жасоратни гоҳи-гоҳида  
Бир оз кўпиртириб ёзар эдик биз.  
Баъзан ўзимизга меҳримиз жўшиб,  
Бир четда қоларди замину замон.  
Ўзи ҳам билмаган хислатин ўқиб  
Уялиб юрарди шўрлик қаҳрамон.  
Етар, майда-чуйда гина энди бас,  
Кўкда юрибди-ку күёш музaffer.  
Авлодлар, сиз мени тингланг бир нафас,  
Сизга бир сеҳрдан берурман хабар.  
Юз йилда қайтибди бундай фалокат,  
Юз йил-ку, тарихда — қошнинг ораси.  
Азиз набиралар, унуманг фақат,  
Ҳар бир фожианинг бордир чораси.  
Тупроқ қўзғалмасдан ўрнидан баттар,  
Солмасидан аввал даҳшат, қатағон, —  
Ер ости тинч турсин десангиз агар,  
Сизлар ер устида сўйламанг ёлғон!

1966

Хат ёзмадим,  
 Хабар қилмадим,  
 Боролмадим, солиб галга гал.  
 Қандай экан онам, билмадим,  
 Йұлларимга турғандир маҳтал.  
 Хат ёзарми үғлим, деб, зора  
 У-ку мени турибди кутиб.  
 Мен-чи, ношуд, бўлиб овора  
 Авлодларга ёзаман мактуб.

*1966*

### **ОНАМ ВАФОТИГА**

Маконда ломаконсан, энди қайдан излагайдурман,  
 Фигоним кимга айтиб, кимга сендан сўзлагайдурман.  
 Бировлар мотамида оҳу фарёд айлаган эрдим,  
 Сенинг-чун, эй, гарибим, ич-ичимдан бузлагайдурман.

*1966*

## КЕТГАНЛАР ЁДИ БУ

Туш күрдим,  
Тушимда бир денгиз эмиш,  
Тұлқинлар сағырмиш мовий осмонга.  
Манзил йироқ эмиш,  
Уфқ сұнгсиз эмиш,  
Бир кема борармиш ўша томонга.  
Унинг саңасида жами дүст-ёрон,  
Умрлик дүстларни күрган эмишман.  
Жаннат хаёлидай даврада шодон  
Мен ҳам қаҳ-қаҳ уриб турган эмишман.  
Кема бир соҳилга етгани маңал  
Мени йұл азоби қўймиш толдириб.  
Кема жўнаб кетмиш йўлида жадал,  
Кема жўнаб кетмиш мени қолдириб.  
Мен унинг ортидан югурдим гирён,  
Ногоҳ айрилиқдан кўзларим ёшлаб.  
Нега сен қоронғу ёқларга томон  
Менинг дўстларимни кетдинг деб бошлаб.  
Танҷо ётар эдим бўм-бўш қирғоқда,  
Теппамда юлдузлар чекар эди оҳ.  
Кема кўздан ғойиб бўлгани чоғда  
Аччиқ йиғладиму уйғондим ногоҳ.  
Бу бир туш-ку, ахир, шунчаки рӯё,  
Тасалли берардим дилга шу замон.  
Бу бир туш-ку, ахир, бошқа-ку дунё,  
Лекин туш дердиму йиғлардим ҳамон.  
Аlam қилмас менга кемадан қолмоқ,  
Уйқу-ку, сұнгига бориб еттанди.  
Мен-ку, бир манзилга тушгандим, бироқ  
Кема дўстларимни олиб кеттанди...

1966

## ОНАЖОН

*Онам Турди Эрдона Каравон қизи хотирасига*

### I

Нечакунки йүқ оромим  
Келолмайман хушимга.  
Онажоним кечалари  
Кириб чиқар тушимга.  
Құлларыда оқ елпуғич  
Ой нурида ялтирап.  
Онажоним имлаб мени  
Қошларига чақырап.  
Келтиарлар гоҳо бешик  
Құзларыда ҳаяжон.  
Ётар пайтинг бұлды-ку дер,  
Кела қол, дер, болажон.  
Қайларгадир югураман,  
Фифонимдан чиқар дуд.  
Йиғлама, деб құлларимга  
Тутқазарлар сұнг тобут.  
Тонгда руҳсиз күз очаман,  
Қовурилар танда жон.  
Онажоним, бундай құлма,  
Бундай құлма, онажон.  
Ахир үзинг дер эдинг-ку,  
Силаб ўксук бошимни:  
— Энди сенга берсин умр,  
Сенга берсин ёшимни.  
Афсус, үзинг эрта кетдинг,  
Эрта кетдинг оламдан.  
Укаларим бағрим эзар,  
Ажрадик деб онамдан.  
Бевақт хазон бұлмай ҳар ким  
Яшаб үтсін дунёда.  
Онажоним, ҳар ким ошин  
Ошаб үтсін дунёда.  
Гарчи фано ҳар кимсага  
Азалий бир қисматдир.

Лекин, она, тириклик ҳам  
Билсанг, ярим ҳикматдир.  
Тушларимда, майти, бошим  
Силааб тургин, онажон.  
Қолғанларга энди умр  
Тилаб тургин, онажон.

## II

У кун четда оð чекардим  
Фуссаларнинг дастидан.  
Сен отамга пул берибсан  
Ёстифингнинг остидан.  
Айтибсанки, онасизлик  
Келмасин ҳеч ўйига.  
Сарф қилингиз, менга эмас,  
Абдулланинг тўйига.  
О, ўғлингта сен шафқатни  
Билардинг-ку, онажон.  
Бундан кўра бафrim ўйсанг  
Бўларди-ку, онажон.  
Заррагина раҳм эттали  
Сабринг менга йўқмиди?  
Онажоним, бундан ўзга  
Жабринг менга йўқмиди?  
Йўқмиди ҳеч ўзга гапинг, —  
Нола қилиб сўйласанг.  
Наҳот, ахир сўнгти дам ҳам  
Фарзандингни ўйласанг.  
Ахир орзу қочиб кетмас,  
Битказар-ку тириклар.  
Онажоним, бир қунини  
Ўтказар-ку тириклар.  
Унутилар фуссалар ҳам,  
Орзулар ҳам чўзар бўй.  
Онажоним, балки бир кун  
Айттанингдай бўлар тўй.  
Балки сенинг қабринг узра  
Кўкарганда гул, чечак,  
Остонамга қадам қўяр,  
Сен истаган келинчак.


Кимдир унинг йўлларига  
Балки гул ҳам сочади.  
Балки мунис опажоним  
Кел, деб, қулоқ очади.  
Балки дўстлар даврасида  
Камим бўлмас ҳеч қачон.  
Лекин сени ўша дамда  
Қайдан топай, онажон.

### III

Эсимдадир, титрар эдим —  
Фамгин, болиш пастида.  
Китобимни кўрдим ногоҳ  
Бошгинаңнинг остида.  
Тошдай қотдим ўшал они  
Бор тоқатдан айрилиб.  
— Шоир ўғлим, — дединг менга  
Секингина қайрили.  
Онахоним, сўнг бор менга  
Нафас қилдинг у замон.  
Шоир бўлгин, дея балки  
Ҳавас қилдинг у замон.  
Онахоним, балки мен ҳам  
Бир кун шавққа тўларман.  
Балки мен ҳам айтганингдай  
Бир кун шоир бўларман.  
Куйлай десам ҳурматингни  
Ушбу кунда тилим лол.  
Балки фақат шу сабабли  
Шоир бўлсам эҳтимол.  
Балки сарсон-аросатда  
Қолиб кетмас бу таним,  
Камолимни кўрар балким,  
Юргим, она Ватаним.  
Пайти келиб тўлар бир кун  
Паймона ҳам беомон.  
Кузатарлар мени ҳам сўнг  
Сенга томон, сен томон.  
Балки у кун бошим узра  
Дўстлар бош ҳам эгадир.

Уша дамги иқболим ҳам,  
Онажоним, сенгадир.  
Дилда неки журъатим бор,  
Дилда неки ҳаяжон,  
Бари, бари сенга бўлсин,  
Сенга бўлсин, онажон.  
Сенга бўлсин бор ҳаётим,  
Номим, шоним бир йўла.  
Хотирангта ушбу шеърни  
Ёзди ўғлинг Абдула.

1966



## НАЙ

Яшнарди у адирда дуркун,  
Эпкинларга очганча қучок.  
Келдилару одамлар бир кун  
Танасига санчдилар пичок.

Айирдилар аввал күзидан,  
Сүңг бағрини олдилар үйиб:  
Етмагандай бу ҳам бүгэзидан  
Пуфладилар лабларин қуйиб.

Курмаганди бунчалар хүрлик  
Хатто аёз тилганда юзин.  
Аламига чидолмай шүрлик,  
Нола тортиб юборди узун.

Одамлар-чи, түпланди шу он  
Фарёдига қылолмай тоқат.  
Бир қамишни йиглатиб чунон,  
Сүңг ўзлари қылдилар роҳат.

1966

## ШОИРЛАР ҲАЁТИ

(Ҳазил)

Шоирлар сурати турибди қатор,  
Мана бу — Лермонтов, мана бу — Фурқат.  
Дунёга сифмаган буюклар ночор  
Бугун рамкалардан боқишар фақат.  
Нима ҳам қиласарды бир жонсиз бүёқ,  
Парчалаб ташларды тирик бўлганда.  
Шоирлар ҳаёти ҳамиша шундок,  
Рамкага тушади фақат... ўлганда.

1966

## ЖАННАТ

(Ҳазил)

Эртак дегани бу — болага эрмак,  
Эртак дегани бу — ширин ақида.  
Мен бир кун укамга сўйладим эртак  
Афсонавий жаннат ҳақида.  
Кавсардан гапирдим унга аввало,  
Сўнгра мақтаб кетдим ширу шарбатни.  
Дам ўтмай у йиги бошлади роса,  
Топиб бергин, деди, ўша жаннатни.  
Нима ҳам дер эдим, ўйласам бундок,  
Тушибман мен ўзим қўйган тузоқча.  
У десам бу деди, бу десам ундоқ,  
Хуллас, қанд-қурс бериб бошладим боқча.  
Жаннат деб кўрсатдим боқчани андак,  
Майли, болага бу ўйин бўлади.  
Лекин катталарга сўйламанг эртак,  
Улардан қутулиш қийин бўлади.

1966

\* \* \*

Чувалади ўйларим сенсиз,  
Хаёлимга тароқ ургайман.  
Менинг құлым етмаган юлдуз,  
Тушларимда сени күргайман.

Баланддасан тоғлар қоридан  
Чақырасан мени илгари.  
Елбораман арвоқ ортидан  
Интилувчи Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача, майлига, кетай,  
Кетай, майли, бўлиб овора.  
Сени сўраб қўймаса нетай  
Ерда қолган севги бечора.

1966

Ёмғирли күн эди,  
Атроф жим, сокит,  
Маъюс күзларингта боқардим сармаст.  
Секин шивирладинг: — Боқмагил, йигит,  
Севгинг менга янгилик эмас...

Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч,  
У ҳам қуволмади кўздан хобингни.  
Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч  
Олиб қайтдим изтиробингни.

Тунда ҳам жимгина ёш тўқди осмон,  
У менинг ҳолимга йиғлар эди, бас!  
Бас, дўстим, мени деб чекмагил фифон,  
Сенинг кўз ёшинг ҳам янгилик эмас.

*1966*

### “ОСМОН УФҚЛАРГА...”

Осмон уфқларга сепар кул рангин  
Булутлар чопади, ҳорғин беэга.  
Ҳаво нега мунча маъюс,  
Ҳаво нега мунча ғамгин:  
Оҳ, мен сендан ажралдим нега!..

*1966*

## САРОБ


Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,  
Олти ойким ўзгаларга тилайман омад.  
Олти ойким, дүстларим ҳам пана-панада  
Истеъдодим сўнганидан қилас карамат.  
Ниманидир ахтараман — шеърдан ҳам улуг,  
Ниманидир ахтараман — нондан азизроқ.  
Дунё ӯзи бепоён-ку, рангларга тұлуғ,  
Бироқ менинг құзларимдан ранглар ҳам йирок.  
Инжиқ рұхим май истайди гоҳи-гоҳида,  
Фақат унинг оғушида топаман ором.  
Хәёлларим сархуш бўлиб кезган чофимда  
У беармон кундаримга қайтаман тамом.  
Құз олдимда киприкдайин тизилар йиллар,  
Ҳар бирига маржон бўлар аччиқ унларим.  
Хира туман орасида чўғдай милтилар,  
Жайрон қувиб жайрон янглиғ үтган кунларим.  
Ўшанда ҳам бўлар эди осмону адир,  
Ўшанда ҳам кезар эдик шундоқ яланғ бош.  
Билмас эдик китоб нима, шаҳар нимадир...  
Энагамиз тұнда ою, кундузи қуёш,  
Куюндайин чарх урадик доим түзонда,  
Чант нелигин билмас эдик ўша маҳали.  
Онамизни ўйлар эдик инсон деганда,  
Аммо она танқолигин билмасдик ҳали.  
Балолардан асрар эди ӯзи табиат,  
Бошимизга сочар эди беминнат зиё.  
Тұнкарилган осмон ости — шу сирли хилқат  
Бизнинг учун ҳам кулба-ю ҳам буюк дунё.  
Кунларимиз жилғалардай үтдилар оқиб,  
Мактаб бордик — оғир бўлиб қолдик дафъатан.  
Девордаги арслон ёлли картага боқиб,  
Секингина шивирлашдик: мана шу Ватан!  
Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал,

Балки мен ҳам бахш этурман унга жон-тани.  
Лекин дүстлар, ростин айтсам, мен үша маҳал, —  
Жондан ортиқ севар эдим она-Ватанни.  
Дүстлик билан бир бутундир, дердилаар дунё,  
Мен ҳам мангу дүстлик учун ичардим қасам.  
Тайёр эдим Раҳимовдай бўлгали фидо,  
Ўйлар эдим, дўстлар учун жангта ярасам.  
Кўз олдимда шу қадарли пок эди олам,  
Гўё нурдан яралганди инсон деган зот.  
Ҳа, онамни ўйлар эдим инсон деган дам,  
Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод.  
Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ  
Даста-даста китоблардан ўқирдик таълим.  
Равон йўллар қаршиングизда турибди муштоқ,  
Дерди бизга ҳарф ўргаттан ёш бир муаллим.  
Олис жануб тортганидай күшча юрагин,  
Йироқларга етаклади мени бир сурон.  
О, Абдулла, кўзларингни очиб қарагин,  
Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон.  
Йиллар она кучогидан олди-ку юлиб,  
Савдоларга урди мени мурғак ёшимдан.  
Бир маҳаллар қуондайин юрадим елиб,  
Энди бўлса у айланар менинг бошимдан.  
Шеър излайман бу кун Тошкент кўчаларида,  
Секингина зирқирайди беором қалбим.  
Мен умримнинг бу суронли кечаларида  
На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим.  
Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар  
Энди сендан кеттаймиз деб сўрайди жавоб.  
Мени бир зум ҳол-жонимга кўймайди улар,  
Кўймайдилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб.  
Кўз олдимда собит тураг фақат шу Ватан,  
Кулбаси ҳам кенглик қадар чулрайди мени.  
Туйғуларим фақаттина унга берар тан,  
Юртим, мен ҳам умрим қадар севгайман сени.  
Мен ҳам сенинг кўёшингда ўсиб-улғайдим,  
Қарздорман, тупроғингда қолдирдим излар,  
Аммо айтинг, қайда қолди у ёшлиқ пайтим,  
Қайда қолди мен ишонган у ўзга ҳислар.  
Таъна қилмай ахир севгим мукофотини  
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.

О, қанчалар севар одим инсон зотини,  
Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен.  
Бугун түниб, атрофимга қарайман секин,  
Үт беролмас қалбга энди у ёшлик дамлар.  
Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин  
Нечун күпдир ҳалигача разил одамлар.  
Қайлардадир ҳамон кезар зулмат тимсоли,  
Қайлардадир ҳамон тинмай оқмоқда-ку қон.  
Күзларимга гоҳ күринар телба мисоли  
Мен бир вақтлар сажда қылган ҳазрати инсон.  
Қайлардадир фиску фасод, ҳасад, хусумат,  
Инсоният фарзандларин тортмоқда дорга.  
Гар бор бұлсанг жавоб бер, эй илохий қудрат,  
Нақот гүдак ишончини ёзисан қорға?!

Олти ойким, рұхим шундай учмиш танадан,  
Олти ойким, мени хаёл эзар беомон,  
Олти ойким аллакимлар пана-панадан  
Тош отади дарвозасиз қалбимга томон.  
Шовқин тұла күчаларда кезаман танқо,  
Яна шеърим юва бошлар дилдан ғамимни,  
Хәёлларнинг гирдобида қолганда аммо  
Аlam билан хотирлайман муаллимимни.  
Хазон тұла боғчаларга бораман, тағин,  
Яна ўзни хаёл ила шеърга ташлайман.  
Түниб қолган юрагимга бериб бир таскин  
Яна қувноқ қүшиқларни күйлай бошлайман.  
Не тонг, ахир фарзандмиз-ку шу замонага,  
Ахир она сийнасидан фарзанд тонолмас,  
Құл күтариб бұлармиди ахир онага,  
Зотан, унга күл күтарған — фарзанд саналмас.

1966



## ТАБИАТ


Узокларда қолди туғилған үйим,  
Ажіб болалигім қолди узокда.  
Қолди ҳоммопишишта күмілған үйим.  
Қолди сингилларим бари йирокда.  
Энди мен эслайман құзларимда нам,  
Ұша йилларимнинг оташ сеҳрини.  
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам  
Мунис сингилларим маъюс меҳрини,  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Сингил бұла қолгил, менга, табиат.

Ақтім танидиму қошимда шу кун,  
Жасур ақаларим сафини күрдім.  
Уларнинг бари ҳам ботир ва дуркун,  
Мен улар сафига шеър билан кирдім.  
Энди мен эслайман құзларимда нам,  
Ұша давраларнинг оташ сеҳрини.  
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам,  
Жасур ақаларим ажіб меҳрини.  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Ака бұла қолгил менга, табиат.

Үттан кунларимға боқиб мунтазир,  
Софинчдан ёнаған ёнган бу жоним.  
Ағсуски, ёнимда әмассиз ҳозир,  
Донишманд устозим — сиз, отажоним.  
Энди мен эслайман, құзларимда нам.  
Ҳикматли сұзларнинг оташ сеҳрини.  
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам,  
Донишманд отамнинг шафқат, меҳрини.  
Шундай пайтда ўзинг айлагил шафқат,  
Ота бұла қолгил менга, табиат.

Мен азиз онамни тупроқقا қўйдим,  
Ҳали тинган эмас кўздаги ёшим.  
Олис кечалари ҳижронда кўйдим.  
Энди қай сийнага қўяман бошим.  
Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
Она деган сўзниңг қайтмас сеҳрини.  
Қўмсаб талпинаман ҳар зум, ҳар қадам  
Онам оғушини, онам меҳрини.  
Шундай пайт ҳам ўзинг айлагил шафқат,  
Она бўла қолгил менга, табиат.

1966



## АЛВИДО, УСТОЗ

(Faфур Ғулом хотирасига)

“Зўр карвон йўлида етим бутадек  
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш...”  
Сарбоним, кўлингдан кетдимикан эрк,  
Сарбоним, не учун кўттармайсан бош.

Сўқир, ёвуз улим, минг дод дастингдан,  
Зулматдай кирдингми шеър майдонига.  
Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан  
Ўзбек шеъриятин паҳлавонига.

Олис фазоларга кетган ҳам қайтар,  
Ботгувчи қўёш ҳам чиқар билмай ҳад.  
Наҳот она ҳалқим алвидо айтар  
Бугун Faфур Ғулом бошида абад?

Илк бора жигарим силқиди балким,  
Лол қотган тилимга келмади калом.  
Йиғла, онажоним, эй она ҳалқим,  
Бугун йўқ қошингда фарзанди Ғулом.

Дардли мусиқалар, ингрангиз бир-бир,  
Ўзинг ҳам йиғла, эй, дилда қотган ғам.  
Ёруғ бу оламда бормикан, ахир  
Шоир вафотидан ортиқроқ мотам!

Зор йиғлаб навосиз қолмагай дунё,  
Ўзи чора топмай йиғлагай алам.  
Шогирдлар қўлидан тушмагай асло  
Сенинг кўлларингдан тушган шу қалам.

1966

## БАҲОР ШАМОЛИ

Баҳор келаётир,  
Тоза, мусаффо.  
Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.  
Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,  
Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.

Қоялар кўксисида шодмон, бекайфу,  
Оний умри билан солланар чечак.  
Баҳор бу — энг тоза шаббодадир бу,  
Баҳор бу — энг тоза шамолдир демак.

Кенгликлар бағрига ураман ўзни,  
Кўзимга курингай дилбар диёрим.  
Гудак нафасидек юпатар юзни  
Қиши бўйи интизор кутган баҳорим.

Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,  
Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.  
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,  
Умринг шамоллари муаттар бўлсин.

1966

## ЮРАК ВА АҚЛ

(Эркин Вохидовга ҳазил)

Ақл дейди: — Ичма ичимлик,  
Закускаси бүлмаса асло.  
Юрак дейди: — Фақат ичайлик,  
Ичмаслиқдан борми ҳеч маъно.

Ақлингта ҳеч қулоқ солма деб  
Үргатганди шоир, на чора.  
Юрагининг гапига кириб  
“Язва” бўлиб қолди бечора.

1966

## БАҲОР

Яна баҳор келди. Яна оламда  
Ажиб бир гўзалик, ажиб бир баёт.  
Мен сени кутлайман шу улуғ дамда,  
Улуғ елқадошим, музaffer ҳаёт!  
Ташбиҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан,  
Нақд жойда насия не керак асли.  
Аён бир хислатинг бордир азалдан,  
Сени атамишлар уйғониш фасли!  
Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,  
Офтоб ҳам юксалди — тик келар күёш.  
Тоғлар ҳам юқ ташлаб күтарди кифтин,  
Безавол майса ҳам силкитади бош.  
Тарновлар бўғзида лола ҳам куркам,  
Терак учларида изғир мавжудот.  
Хаттоқи туйғусиз, чирик ҳазон ҳам  
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.  
Ховлиқма жилғалар чопар беэга,  
Кушлар қий-чувига тўлмиш дала, боғ.  
Сенинг висолингдан қувонмай нега,  
Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ!  
Ялдо' кечасидай рутубатли қиши  
Солди руҳимиизга оғир бир сурур.  
Сен келдинг, уйғонди яна шўх олқиши  
Йиғлаган кўзларга тушган каби нур.  
Ҳа, мангу заволлик бўлмас оламда  
То сўйин сочаркан абри найсонлар.  
Мен сизни эслайман аммо шу дамда,  
Мангуга кўз юмган азиз инсонлар.  
Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт, —  
Неча бор само ҳам кўмди қүёшин.  
Иқболи саждагоҳ бўлғанлар, ҳайҳот,  
Ўзлари тупроққа қўйдилар бошин.

Үн ойким, сүнмишdir у таниш наъра.<sup>1</sup>  
Ҳамон фирғида фифон чекар Шош.  
Баҳор келаётir, бош күтар, қара,  
О, суур қуйчиси, донгдор замондош.  
Ҳамсуҳбат бўлмадим (ким эдим зотан),  
Тавоб ҳам қилмадим гулшан маконинг.  
Лекин шеър баҳоси муҳлисгадир тан,  
Қандай чексиз эди руҳий поёнинг!  
Бугун-чи, не кезар ўтли қонингда!  
Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо.  
Бу қандай мулоқот? Не ҳол? Ёнингда  
Жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо.<sup>2</sup>  
Бақиёс эди у шеър лочини!  
Хаёли бамисли Курагонийдек.  
Гар тарих эврилса, шуҳрат тоҗини  
Унга кийгизарди Султон Улугбек.  
Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол  
Энди тўлғизганди чўккан довотин.  
Кетди бир пок сиймо, теран бир хаёл,  
Қолдириб дунёда ҳеч ўчмас отин.  
Бақо-ю бебақо аён буюклик  
Ўтди сўнгти дамда бош эгиб қуи.  
Фақат билганидан қолмас тириклик,  
Мана, гулга чўммиш Чигатой бўйи.  
Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор,  
Ўчган хотиралар чирогин ёқиб.  
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,  
Маъсум бинафшадан сирғалар тақиб.  
Кимнингдир кўксига энгашганча гул  
Мармар сағанадан ўқиб турар байт.  
Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,  
Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?!  
Унинг оромгоҳи бундан олис жой,  
Олисда ётибди менинг паноҳим.  
Бугун кеттанига тўлибди беш ой,  
Беш ойким, кўксимда ёнади оҳим.  
Фарёд чекканим йўқ эл ичра тақир,  
Ўч ҳам олмадим мен ўз қаламимдан.

F.Гулом кўзда тутмилган.  
M Тайхзода кўзда тутмилган.

Онаジョン, онаジョン, кечиргил ахир,  
Шодланмасин дедим бирор фамидан.  
Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаңал,  
Ҳеч кимни босмасин ногаңон ўкинч.  
Аммо үз бошига келмагунча гал,  
Онаジョン, тош қалблар турармиди тинч.  
Куйларман хотиранг балки ваңт етиб,  
Бир умр уртанур лекин танда жон.  
Сурунлар йўлимда турибди кутиб,  
Ўзинг қўлла энди мени, онаジョン.  
Бугун атрофингда баҳордир балки,  
Балки шабнам ичра гарқдир ҳазин тош.  
Майсалар тенгрангда қатордир балки,  
Лекин сен ётасан кўтаролмай бош...  
Бунчалар қаттолсан, о сирли олам,  
Бунчалар бедилсан, бепоён хилқаг.  
Сенинг ҳикматингнинг сўнги-ку одам,  
Наҳотки шунга ҳам қилмайсан шафқат.  
Майса ҳам уйғонар қайта қишиш ўтиб,  
Заррача бўлса ҳам бир ҳиммат унга.  
Наҳотки энг улуғ фарзандинг кетиб,  
Бошин кўтаролмай ётса мангуга.  
Онамни сурайман сендан эрта-кеч,  
Қайтар деб сурайман чок этиб яқо.  
Лекин менинг дардли саволимга ҳеч  
Жавоб беролмассан, о, соқов даҳо!  
Жавоб олабилди ҳеч ким ҳам зотан:  
На султон, на гадо, на шоҳ, на факир.  
Ким қанча қувмасин сенинг ортингдан  
Бир улом тупроқни кўрсатдинг ахир.  
Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо  
Мангу боқий қолур Инсон ва Ҳаёл.  
Мерос аталмагай барчага фано,  
Қисмат аталмагай ҳар кимга завол.  
Факат ўтмиш билан яшамас инсон,  
Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод...  
Кечаги фамини ўйласа обдон  
Букчайиб қоларди бугун одамзод.  
Кетган азизларни хотирлаб гоҳо,  
Майлига, чекайлик бир зумгина оҳ.  
Ҳаёт тантанаси бошланмиш, аммо,  
Дўстлар, нур васлига ташлайлик нигоҳ.

Шу буюк офтобнинг мукофотини  
Эъзозлаб қўяйлик айтиб шукронга.  
Дилдан учирайлик ғамнинг отини,  
Баҳор ҳам баҳт каби ахир ягона.  
Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё  
Жилмайиб қўяди барчага масрур.  
Темурбек гумбазин қўйини гўё,  
Ёритгани каби бир лаҳзалик нур.  
Дилбар келинчакнинг кўксисда фулу,  
Зардолу шохига ташлар кўз қириш.  
Барг аро шуълалар кафтлармикан у...  
Баҳор тетапоя гўдакдай шириш.  
Юксак арғувоннинг учида ҳилол  
Пахмоқ булуғларни этади нимта.  
Қайдадир шоира куйлайди беҳол:  
— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...  
Увада камзулда билтур тугмадай  
Булуғлар ортидан боқади юлдуз.  
Қайдадир юртини эслаб инграр най,  
Қайдадир қўзигул ёради илдиз.  
Қайдадир гулшандан ахтариб висол  
Ел кезар — тоғларнинг гўзал арвоҳи.  
Шоирнинг дилрабо байтлари мисол  
Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.  
Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,  
Тошқинлар киради қалбимга маним.  
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.  
Фақат сен қалбимга чўқтирмай малол  
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.  
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,  
Фақат сен дунёда мангуда қолурсан.

1967

## СЕНГА

Ватаним деб сени уйғондим!

*Ҳамид Олимжон.*

Менинг ҳам бор дүстү қарогим,  
Шаынларига шеърлар куйладим.  
Лекин танҳо кувонган чөгим,  
Сирдошим деб сени ўйладим.

Бедард эмас умр ҳам асло,  
Ҳасратлардан гоҳо сүйладим.  
Шубҳа ичра қолганда танҳо,  
Фамдошим деб сени ўйладим.

Кучолмасман мен сени ҳаргиз,  
Сен осмонсан, мен-чи, зарра тан.  
Қиблагоҳим, юпанчим ёлғиз,  
Сен бардаёт онамсан, Ватан...

1967

## СОЗИМ

Мен шоирман,  
Истасангиз шу,  
Үзимники эрүр шу созим,  
Бирөвләрдән олмадим түйфу,  
Үзгага ҳам бермам овозим.  
Мен күйладим — гоҳ дилда кадар,  
Гоҳ севиниб шеър түқийман мен.  
Тингламаса ўзгалар агар,  
Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен.  
Мен күйладим ушбу оламда  
Инсон бўлиб туғилганимни.  
Мен күйладим баъзан аламда  
Йиғлаб-йиғлаб бўғилганимни.  
Мен күйладим бу олам аро  
Собит турган халқимни фақат,  
Мен күйладим ўтмишнинг қаро  
Зулматида йўқлигин шафқат.  
Керак бўлса, амр этса юрак,  
Келтиурман умримга имон.  
Менинг учун на таъзим керак,  
На ҳалвойтар каби шухрат-шон.  
Шайдо бўлиб юрганда бирдан  
Хаёлимга ташламанг каманд.  
Мижғов ва паст, фийбат гаплардан  
Жажжи шеърим қўюрман баланд.  
Хаёл каби кенг эрүр олам,  
Майда гапни кўтартмагай шеър.  
Керак бўлса менинг учун ҳам  
Жавоб берар бобом Алишер.

1967

Күкда юлдуз учса ногаён  
Битди дерлар қайси бир тақдир.  
Бундай ғамни күттармак осон,  
Бу эҳтимол бизлар ҳақдадир.  
Баъзи тунлар күкка тикиб кўз  
Эслаб дейман онамни шу он:  
Она кетса, юлдуз-ку, юлдуз,  
Қулаб тушса арзийди осмон.

1967

\* \* \*

Ўзимни мозийнинг бағрига урдим,  
Ва шу он шукронга айтиб қайтдим мен,  
Кимдир кўрмай кетган баҳтни мен кўрдим,  
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен.

Мени кутаётир ажиб келажак,  
У менинг иқболим, менинг баҳтимдир.  
Мен кўрмаган баҳтни кимдир кўражак,  
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.

1967

## МЕН СЕНИ КҮЙЛАМОҚ ИСТАЙМАН

Оқ шеър

Мен сени күйламоқ истайман,  
Сенинг юзларингни күйламоқ истайман,  
Сенинг кўзларингни күйламоқ истайман.  
Юзларким, малаги афсонада йўқ,  
Кўзларким, жаннати ризвонада йўқ.  
Мен сени күйламоқ истайман,  
Аммо шундай кўйласамки,  
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...  
Мен сендан бўсалар олмоқ истайман:  
Аммо шундай бўсаларким —  
Тирқираб қон оқса лабларимиздан,  
Зотан, одамлар севгисини ҳам  
Алами, нафрати, қувончи каби  
Ҳайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.  
Истайманки, наъра тортсин чақалоқлар ҳам,  
Ўликлар ҳам тинч ётмасин қабрларида.  
Мен ҳамма нарсани буюклигича кўрмоқ истайман  
XX аср одамларида.  
Зотан, бу аср  
Ҳар қандай чекланиш, ҳар қандай қулликни  
Итқитиб ташламоқда ўз елкасидан...  
Бу асрнинг талаби оддий ва содда:  
Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,  
Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни  
Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,  
Бўғзингда қолмасин овозинг асло!  
Мен шу асрнинг бир митти фарзандиман,  
Мен унинг бутун қўполлигини,  
Бутун нозиклигини,  
Бутун совуқлигини,  
Бутун ҳароратини  
Сенинг шу фунчадек нозик лабларингта  
Жо қилмоқ истайман, севгилим...

1967

## АРМАНИСТОН

Ватаним күёшга күксини очиб,  
Осиё қўйнида яшнаган бўстон.  
Мен бу кун дарёлар, тоғлардан ошиб,  
Кучоингга келдим, гўзал Ҳаястон.  
Бир ёнингда турар оқсоч Арапат —  
Тоғлар тасбиҳининг гавҳар донаси.  
Нима ҳам дер эдим, гўзалсан фақат,  
Эй, сен арман юртин ғамгин онаси.  
Бир ёнингда эса Севандай баҳр,  
Мисоли булутлар ичидаги қамар.  
Арман ҳасратлари бари бундадир,  
Бундадир Мажнуннинг дўсти Оҳтамар.<sup>1</sup>  
Бунда Сосун ўғли кезиб юрибди.  
Отдан тушган эмас ҳамон фидойи.  
Минг йиллик ғамлардан сўйлаб турибди  
Гарни харобаси, Звартноц жойи<sup>2</sup>.  
Гўзал Арманистон, эй қадим диёр,  
Эй, Одам Атонинг үтай боласи.  
Қанча кўп дарбадар фарзандларинг бор,<sup>3</sup>  
Барининг кўксида ўқинч, ноласи.  
Уч бўстон булбули Саят Наво бу,  
Қўлида сози-ю, қалбida алам.  
Туманян юртим деб чекканда қайфу,  
Арман қисматига йиғлади олам.  
Чаренц таъналардан ҳайиқмай тақир,  
Шеърият кўкида кўтарди ялов.  
Ҳайҳот, бу зотни ҳам ёндириди охир,  
Ўзи муқаддас деб сифинган олов.  
Гўзал Арманистон, мени афв эт,  
Даъвом йўқ шуҳратинг овозасига.

<sup>1</sup> Оҳтамар — мажнунсифат ошиқ образи.


<sup>2</sup> Гарни, Звартноц — қадимий ибодатхоналарнинг харобалари

<sup>3</sup> Арман ҳалқинин катта бир қисми тарих гақозоси билан бутун дунёга сочилиб кетган.

Сен билан турибман бу кун бетма-бет  
Бош уриб Ереван дарвазасига.  
Буюк фожиангнинг гувоҳи эрур  
Жаҳон пучмоғида ҳар етти тараф.  
Йўл усти сенга ҳам қўнганди Темур,  
Сени мутаб ётди неча йил араб.  
Афсона ошиғи буюк Искандар  
Саройларинг бузди эрмакка фақат.  
Дунёга тўзғидинг бамисоли пар,  
На Салжук, на Чингиз қилишди шафқат.  
Тозига чап бериб қочган ҳар тулки  
Арман тупроғини бўяди қонга.  
Босқинчи сўзининг маъноси шулки,  
Нонга тўйғанда ҳам тўймас маконга.  
Тарих деб аталган қисмат бу, ахир,  
Қошида юзтубан ҳаттоки худо.  
Кимни у камситиб, этмаган таҳқир,  
Кимни у юртидан қўлмаган жудо.  
Менинг ҳам ватаним жанглар гувоҳи,  
Менинг ҳам тупроғим топталғанди хор.  
Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,  
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор,  
Минорлар эмас бу — фалакка қасам,  
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.  
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,  
Ўлик фиръавиylар кетарлар сапчиб.  
Яхшиям неча бир замонлар ўтиб,  
Кўрдик ватанимиз озод, музaffer,  
Гўё таъна тошин саноғи битиб,  
Тарих сопқонидан тушган каби зар.  
Яхшиям замонлар дастурхонида  
Баробар турибмиз таъми бир туздек,  
Яхшиям қўёш бор толе тонгида,  
Арман май шишиаси узра юлдуздек.  
Гўзал Арманистон, эй қадим диёр,  
Эзгу эктиромим қабул эт жондан.  
Сен қанча бўлмагин сулув ва дилдор,  
Юрт излаб келмадим Ўзбекистондан.  
Мен бир кезиб юрган куйчи шоирман,  
Не тонг, Ҳаястонга келибман бу кун.  
Бахтни куйламоққа анча моҳирман,  
Ғамни куйламоққа тилларим тутун.

Ташна бу рұхимга шеър бұлиб кирди.  
Мовий дараларда асрлик туман.  
Шеър мени чаманлар сайрига бурди,  
Саргашта эттан ҳам үша “ёсуман”.  
Хайр, Арманистон, эй, гүзал диёр,  
Хайр, Наирининг тонгти саломи.  
Хайр, Севан қули, пок ва буғубор,  
Хайр, мангу ўлмас арман қаломи.  
Эзгу тилакларим сен учун бұлсин,  
Үтмишинг қадарли боқий бўл, бор бўл.  
Йироқ фарзандларинг бағрингга тўлсин,  
Барига она бўл, сингил бўл, ёр бўл.  
Доим мағрур турсин Гарнида Кегарт,<sup>1</sup>  
Оҳу тўдалари кезсин мардона.  
Мендай ҳорғин йўлчи келганда фақат  
Ўзингни бегона тутмагин, она.

1967



---

<sup>1</sup> Кегарт — арманча йўлбарс дегани. Гарнида шундай ҳайкал ҳам бор.

## НЕЧУН ТИМ ҚОРАДИР АРМАН ҚҰЗЛАРИ

Нечун тим қорадир арман құзлари,  
Хассос табиатнинг сеҳримикан бу?  
Ё гүзәл бұлсингар арман қыздари —  
Деган оналарнинг меҳримикан бу?  
Йүқ, бу меҳр эмас, сеҳр ҳам асло,  
Бу құзлар ўз-ўзин айлаб құяр фош.  
Йигидан бұлармиш құзлар тим қора...  
Хеч ким арманчалик тұкмаган құзёш.

1967

\* \* \*

Алвидо, деб құлларимга бойладинг бир тола соч,  
Ошиқ аҳли ичра кимни сайдадинг, бир тола соч?  
Қолди умрим доми ишқда, соч каби ҳолим забун,  
Толеимни тола-тола айладинг, бир тола соч.

1967

## СЕВАН ҚҮЛИ

Севан құли, сенга айттар икки оғиз гапим бор,  
Ушбу сұзим сенга ғамдош бир юракнинг матлаби.  
Арманистан осмонидай соф экансан, беғубор,  
Рухсорингда гард йүқ экан арман тупроғи каби.  
Майли, сенинг оғушингда Зангу оқмасин асло,  
Майли, мовий сувлар билан қайта лим-лим тұлмагин.  
Севан құли, рухсорингта губор құнмасин аммо,  
Куриб қолсанғ қуригину лекин нопок бұлмагин.

1967

## ЕРЕВАН КУЧАСИДА

### Салминахонимга

Мен Ереван күчасида озар қизин учратдим,  
Умрим буйи илк мартаба дуч келдим мен рўёга.  
Йўқ, мажусий эмас эрдим, лекин суратдай қотдим,  
Биродарлар, бундай гўзал келмагай ҳеч дунёга.  
Бекор бўлди иқтидорим,bekor bўлди юрагим,  
Бекор бўлди шеъриятим ул гўзалинг қошида.  
Бекор бўлди саёҳатим, bekor bўлди юрмагим,  
Бекор бўлди Ереван ҳам туйгулар талошида.  
Ёш умримни тарозуга солиб аста қарайман,  
Ёшлик ва шеър бу дунёning азал-абад тимсоли.  
Мен-ку, шеърни тўқимоқча сал-палгина ярайман,  
Лекин сенсиз йиглаб ўтгум Самад Вурғун мисоли.  
Озар қизи, нега менга зарра қиё боқмадинг?  
Бошим узра турар эди Ўзбекистон суврати.  
Озар қизи, нега менга гулларингдан тақмадинг?  
Фузулийнинг даҳосига ҳурматимнинг ҳурмати.  
Тақдир деган подшо бўлса ошиқларнинг ҳоли танг,  
Қаёнларга олиб кетар мени ҳам бу йўлларим.  
Тилакларим бажо бўлур ва лекин сен бўлмасанг,  
Бамисоли Искандардай очик кетар қўлларим.

1967

## НУТҚ

(Faфур Fулом вафотининг бир йиллигига)

Faфур Fулом ўлганига бир йил тўлибди,  
Нарёгини ўйлаганда сесканар одам.  
Faфур Fулом учун бир йил нима бўлибди,  
Бу — мангалик йўлидаги биринчи қадам.  
Биз учун-чи, бир йил демак “шунчаки план”,  
Бола-чақа, ўтин-кўмир, уй-жой ташвиши.  
Гоҳо унга марсия деб ёзган шеър билан  
Мангаликка қоларман деб ўйлади киши.  
Лекин фақат оёқ билан чиқмаслар тоққа,  
Арқон керак, чўкич керак, керак улов-от.  
Бу асрдан мангаликка ёрлиқ олмоққа  
Етмас экан фақатгина шеърий истеъод.  
Faфур Fулом — буюк шоир, файласуф, ҳакам,  
Faфур Fулом — адаб, нотиқ ва соҳиб сурур.  
Эҳ-хе, бунинг барчасини санамоққа ҳам  
Керак бўлар лоғи билан яна бир умр.  
Асқад ака лутф этгандай, у мисли кўзгу,  
Бизнинг учун халқ тимсоли, ўзбек тимсоли.  
Камалақдек неча рангли дарёларни у  
Жамлай олган бир ўзида денгиз мисоли.  
Бу дунёда кўпdir балки ҳар хил муаммо,  
Мумкин унинг баъзисини кура билмаслик.  
Нима деса деяверсин одамлар, аммо  
Мумкинмас ҳеч улуг зотга ҳавас қилмаслик.  
Мангаликка кетаётир шоир шошганча,  
Мовий қўкка шаън қуёши ўрламоқда, бас,  
Faфур Fулом тирикликни истаса қанча,  
Биз ҳам унга ўшанчалик қилгаймиз ҳавас.

1967

## ҚУШЧАГА

Бир танишим съ尔ва қүш асраб, сал  
ұтмай қўйиб юборган экан. Шўрлик  
қайтиб келибди. Ўзи дон  
топиб еёлмаган бўлса керак.

Эй қушим, кўкка қараб кўздан ёшингни тўкма кўп,  
Бунчалар андуҳи фам ичра қафасни сўкма кўп.

Ношукурлик қўилма мунча, соҳибингга айт шараф,  
Ул сенга дон-дун бериб аҳволингга тургай қараб.

Ёғса ёмғир кўчаларда қолмагайсан зор-зор,  
Йиғлама, кушчам, сенинг кулбанг-ку бор, кулбанг-ку бор.

Қайга ҳам боргай эдинг берганларида эрк сенга,  
Шаҳр ахир фиж-фиж эрур, ошёнлари ҳам берк сенга.

Бош олиб қиши кунлари қайга кетардинг, жонгинам,  
Оҳ бечора, билмагайсан сен жануб йўлларини ҳам.

Бенаво ҳар бир гўдак кўргач сени тошлилар отур,  
Пистадек қалбинингта, вах, тошлилар қадар фамлар ботур.

Қол ўшал масканда сен, эрк деб дилингни тилма кўп.  
Сен ахир қушсан ожиз, инсонга тақлид қилма кўп.

Биз қафасни севмагаймиз, бизга на уйдир ҳожат,  
Давримизни яйрашиб биз куйласак етгай фақат.

1967

Қүйгил, у күнларни эслатма менга,  
 Қалбимни ёқмасин бу хазон фаслинг.  
 Энди бегонаман, жонгинам, сенга,  
 Энди бегонадир менга ҳам васлинг.  
 Гоҳида севиниб, гоҳи ғамдадир  
 Ишқ узра ёзардим мен эркин қанот.  
 Билмайман қайси кун, қайси дамдадир,  
 Менинг қисматимга чант солди сайёд.  
 Унинг қўлидадир бу кун имконим,  
 Бу кун ҳамроҳимдир гўзал изтироб.  
 Қўйгил, у күнларни эслатма, жоним,  
 Қўйгил, юрагимга сен берма азоб.  
 Ўзгалар юзимга боқса ҳам ҳайрон,  
 Фақат сен томоша қилма ҳолимни.  
 Фақат сен шеъримни севма ҳеч қачон,  
 Фақат сен ҳимоя қилма номимни.  
 Дариф тут ишваю назокатларинг,  
 Фақат сен юзимга боқмагил кулиб.  
 Ҳайҳот, энди барча илтифотларинг  
 Менга туулади масхара бўлиб.

1967

## ГҮЗАЛЛИК

Кузнинг рутубатли оқшоми эди,  
Боғлар сокингина чекар эди оҳ.  
Руҳимда бир хазон айёми эди,  
Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ.  
Мисли хаёл эди у малак сиймо,  
Чирой оламининг тенгсиз сайқали.  
Кўзларим олдида турарди гўё  
Навоий ғазалин тирик ҳайкали.  
Бир зум кўзларимдан йўқолди уйқу,  
Бир зум баҳор каби ёришди олам.  
Бир зум хаёлимдан чекинди қайғу,  
Бир зум юрагимдан кетди ғам-алам.  
Бир зум гўзалликнинг ҳузурида жим  
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.  
О, доно табиат, о буюк ҳаким,  
Ҳикмат кўрмадим ҳеч мен сенга монанд.  
Ўзинг юракларга чўктириб кадар,  
Халос ҳам қитурсан раҳм этган дамда.  
Шундай гўзалларни яратмасанг гар,  
Қолиб кетармидик бир умр ғамда.

1967

\* \* \*

Оҳ уриб ҳар ёнда изфийди шамол,  
Замон макон бермай уни қистайди.  
Орзуси фақат шул: у ҳам тоғ мисол  
Дили ором олиб ётмоқ истайди.

Аросатда инграр тоғлар ҳам, аммо  
Құхистон бағрида тополмас илож.  
Армон қылар у ҳам, шамолдай гүё  
Мовий кенгликларда ёzsам дер қулоч.

1967

\* \* \*

Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,  
Танимни жунжитар оқшомги шамол.  
Нега мунча ғамгин найнинг навоси,  
Нега қалбим тұла үқинч ва малол?  
Барглар орасига тинмасдан сира  
Ошно юлдузлардан тұқилади нур.  
Билмайман, қийнайди қайси хотира,  
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.  
Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол  
Маъюс эгилади терак учлари,  
Барглар соясида ўйнайди бедол  
Үйқудаги қызнинг бедор тушлари.  
Атрофимда ётар ғарип бир викор,  
Билмам, нега үчди қалбим сафоси.  
Нима ҳам қылардим, на иложим бор,  
Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси.

1967

## КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Яна далаларга бошлайди ҳавас,  
Боғларда хазонлар ёнади лов-лов.  
Дўстларим, бу кузнинг барглари эмас,  
Менинг юрагимдан тўкилган олов.

Шохларда мезонлар ялтиrap хира,  
Пойида шивирлар менинг куйларим.  
Дўстларим, булар ҳам мезонмас сира,  
Бу менинг чувалган, сўнгсиз уйларим.

Куёш ҳам фалакда бамисли рӯё,  
У энди ёндирилас, ялтиrap фақат.  
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,  
У олис ўшлиқда қолган муҳаббат.

1967

## СЕВГИ ЎЛИМИ

Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи,  
Ёмғирли кун каби эзилди дардим.  
Яйдоқ кучаларда жим юрган куйи  
Сенинг изларингни ахтардим.  
Уфқларда эса аччиқ бир туман  
Менинг кўзларимга қуярди заҳар.  
Увишган қалбимни сокинлик билан  
Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.  
Энди сен тутмассан асло қўлимни,  
Ўтган севгим учун очмассан аза.  
Оҳ, қандай ўлим бу севги ўлими,  
Унга на қабр бор ва на жаноза.

1967

## ОХУ

Маконинг бўлибди тоғлар ораси,  
Сенсан гўзалликнинг асли, сараси.  
Маъюс юрагингда ишқнинг яраси,  
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Даралар кўйнида нени истарсан,  
Нечун доим ғамгин, доим мустарсан.  
Латиф шижоатинг қайта қистарсан,  
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Йўқ, сен ахтармассан тоғлардан макон,  
Ва на гўзалигинг учун шуҳрат-шон.  
Сайёд жабри сенга бермайди имкон,  
Сен ҳам ошиқмисан ёки, охужон.

Кўй, жоним, кузларинг тўлмасин ёшга,  
Тонгда оёғинг кўй баланд бир тошга.  
Сени қуёш ўзи кўтартгай бошга,  
Сен ҳам ошиқмисан ёки охужон.

1967

ПАҲЛАВОН МАҲМУД  
ҚАБРИ ҚОШИДА

Мадорсиз қўлимга қалам олганда  
Ё узоқ йўлларда ҳориб-толганда,  
Бир номард қошида ожиз қолганда  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,  
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,  
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Куйладим, фазога нақлим етмади,  
Ўйладим, дунёга ақлим етмади.  
Қай ишга қўл урдим, шаҳдим етмади,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Мен учун хилхона бўлганда олам,  
Гумбазлар остидан чиқди бир алам:  
— Ҳаётсан, бунчалар фарёд айлама,  
Мен ўзим мададга зорман-ку, болам.

1967

## АБДУЛЛА ҚАХХОР

Йұллар ортимизда қолар әдилар,  
Саҳролар қоларди чексиз, бетакрор.  
Нега улар чексиз, десам дедилар:  
Бу ердан үтганди Абдулла Қаҳхор.

Йұллар ортимизда қолар әдилар,  
Чүққылар қоларди юксак ва қатор.  
Нега улар юксак, десам дедилар:  
Бу ердан ҳам үтди Абдулла Қаҳхор.

1967

\* \* \*

Оталар боладан ранжиса озрок,  
Гоҳида шундайин сүзни дейдилар:  
— Болам, кексаларни қадрла күпроқ,  
Боғлаб құйған эмас бизни, дейдилар.  
Кекса дилингизга тушмасин титроқ,  
Оталар, чайқалиб турибди олам.  
Сиз ҳам болаларни қадрланг күпроқ,  
Боғлаб құйған эмас болаларни ҳам.

1967

\* \* \*

Умр утиб борар мисоли эртак,  
Эртанинг кетидан келиб қолар шом.  
Фақат фафлат ичра ётмагин, юрак,  
Қайтиб келмас сира бу ёшлик айём.

Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас,  
Муҳлат бермас у дам тўлган паймона.  
Ўтган бир онингни қайтара олгай  
На кўзёш, на афсус ва на баҳона...

1967

\* \* \*

Дунё бир гулзордир кенг ва бетимсол,  
Юлдузлар фунчадир унинг учидা.  
Қўғирчоқ ичида қўғирчоқ мисол  
Гуллар ўстирамиз хона ичида.

Дунё бир боладир шўх ва бетимсол,  
Унинг ахтаргани шодлик ва кулгу.  
Қўғирчоқ ичида қўғирчоқ мисол  
Унга эрмак бўлиб қолмасак бўлди.

1967

## ШОИР

Парво құлма, дұстим, эзилма сира,  
Фамгин қүшиқтарни күйласа шоир.  
Мисралари гарчанд маъюс ва хира,  
Лекин барчаси ҳам қалбига доир.  
Буюк замонанинг оташин зарби  
Унинг қаламига ёт эмас асло.  
Агар керак бұлса Шарқни ва Farбни  
Ёлғиз бир шеърига эта олар жо.  
Лекин у юрагин қасдан ёқмагай,  
Қалбига оламдан оқар оҳанглар.  
Айтинг, ҳилол бунча маъюс боқмагай,  
Айтинг, мунча сулув бұлмагай тонглар.  
Айтинг, Боботогнинг силсиласида  
Сакраб кезмасынлар мунис охулар.  
Улар акс этади шеър мисрасида,  
Ажиб ўйчан қилиб құяди улар.  
Парво құлма, дұстим, эзилма сира,  
Фамгин қүшиқтарни күйласа шоир.  
Мисралари гарчанд маъюс ва хира,  
Барчаси ҳам шайдо қалбига доир.


1967

(Бухоро газининг Москвага етиб  
бориши муносабати билан)

Қани қулингни бер, эй қардош диёр,  
Ўзбек йигитининг қайноқ кафти бу.  
Бу кунги совғанинг ўзга номи бор,  
Захъматкаш юртимнинг юрак тафти бу.  
Бахтини бус-бутун топгунича то, —  
Не-не балоларни кўрган ўзбекман.  
Меҳмон жой сураса, аямай ҳатто, —  
Унга жонини ҳам берган ўзбекман.  
Дилбар Фарғонадан соҳибкор халқим  
Ҳар йили узатар тонналаб мева,  
Бундайин бисотни кўрмаган балким,  
Маккага қатнаган миллионлаб тева.  
Томди яйловида маъсум қўзичоқ  
Дўстлар деб кўз очмай берар жонини,  
Ҳисоблаб чиқишига сон етмас бу чоқ  
Мурунтовдан кетган олтин конини.  
Бизнинг пахтага-ку, барча мунтазир,  
Ер юзи ўртада кўрмоқда баҳам...  
Қандай баён қиласай фикримни ахир,  
Мана, олиб келдик ўтимизни ҳам.  
Газ деган, дўстларим, нима бўлибди,  
Азалдан жонимиз сизга садақа.  
Жаҳон-ку рост гапни кўриб турибди,  
Бизлар шундоқ эдик, бизлар шунақа.  
Бизлар баҳш этамиш дўстларга олов,  
Мана, Осиёнинг қуёши сизга.  
Ёз пайти саратон қиздирса лов-лов, —  
Сиздан ҳам шаббода келгуси бизга.  
Ва лекин шамолдай саргардон юриб,  
Бахтимни ахтариб кезмаслигим чин.  
Мен бу кун Москва ёнида туриб  
Сени улуғлайман, эй она халқим.  
Бир неъмат бўлсин деб қалбда қонни ҳам  
Анор донасига жойлаган жонсан.

Агар қўйиб берса, кенг жаҳонни ҳам  
Зарга урагувчи Ўзбекистонсан.  
Нурли истиқболда барчанинг кўзи,  
Олдинда келажак турап аломат.  
Майлига, яшнасин бутун ер юзи,  
Дўстларнинг жонлари бўлсин саломат.  
Буюк салафларнинг силсиласида  
Ахир Россиянинг фарзанди бисёр.  
Лермонтовнинг ўтили бир мисрасига  
Майли, Ўзбекистон оташи нисор.  
Бу оташ тоблайди дўстликни фақат,  
Бу оташ орттирап иқболнинг кучин.  
Бу оташ тафтида ҳурмат ва ҳиммат  
Табаррук зотларнинг даҳоси учун...

1967



## ЁЗАЖАКМАН

Дүстлар, демангиз, мен шеъру достон ёзажакман,  
Мен шеъру достон ичра бир афғон ёзажакман.  
Хайрона бокур бу маним ахволима ҳар ким,  
Мен эрсам үзгалар ахволига ҳайрон, ёзажакман.  
Шоир дилига қылма ҳавас, бут эса бағринг,  
Шоир юратын доимо вайрон ёзажакман.  
Солди дилима қанча алам ул шұху бадхұ,  
Билмамки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман.  
Осында әлиниң турфа-туман юлдузи құлдир,  
Хұбдир бариси, равшани — құлпон ёзажакман.  
Сен шеърга құлинг чүзмагил, эй жоҳили нокас,  
Бұлсанг-да “худо” номингни шайтон ёзажакман.  
Бошингта агар құнса шу қун шарпаи иқбол,  
Пойингта, элим, бош уриб қуръон ёзажакман.  
Күлдир демангиз гарчи номи Абдулла әтурман,  
Расул ҳам әмас, йүқ ҳали унвон, ёзажакман.

1967

## МИНОРАИ КАЛОН ТЕПАСИДАГИ ЛАЙЛАК

Ташлаб кетди бу шаҳарни беклар, амирлар,  
Ташлаб кетди бу шаҳарни ислом шавкати.  
Ташлаб кетди бу шаҳарни шайхлар, кабирлар,  
Ташлаб кетди маҳмадона Манғит давлати.

Булбуллар ҳам кетди бундан кўзини ёшлаб,  
Товуслар ҳам қайларгадир аста йўқолди.  
Фақат бир қуш бу шаҳарни кетмади ташлаб,  
Фақат лайлак Бухорода мангуга қолди.

Мен бу ҳолга ҳайрон булиб боқдим ҳар сафар,  
Бир шеър излаб Бухорони кезаркан узоқ.  
Ажаб, күшнинг оёқлари гўзага ухшар,  
Қанотлари эса унинг пахтадек оппок.

1968

## АЛИШЕР

Жаҳонки муқаддас нени курибди, —  
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.  
Беш юз йил наридан боқиб турибди,  
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, —  
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.  
Унинг номи билан бирга битилган  
Дунё дафтариға ўзбек деган ном.

Бойқаро иргишлаб истак отида  
Жаҳонга боққанды мисли бола шер, —  
Ҳирот дарвозасин бир қанотида  
Шеърий лашкарини тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун  
Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку, рост.  
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,  
Алишер қаламни кўрсатган, холос.

Тун билан тонг эрур ташбиҳда удум,  
Мисоли заҳру май, ҳажру шакар лаб.  
Кимнидир қўёшдай эсласа мардум,  
Кимнидир зулматдай юрарлар қарғаб.


Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,  
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!  
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:  
Ҳар икки набиранг бири — Алишер.

Байтингта бир бора қовушган ҳар лаб,  
Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.  
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,  
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бирвлар наздида жоҳил Осиё  
Фақат завол күриб, күрмаган камол.  
Мусо илтижоси етди-ю ғүё,  
Хақ Тур тоги узра күргазди жамол —

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...  
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қүёш!  
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,  
Мингта қадам қўйди йигирма беш ёш.

1968



## АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

(Болаларга)

Билмам, қандай аёл бўлган  
Алишернинг онаси.  
Балки унинг ақлига ҳам  
Лол бўлган замонаси.  
Балки унинг кўзларида  
Бўлган оғир бир хаёл.  
Балки ғамгин бир зотдир у,  
Балки шўхчан бир аёл.  
Балки буюк фарзандига  
Териб келган чечаклар.  
Балки тунлар унга бедор  
Айтиб берган эртаклар.  
Майлига, у ким бўлмасин,  
Ёлғиз бир сўз маъноси:  
Алишернинг онаси у,  
Навоийнинг онаси.

1968

## ГОРЬКИЙ

Адиб, тақдирингта таъзим қил бу кун,  
Бу кун эҳтиром қил толе қошида.  
Қаро кечмишингга разм қил бу кун,  
Не кунлар ўтмаган Руснинг бошидан.  
Кўш калла бургутли улкан Россия  
Ардоқлай билмаган ҳатто ўз ишқин.  
Шарафсиз юртининг шарафи дея,  
Шарафсиз қўлларда жон берди Пушкин.  
Буюк Лермонтовнинг оташ чоғлари  
Кулдай совурилди бадбўй сўзлардан.  
Бу зотни ҳаттоки Кавказ тоғлари  
Яшира билмади ёвуз қўзлардан.  
Ёш қалбим замонлар дардига тўлуғ,  
Тарихни ўйлайман мен гоҳи онлар.  
Бу юрт фамлари ҳам нақадар улуг,  
Бу юрт шавкати ҳам не бир ўғлонлар...  
Шеър ҳам ёзмас эдим мен унга балким,  
Пойлаб ҳам турмовдим таваллуд кунни.  
Таажжуб қиласман тақдиригаким,  
Жафо-ю ғам бўлмиш дорилфунуни.  
Давр ўқи дилини юз пора қиласмиш,  
Зирағчадан зада жаҳоний бир зот.  
Аччиқ кечмишига ишора қиласмиш,  
Ўзига танлаган чоғда тимсол-от.  
Яхшиям тубанда қолиб у тақдир,  
Топди устоз деган қутлуғ номни у.  
Оқибат замонда кўролди охир  
Пушкин кўролмаган эҳтиромни у.  
Адиб, тақдирингта таъзим қил бу кун,  
Бу кун эҳтиром қил толе қошида.  
Қора кечмишингга разм қил бу кун,  
Не кунлар ўтмаган сенинг бошингдан.

1968

## ЖУМБОҚ

Идроким борича яшадим фақат,  
Фаҳм этдим дунёни баймкон, қат-қэт.  
Ёлғиз бир жумбоққа ақтим етмади:  
Қайдан туғилади, билмадим, ҳасад.

1968

## ХАТОЛАР

Ватерлоода хато құлди Наполеон —  
Жаҳонгирнинг қайтди шу күн омади.  
Мана ўтса ҳамки неча бир замон,  
Ү ҳақда гапирмаган одам қолмади.

Бобом пайғамбарлар қасоси учун  
Гоҳо осийларнинг олди бошини.  
Уни қарғадилар хатоси учун,  
Ҳамон отмоқдалар таъна тошини.

...Хато құлған бўлсам кечиргин, болам,  
Юз йил давомида чўзаверма, бас.  
Кўриб турибсан-ку, мен оддий одам,  
Наполеон эмасман, Темур ҳам эмас!

1968

## БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кечака оқшом фалакда ой бўзарид ботганда,  
Зуҳра юлдуз милтираб, хира ханда отганда,  
Рӯҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим.  
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўуплон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,  
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,  
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,  
Мангу ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.  
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...  
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Холбуки орзуладан жудо ҳам бўлганим йўқ,  
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ.  
Эрта хазон гул каби сарғайиб сўлганим йўқ,  
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиғлайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Фуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай.  
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим.  
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унудим.  
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Ёлғиз Оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.

Бул ажаб, хор кимсадин имдод сүрайди хорлар,  
Сиз бемор күксига бош урмангиз, эй bemорлар.

Гар фалак буржида шамс уйкуга солса үзни,  
Етди навбат бизга деб чаңнар эмиш сайёрлар.

Саждага бошинг уриб фарёд чекма, эй рафик,  
Энди сен топгаймидинг, топмабди-ку ағёрлар.

Фозилу дониш эли құл ювса бу дунёга гар,  
Во ажаб, оққан сувин нұш этар шайх хұнхорлар.

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз буқун  
Яссавий хок-пойидан айлаб олинг тумморлар.

Ким берар дунёга зар, абгор үлиб қолгай үзи,  
Кимки дорни бузса гар, анга қурилтай дорлар.

Кимсалар, бадбин дея боқманг бу кун Абдуллага,  
Тингласа тохи юриб мозий элидин зорлар.

1968

Севгидан сүйлардинг у кун энтикиб,  
 Сүйлардинг висолниңт яқын келишин.  
 Мен бўлсам кўзимни қайгадир тикиб,  
 Ўйлардим дунёниңг савдоли ишин.

Бугун-чи, бир ўзим, юрибман танҳо,  
 Севги ҳам, висол ҳам бўлдилар абас.  
 Барчаси мангута тарк этди, аммо  
 Фақат ўша ўйлар тарк этган эмас.

1968

### САМОЛЁТДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Чарх урар эрдим фазода, юлдузим йўлдош эди,  
 Юлдузимга термулиб юлдуз кўзимда ёш эди.

Дер эдим: — Жон юлдузим, васлингта бир етказ мани,  
 Дер эди: — Кўк севмагай сендай гуноҳкор бандани.

Чарх урар эрдим фазода, юлдузим йўлдош эди,  
 Юлдузимга термулиб юлдуз кўзимда ёш эди.

Дер эдим: — Туш, юлдузим, йўқса заминга, сен ўзинг.  
 Дер эди: — Хуш кўрмагай ташвишли ерни юлдузинг.

1968

## БУ КУН

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,  
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Чеҳраи заррин сира қўрмакка ҳожат қолмади,  
Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун.

Шарҳи дил этмай туриб рад этди ёрим, бўйлаким  
Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилло бу кун.

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,  
Ҳарф үйин айлай десам, үзга эрур имло бу кун.

Бағри қонлар бирла ёрният зарра дарди йўқ, не тонг,  
Иблис ила кўкда ҳам машғул эрур олло бу кун.

Чархи қажрафтторнинг шеваси доим шул экан,  
Васл уйида ғайр эли айлаб юрар ялло бу кун.

Ёр висоли толеингда бўлса, Абдулло, агар  
Сенга парво қылсалар ҳам қилмагин парво бу кун.

1968

## БАҲОР КУНЛАРИДА

(Ҳазил)

Баҳор чоғи эди,  
Шод эдик жуда.  
Боғда дилдор билан айладик висол,  
Жилмайиб юрардик худа-беҳуда,  
Худди китобларда ёзилган мисол.

Бирдан гумбирлади момақалдироқ,  
Ҳавонинг авзойи бузилди, не ҳол?  
Ёмғир ҳам шариллаб қўйди-ку шу чоқ,  
Худди китобларда ёзилган мисол.

Бир зум ёмғир ичра қолдик иккимиз,  
У менинг кўксимга бош қўйди беҳол.  
Чўмдик аллақандай ҳисларга ҳам биз,  
Худди китобларда ёзилган мисол.

Йўқ, энди китобга ўхшамади ҳеч,  
Курғур ёмғир биздан кетибди кулиб.  
Икков икки ёнга тарқалдик шу кеч,  
Менинг белим оғриб, у тумов бўлиб...

1968

## **КЕТМОҚДАМАН**

Яхши қол, эй, дилбарим, дilda қадар, кетмоқдаман,  
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман.

На ишончу на қувончу на күнгилдан гапни оч,  
Барчасидан ушбу кун йүкдир самар, кетмоқдаман.

Мен қүёш юзлимга деб, тун-кечалар бердим юрак,  
Оқибат оттанды тонг қондир жигар, кетмоқдаман.

Неча кунлар ўтди, лекин сўрмадинг ҳолимни бир,  
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмоқдаман.

Келганимда дедиларки, бу йигит кони зарар,  
Кетмагимдан, охир айт, борми зарар, кетмоқдаман.

Билмадим, ҳеч бормикин асли дардимга шифо,  
Хаста бу Абдулладан олгин хабар, кетмоқдаман.

*1968*

## ИЛГОР ИШЧИ ВА ЧАҚҚОН МУХБИР ҚИССАСИ

Ишчи тонгда туриб олиб  
Курилишга боради.  
Фишт теради, тош йұнади,  
Шағалини қоради.

Құл ишда-ю, аммо ўзга  
Хаёл кезар бошида,  
Боғчадаги қызчасининг  
Лентаси йүқ сочида.

Телләгини йүқотибди,  
Үйинқароқ кенжаси.  
Яңгисини оббер, — дейди,  
Йиғлаб чиқди кечаси.

Бирорига папка керак,  
Үйлаб ҳамма-ҳаммасин,  
Ишчи шу кун иккى ҳисса  
Бажаради нормасин.

Кун ярмидан оғмай туриб  
Мухбир келиб қолади,  
Илфор, — дея уни, дарров  
Суратини олади.

Эртасига газетада  
Хабар чиқар бир қулоч:  
“У янги йил шарафига  
Мекнат қилди...” На илож!

Газетани ўқиб ишчи  
Кулибина құяди,  
Илфорлигин сабабини  
Янги йилга йүяди.

Кунлар бир-бир ўтиб борар  
Қамчилашып отини.  
Вақти етиб бир кун унинг  
Туғиб қолар хотини.

Ким ҳам ахир толеидан  
Қувонмайды бу чоғда.  
Үғил күрдик, деб құяды,  
Оғзи унинг қулогда.

Үлмай бир кун катта бұлса  
Одам бұлар чақалоқ.  
Аммо ҳозир боқиши керак,  
Оч қолмасин бақалоқ.

Ахир жиндай чиқым керак,  
Үйлаб ҳамма-ҳаммасин,  
Ишчи шу кун уч баравар  
Бажаради нормасин.

Эртасига газетада  
Хабар чиқар бир қулоч:  
“Балиқчилар кунига у  
Мәхнат қылди...” На илож!

Газетани ўқиб ишчи  
Кулибгина құяды.  
Илғорлигин сабабини  
Балиқчига йұяды.

Кунлар яна ўтиб борар  
Бир-бирини қувлашиб,  
Ҳозирчалик ёмон эмас  
Яшайдилар құнашиб.

Аммо одам ҳәётида  
Бордир куннинг қораси,  
Ажал етиб бир кун унинг  
Қазо қылар онаси.

Мархұм деган ўзи бориб  
Кирмайды-ку қабрга.

Чиқим керак күмишга-ю,  
Майда-чуйда тадбирга.

Онасининг ўлишини  
Қайдан билмиш у ғариб,  
Йўқса аввал озроқ нарса  
Қўймасмиди жамғарив.

Қабр устига лавҳа керак...  
Ўйлаб ҳамма-ҳаммасин,  
Ишчи энди тўрт баравар  
Бажаради нормасин.

Кун ярмидан оғмай туриб,  
Мухбир келиб қолади.  
Пешқадамни қаққайтириб  
Суратини олади.

Эртасига газетада  
Хабар чиқар бир қулоч:  
“Май байрами шарафига  
Меҳнат қилди...” На илож!

Газетани энди ишчи  
Бир бурчакка отади.  
Бу мақтовга нима дейсиз?  
Ўйлаб боши қотади.

Уйда бундоқ таъзия-ю,  
Бу ёқда бу масхара.  
Наҳот одам аҳволини  
Сўрамаса тасқара.

Энди иш ҳам қолиб кетиб  
Сўка бошлар гурбатни:  
“Биламиз-ку биз ҳам ахир  
Байрамларга ҳурматни.

Шу замоннинг оғушида  
Етдик биз ҳам вояга.  
Қалбларимиз лиммо-лимдир  
Қанча-қанча ғояга.

Майли, баҳор байрамидек  
Яшнатаильик оламни,  
Лекин, ука, ёшлик қилиб  
Раңжитдинг-ку одамни”.

Үйлаб ҳамма-ҳаммасини  
Хуллас тинчи йўқолар,  
Хумпарни бир боплай, — дея  
Газетага йўл олар.

Кейин билса мухбирнинг ҳам  
Бор экан ўз ноласи,  
Чиқим учун ёзган экан, —  
Туқдан экан холаси.

*1968*




## ХАҚИҚАТ ЙЎЛЛАРИ

Поёни йўқ тарихнинг кечмишини ўйлайман,  
Ёш идроким замонлар қаршисида қолур лол.  
Ва шу улкан дунёning кемтигидан бўйлайман,  
Унда бирор қуради, бирор бузар бемалол.  
Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан ҳатто,  
Қай бир ёвуз кимсани яхши дерлар эрта кун.  
Наҳот, дейман, дунёда событ нарса йўқ асло,  
Наҳотки етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун?  
Дейдилар, ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси,  
Оҳ, нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат.  
Мангалик салтанатнинг қанча-қанча кўзгуси  
Офтоб олдида шамдай миљтираб қолди фақат.  
Султон эса ҳам гарчанд ўз даврида Улуғбек  
Оддий бир қулбободай қиличга эгди бўйин,  
У-ку қайта тирилди ҳеч нима кўрмагандек,  
Лекин дунёning иши бамисоли от ўйин.  
Мангуга қолай дея шуҳрат қули Искандар  
Юксак тоққа ўзининг суратини солибди,  
Хўжасида бўлса ҳам қанча-қанча сийму зар,  
Қарангки, жулдур кийган Эзоп мангуга қолибди.  
Ҳа, садақа кам эрур мангалик халтасида,  
Пайҳон бўлар саройлар, қанча юксак қабрлар.  
Гоҳ оддий тасодифнинг оддий бир ҳамласида  
Капалак қанотидай учиб кетар қасрлар.  
Балки замонлар ўтиб, даврлар шамолида  
Совурилар қанча зот, яна қанча буюклик.  
Ўйлайман, мангаликнинг ойнаи жамолида  
Ким қоларкан севгидаи абадий ва суюклик...  
Ким муқим турар экан сонсиз авлодлар оша,  
Кимнинг иши доимо аталар экан савоб?  
Ким фалакни қуёшдай мангуга қилгай томоша,  
Қай бир хилқатни инсон беминнат айлар тавоб?  
Ҳақсизликдан мазлумнинг ичга сифмаса дарди,

Агар зулмат ичида күринмай қолса ҳаёт,  
Қайга у сажда қилиб, қайга дилин ёрарди,  
Қай суюнчик қошида айлар эди дод-фарёд.  
Шу мүъжаз ҳаётимда күрдим қанча севинч, ғам,  
Гоҳо тик боқолмадим разолатнинг кўзига.  
Ушбу ёруғ дунёда топсам ҳам, топмасам ҳам,  
Барибир талпинардим ҳақиқатнинг ўзига.

1969—2000



## ЮРТИМ ШАМОЛИ

Йулларда елдирим мисоли елдим,  
Еллар водийсига бошлади ҳавас.  
Елвагай Ҳисорнинг бағрига келдим,  
Сен эсдинг — тараалди сийм танда атлас,  
Сен эсдинг — очилди ёрнинг жамоли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Мен-ку бу дунёда бир зори висол,  
Карбало даштида Мажнун сифатман.  
Шамоллар ичида мен ҳам бир шамол,  
Чечаклар атридан мен ҳам сармастман.  
Лекин сен руҳимнинг мангу хаёли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.


Қанча шамолларга юзимни бурдим,  
Улардан эсдилар турфа хил нафас.  
Уларда гоҳ қайғу, гоҳ шодлик кўрдим,  
Тўхтамай ўтдилар бари ҳам бир бирпас.  
Фақат қайғулардан сен ўзинг холи,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,  
Шамоллар гоҳ қуюн, гоҳида довул.  
Улар гоҳ ошкора, гоҳо рӯёда  
Қанча бўstonларни совурган буткул,  
Лекин сен бўлмагин боғлар заволи,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Эсгин, эй, боғларнинг жамоли кулсин,  
Мовий нафас билан тўлсин этаклар.  
Учқур қўшиқларга бу олам тўлсин,  
Шаъннингта шоирлар айтсин эртаклар.

Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.  
Мени чорлаётир олий бир жамол,  
Билмасман, оҳ, унга қачон етурман.  
Бу гулшан водийда мен ҳам бир шамол,  
Шамол каби келдим, шундоқ кетурман.  
Лекин Абдулланинг боқий камоли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

1969



## САРАТОН

Саратон чоги бу — зарра шамол йүк,  
Тутлар кавагида мудрар фурраклар.  
Ногаңон фалакка урган каби дүк,  
Сүзсиз қотиб турар бүйчан тераклар.

Осмон лол-лов ёнар офтоб қүридан,  
Уфқда саробдан оташин балдоқ.  
Чинқириб юборар куннинг зўридан  
Қайгадир беркиниб олган чиқилдоқ.

Бирдан тиниб қолар шу бетинч дунё,  
Ҳатто шаршаракнинг ўчгандай саси.  
Борлик сув тагига чўккандай гўё  
Қанчалик термулма — чиқмас нафаси.

Гудак уҳича ҳам шамол топилмас,  
Бутанинг тагида бўзтўрғай ҳайрон.  
Деҳқон тол тагига чўзилди бирпас,  
Тинди шохчадаги қушча ҳам байрон.

Менинг деҳқон бобом, андак ором ол,  
Куёш буровига олган палла бу.  
Саратон ўзи ҳам мудрайди беҳол,  
Одангсиз ялла бу, сўзсиз алла бу!

Хали тонг фунчаси очмасидан лаб,  
Наҳор фароғатин ўйламай тақир,  
Кимсасиз далага кўзни уқалаб,  
Чиқиб келганингни кўрдим-ку ахир.

Кўрдим-ку манглайнинг тер билан қотиб,  
Бераҳм оташга берганингни тоб.  
Кўрдим-ку тепангда ўзин йўқотиб,  
Ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб.

Азму шижаотинг мен ахир кўрдим,  
Кўрдим кўзларингда чарчоқ бир кулгу.  
Майли, ором олгин, эй бобо юртим,  
Саратон жунбушга келган пайт-ку бу.

Бутун олам гўё улкан дошқозон,  
Қайдадир — кўринмас униг нарёфи.  
Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон,  
Ичига тушмоқлик осонмас чофи.


Чўнтақдан тўқилган танталар мисол  
Шуълалар үйнайди супа учидা.  
Бирордан хижолат бўлган каби тол  
Ер чизиб туради — дами ичида.

Офтоб қайта бошлар, кўланка майдон,  
Яна бош кўтарар номозшомгуллар.  
Секин мовийлашар қизарган осмон,  
Оқариб куринар кумушранг йўллар.

Яна елканини кўтарар шамол,  
Яна чугурчуқлар уйғонар боғда.  
Бобо ёнидаги боладай хушдол,  
Тўргайлар чарх урар сўнгсиз самода.

Яна ела бошлар оқшом нафаси,  
Шеър они, ишқ они, меҳнат они бу.  
Бу кўёш үлкасин оташин саси,  
Ўзбек диёрининг саратони бу.

1969



## ХОТИРОТ

Үйдан кетганимга үн йил булибди,  
Үн йил қишлоғимдан юрибман узок.  
Мен юрган йұлларда үтлар унибди,  
Күмилиб булибди мен кезган сұқмоқ.

Ёшлик чоғим эди, шұхтигим тутиб  
Исмим үйган әдім битта теракта.  
У ҳам жароқатдай кетибди битиб,  
У ҳам юксалибди менсиз юксакка.

Бузилиб булибди аллақайси дам  
Ховли ортидаги омонат күпrik.  
Бу ерда мен билған одамларнинг ҳам  
Баъзиси энди йүк, баъзиси тирик.

Ҳайратта тушмасман бу ҳолдан сира,  
Дунё бу — қувғинди охудай елар.  
Дунё бу — энг оддий ҳұмига құра  
Кимдир туғилади ва кимдир үлар.

Лекин қалбни босди ногоҳ бир сукут,  
Ногоҳ бир ҳаяжон эзді дилимни.  
Умрим йұлларини босмаганми үт?  
Хазон күммаганми ҳаёт йұлимни?

Күксидан номимни бешафқат, баттар,  
Үчиргани каби оқбадан терак,—  
Бағрита исмимни ёзған бұлса гар,  
Үчирмадимикан бирорта юрак?

Ёштегим беҳуда үтмадимикин?  
Гүзал түйгуларим бормикин тирик?  
Ногаҳон бузилиб кетмадимикин  
Бирорта юракка мен солған күпrik?

Йиілар умримизга қиласын шафқат?  
Бирор иш бормикан айлагали ёд?  
Қайта тиклаш мумкин барчасын, фақат  
Қайта тикланмагай үчса хотирот!..

## ОНА САЙЁРА

Қаршимда ер шарин сурати турар,  
Салмоғи Қуванинг анорича бор.  
Тим қора осмонда порлаб күринар,  
Шу жажжи сайёра кўркам, улуғвор.  
Унга боқаману ушлайман ёқа,  
Наҳот шу кўрганим рост бўлса, наҳот?  
Наҳотки еримиз шу кичик соққа?  
Наҳотки биз шунга жо бўлсак, ҳайҳот!..  
Уммонлар кўринар қатра ёш мисол,  
Чигит увоғича келмас тоғлар ҳам.  
Қитъалар, денгизлар афтода бир ҳол,  
Бари бир нуқтага бўлиб олмиш жам.  
Набилар, расуулар, доҳийлар унда,  
Қабрлар, қасрлар турғандир қатор.  
Балки ҳув кўрининг мовий тўлқинда  
Сув ичган гўдакнинг нафаси ҳам бор.  
Кулоққа чалинар отлар дупури,  
Сор бургут ўзини ўлжага урар.  
Шарқда чўпон ёқдан гулханинг нури  
Шимол сайёхига кўриниб турар.  
Ана, Ҳимолойнинг бағрида бир қиз,  
Елкада кўзаси — борар булоққа.  
Соҳилда учрашди икки қалб ёлғиз,  
Шивир-шивирлари келар кулоққа.  
О, она сайёра, курраи кутлуг,  
Самодан сувратинг илк бора кўрдим,  
Ҳавойи бир хаёл сеҳри эмас, йўқ,  
Фарзанд меҳри билан мен боқиб турдим.  
Кун кеча эмасми, хислатинг санаб,  
Шеър ёзиб юрадим сенга парвона.  
Бу кун сувратингта сўзсиз босдим лаб,  
Шу сенми, ёлғизим, шу сенми, она...  
Фалакда бир ўзинг турибсан ҳайрон,  
Наҳот сен бўлмасанг бунчалар танҳо,  
Сийнангта ёпишган фарзандинг — инсон  
Бева бағридаги етимдай гўё...  
Қайга кетмоқдасан бунчалар шошиб?  
Ором истайсанми кўкда овора?  
Балки фарзандингни кўксингта босиб  
Йиғлаб кетмоқдасан, она сайёра...

Фарзандларинг бордир сонсиз-саноқсиз.  
Во ажаб, қадрингни гоҳида билмас.  
Улар-ку қошингда чангдай салмоқсиз,  
Лекин бағрингта ҳам сиққиси келмас.  
Осмон торлиқ қилган гала чумчуқдек  
Макон талашади гоҳо бетартиб.  
Сен-чи, меҳварингда айланасан тек,  
Яхшию ёмонни елкангда ортиб.  
Сенинг юрагингда лахта-лахта қон,  
Сийнанг нималардан бўлмаган пора.  
Қайгу-ҳасратларинг барчаси аён,  
О, бунча дардкашсан, она сайёра.  
Сен ҳозир суратсан кўзим ўнгига,  
Эшита билмассан сўзимни балким.  
Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида  
Яна рухсорингта тикиламан жим.  
Бир ёнда ложувард Баҳри Муҳит бор,  
Бир ёнда заъфарон Саҳрои Кабир.  
Бир ёнда оқ сочли тоғлар пурвиқор  
Сенинг толеингта ўқийди такбир.  
Эллар тўзғиб ётар гул япроғидек,  
Бир ён шоҳу гадо, бир ён дўст, ғаним.  
Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек  
Буюқ ва бетимсол менинг Ватаним.  
У менинг кўзимга ҳилолдай маҳваш,  
Офтоб келар фақат унинг қошига.  
О, она сайёра, бағрингни поклаш  
Менинг ватанимнинг тушган бошига.  
Унинг кучоғида ғамдан йўқ нишон,  
У ерда тентимас иблис хаёли.  
У ерда дўстликни улуғлаб инсон,  
Такалтум қиласи кумри мисоли.  
Йиллар ўтар, балки ўтар кўп замон,  
Ер юзи чулғанар баҳтга, чаманга.  
Агар дардларингта бўлолса дармон,  
Руҳим фидо бўлсин шундай ватанга.  
Мен ҳам бир ўғлингман, она сайёра,  
Бағринг мен учун ҳам хоки пок бўлсин.  
Толеинг тоабад бўлмасин қора,  
Манглайнинг оқ бўлсин, ярқироқ бўлсин.

1969

Бу жойларга нега келдим мен,  
 Қизиқмасам унут чиройга.  
 Нечун келиб бошим эгдим мен  
 Ҳасратларим күмилгап жойга.

Ахтараман титраб дамо-дам  
 У аламли кунимдан нишон.  
 Наҳот ортда қолған ғамин ҳам  
 Унугтиси келмайди инсон.

*1969*

Оташга сиғинди бир замон халқым,  
 Арзини йүллади үтли самога.  
 Шоирлар тарихни этдилар талқин  
 Бөш этиб үтпарат ўша даҳога.  
 Халқым бидъатлардан бутун күп йироқ,  
 Мен ҳам шоирликдан йироқман балким,  
 Лекин меңнатингни күйлайман бу чоқ,  
 Сени улуглайман, пахтакор халқим!

*1969*

### ҚАНОТ

Инсонда қанот йўқ,  
 Ачинманг бунга,  
 Зотан унга юрак — сабот берилган.  
 Қушда-чи, сабот йўқ, шунинг-чун унга  
 Қочиб қолмоқ учун қанот берилган.

*1969*

\* \* \*

Ёндиму ва лекин ҳижрон туніда  
Сенга ақволимни этмадим баён.  
Сокин кечалари күзим ўнгіда  
Мунис қарашларинг бұлди намоён.

На сен назар қылдинг ҳолимга бир бор,  
На мен айта билдім сенга бирор сүз.  
Шундай үтиб борар умримиз бекор...  
Орамизда сарсон бир жуфт қора күз.

1969

### ИЛК СЕВГИ

Оддий машинани курса болалар  
Ҳайратта тушишни қанда қылмайди.  
Олис-олисларда улкан кемалар  
Учыб юрганини улар билмайди.

Биз-чи, дунё ишин биламиз андак,  
Оила құрамиз, бола құрамиз.  
Лекин машинага боққандай гұдак,  
Ҳамон ilk севгини эслаб юрамиз.

1969

Оҳ, ўтган у кунлар қайтмагай зинҳор,  
 Ўчган муҳаббатнинг ёнмоғи душвор.  
 Нигоҳинг қадама қарофимга сен,  
 Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор.

*1969*

### БИЗНИКИЛАР

Чапай аскарлари келдилар босиб,  
 Босиб келди оқлар устига.  
 Томошабин йигит юраги тошиб,  
 — Бизниклилар, — деди дўстига.

Раҳимов фашистларнинг кўзича  
 “Миссершмит”ларнинг кўзини ўйди.  
 Кимдир мамнуният билан ўзича,  
 — Бизниклилар, — деб қўйди.

Йироқ үлкаларда кезарди сайёҳ,  
 Кезарди юргига кўзини тикиб.  
 Юртимиз номини эшитиб ногоҳ,  
 — Бизниклилар, — деди энтикиб.

Ҳеч ким мангу эмас ушбу оламда,  
 Агар бир кун таним кўмсалар,  
 Кошкайди кимлардир туриб тепамда,  
 — У бизники эди, десалар...

*1969*

## РУҲИМ

Вужуд деганлари асли нимадир?  
Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир кун бир қояга урилгай кема,  
Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема.

Юксак фазоларда айлагил парвоз,  
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на бўронлар кор қила олур,  
Сени на йўқотиб, бор қила олур.

Сен мисли камалак — юксак ва сўлмас,  
Камалакни эса парчалаб бўлмас.

1969

## ЧЕКСИЗЛИК

Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ,  
Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо.  
У шу қадар чексиз, шу қадар буюк,  
Хаёлга сифдириб бўлмайди ҳатто.

Баъзан фазоларга боқаман узок,  
Руҳимга шу туйғу сифмас гупириб.  
Чексизлик юракни қисганда, шу чоқ,  
Торгина уйимга кетаман кириб.

1969

## ЎЗБЕКИСТОН

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,  
Қиёсингни топмадим асло.  
Шоирлар бор, ўз юртин бутун —  
Оlam аро атаган танҳо.  
Улар шеъри учди кўп йироқ,  
Қанотида кумуш диёри,  
Бир ўлка бор дунёда, бироқ  
Битилмаган достондир бори:  
Фақат ожиз қаламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб,  
Тополмасам чекмасман алам.  
Ўтирмасман эртаклар сўзлаб,  
Мусалло деб йўнмасман қалам.  
Кўкламингдан олиб сурурни,  
Довруғ солди устоз Олимжон,  
Faфур Ғулом туйган ғууруни  
Қилмоқ мумкин дунёга достон.  
Олис тарих қадамим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,  
Илгай олмас барчасин кўзим.  
Мақтамасман мозийни бироқ,  
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.  
Забтга олиб кенг Осиёни,  
Бир зот чиқди мағрут, давонгир,  
Икки аср ярим дунёни  
Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.  
Айттум, бу кун, у маним, маним.  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўз кетса зинҳор,  
Бир қалом бор гап аввалида.

Осмон илми туғилған илк бор  
Күргоний жадвалларида.  
Қотил қули қилич солди маст,  
Күёш бўлиб учди тила бош.  
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,  
У, Улуғбек кўзидағи ёш.  
Ерда қолган, о, таним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўз олдимдан кечар асрлар,  
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.  
Сарсон ўтган неча насллар,  
Тополмасдан туғилған жойин.  
Америка — сеҳрли диёр,  
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,  
Денгиз ортин ёритди илк бор,  
Берунийнинг ақл машъали.  
Колумбда бор аламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,  
Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.  
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро  
Жаҳонгири кам бўлар, рости.  
Беш асрким, назмий саройни  
Титратади занжирбанд бир шеър.  
Темур тифи етмаган жойни  
Қалам билан олди Алишер.  
Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, аммо  
Бир зот борким, баридан суюк:  
Буюкларга баҳш этган даҳо,  
Она халқим, ўзингсан буюк.  
Сен ўзингсан, энг сўнгти нонин  
Ўзи емай ўслига тутган.  
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин  
Асрлардан опичлаб ўтган.  
Она халқим, жон-таним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Бош устингдан ўтди кўп замон,  
Ўтди Будда, ўтди Зардушти.

Ҳар учраган нокасу нодон,  
Она халқим, ёқанғдан тутди.  
Сени Чингиз ғазабга тўлиб  
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.  
Жалолиддин самани бўлиб  
Сакраб ўтдинг Амударёдан.  
Сенсан ўшал саманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Толеингда бор экан яшаш,  
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.  
Этмоқ бўлиб юртим хомталаш,  
Бош устингта келди инқилоб.  
Чора истаб жанг майдонидан  
Самоларга учди унларинг,  
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан  
Алвон бўлди қора тунларинг.  
Қонга тўлган кафаним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Лекин офтоб поймол ўлмас,  
Кавакларда қолмас ой нури,  
Одил ҳакам — Ҳақ бор, бегараз,  
Мазлумларнинг буюк ғамхури.  
Қилич серпаб толе тонгида  
Ўзлигингни таниб қолдинг сен.  
Ўғлонларнинг қатра қонида  
Ўзбекистон номин олдинг сен.  
Номи қутлуғ гулшаним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Тинч турарми бу кўҳна олам,  
Тинч турарми догули замон.  
Оромингни бузди сенинг ҳам  
Фашист деган ваҳший оломон.  
Қоним оқди Данцигда маним,  
Собир Раҳим йиқилган чофда.  
Лекин, юртим, кезолмас ганим.  
Ўзбекистон аталган боғда.  
Сенсан номус ва шаъним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кеч куз эди, мен сени курдим,  
Деразамдан бокарди бирор.

У сен эдинг, о, дәққон юртим,  
Туар эдинг ялангтүш, яёв.  
— Ташқарида изиллар ёмғир,  
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.  
Дединг: — Пахтам, қолди-ку ахир,  
Йигиширий келмасдан аёз.  
Кетдинг, умри маҳзаним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Сен кетарсан балки йироқقا,  
Фарғонада балки, балқарсан.  
Балки чиқиб оқарган тоқقا,  
Чўлон бўлиб гулхан ёқарсан.  
Балки устоз Ойбекдек тўлиб  
Ёзажаксан янги бир достон.  
Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб,  
Саҳроларда очажаксон кон.  
Тупроғи зар, маъданим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Майли, юртим, кезсанг ҳам дунё,  
Фазоларга қўйсанг ҳам қадам,  
Ўзлигингни унутма асло,  
Унугма ҳеч, онажон ўлкам.  
Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон  
Кечмишингни қўлдим томоша.  
Иқболингни кўролдим аён  
Истиқболнинг уфқлари оша.  
Иқболи ҳур, шўх-шаним маним.  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Завол кўрма ҳеч қачон, ўлкам,  
Завол билмас шу ёшинг билан.  
Музaffer бўл, ғолиб бўл, ўқтам,  
Дўсту ёринг, қардошинг билан.  
Асрларнинг силсиласида  
Боқий тургай кошонанг сенинг.  
Улуғ башар оиласида  
Мангу ёруғ пешонанг сенинг.  
Мангу ёруғ масканим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

## ҚАРШИ ҚҰШИФИ

(*Отамға бағишилайман*)

Мен бу чұллар құйнида туғилиб топдим камол,  
Күхна сардобаларда күмилиб қолди дардим.  
Лекин нар асрлондан сут талаб қылған мисол,  
Олис шаҳар, тоғлардан илҳомимни ахтардим.

Гоҳо топдим мен уни, гоҳида қолдим noctor,  
Оғир үйлар ҳам сурдим Сирдарё бүйларида.  
Шеърлар битдим гоҳида ўжар ва мажнуншиор,  
Саргашта булбуларнинг беусул күйларида.

Дўстлар орттиридим бунда турфа хил, турфа одат,  
Гоҳо бирисин топсам, бирисини йўқотдим.  
Меҳмон бўлди бу ерда қалбимга илк муҳаббат,  
Олис кечалар унинг фуссасини ҳам тортдим.

Мана бу кун, эй юртим, ғоз турибман қаршингда,  
От айланиб жойини топар, деганлар доим.  
Сен ҳақингда шеър битиш шарафи бор бошимда,  
Эй сен, сахрои халқим, эй сен, түғилган жойим.

Ким айтади қўйнингда илҳом бор деб доимо,  
Хусусан саратоннинг ёниб турган палласи?  
Бир нафас таклифинга ташриф этса мабодо,  
Ҳар қандай шоирнинг ҳам пир бўлар ҳафсаласи.

Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил сахро бари,  
Фақат сароб жимиirlаб чорлар сирли базмга.  
Унча ҳам сулув эмас сахронинг жонзодлари,  
Насрга ярашмаса, ярашмайди назмга.

Лекин унинг баҳори, о, сен, чұллар баҳори,  
Софинтирган онамнинг дийдори сендей, ширин.  
Эрта кун қовжиращдан бўлса ҳам дилда зори,  
Лола лаби хандону тубда доғи яширин.

Оёқланган құзидай довдирап елда майса,  
Күм-күк мовий осмонда кезиб юрар оқ булат.  
Тұрт тараф қисиб келиб, ногаңон жала қыйса,  
Оламга анқиб кетар минг хил құкат, минг хил үт.

Лекин офтоб забтидан қочиб боради баҳор,  
Ношуд сайёд дастидан қалби қон оху қаби.  
Хайр энди, баҳорим, күришгүнча то дийдор,  
Маҳшар келмай юмилди баҳорнинг қақроқ лаби.

Шундайин шитоб билан үтди-ю кетди құклам,  
Зәйфарон адиrlарда тентирап энди қуюн.  
Бамисоли шаддод қиз бир бора айлаб карам,  
Сұнгра лабин чүччайтиб қылғани қаби үйин.

Қайноқ бир түзон ичра ғуркирап энди осмон,  
Бош устингда үт пуркар самонинг аждахоси.  
Аста-секин күн қайтар, босилар қайноқ түзон,  
Елар оқшом нафаси — салқын түн ибтидоси.

Ҳар недан гүзәлроқдир балки чүл кечалари,  
Уфқлар кафтдек равон, күк сочған бор бисотин.  
Термулсанг күрингайдир жаңнатнинг гүшалари,  
Юлдузлар чуғурлашиб сүйлашар тафсилотин.

Сизни жондан севаман, о, юлдузли кечалар,  
Қүйнингизда ниҳондир сирли ва дилбар хаёл.  
Сизни суронли күнлар құмсағанман нечалар,  
Сиз билан таңдоликда сұзлашсам, деб бемалол.

Лекин шаддод ҳаётнинг юлдузда борми иши,  
Инсонлар бор — юлдуздан юлдузлар қадар йирок.  
Инсонлар бор — үзидан бұлак йүқдир ташвиши,  
“Савдои” — деб атайди шоирни улар күпроқ.

Гина қилиш энди бас, ғални ҳар ёққа бурсанг,  
Хилма-хил кудуратлар чиқа берар қатма-қат.  
Хуллас, гул ва юлдузни бир четта қўйиб турсанг,  
Бу ерларнинг бори шу — қип-қизил сахро фақат.

Йўл юрсанг ҳар жойларда работлар вайронаси,  
Искандар, Кутайбадан қолган сонсиз даҳмалар.

Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,  
Чингизийлар бошига солиб құрқув, вақмалар.

О, улардан не қолди? Турфа ривоят фақат...  
Бирори күрганини бошқаси қилди вайрон.  
Вақтинг бемалол бұлғын, сүйлай берсанғ ҳикоят,  
Хаттоки Фирдавсий ҳам боқарди сенга ҳайрон.

Ва лекин шу фурсатда қалбимда ҳасрат билан,  
Үзбегим дійерининг кечмишини үйлайман.  
Мен бу кун дүстларимга афсус-надомат билан,  
Ерга чүп қадамаган амирлардан сүйлайман.

Менинг қадим әлимдан уйкучи Сайд Олим  
Чүл ошиб Ҳисор томон чиққани маҳал ийлігі,  
Жиловдори бұлмаса юган тортмаган золим,  
Қайси ҳафсала билан сув чиқарсин бу чүлігі?

Шу боисдан саҳронинг қалбіда бир гүр ётар,  
У менинг бобом қабри, қизимнинг бобожони.  
Хар үтганды руҳимга тутанмас қайғы ботар,  
Күлтүм сув ҳасратида узилған йигит жони.

У бир замон қудукнинг тубида қолған экан,  
Сув күзин очай деса — босиб қолибди тупроқ.  
Шум ажал бояқишининг пайидан чалған экан,  
Тұғрироғи, муҳтоҗлик дастини қирққан күпроқ.

Мен бу кун сақар чоги, заррин қүёшга боқиб,  
Шу шүрлік аждодимнинг номини шеърга солдим.  
Масканин ёритмоқта қалбимда шуыла ёқиб,  
Лавҳи ёдин битмоқта тунлардан сиөх олдим.

Мен унинг набираси, құлымда қалам билан,  
Қалбимда алам билан пойига қўйдим қадам.  
Унинг-ку иши йўқдир бу тирик олам билан,  
Лекин орзузи бор-ку, ният топмас-ку барҳам.

Ҳа, қудуклар тубида кўмилиб кетмас армон,  
Ҳар қандай заволнинг ҳам бордир сұнги, ҳудуди.  
Қабрлар тепасида ёнган ўт ҳам бегумон  
Бирорта ўксик қалбнинг чақнаётган умиди.

Бу жойлар обод бұлар албатта эрта-индин,  
Гүристон гулистандир, Мұқтимий айтған мисол.  
Лекин ўтган боболар бу ишни билармикин,  
Билармикин, теграсин құршаб турганин иқбол?

Биз ҳам бир күн ўтармиз бу дунёи қадимдан,  
Бизнинг ҳам қалбимиизда кеттуси балки армон.  
Балки кимдир бизни ҳам хотирлаб қўйса зимдан,  
Парчалаб қабр тошин келурмиз ўша замон.

Мана бу күн боболар арвоҳи чаппор урап,  
Менинг азamat юртим — ўзбекнинг саҳросида.  
Ҳазрати Хизр эмас, Жайхуннинг саси юрар,  
Саксовул босиб ёттан чўлларнинг маъвосида.

Мен-ку шеър ёзмасам ҳам саҳроларга сув чиқиб,  
Шу буюк мамлакатим обод бўлиши тайин.  
Лекин она ҳалқимнинг ўтмишига кўз тикиб  
Келажаги ҳақида ўй сургум келар майин.

Иложин топса агар, кетмоннинг дастасин ҳам  
Ерга қадаб термулиб, кўкартиргувчи бу ҳалқ.  
Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам,  
Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ.

Бугун у Жайхун сувин келмоқчи чўлга бошлиб,  
Жайхун бу — ўз ҳалқимнинг ўз армони, дунёси.  
Ярашмас бу дарёга ўтиранг қармоқ ташлаб,  
Жайхун бу — кучга тўлган Ватанимнинг дарёси.

Мен унинг бўйларида ўйларга толдим узок,  
Кирғовул хониш қилган тўқайларга бурдим юз.  
Бир томон Туркман эли, бир томон Қорақалпоқ,  
Ё насиб, деб Жайхунга чўкка тушиб тиккан кўз.

Дарё-чи, шамшир каби ялтираб ётар дарё,  
Тушовидан бўшалган от каби чопар сарсон.  
О, сен дарбадар дарё, о, сен серхатар дарё,  
Бунчалар вазминсану бунчалар кув, ўжарсан!

Сен қайга ҳовлиқасан эрта-кеч билмай тиним,  
Сен қайга ҳовлиқасан, беканору кўр, басир?

Азизим, бу дунёда йўл юрсанг йўқдир қўним,  
Азизим, ўжарликни ёқтирмас бизнинг аср.

Мен сенинг висолингни кўргали келдим атай,  
Мавжларингта қўшилиб жўша билмадим бироқ.  
Сен билан сўхбат қуриш қўлимдан келмас, нетай,  
Сен буюк бир наҳрсан, мен бўлсам оддий ирмоқ.

Ҳа, дайр денгизида якка инсон — зарра кум,  
Замонлар соатидан ўтар у қатор-қатор,  
Лекин сен борсан, Аму, денгиздай теран руҳим,  
Лекин сен борсан, халқим, кўкрагим Помирча бор.

Помирдай юксакликдан теграмга боқсам агар, —  
Кўзимга кўрингайдир Ватаним, она халқим.  
Унинг-ку кучогида чўллардан қолмас асар,  
Абадий музилклар ҳам гул очиб кетар балким.

Чунки шукуҳин берди халқимга буюк шуур,  
Буюкликтан буюклик туғилиб келган доим.  
Сен ҳам шу буюк элда яшнай бер доим мағрур,  
Эй, сен, азамат халқим, эй, сен, туғилган жойим!

1970



## КЕНГЛИК НУҚТАСИ

Ҳисор төгларининг нақ этагида  
Макон бор хушқаво, сарбаланд, юксак.  
Ажиб бир осмон бу, осмон тагида.  
Юлдузлар қўл чўзсанг шундоқ етгудек.  
Она табиатнинг хуш санъати бу,  
Инсон ва юлдузлар салтанати бу.

Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи,  
Беқасам тўн демак бу рангин диёр.  
Фалакда юлдузлар чақнаган чоғи  
Нишондор ўзбекнинг сурати тайёр.  
Улуғбек номида зўр кошона бу,  
Дунёда бешдан бир расадхона бу.

Бу ерга термулиб паришон дунё  
Тўғрилаб олади қўлда соатин.  
Не ажаб, пайт келиб айтольсак ҳатто  
Жумлаи жаҳоннинг хуш саодатин.  
Шундоқ қутлуг жой бу, қутлуг макон бу,  
Не қутлуг, жонажон Ўзбекистон бу.

Атрофда водийлар товланар ҳал-ҳал,  
Минг йиллик чинорлар кўкка боққан тек.  
Бу ерда, во ажаб, юз йиллар аввал  
Дунёга келибди султон Улуғбек.  
Ажиб тасодиф ё шаҳри Ҳумой бу,  
Хойнаҳой, даҳоси туганмас жой бу.

Оқшом тушмасидан бунда бесабр,  
Ўнлаб кўз термулар осмон-фалакка.  
Бу Зуҳал, мана бу Дубби Акбардир,  
Зухраой пиқирлар бир четда якка.  
Юлдузлар васли бу, васли жаҳон бу,  
Ошиқ мунахжимга айши нишон бу.

Тонг отиб чиқар-ку ишбоши офтоб,  
Қошида бош эгиб қолма тағин жим.  
Замон шиддатини қилолмай ҳисоб  
Ер чизиб турибди ёш бу мунажжим.  
Азизим, ғам чекма, ваҳму гумон бу,  
Охир тизгининг келгай замон бу.


Ҳар зумда дунёнинг бурчакларига  
Хабарлар жұнайди қатор ва қатор.  
Хоҳласанг, учавер Марсдан нарига,  
Хоҳласанг, фалакнинг у бурчига бор.  
Құлингда тап-тайёр ҳадди ҳисоб бу,  
Ҳадди ҳисоб берган шаҳри Китоб бу.

Қутлуг жой күп эрур ушбу дунёда,  
Юлдузни күзлаган лочин ҳам талай.  
Ҳар нечук, шу соат, шу сонияда,  
Она юрт, мен сени созимга солай.  
На мақтов, на олқыш, на пуч занаш бу,  
Она юрт қалбимга солған фарақ бу.

Кездим бу ерларда танқо шодумон,  
Юлдузларга яқын, күзлардан йирок.  
Қалқиб турған билан теппамда осмон  
Англаб етармидим маъносин бирок.  
Ҳар нечук, билганим, юлдузфишон бу,  
Үйғоқ Ватанимдан битта нишон бу.

Бор бүл, тафаккурға ёр бўлган диёр,  
Бор бүл, юлдузли тун, оқшомлар майин.  
Битта мунажжиминг мисоли бедор,  
Она юрт, мен сенга мафтун ўтайин.  
Балки шоирлик ҳам яхши отдир бу,  
Улуғбек юртидан хотиротдир бу.

1970



Дүрмөн бөеларига тинч оқшом чүкди,  
 Чинор баргларига инди күйларим.  
 Шаҳарда зерикиб, боғ томон чиқди  
 Эски танишларим — ошно ўйларим.

Бу жойлар баҳаво, гўзал ва лобар,  
 Офтоб ҳам кўз узмас ёна ва ёна.  
 Юксак аргувонлар, оғочлар сербар,  
 Бу шеър кошонаси, бу ижодхона...

*1970*

### ИЛТИЖО

Юзларингни майлига яшир,  
 Керак эмас, нозлар, имолар.  
 Гўзалликнинг қошида ахир  
 Чўкка тушган ҳатто худолар.

Кимга фойда бехуда жунун  
 Ва дунёга ғавғо солишдан.  
 Айрилиқдан кўрқмасман бу кун,  
 Мен кўрқаман севиб қолишдан.

*1970*

## ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА

Үрик гуллаганмиш кечаги тунда,  
Баҳор муждаси бу, яйрагин, эй жон.  
Йиллар ўтар экан, бугунги кунда  
Олтмишга кирибсиз, устоз Олимжон.

Бир ёнда Ҳулкар бу, бир ён Омон бу,  
Бир ён шоирамиз — машҳури олам.  
Сизнинг тегрангизда аҳли замон бу,  
Сизнинг тегрангизда дўстлар бўлмиш жам.

Барҳаёт Ойбек бу — қутлайди мамнун,  
Қутлар Faфур Гулом — донгдор замондош.  
Сизни қутлаётир дўст-ёрлар букун,  
Кутлар Ўзбекистон — мағрур эгиб бош.

Етимтов бағридан чиққан навқирон,  
Сиз бу — шеъримизнинг энг жаранг саси.  
Сизнинг сатрингизда қурмиш ошён  
Учирма қуш каби шеър илоҳаси.

Олтмишга кирибсиз, ёдингиз аммо  
Шабнамдай маъсуму қўклам каби ёш.  
Ахир қанча қадим бўлмасин дунё  
Бағрида нур борки, қаримас қуёш.

Ҳаёт бўлсайдингиз турардингиз шод  
Улкан шу давранинг энг ўртасида.  
Тириклик шаънини улуғлаб күшод  
Достон иншо этиб, битиб қасида.

Ҳаёт бўлсайдингиз, ҳар салқин саҳар  
Ошно булоқларга қўярдингиз лаб.  
Юрадингиз элда азиз, мўътабар,  
Сонсиз шогирдларнинг манглайнин силаб.


Яхшиям боқийдир дилбар шеърият,  
Самандар мисоли ўлим билмас жон.  
Миннатдор юрт сизни қутлайди фақат,  
Кутлуг бу айёмда, устоз Олимжон.

Юрт бу кун карвонлар бошида нордир,  
Юрт бу кун Шарқ ичра тенгсиз бир диёр.  
Юрт бу кун оҳудай хўп ишвакордир,  
Сир каби сермавждир, Помирдай пойдор.

Толе юлдузининг қутлуг зиёси  
Саодат буржида балқай, замон бу.  
Қадим бир диёр бу — йўқдир қиёси,  
Ажиг бир бустон бу — Ўзбекистон бу.

Устоз, созга солай боқий ҳаётни,  
Боқий шеър қошида бош эгай бир он.  
Шодлик ва баҳтини куйлаган зотни  
Шодлик билан эслар одатда замон.

1970



## ҚИРГИЗ ДИЁРИ

Чингиз Айтматовга

Азамат Манас юрти, Тұқтағулнинг ватани,  
Алпомиш ва Навоий юртидан сенга салом.  
Юксак тоғлар үлкаси, мовий күллар маскани —  
Қирғизлар диёрига үзбеклардан эхтиром.  
Манту оппоқ қор билан ялтирайди Олатов,  
Бамисоли қирғизнинг бошидаги оқ қалпоқ.  
Ям-яшил яйловларда сон-саноқсиз оқ үтөв  
Қирғиз халқын қалбидай беғубору тоза, пок.  
Эй, қадим Осиёнинг абадий ёш үлкаси,  
Ялангтүш ва меҳнаткаш үзбек билан иинисан.  
Қирғизларда женгайдир үзбекларнинг бекаси,  
Шону шараф осмонин чақнаган чақнинисан.  
Бутун дунё билади ижодкор Чингиз номин,  
Азамат халқ, шуҳратинг бундан ҳам бўлсин зиёд.  
Не ажабки, барҳаёт Faфур Fулом қаломин  
Қирғизлар ҳам унутмай, айлаб турган бўлса ёд.  
Чорвадорсан, ботирсан — қўлда қубизинг билан,  
Пахтакорсан, ишчисан, дарёни бурувчисан.  
Роса термилиб боқсанг шу қийиқ кўзинг билан  
Куппа-кундуз кунда ҳам юлдузни кўргувчисан.  
Шу бепоён дунёнинг бағрида тенг фарзандмиз,  
Завқ олурмиз баробар үлану куйларидан.  
Азал-абад ҳамдаммиз, азал-абад дилбандмиз,  
Салом келтирдик сенга Сирдарё бўйларидан.  
Кетмасин бошимиздан асло баҳт беланчаги,  
Янграсин дустлик куйи, янграсин шеър, тарона.  
Бор бўл, эй Қирғизистон — қуёшнинг келинчаги,  
Дўстини топган инсон дўстни десин ягона.

1970



Абдулла Орипов 1960 йиллар бошида.



Шоирнинг онаси Турди она Эрдона Карвон қизи.

Кузак шамоллари эсдилар яна,  
 Сокин юрагимда түйгулар күзғаб.  
 Келгил, паривашиб, келгил жимгана,  
 Келгил самолардан мезонга үхшаб.  
 Оқшом туманида қезайлик хүшқол,  
 Тұнган юлдузларга боқайлик түйиб,  
 Шивалаган ёмғир, дайдиган шамол,  
 Майли, изимизни кетсінлар ювиб.  
 Бөгларда хазонлар шовиллар қуюқ,  
 Улар соялардир, жонгинам, фақат.  
 Улар билмайдылар, билолмаслар, йўқ,  
 Нақадар буюкдир бизнинг муҳаббат.  
 Поёнсиз оламга боқайлик сўзсиз,  
 На ҳасрат, на сўзнинг бордир кераги.  
 Бизнинг теграмизда ёнаётган куз  
 Қайси бир ошиқнинг сўнган юраги...

1970

## ҚУТЛОВ

Йиллар үтаётир пояма-поя,  
Йиллар — умидларга оташин чароғ.  
Замон-ку фазода билмас ниҳоя,  
Үтган фурсатлар ҳам қайтмагай бироқ.

Умрдан йил үтса, яшиromoқ нечун,  
Юрак симоб янглиғ титрагай ҳар гал.  
Устоз лутф этгандай, ҳар фурсат учун  
Кудратли күй билан құяйлик ҳайкал.

Кечган ҳар онингга назар солсанғ гар,  
Шоирнинг шоқ сатри раводир балким,  
Олтин уйди ахир фазолар қадар,  
Менинг бобо юртим, азamat халқим.

Хали офтоб ишга шимармасдан енг,  
Хали Зухро күкден бокқанда яккаш,  
Туманлы далалар қўйнида кездинг,  
Менинг сингилгинам, мунис, жафокаш.

Сенинг меҳнатингдан тупроқ очиб зар,  
Ватаним бекиёс бустон бўлғуси.  
Сенинг шавкатингни ёзаверса гар,  
“Шоҳнома” янглиғ бир достон бўлғуси.


Мадху санолардан хижолат каби,  
Қизларнинг ёноғи ёнади гулгун.  
Бу кўхна оламнинг ҳар тўрт тарафи,  
Не ажаб, кутласа сизларни бугун.

Бунчалик шон-шуҳрат учрамас тайин,  
“Мини бир кеча”ларнинг афсонасида.  
Юртим, сени яна қутлаб қўяйин,  
Кутлуғ Янги йилнинг остонасида.

Мангулик водийси узра билмай ҳад,  
Йиллар-ку югурек ел каби ўтгай.  
Халқым, юксалавер офтобдай баланд,  
Кутлуғ замон сенга елкасин тутгай.

Сенинг шавкатингни улуглаб юрсин,  
Буюк аңжуманлар, олтин сатрлар.  
Тегрангда лол қотиб, баш эгиб турсин,  
Ўтган ва ўтажак йиллар, асрлар.

1970



## ЎРМОН

Ялангоч, сарғайған, кимсасиз ўрмон,  
Бошингда чарх урар кузги довуллар.  
Сенинг япроқларинг эса беармон  
Баҳор қўшиғини айтиб шовуллар.

Арчазор ортидан сайрап бўғиқ қуш,  
Уфқлар сўнгидаги қора бир рӯё.  
Узоқ-узоқларда ғамгин ва беҳуш  
Чўзилиб ётибди улкан бир дарё.

Ўрмон кўйнидадир сеҳр ила жоду,  
Бундадир хаёлнинг сокин онлари.  
Нақадар сулувсан, нақадар инжу,  
Эй, сен, шимол юртинг чўнг ўрмонлари.

Сенинг қучоғингда оқшомлар майин —  
Тўйдим туйғуларнинг соз нашъасини,  
Заъфарон зулфингга тақиб кетайин  
Олис чўлларимнинг бинафшасини.

1970

## ДОРИЛФУНУНГА

Укам Дониёр Бегимқуловга

Неки қалбимизга чўғ бўлиб тушган  
Сенинг оташингда тобланган бари.  
Фиштин биноларинг тафтида пишган  
Муҳаббат аталмиш севги гавҳари.  
Ўйлар сурар эдик тегрангда узоқ  
Толиба Лайли-ю, талаба Мажнун.  
Муҳаббат дарсидан бергансан сабоқ,  
Вафо дарсхонаси, эй дорилфунун.  
Сенинг кучоғингда топдик дўсту ёр,  
Дўстлик нималигин англаб ололдик.  
Ҳазил-мутойиба бўлса ҳам бисёр  
Ва лекин дўстликка содик қололдик.  
Бу кун ҳар қайларда юрсак ҳам йироқ  
Дўстларни эслаймиз — дилда ҳаяжон.  
Оташин дўстликдан бергансан сабоқ,  
Эй, сен дорилфунун — муnis онажон.

1970

## ШОИР

Демангиз, дунёнинг ташвиши қолиб,  
Узини ҳар ёнга уради шоир.  
Тоғдай оғир юкни кифтида олиб,  
Кушдай енгил бўлиб юради шоир.

1970

## СЕРГЕЙ ЕСЕНИНГА

Сен ажыб шоирсан, поксан, бокира,  
Дилларга жо эрүүр ҳар бир деганинг.  
Аммо менга ёқмас, ёқмайди сира  
Сенинг итлар билан ошно эканинг.

Дүст ила душманнинг бормай фарқига  
Оғиз солмоқ итга одатдир азал.  
Сендеқ ажыб шоир, тушунмам, нега,  
Итга бағишилабсан энг дилбар ғазал.

Тоқатим йүқ менинг күпрак зотига,  
Ҳануз хотирамда у соглан яро.  
Инсон оғу құшгач гул ҳаётингта  
Сен итлар қошига қочғанмидинг ё?

Хойнаңдай гапим шу: Сен биттан ашъор  
Йиллардан барибир ошиб үтарди,  
Итларга меҳрингни этгунча изҳор,  
Одамларни севсанг — шу ҳам етарди.

1970

## МҮМИН МИРЗО

Ҳазрат Навоийнинг назари тушган,  
Юрагида балки шеър қони жўшган,  
Ғунчадек қалбida оҳи увишган  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Қулингга солмишлар тилладан занжир,  
Шаҳзода йигитга ҳурмат бу, ахир!  
Бу нечук қабоҳат, бу нечук таҳқир,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Гурингда ўт ёнгур амирлар худбин,  
Билғандар на номус, на виждан, на дин,  
Майпараст бобонг ҳам букибди қаддин,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Сенга салтанатнинг қандай дахли бор,  
Сен-ку маъсум гўдак, покиза дилдор,  
Олим бўлармидинг, балки санъаткор,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Укам, ёвузларнинг топганлари шу,  
Ўз ўғлини ит бўлиб қопганлари шу,  
Ўз қалбин кафандаб ёпганлари шу,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Топганлари заҳар, тўкканлари қон,  
Қандай замон экан, дўстлар, у замон.  
Болам деб, оҳ чекар Бадиuzzамон,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,  
Ҳамон гўдакларга қилич қайрашар.  
Қачон пок буларкан булардан башар,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

Беш юз йил беридаги эсладим бирпас,  
Лекин бу бехуда мотаминг эмас,  
Қалбимни ўргатада аллақандай сас...  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

1971

## НОМАЪЛУМ ОДАМ

У на шоир эди ва на машхур зот,  
Лекин дунё билан бир эди дарди.  
У ҳам бошқалардай кечириб ҳаёт,  
Шошиб ишга бориб секин қайтарди.  
Англарди дунёни у ҳам хұп теран,  
Маъюс боқар эди ботгувчи кунга.  
Баъзида юраги ёнгани билан  
Парво қилмас эди ҳеч қачон бунга.  
У қабр устида сүзламади нутқ,  
Табрик ҳам айтмади түйларда хандон,  
Үлим бу — нишонға бориб теккан ўқ,  
Туғилиш — шиддат-ла тортилған камон.  
Шон-шұхрат талашған турфа хил ғариб,  
Шүрлик кимсаларга кулиб боқарди.  
Юрмасди ҳар қайда илинж ахтариб,  
Қалбида бир дунё гувлаб оқарди.  
Бировнинг у билан бұлмади иши,  
У ҳам дуч келғанға очмади юрак.  
Насаб, икир-чикир, мол-мұлк ташвиши  
Уни этолмади зарра жонсарап.  
Лоқайдні дүўпосла, деса әхтимол  
Үнға ёпишарди нокаснинг бари.  
Унинг күзларыда ёнарди беҳол  
Йироқ юлдузларнинг сирли нурлари.  
Оlamнинг бу майда ғалваси нечун?  
Бари үтадиган, бари нокерак.  
Тариқдай заминнинг устида беун  
Яшаб үтди шундоқ буюк бир юрак.  
Қайдан келғанди у? Билмади кимса,  
Қабрга ҳам жимжит кириб кетди у.  
Менимча, дунёнинг устидан роса  
Мириқиб қаҳқаҳа уриб кетди у.

1971

## НЕКРАСОВ ҲАСРАТИ

(Шоирни ўқиб)

Пушкин шеъри ҳали янгарди мағур,  
Лермонтов чарақлар назм осмонида.  
Шоир бўлиш қийин,  
Шоир бўлиш оғир  
Шундай буюкларнинг Каҳкашонида.

Шоир хаёлларга берилади, бас,  
Ерёмушка йифлар саҳар чогида.  
Фақат шоир бўлиш...  
Бу ҳали етмас —  
То киshan бор экан юрт оёғида.

Нечун кулфатларга тұла бу ҳаёт,  
Нечун мужик ҳолин булмайди қуйлаб.  
Сүнгсиз ҳасратларга күмилган бу зот  
Кезади кимсасиз Петербург бўйлаб.

Некрасов ҳасрати, о, рус ҳасрати,  
Поёнинг бормикан, ҳаддинг бормикан?  
Сенсан — бу аёвсиз Сибирь даҳшати  
Ва мужик қалбига санчилган тикан.

Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,  
Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан.  
Яшаб қолармикан шеърим оқибат?  
Озод бўлармикан нотавон Ватан?

Пушкин шеъри ҳали янгарди мағур,  
Лермонтов чарақлар назм осмонида.  
Шоир бўлиш қийин,  
Шоир бўлиш оғир  
Бундай буюкларнинг Каҳкашонида.

1971

Келдим қошингизга чопиб, энтикиб,  
 Майсага бурканган төф этаклари.  
 Уч ой йүлингизда ётдим күз тикиб,  
 Эй, баҳор бекаси — май чечаклари.  
 Гарчанд юрагимга гул рухсоридан  
 Хазон япроқлари энди яқинроқ.  
 Ҳар нечук қиши фаслин тунд дийдоридан  
 Жажжи капалакнинг васли ширинроқ.  
 Қалдироқ гумбурлар юксак тоғларда.  
 Чилтор қылларидай тараалар ёмғир.  
 Шамол шовиллайди қадим боғларда,  
 Буюк күхна дунё купчийди оғир.  
 Мен унинг қўйнида кездим сабодай,  
 Қорлардан лоларанг оловлар ёқдим.  
 Бир зум шаҳаншоҳлик теккан гадодай,  
 Умр ўтар, дедиму дунёга боқдим.  
 Қучоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга,  
 Туманли туйгулар босмасин оғир.  
 Илтифот қылмасак жажжи баҳорга,  
 Нуроний куз бизни сийламас, ахир.

1971

## МАКТУБ

Газаллар тұқырдим сенға бир замон,  
Күшикілар айттардим тұнлар бошингда.  
На чора, ушбу күн үзға бир инсон,  
Үзға бир муҳаббат туар қошингда.  
Әшитдим, хазонли боғларда танқо  
Үтказар әмишсан сокин пайтларни.  
Сарғайған дафтаринг варақлаб гоҳо<sup>1</sup>  
Такрорлар әмишсан маҳзун байтларни.  
Мен ҳам тонглар баъзан йўлга қарайман  
Мунаввар қуёшга қўксимни очиб.  
Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,  
Сенинг хаёлингга бораман қочиб.  
Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан,  
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.  
Дунёда жамики ҳислар устидан  
Қаҳҳаҳа уради қадим бу ҳаёт.  
Надомат нимага ва афсус нечун?  
Оlamда неки бор ўчар бешафқат.  
Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун,  
Бизнинг вазифамиз унугмоқ фақат.  
Йиллар ўтиб кетар такрор ва такрор,  
Ёшлик ҳам ўтади бенишон, бесас.  
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб, бир бор  
Севгандим, набирам, дея олсак бас...

1971

## ЧОРЛАШ

Дүсти ғарип, кел, құлингни тут,  
Юрагингда ёқай алана.  
Кел, бир зумга дунёни унут,  
Кұтаратын сени баландга.  
Пастда қолсин нобакор хилқат,  
Пастда қолсин танбал булатлар.  
Юрагингда чақнасан фақат  
Еруғ хаёл, самовий үтлар.  
Юксакларда чарх уриб айлан,  
Руҳинг мангу турсин ёришиб,  
Үлгандада ҳам вужудинг билан  
Кетмагайсан ерга қоришиб.

1971

\* \* \*

Булбул ўтай эзур зөвлар орасида,  
Югурек сув ўтай тоғлар орасида.  
Мұхаббат дардидан бемор қалблармиз,  
Ўтай бўлсак не тонг, соғлар орасида.

1971

## ЁЛФИЗЛИК

Кўкда ой кезади бесару сомон,  
Йироқ замин узра ташлаб ҳорғин из.  
Мана, ўтса ҳамки неча минг замон,  
Кўкда ой танҳодир, кўкда ой ёлғиз.  
Одамлар моҳтобга яйраб қарашар,  
Ёлғизлик негадир ойга ярашар.

Кўкда қуёш кезар, у мунис она,  
Миллиард юлдузларнинг шамси талъати.  
Юлдузлар бўлса ҳам гарчи парвона,  
Ёлғизлик бўлибди лекин қисмати.  
Ҳар нечук офтобнинг йўриғи бошқа,  
Ёлғизлик ярашар она қуёшга.

Боболар гоҳида ўқинчда қолиб,  
Шоҳларнинг номига нома битганлар.  
Инсонлик шарафин хотирга олиб,  
Тангрининг ёдини зикр этганлар.  
Деганлар боқишиб сирли самога:  
— Ёлғизлик ярашар фақат худога.

Мен на ой, на қуёш, на ер, на само,  
Шуълага интизор гиёҳдай ўсдим.  
Ёлғизлик ҳасратин тортмайлик асло,  
Бор бўлсанг, ёдга ол мени ҳам, дўстим.  
Ёлғизлик ҳасратин кўрсатма, тақдир,  
Ёлғизлик инсонга ӯлим-ку, ахир...

1971

## СУВ

(Хазил)

Жуда ажойибдир инсон удуми,  
У сувни жуда ҳам, жуда ҳам суяр.  
Дейлик, бирор жойда ниҳол күрдими,  
Албатта, тагига сув қуяр.  
Чанқаб келганды-ку, бирор ташна лаб  
Албатта сув ичар, мириқар, түяр.  
Ортиб қолганин ҳам ҳатто авайлаб  
Эгнидан ё бошидан қуяр.  
Сув омборларин-ку, айтиб ўтирмай,  
Инсон бундай ишни жойига құяр.  
Учраган пучмоқни ковлаб эринмай,  
Албатта, у ерга сув қуяр.  
Хүш, ундан кейин-чи,  
Хүш, ундан кейин,  
Инсон сувдан яна қандай завқ туяр?  
Бекор қолганида, баъзида секин  
Бир-бирин тагига сув қуяр.

1971

\* \* \*

Ногоҳ энтиқди-ю, эгилди камон,  
Үқ учди белгисиз ёқларга томон.  
Кекса отасининг қаддин дол этиб,  
Кетиб борар эди фарзанд шу замон.

1971

## ХЛНГОМА

Кор ёгарди буралаб,  
Колишмасди довулдан.  
Түйга айтиб кетиши  
Шундоқ қүшни овулдан.

Йүлга чиқди икки чол,  
Түйга бориш қарз бешак.  
Бирори отта минди,  
Бирори минди эшак.

Кор-чи, ҳамон ёгарди,  
Еғар эди гүпиллаб.  
Йүлни эшак бошлади,  
От эргашди лўкиллаб.

Гапга тушди икки чол,  
Суҳбат у ёқ-бу ёқдан.  
Ўтган-кетган, баланд-паст,  
Гоҳ қалла, гоҳ туёқдан.

Суҳбат деган соз нарса,  
Колмасанг бас сургалиб.  
Йўрғалар эшак ҳамон,  
От боради эргалиб.

Аста-секин кун қайтар,  
Уфқларда ўчган ранг.  
Кор оралаб қайдадир  
Бир юлдуз чақнар аранг.

Чоллар-чи, ҳамон йўлда,  
Суҳбат ўша-ўшайди.  
Бири деди: — Оқсоқол,  
Кун ботганга ўхшайди.

Йүр-э, уста, — дер бири, —  
Күздан қолибсиз буткул.  
Түрт чақирим овулга  
Наҳот юрсак бир кун йўл.

Аммо бу гап рост эди,  
Юлдузлар чақнар бот-бот,  
Олдинда эшак борар,  
Орқада лўкиллар от.

Овулдан-чи, дарак йўқ,  
Оппоқ эди қир-қия,  
“Адашиб кетдикмикан,  
Куппа-кундуз куни-я?

Гап босдими ё ғафлат,  
Тавба, бу қандоқ ўйин?”  
Қор тинди-ю, чолларнинг  
Ичига кирди қуон.

— Қора қишида тўй қилмай,  
Баттар бўлгур нокас, гов.  
Баччагарнинг аслида,  
Феъли совуқ эди-ёв.

Қайдадир чўзиб-чўзиб  
Увлаб қолди-ку қашқир,  
Ким ҳам, айтинг, бундоқ чоқ  
Ташвишга тушмас ахир?

Хусусан, кексайганда  
Хафа бўлиб кетасан.  
Айтайлик, ўша қашқир  
Ғажиб кетса нетасан?

Қора совуқ тиш қайраб  
Қовурғани эзарди.  
Кенг сайҳонда икки чол  
Йўл ахтариб кезарди.

Йўл қаёқда, тўрт тараф  
Қалин, оппоқ қор эди.



Абдулла Орипов талабалар ҳузурида шеър үқимокда.  
1971 йил.



Шоирнинг отаси Ориф бобо Убайдулла ўғли.

Энг баттари — совуқда  
Жон сақлаш душвор эди.

Қайтай деса изига,  
Белги ҳам йүқ, из ҳам йүқ.  
Қалтирайди икки чол,  
Таскин ҳам йүқ, сұз ҳам йүқ.

— Не бўлса ҳам топширдик  
Яратганинг ўзига!  
Таваккал деб, от бошин  
Қайирдилар изига.

Пешонада борини  
Қўрар инсон деган зот.  
Йўл солдилар қайгадир,  
От бошин қўйиб озод.

— Бир кор-ҳол бўлмай энди,  
Уйни топиб борсак бас, —  
Сургалади от ҳоргин,  
Орқада эшак бесас.

То тонгтacha икки чол  
Юрди, турди, суринди.  
Узокларда бир маҳал  
Қора нарса кўринди.

Бўғоти бор, ҳайтовур,  
Ўхшаб турар қишлоқقا.  
“Худога минг шуқр”, деб  
Юрдилар ўша ёқقا.

Туман ичра дов-дараҳт,  
Турап эди ялтираб.  
Тонгта яқин қишлоқقا  
Киришдилар қалтираб.

Тугаганди бардош ҳам,  
Тугаганди бор сабот.  
Етмай бир дарвозага  
Тўхтаб қолди шўрлик от.

— Жой сўрайлик, нарёғи  
Бир гап бўлар, оқсоқол.  
Қамчин билан тақа-тук,  
Дарвозани қоқди чол.

Изфирин-чи, изфирин,  
Еру кўкда ҳорғин тус.  
Бир кампир чиқди шу тоб,  
Кулида хира фонус.


Сўз бошлади чол титраб,  
Ҳалкумига келиб жон:  
— Бир кечага бизларга  
Жой берсангиз, янгажон.

Қора қуюн чарх уриб  
Кўз олдини тутарди.  
Кампир келиб яқинроқ  
Фонусини кўтарди.

— Ҳой, сенми бу, ер юткур,  
Имонингдан кечдингми?  
Алжираисан ё тўйда  
Ароқ-пароқ ичдингми?

Алқисса шу: от йўлни  
Уй томон бурган экан.  
Чол-чи, ўз кампиридан  
Жой сўраб турган экан.

1971



## МУАЛЛИМ

Муаллим ҳақида сұзим ушбудир:  
Муаллим камолот ичра күзгудир.  
Үқидим Геродот, тарихни күп бор,  
Форобий, Дантеңи такрор ва такрор.  
Барини үқидим, лол қолди ақлим,  
Барига устозсан ўзинг, муаллим.  
Алишер қалбига солған сехр-файз  
Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-Лайс.  
Кутлуғ хонадонда кутлуғ қалом бу,  
Ҳамид Олимжон бу, Faфур Ғулом бу.  
Буюк Темур сендан топғандир таълим,  
Сен шундок, азиз зот, азиз муаллим.  
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,  
Сен ҳәёт гаңжида дурри бебаҳо.  
Улуг айёмингда шеърий қалом бу,  
Шогирдлар номидан кутлуғ салом бу.

1972

\* \* \*

Болалик йилларим эслайман оз-оз  
Босиқ уйку ичра ёттанды олам.  
Тонглар қулогимга келарди овоз:  
“Faflatda ётмагил, эркатой болам”.  
У жажжи баҳорнинг шұх саси эди,  
У мунис онамнинг нафаси эди.

Йиллар үтди, бир оз улғайдик, бу кун,  
Ватан хизматига бир қадар дастёр.  
Оlam ташвишидан юракда тұлқин,  
Ватан қудратидан қалбда фурур бор.  
Энди сен чорласант, токи танда жон,  
Лаббай деяжакман, Ватан, онажон.

1972

## САОДАТ

*Пахтакор қиз Саодатга*

Токи ғолиб экан музaffer ўлка  
Шаънингта шеър айтмоқ шоирга одат.  
Бу гулшан водийда ўзингсан бека,  
Эй, менинг пахтакор синглим Саодат.

Сирдарё бўйида мезон ялтираб,  
Ажиб хаёл билан банд бўлмиш кўнгил.  
Ва лекин бу сафар мен сенга қараб.  
Йўндим қаламимни, меҳнаткаш сингил.

Ўзбекнинг минг йиллик одати эрур  
Она деб, сингил деб чекмаклик малол.  
Қалбимни не учун босмасин гуур,  
Қаршимда сен турсанг етук, баркамол.

Шоён меҳнатингнинг нишонаси бу —  
Қора қошлигинга қўнган чанг, губор.  
Сувори экансан — заҳматинг эзгу,  
Замона Барчини — меҳнаткаш, дилдор.

Юрting ғолиб эса — толениг балқсин,  
Хипча қоматингда лоларанг тасма.  
Айттил Муборакка — ошга ўт ёқсин,  
Айттил Софияга, келтирсин ўсма.

Шаддод Асибаю дилдор Анзират,  
Айттил, чилдирмасин айласин тайёр.  
Юлдузлар базмида ой ҳам бир зийнат,  
Даврада Фарҳодинг турсин баҳтиёр.

Зафар айёмида чеҳралар гулгун,  
Тушсин даврангизга кўк юлдузлари.  
Тадсин, ташаккурим сизгадир бу кун,  
Эй, она юртимнинг она қизлари.

1972

## ҚҰШИҚ

Құшиқ учар эди күкда беармон,  
Учарди янгратиб осмон, уфқни.  
Бадкирдор одамлар бир кун беомон  
Ярадор қылдилар құшиқни.  
Мажрух турна мисол қулаб түшди у,  
Шодлик қулаб түшди арши аълодан.  
Мана, минг йилларким құшиқ серқайғы,  
Ҳамон ҳасрат чекар үша балодан.  
Шикаста юрак бу чекмасин озор,  
Жаҳон шоирлари турар қошида.  
Чоллар дуо қылса, оналар бедор  
Алла айтиб чиқар унинг бошида.  
Ҳамманинг армона — соғайсин құшиқ,  
Заррин қанотидан чеврилсін осмон.  
Шодлик билан тұлсін тұрттала уфқ,  
Күлги билан балқсан бу қадим жаҳон.  
Бедор термуламан құшиққа мен ҳам,  
Майли, ҳасратида рангим сарғайсін.  
Балқи күролмасмиз биз уни хуррам,  
Болалар баҳтига құшиқ соғайсін...

1972

## ҚОЗОГИСТОН

Үлжасса

Тиниқ чашмалар бор ҳаддан зиёда,  
Мовийдир Балхашнинг суви ҳам бироқ,  
Бироқ, қозоқ халқын қалби дунёда  
Барча чашмалардан кўра тиникроқ.  
Нур билан чулғониб ётибди шоён  
Буюк Олатовнинг кўркам келбати.  
Олатов кўркамдир, лекин бу замон  
Ундан ҳам кўркамроқ қозоқ савлати.  
Қозоқ саҳроси — бу беадад саҳро,  
Хаёлдай бепоён, чексиз ва йироқ.  
Чиндан ҳам буюқдир бу саҳро, аммо  
Қозоқ бағри эса ундан ҳам кенгроқ.  
Шундоқ ажиб юртсан, жон Қозогистон,  
Қардошим, қурдошим, бовурим азал!  
Буюк Шарқ қўйнида баҳти нурафшон  
Ўзбек диёридан саломим бу гал!  
Бирдир элимизнинг оташ қаломи,  
Бирдир теграмизда саҳролар яйдоқ.  
Бирдир элимизнинг насаби, номи,  
Бирдир кўкимизни ёритган чақмоқ!  
Абай ҳикматию Навоий сози  
Кўркам хонадоним муаттар этган.  
Буюк яратганга бўлсин тавозе,  
Удир баҳтимизни баробар битган.  
Дийдор бошлаб келди, қани, узат қўл!  
Ўлжасим, жўлдосим, дўстим, қарофим!  
Таъзим, эҳтиромим айлагил қабул,  
Эй улкан қозофим, улкан қозофим...

1972

## ҚОЗОГИСТОН ОҲУСИ

Кўкчатовда кўк камзулли бир оҳу кўрдим,  
Таажжубки, оёғида қизил этикча.  
Кўз узолмай узоқ маҳал термулиб турдим,  
Сўнг изидан кетабердим бошим эгикча.  
Шўх, чиройли сўқмоқларда қадам-бақадам,  
Ўқ етмасга қадар чиқдим изидан бориб.  
Оҳу эмас, афсонага дуч келдим шу дам,  
Во дариғо, қайтиб тушдим чарчаб ва ҳориб.  
Ойнакўлга бориб қолдим айлаб мен шитоб,  
Кўк камзулли у оҳуни излаб сарсари.  
Ойнакулнинг тубида ҳам кўринди шу тоб  
Оҳу эмас, Үлжас шеърин тоза мавжлари.  
Сайёҳликнинг ўжар қалби тутиб қўлимдан  
Кетавердим, кетавердим сарсон-саргардон.  
Мовий кўллар, чўнг ўрмонлар чиқди йўлимдан,  
Оҳ, бунчалар кенг экансан, жон Қозогистон.  
Излайвериб, ҳориб бўлгач, оқибат бир тун  
Кўк тепага чиқиб олиб ўй сурдим узоқ.  
Олмаота чарх уради теграмда бутун,  
Сўзласанг-чи, бу қандоқ ҳол, муҳтарам қозоқ?  
У мен кўрган оҳу қани, қайда у жайрон,  
Кайси жойни макон этган у нозик ниҳол?  
Дедиларки, қозоқ элин кезабер ҳайрон,  
Ҳар қайда ҳам у бир карра кўргазгай жамол.  
У Абайнинг армонидир — нозланиб турган,  
У Олатов сулувининг мақоми эрур,  
Кечагина нортуюни қувалаб юрган  
Қозоқларнинг карашмали илҳоми эрур.

1972

## СОФИНЧ

Парчагина булут,  
Чексиз осмон,  
Адир ортидаги ёлғиз оёқ йүл.  
Барча ташвишларни унугиб, шодон,  
Қайттим келаётир қошингта буткул.

Қисмат майин ичдим — аччиқ ва тахир,  
Түйдим эҳтироснинг самовий кучин.  
Дунёда одамзод яшамас, ахир,  
Фақат иродасин синамоқ учун.

Парчагина булут,  
Чексиз осмон,  
Адир ортидаги ёлғиз оёқ йүл.  
Барча ташвишларни унугиб, шодон,  
Қайта олсам эди қошингта буткул.

1972

## ЯХМАЛАК

Қизим Шоңрага

Яхмалак отасан, шодон қийқириб,  
Овозинг жаранглар билүүрий бөгдә.  
Қизим, болаликнинг фаслига кириб,  
Илк бора яхмалак отдинг шу чөгдә.  
Илк бор ҳаётингда қор сайлидир бу,  
Изингдан шуъладек югурап күзим.  
Құрқма, полапоним, чекмагил қайфу,  
Йиқилсанг турғизиб құяман үзим.  
Оппоқ қор күйнида нуроний олам,  
Кучоги бувингнинг бағридек юмшоқ.  
Яйраб қол, шу мунис оғушда, эркам,  
Ёруғ дунё сенга күчоқ очган чоқ.  
Яйраб қол, майли, шу күмүш майдонда,  
Яйраб қол чойшабин йикқунча фалак.  
Чунки она қизим, ёруғ жаҳонда  
Равон йүл биттә шу: бу ҳам яхмалак.  
Ҳали улғаярсан, униб ўсарсан,  
Гапларим маъносин англарсан ҳали.  
Олис яхмалакни эслаб қўярсан  
Йўллар машаққатин торттан маҳали.  
Ҳозир-чи, кезавер, майли, бепарво,  
Мурғак юрагингда фусса тутмагин.  
Бахтинг бутун бўлсин, қизгинам, аммо,  
Дунёдан яхмалак отиб ўтмагин.

1972

Нимаики ёзма касалхонада —  
 У сўнгти ишингдек туюлаверар.  
 Фалати туйгулар кезар дунёда,  
 Ҳаммаси миянгта қуюлаверар.  
 Гоҳо ваҳималар бағрингни тилиб,  
 Роса чўчитади, юришмас ишинг.  
 Лекин ногаҳонда эшик очилиб  
 Кириб келар дўст ё танишинг.  
 Яна олам ёруғ, юракда гулу —  
 Хонанг сеҳрли бир нурга тўлади.  
 Жуда оддий гапдир бир қараашда бу,  
 Лекин қўшиқ қилиб айтса бўлади.

1972

**НАСИҲАТ***(Ҳазил)*

Насиҳат тинглаймиз умрда қанча,  
 Ҳатто баъзисини тортолмайди от.  
 Дўстлар, насиҳатнинг ўрни бўлакча,  
 Ўгит берар, ахир, шу билан ҳаёт.  
 Мен ҳам ўз-ўзимга анчадан бўён  
 Насиҳат беряпман қатъий, бешафқат.  
 Чунки, бир насиҳат тинглаган замон  
 Эсдан чиқиб кетар ўзга насиҳат.

1972

## ГЕНЕТИКА

Мен ҳам яшайпман ўз замонимда,  
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.  
Ва лекин билмадим, менинг қонимда  
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ.

Барчага баробар мерос бу башар,  
Отадан қош-кўзни олган ўғилдек.  
Билмадим, қонимда қай аждод яшар,  
Балки Бобо Кайфий, балки Улугбек.

Тунлар қулоғимга чалинар элас,  
Тулпорлар кишинаши, отлар гурроси.  
Балки Муқанна бу — тиниб-тингимас,  
Балки Панипатда Бобур урҳоси.

Балки танглайимни кўтариб кеттан,  
Дарбадар бир ошиқ ва ё сарбадор.  
Балки бирор бобом шаҳаншоҳ ўтган,  
Балки вужудимда дарвиш қони бор.

Мен яхши англайман, мозий не демак,  
Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони.  
Лекин танимизда кезар-ку бешак  
Олис боболарнинг минг йиллик қони.

Нечоғли сабот бор ёвқур Широқда,  
Эрйигитов тўпга кўксин босар жим.  
Раҳимов ғанимга ташланган чоғда  
Алпомиш щиддатин пайқамаган ким?!

Оху боласи бу — охудай боққан,  
Шерваччада эса шернинг щиддати.

Авлодлар қонида минг йиллаб оққан  
Буюк боболарнинг турфа хислати.

Неки эзгулик бор жаҳонда пойдор  
Жойлаб ола билдик барчасин қонга.  
Асрлар сўнгида толе келиб ёр,  
Фарзанд бўла билдик ўтли замонга.

Сингди руҳимизга, мангу барҳаёт  
Алишер шеърию Пушкин баёти.  
Сингди руҳимизга ғолиб ҳиссият —  
Жасур боболарнинг тенгсиз саботи.

Сингди қонимизга шу оташ дунё,  
Сингди қонимизга муҳаббат, ғазаб.  
Йироқ авлодларга бизлардан аммо  
Қай бир хислатимиз қоларкан, ажаб?

Нима қолар экан? Қай эзгу тилак,  
Қай ҳис, юракларда тополган камол?  
Йироқ авлодларга бизлардан бешак  
Қолар курашларда тобланган хаёл.

Шу ёвқур асрда яшадик рўй-рост,  
Ранжу балолардан ҳайиқмай тақири.  
Йироқ авлодларга бизлардан мерос,  
Буюк бардошимиз қолгуси ахир.

Яшадик шу рангин дунёда масъул,  
То эллар кўз ёши бўлмасин чашма.  
Ўзни бағишладик курашга буткул,  
Демакки, яшадик оромга ташна.

Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,  
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.  
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ  
Ҳаққа, ҳақиқатта ташна ўтдик биз.

Ташна яшадик биз нурга, зиёга,  
Қаён кетмоқдасан, эй учқур замон?!  
Оқибат бел боғлаб келди дунёга  
Бизнинг асримизда валламат инсон.

Түфон, қасирғалар кечар-ку ҳали,  
Кечади авлодлар қатор, галма-гал.  
Балки оро топиб башар сайқали,  
Түгилар энг олий инсон, мукаммал.

У ўзин танигай шунда дафъатан,  
Түфон, қасирғалар босириқ бир туш!  
Шу буюк сайдёра — ягона Ватан.  
Инсон ўз баҳтидан ўзи ҳам сархуш.


Мунис нигоҳини қадаб қүёшга  
Турар у нурдай пок, ишқдай безавол.  
Кечмиш камолотин күтариб бошга.  
Йироқ асрларга кўз тикиб хушҳол.

Турар у гўдакдай беғубор кулиб,  
Балки кулгуси ҳам биздан мерос бу.  
Риштаи жонида бир зарра бўлиб  
Бизнинг ҳам қонимиз гупургай, рост бу...

Боболар дунёдан ўтдилар шундок,  
Биз ҳам етукликка бўлмадик тимсол.  
Лекин сен бўларсан бокира мутлоқ,  
Лекин сен яшарсан фаришта мисол.

Қаҳқашон сайдира ҳур қүёш билан  
Кезарсан то абад шодумон, хуррам.  
Лабда табассуму кўзда ёш билан  
Сенга талпинаман, буюк набирам...

1973




## ДЕНГИЗГА

Йўлим бошлади то, кездим дала-тоғ,  
Кездим не юртларни — чиройи тенгсиз.  
Насиб эттан экан сен билан бу чоғ,  
Илк бора рўбарў келдим, эй денгиз.  
Саҳройи ўзбекман, толеим кулиб,  
Муқимман, ўз юргим билан ҳаётман,  
Ва лекин, дунеда шамолдай елиб,  
Денгиздай кенг қалбни ахтарган зотман.  
Қалбим очай дейман сенга ушбу чоқ,  
Лекин тинглармидинг, баҳри беомон.  
Менман бу — қошингда зарра бир ушоқ,  
Сен — кўкка шаъшаа ташлаган уммон.  
Нени англар эдинг, сен-ку бир хилқат,  
Милиард туйгулардан қотган шарора.  
Сенга дил очмоқ ҳам фол кўрмоқ фақат,  
Инсон ўз қалбини англаса зора.  
У соҳир ҳислардан кечди беомон,  
Афсунгар туйгулар бўлгандар ғойиб.  
Бешафқат тафаккур асли бу замон,  
Фариб дейми уни ва ё гаройиб.  
Унинг пойирадир замин — зироат,  
Унинг пойирадир ҳаттоки само.  
Қайда шеър? Қайда сир? Қайда синоат?  
Қайда Мажнун учун дашти Карабало?  
Денгиз, таниб олгин уни бир карра,  
Ҳазрати инсондир — ўзи кўйган от.  
Денгиз, шеър эмассан энди сен зарра,  
Сен — пўлат занжирлар забтидаги зот.  
Ҳа, буюк шоирлар қадами ўчган,  
Ҳеч ким мавжларингдан ўқимас туйғу.  
Хитобмас тўлқинлар бағрига тушган,  
Қайси бир балиқчи ташлаган тўр-ку.  
Фарзандман шу буюк асримга бещак,  
Мен ҳам унинг учун дилни ўттарман.

Оҳ, лекин күксимда ёнган шу юрак  
Бир кун тош қотмаса дея қўрқарман.  
Олис уфқларда енган бу маёқ,  
Афсус, мен учун ҳам хаёлмас асло,  
Буронлар қалбимга солмагай титроқ,  
Йўқдир мен учун ҳам сеҳр ила рўё.  
Тўплар гумбурлаши, ваҳшат садоси,  
Куткуларга тўлган ушбу кун замон.  
Ташландик ушоқнинг бўлиб гадоси  
Туп-тўп чағалайлар оҳ чекар нолон.  
Юлдузлар ёнади, офтоб чараклар,  
Кукунга айланар вужуд ҳам, аммо  
Яралган эканки Инсон бир вақтлар,  
Наҳот туйғудан у бўлгай мосуво?!  
Сарсон, соҳилларда тентираф яна  
Ўйга ботармикан беруҳ ошиқлар?  
Денгизлар уфқига боқиб мардана  
Куйлармикан ҳеч ким ўтли қўшиқлар?  
Мовий далаларда ўзни унутиб,  
Шабнам ичра кезса малла ранг тойчоқ,  
Фазогир Миррихнинг меҳридан кечиб  
Боқармикан унга энтикиб, муштоқ?  
Улуф илоҳасин — тилсиз жамолин  
Унутиб қўймасми бир кун одамзод?  
Буюк насибасин — тенгсиз хаёлин  
Шу буюк тафаккур этмасми барбод.  
Илҳоминг дилимда, хайр, эй денгиз,  
Гарчанд висолингдан асло қонмасман.  
Лекин ёшлигим ҳам ўтар-ку эсиз,  
Бир вақт ёнганимдай балки ёнмасман.  
Балки сайд эттали мавжларинг бўйлаб,  
Тағин қайтажакман, эй ошно уммон.  
Сен-чи, куйлайвергин ҳамиша гувлаб,  
Инсонлар қалбига солиб фалаён.

1973



## АЛЛОМА

Бирор жойда топилса ногоҳ гавҳар донаси,  
Чүнтағи тешик ҳар ким даъво қылган ҳамиша.  
Мен ҳам орзу этардим, яхши ном баҳонаси  
Мени ҳам ёдга олса ғайри эл, шұхратпеша.

Қанча буюк зотларга макон бўлган Хоразм,  
Үтган, кеттган тарихинг барчага кундай аён.  
Сира ажаб эмасдир Машҳад ҳам айлаб базм,  
Бир Қиёт фарзандига таъзимда бўлса жаҳон.

Қайтди буюк аллома ўз юртин қучоғига,  
У боис қалбим яна гуурур билан тўлибди.  
Во ажаб, шундай бир зот ўз қадрин топмоғига  
Унча-мунчамас, роса минг йил керак бўлибди.

Ҳолини билмаганга рўбарӯ келсанг агар,  
Қалбингдаги арслоннинг мўйловига чўзгай қўл.  
Мен-ку оддий инсонман, лекин шундай дам баттар  
Ўн минг йилик фурурим кўзғалиб кетгай буткул.

Халқим, тенгсиз фарзандлар бергансану дунёга,  
Зар қоғозга ишқибоз мурғдай устин ёпгансан.  
Сўнг юз йиллаб фаромуш кўзинг тикиб самога,  
Дафинаи ганжингни эслатишса топгансан.

Беруний бобомиз шу, исми ҳам Абу Райҳон,  
Ба форси гуфтаам гар аз замони пур Сино.  
Бу зотни етиштирган қадим Шарқ, кўҳна жаҳон,  
Кумуш соқол, тилла бош, асл қомусий даҳо.

Шарафай замондан боқади у беписанд,  
Буюк шарқ тафаккурин беназир хазинаси.  
Мустабид Маҳмуд эмас хаёлини эттан банд,  
Билгисиз эллар шавқи, юлдузлар нашидаси.


Шунчалик бұлар ахир аллома деганлари,  
Агар-чи, қисмат чигал, ношукур ул замона.  
Жавоқир истеъоднинг меваси бунинг бари:  
“Осор ул-бокия”ю “Хиндистон” у “Сайдона”.

Ушоқцина одамман, жуссам отамдан ҳадя,  
Лекин майда ҳисларни ёқтирилас асло жиним.  
О, буюк Шарқ, буюк Шарқ, сенинг шавкатинг дея  
Не буюк фарзандларинг заҳмат чеккан бетиним.

Қайда улар? Қайси бир пучмоқларда бенишон...  
Афсуски, ўз қадрини билмас доим одамзод.  
Бу кун Абу Райхонга таъзимда экан жаҳон,  
Бу — буюк бобомизга замонадан бир имдод.

Довотим қуримади, мудом фаҳрия битай,  
Энг улуг аждодлардан хаёлимга ёғсин нур.  
Шундай зотларни берган халқимга таъзим этай,  
Фуруримга фуурурдош ким бұлса — минг ташаккур.

1973



## ҚАСОСКОР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

(“Қоракүм” фильмі учун ёзилған)

Саҳро оташида қоврилар гуллар,  
Чарх урар бошида маңзун булбуллар,  
Гулшанга қаҳрингиз сочманг, эй, чұллар,  
Сизнинг үзингизни ёндирар қасос.  
Қон йиғлар ярали оху боласи,  
Фалакка чирмашар ғамгин воласи.  
Ҳаққа етганида унинг ноласи,  
Сайёдни қонига қондирап қасос.  
Шамширга құлинг чўз, титрама, эй, жон,  
Рақиблар устига от сол беомон.  
Номусу ор учун жанғта кир, үглон,  
Тоғларни ўзидан тондирап қасос.  
Құлида ғамгин соз — куйлайды баҳши,  
Ҳасратта тұлмасин бу эллар дашти.  
Адолат йўлида кимки адашти,  
Сойларни қон билан тұлдирап қасос.  
Қисмати хору зор ўтди боболар,  
Ажал шамширини тутди боболар.  
Бир-бирин қонини тұқди боболар,  
Мұҳаббат гулларин сұлдирап қасос.  
Бу мунгли қиссага шулдир интиҳо,  
Қасос деб оламни босмасин бало.  
Бўлса гар дунёда адолат, вафо,  
Хайру саховатта йўл берар қасос.

1973

## ТУРМУШ ТАШВИШЛАРИ

(Ҳазири)

Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари,  
Биз сендан баландроқ тура олсайдик,  
Биз сендан баландроқ юра олсайдик,  
Балки ўнғаярди дунё ишлари,  
Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари.

Хотин иш буюрап,  
Бола йифлайди,  
Боғча деб қайгадир югурмоқ даркор.  
Балки шу ташвишлар бўлмаса эди,  
Шоир бўлармидим анча улуғвор.  
Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари.

Қассоб оғайним бор —  
Қароқчи — “пират”.  
Суякни кўшмаса кўнгли тўлмайди.  
Ахир, қоғияни еб бўлмас “брат”.  
Наҳот сен бўлмасанг турмуш бўлмайди,  
Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари.

Улуг режалар бор менда ҳам ахир,  
Хусусан, бир ишни битказмоқ даркор.  
Унда қаҳрамоним ёвқур фазогир.  
Кошкийди, сен шуни билсанг, нобакор  
Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари.

Шириндир шу ҳаёт,  
Холи фироқдан.  
Майли, битмасин ҳеч унинг ишлари,  
Ҳаволаб кетсак гоҳ  
Тортсин оёқдан,  
Турмуш ташвишлари,  
Турмуш ташвишлари.

1973

## МУЗАФФАР ЎЛКА

### *Озод Вьетнамга*

Неча йил бу замин ўт ичра қолди,  
Неча йил бурқсиди бу юрт самоси.  
Неча йил дилларни ларзага солди  
Мўъжаз бу ўлканинг фарёд садоси.

Гарчи тугилмадим у ерда, лекин  
Унинг иқболидан дил уйим обод:  
Чунки, ғолиб келди оламда тағин  
Қирғин урушлардан ҳорган одамзод.

1973

## ТАНИШЛАР

*(Ҳазил)*

Шоирларнинг азал танишлари кўп,  
Улар ўтгандан сўнг яна кўпаяр.  
Ҳар хил шаҳарларда яшашар тўп-тўп,  
Баъзан гап йигишар, баъзан гап ёяр.

Балки бирга ичган бир пиёла чой,  
Ҳамсұҳбат бўлгандир замона талаб.  
Гар шундай бўлдими, ақволингтавой,  
Тириклай устингта ташлар гап қалаб.

Бошга тушганда-чи, ногаҳон савдо,  
Уларнинг бирорин қани, топиб кўр.  
Шоир, бундайларга қилмагин парво,  
Танишсиз қолсанг ҳам шоир бўлиб юр.

1973

## НИЯТ

Умрим китобидан бир варақ ўтди,  
Бир саҳфа шодлигу бир саҳфа заҳмат.  
Кимдир дўстим дея қўлини тутди,  
Кимнингдир дастида сангি маломат.

Ҳаёт дегани шу, қалбнинг тубида  
Қолғуси шодлик ҳам, қайғу ҳам қатор.  
Ва лекин умримни аввал-сўнгида  
Ватансиз тасаввур этмоғим душвор.

Сокину улуғвор бонг урар соат,  
Ўйларим чароғин яна ёкурман.  
Янги йил дарича қоқдан бу фурсат  
Ўлкам камолига хушнуд бокурман.

Борми ундан бўлак менга ҳеч шодлик,  
Борми ундан ўзга толе ва аъмол?  
Орзум не, не баҳтга бўлолдим молик?  
Ундан айри баҳтни этдимми хаёл?

Дунё бепоёндир, турфадир Инсон,  
Юлдузлар мисоли беадад қисмат.  
Лекин баҳтга ошён бўлсин бу жаҳон,  
Инсонга осойиш ёр бўлсин фақат.

Соатнинг интиҳо бонти ҳам тинди,  
Қолди яна бир йил орқада кўркам.  
Қани, қўлларингни узатгил энди,  
Севикли диёrim, навқирон ўлкам!

1973

(Хориждаги шевр)

Қалбимда гоҳ фурур, гоҳида фараҳ,  
Шу учқур дунёни турфа кўрибман.  
Юргма-юрт, элма-эл, фарсаҳ-бафарсаҳ  
Умрим довонларин ўлчаб юрибман.

Умр-ку ўтади гулдурос солиб,  
Унинг қайтганини ким ҳам курибди?  
Во ажаб, қай бир зот, ўз умри қолиб,  
Менинг қадамимни ўлчаб юрибди...

1973

**МЕН АНГЛАБ ЕТГАН ФАЛСАФА**

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,  
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.  
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,  
Молим ёмон деган бирор кимсани.

1973

Шамол увиллайди,  
Қор, бурон тошиб,  
Тепалик түшига ўзни уради.  
У ерда тупроққа бағрини босиб  
Танқо бир сағана маъюс туради.  
Қошига чиқай деб бўзлаб йўл юрдим,  
Кўкрагимни тилди изфирин, тикан.  
...Нетай, онажоним, қанча одам кўрдим,  
Сендан яқин кишим йўқ экан...

1973

ОЙБЕК НОМЛИ  
ХЎЖАЛИКДА

Икки дарё туташмиш бунда,  
Бири Чирчиқ ва бириси Сир.  
Шуъла ўйнаб кумуш тўлқинда,  
Хаёлингни айлагай асир.  
Икки дарё туташмиш ажаб,  
Бири назм, бири насли пок.  
Бири замин — табаррук матлаб,  
Бирида бор шуълаи афлок.  
Термуламан бу хуш чиройга,  
Хўп зуккосиз, одамлар, мудом.  
Икки дарё туташган жойга  
Ойбек дея қўйибсизлар ном.

1973

## БАҲОР НАШИДАСИ

Яшилланди оппоқ тоглар пурвиқор,  
Адирларда чопар гувлаб бўз анҳор.  
Бош кўтарди нимдош майса, гул-чечак,  
Сулувларнинг соchlарида тол баргак.  
Атир ҳиди анқир илиқ ҳавода,  
Баҳор кезар чўл, адирда, саҳрова.  
Тонгдан то шом чаман ичра сарсари,  
Гулдан гулга кўниб учар болари.  
Мовий кўкда кушлар қоқар шўх қанот,  
Бош кўтарди жами жонзод, мавжудот.  
Қўҳна тупроқ фунча каби очиб лаб,  
Олаётир навбаҳорни қаршилаб.  
Баҳор аввал кириб келгай юракка,  
Чулғар дилни турфа орзу тилакка.  
Гар инсонга ёрдир толе, саодат,  
Баҳор бергай тенгсиз шодлик, фароғат.  
Ошиқ магар ишқда эса баҳтиёр,  
Муҳаббатдир баҳордаги илк шиор.  
Баҳордир бу — сирли олам санъати,  
Табиатнинг жажжи, рангдор суврати.  
Баҳордир бу — сулувларнинг ол юзи,  
Баҳордир бу — гўдакларнинг илк сўзи.  
Олқиши бўлсин қадами шўх кўкламга,  
“Хуш келибсан, деймиз, баҳор, ўлкамга!”  
Юртим азал баҳор ила дилкашдир,  
Она тупроқ навбаҳорга пешкашдир.  
Жаранг солсин гўдакларнинг кулгуси,  
Бор бўл кўклам, бор бўл ўлкам, келгуси!

1973

## ГЛОБУС

(Болалар учун)

Глобусни боболар  
Курраи арз, дебдилар.  
Яшаган сайёрангни  
Билмоқлик фарз, дебдилар.  
Столимнинг устида  
Глобус турар ҳар чоқ,  
Укам Абдурайимнинг  
Боши каби юмалоқ.  
Узун-узун дарёлар  
Ётишибди узалиб,  
Синглим Озода чизган  
Чизиқ кабичувалиб.  
Шаҳар ёки қишлоқдир  
Манов кичик нуқталар,  
Чинор барглари каби  
Парча-парча қитъалар.  
Яшил матога ўхшаш  
Манов жойлар денгиздир.  
Сизга айтсам, аслида  
Денгиз улкан, тенгсиздир.  
Бир гапни билдим, аммо  
Айтмаса ҳам дадамлар,  
Ерда яшар жуда кўп,  
Турли-туман одамлар,  
Мана бу жой Африка,  
Аниқроғи Занжибар.  
Занжибарда бадани  
Қора тусли занжи бор.  
Люксембургдир манов жой,  
Конго эса бундадир,  
Бу-чи, ҳаммага таниш  
Қаҳрамон юрт — Кубадир.

Үзимча фикр қылдым  
Тажрибасиз каламда:  
Эх-хе, қанча эл-элат  
Яшар экан оламда.  
Телевизорда құрганман  
Неча-неча марталар.  
Кичик кичикка ўшар,  
Катталарга катталар.  
Боқсам, у ҳам эркатой,  
Бошқаларга ўштайди,  
Ҳайронман, у болани,  
Одаммас, деб ким айтди?  
Қайси кун кувноқ монгол  
Иссиқ тортди құзимга,  
Бундоқ ўйлаб қарасам,  
Ўшар экан ўзимга.  
Шундай экан, одамни  
Хилламоқ нечүн керак?  
Менимча, ҳаммада ҳам  
Бир каллаю, бир юрак.  
Ўйламанг, бу гапларни  
Аллақайдан тұқидим.  
Ҳаммасини мана шу  
Глобусдан ұқидим.

1974



## ЁШЛИК

Эллигинчи йилларнинг тонглари ёдимдадир,  
Эриган новвот каби субҳидам ширин уйқу.  
Фақаттина эзгулик, ишонч бисотимдадир,  
Хаёлларим бегубор, яғир бўлмаган туйғу.

У маҳаллар чўлларда армондан бўлак не бор,  
Бечора чорвадорга қайдадир рангин жаён.  
Бир қаламкаш устозим айтгани каби ночор —  
Саҳройи йигитларда қайдан бўлсин ҳаяжон...

Лекин иноқ эдим мен аслим — табиат билан,  
Бепоён хилқат билан тунлар бўйи сұхбатдош.  
Қўчат ҳам ўтказардим кўп яхши ният билан,  
Билсам-да жазираға бера билмасин бардош.

Назаримда у чоғлар бутун олам пок, тоза,  
Камалак орзу эса, офтобдир кўз қарогим.  
Эсимдадир, ўзда йўқ кувонган эдим роса,  
“Алифбо”ни қўлтиқлаб, мактабга борган чоғим.

Дўппимни ерга олиб, энди ўйлаб қарасам,  
Ёшлик дегани асли поклик экан, бегубор.  
Доимо хаёл эзгу, доимо эзгу қасам,  
Ўртада бурда нону қаноат топган қарор.

Ундан бу ёғи эса демак очилган гунча,  
Турфа шамоллар билан долғаланган бир ҳаёт.  
Ташвишсиз умринг ҳам қизифи йўқдир унча,  
Хаёллар тинган билан тинмагай ҳеч гирдибод.

Оҳ, ажиб гулшанда ҳам бўлмаса дейсан тикан,  
Одам-ку бу — одамзод, бетимсол, буюк, кабир.  
Лекин одам ичра ҳам оласи учрар экан,  
Ҳайрат билан боқмоқдан ўзга чоранг йўқ тақир.

Орзуу армонимни шеърий йўлда қайтадан  
Сўзлаб турибман балки ёшлик баҳона бўлиб.  
Мұқаддас замин ҳаққи ёқа тутиб айтаман,  
Қанийди куйлайверсанг ҳамиша баҳтни тўлиб.

Шу мўъжаз ҳаётимда кўрдим қанча лўттибоз,  
Кўрдим гоҳо шеърфуруш, гоҳо сур, мансабфуруш.  
Зарра бир мақтov дессанг томдан ташланар шоввоз,  
Лекин ишдан гап очсанг бера билмайди туриш.

Яхши ҳам бундайларнинг дасти қисқа замонда,  
Йўқ эса кўрсатмасин буларнинг амалини.  
Ўз ҳайкалин қўярди учраган ҳар майдонда,  
Ағдариб ташлаб ҳатто Навоий ҳайкалини.


Ганг чаққандай гарантсиб, нохуш бир туйғу билан,  
Турган эдим, лол, ҳайрон катта йўл ёқасида.  
Ўтиб қолди бир гуруҳ оташин кутқу билан,  
Йироқ келажак учун айтганича қасида.

Етмишинчи йилларда қари бир ўсмир бўлиб,  
Қўлтиқда “Данте” билан унинг ортидан чопдим.  
Китмир йўлдошларимнинг феълидан роса тўйиб,  
Укам қаториларидан самимиятни топдим.

Оддий шеърки, пок бўлса қадри ошар жаҳонда,  
Бетимсол авлод учун бўлармикин топиб сўз.  
Эй менинг ёшлик дўстим, яша дейман омонда,  
Қўлдошимсан қалби соф, йўлдошимсан ёруғ юз.

Одамзод — одамга хос неки бўлса дунёда,  
Сенинг ҳам қалбинг аро жой топгани аниқ гап.  
Хислатинг мўл ва лекин ҳаммасидан зиёда,  
Сен покиза ёшликсан, бегубору тоза қалб.

1974



## ҲАМЗА МОНОЛОГИ

Мени ўлдирдилар Шоҳимардонда,  
Юртимнинг қонини текин сўрганлар.  
Мени ўлдирдилар ота маконда,  
Ўзимнинг тилимда сўйлаб юрганлар.  
Улар кимлар эди? Тўрвадан бўлак  
Илинжи бўлмаган гадой хурофот.  
Улар кимлар эди? Ватанин лак-лак  
Ақчага сотмоқчи бўлган мусовот.  
Фаҳмини еб бўлган қай бир ногирон  
Демиш-ки, кур бўлсин буткул бу дунё.  
Янги йўлга кирса каттакон жаҳон,  
Мен уни танисам айбиммиди ё?  
Уруш қиласай дессанг оллоҳ на ҳожат,  
Топилар жаҳонда баҳона бисёр.  
Сармоянг ушбу кун бўлганда форат,  
Шоирга тошингни отдингми, ғаддор!  
Қарадим дунёнинг ичу тошига,  
Султонлар ҳоҳиши султондай қолмоқ,  
Йўқ эса шартмиди юртнинг бошига  
Беҳуда қиронни келтириб солмоқ,  
Буюк Алишерни юрган унутмай —  
Элнинг шони қани? Қани закоси?  
Валлоҳи аъзамдан нарига ўтмай  
Қанча йигитларнинг сўнди даҳоси.  
Улуғбек самога интилганда тик,  
Элнинг шуурига чулғаб бир рӯё —  
Хўқизнинг шохидаги хира пашшадек  
Минғирлаган сен-ку, хурофий дунё.  
Бурнинг қани деса қулоғин тутган,  
Хонни хоқон деган бечора тўра,  
Каттакон дунёни аён эшитган  
Элни бошлармиди олдинга сира.  
Файласуф эмасман, аскардирман чин,  
Шоирман — ғазалхон аҳли турганда.  
Йироқ уфқларни ўйлардим лекин  
Ўзимча шеъримни куйлаб юрганда.  
Эй баттол ғанимим, англаб ол рўй-рост,  
Сенга аён этсам дилда ниятни,  
Умримни яшадим курашчига хос.  
Кураш билан топдим абадиятни.

1974

## ИРОДА

Ошга етганида йигитнинг дасти,  
Тошларга тегмасин боши ҳеч қачон.  
Сен инсон таянчи, сен башар баҳти,  
Эй буюк ирода, тўзим билмас жон.

Фарзандин қабрида она жигархун,  
Унинг фарёдидан дунё ғамхона.  
Бу ғамдан тоғлар ҳам лол қотмиш бутун  
Ва лекин оёқда тик турди она.

Қирқ йил заҳмат чекди қай бир закий зот  
Бир кун этмоқ учун фикрин ифода.  
Унинг бутқул умри кетарди барбод  
Агар сен бўлмасанг, событ ирода.

Сен борсан — топталиб кетмас заковат,  
Сен борсан — одамзот еттай шарафга,  
Йўқ эса қалбидаги тоғдай матонат  
Яшащдан не маъно эди Машрабга.

Аччиқ кўз ёш бўлиб оқди у баъзан  
Муҳаббат ўтига дуч келгани он.  
Лекин ирода бу — ёнди қайтадан,  
Ўтли кўшиқларга айланди ҳижрон.

Не бир буюк зотлар боші эгди ночор  
Томуғдан йўл топмай нурли ҳаётга.  
Лекин ирода бу, енголди такрор  
Таянч булганида Бобурдай зотга.

Неларни кўрмаган инсоннинг боши,  
Неча бор қоврилиб, тирилган жаҳон.  
Барига етаркан сабру бардоши,  
Демак, иродадан яралган инсон.

1974

## МУАЛЛИМЛАРГА

Нечоғ бахтиёрман, таъзимда шу тоб  
Сизнинг шаъннингизга битмоқдаман байт.  
Не одам бўлардим, қўлимда китоб  
Бирор ҳарф танимай турсайдим лоқайд.  
Сиз-ку “Алифбо”дан “Қомус”гача то  
Бари-барисини танитган устоз.  
Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро  
Букун шеърим ичра ташбиҳдир мумтоз.  
Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду  
Оқибат қуёшдек соча олур нур.  
Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:  
Сиздан бошланади асли Тафаккур.  
Оlamда кўп эрур муборак онлар,  
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.  
Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар,  
Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур.

1974

## ЧҮЛИ БОБОНИНГ НАБИРАЛАРИГА ДЕГАНИ

Йиллар, ойлар ўтса, Ватан топса сайқал,  
Боғларда очилса сўлмас лолалар.  
Шу жойлар чўл эди десак бир маҳал,  
Ишонармикансиз, болалар.

Мовий кўллар узса сузса чағалай,  
Адирларда кезса оққув галалар,  
Шу жойда ҳаёт йўқ эди десак, ҳар қалай,  
Ишонармикансиз, болалар.

Бу жойларда ўтган ҳасратли аждод,  
Томчи сувга зору кўз ёш жолалар.  
Уларнинг ҳасратин шоир этса ёд,  
Ишонармикансиз, болалар.

Мен-ку ишонаман, саҳролар гуллаб,  
Сизнинг қий-чув билан тўлгай далалар.  
Ўшандা, фидойи оталарни эслаб,  
Таъзим қўлармисиз, болалар.

1974

## САЛОМНОМА

Баҳор чоғи чулдираган ирмоқлардан,  
Сўқмоқлардан ва зангори ўтлоқлардан,  
Адирларда кечган шодон, хуш чоғлардан.  
Салом бўлсин саховатли йил бошига,  
Салом бўлсин яшил кўклам нақошига.

Саратоннинг қўёшидан бўлсин салом,  
Қор сўраган тоф-тошидан бўлсин салом,  
Танти дәҳқон бардошидан бўлсин салом,  
Салом бўлсин ойларнинг энг эзгусига,  
Салом бўлсин унинг оппоқ инжусига.

Яқин қўшни — салом деган куз чоғи бу,  
Ноз-неъматта тўлиб турган кучоги бу,  
Тўй чоғи бу, режаларнинг юз чоғи бу,  
Салом бўлсин тўйни бирга тўйлашганга,  
Салом бўлсин бир девордан бўйлашганга.

Одамлар бор — бир умрлик толега ёр  
Ва истайди дўстларига толе бисёр.  
Эзгу йилда эзгу ўйлар топсин қарор,  
Салом бўлсин хуш саодат айёмига,  
Салом бўлсин зафарнинг илк паёмига.

Саломларнинг барчасидан шулдир маъно:  
Бўй таратсин олам бўйлаб яшил маъво,  
Гуркурасин, кучга тўлган юрт доимо,  
Салом бўлсин ўн икки ой сарварига,  
Салом бўлсин йилнинг тўнғич Январига!

1974

## ҲАВАС

Баҳор осмонида чақнаса чақин  
Кўксингдан отилар оловли нафас.  
Эй, сен, жавон шоир, ўспирин оқин,  
Ўтли юрагингта қилурман ҳавас.

Кўкда юлдуз эмас, у сирли қўшиқ,  
Интизор йигитнинг чашмига сингтан.  
Муҳаббат дардига мубтало ошиқ  
Сенга ҳавас билан бокурман чиндан.

Беланчак бошида ўйнар парча нур,  
Жажжи чақалоқча бор дунё абас.  
Шу парча шуълада кўрдинг не сеҳр?!  
Гўдагим, мен сенга қилурман ҳавас.

Лочин юракдир бу — яшиндай шаҳди,  
Ғаддор қояларга ургувчи қанот.  
Сенга ҳавас билан бокурман, рости,  
Ўлимга тик қўксин тута олган зот.

Бахтилидир, қай қалбда ёниқ нур, зиё,  
Бахтилидир, қай қалбда ёниқ ҳаяжон.  
Шу сабаб дастида бўлса ҳам дунё,  
Ўтли ёшлигини қўмсайди инсон.

1974

\* \* \*

Фаним бүлолмасмиз иккимиз сира,  
Дүст ҳам бүлолмасмиз балки ҳеч қачон.  
Балки эмасдирсан сен ҳам бокира,  
Балки эмасдирман мен ҳам покдомон.

Иккимиз учун ҳам ёлғиз шу офтоб,  
Иккимиз учун ҳам ягона замин.  
Мен ҳам сенинг учун битмадим китоб,  
Сен ҳам шұхратимни этмассан таъмин.

Кимга нима керак? Нечун сохта шон?  
Нечун мангулиқдан беҳуда талаб?  
Ахир иккимиз ҳам сұңг манзил томон  
Кетмасмиз дунёning юқин орқалаб.


1974

## РАЙХОН

Фурсат-фурсат инсонга күринганда тор жақон,  
Яхшилар дийдорини құмсайды доим күнгил.  
Боболарим юргида тутқаздинг дастарайхон,  
Бошим күкларға етди, Шамсиқамар, жон сингил.  
Хонанишин күнлардан безиб келгандым асли,  
Чексиз чүллар гардина айласам девдим тавоф.  
Руҳ менда тиіра фасли, айни жазира фасли,  
Жаннатмакон гүшанғдан гул тутқаздинг босавоб.  
Бу жойларда кезгандым тентираб ийлар бурун,  
Саҳро узра ташнақол түрғай каби чарх уриб.  
Күйлагандым гоҳ тулиб боболар орзуларин,  
Гоҳ майин истиқболнинг ўйларига эдим ғарқ.  
Саҳрода сарбонларнинг оқарган сұнгаклари,  
Жаҳаннамий дашт узра ялтираб турған сароб...  
Абадий орзулардан сўйларди бунинг бари,  
Жаҳоний дилларга ҳам солгудай зарб, изтироб.  
Мен-ку бу юрт ўғлиман, жон ипим унга пайваст,  
Иқболи иқболимдир, армони бўлса — армон.  
Ота юрт вайрон эса, фарзандга жаҳон абас,  
Нечундир менга у чоқ танқо шуҳрат, ёлғиз шон?  
Шул сабаб, арқонга ҳам қыл кувват, деган мисол,  
Қадимий Жайхун сари келдим айлаб шитоблар.  
Гоҳида йироқларда соғинсам, құмсаб висол,  
Йўлладим қасам тұла турли шеърий китоблар.  
Қалбидә турфа ният қайнаган зотлар аро  
Соғинмас ким ҳам ахир каттакон дунё юзин.  
Кўкка боқсам, ўйимни чулғайди чексиз само,  
Ерга боқсам, дилкаш деб тингладим Жайхун сұзин.  
Мана бу кун у турар қаршимда виқор тўкиб,  
Йўқ, йўқ, у — дарё эмас, у — армон, у — бир ҳаёт.  
Кечиб не-не асрлар, қанчалар замон ўтиб,  
Шу қондош парча ер ҳам топар бўлмишдир најжот.  
Бугун ота юртимга келмишдир улуг Жайхун,  
Ҳайратдадир бўзтўрғай: “Ахир бу нечук сайхон”.

Саҳрода қарор топмиш ҳаттоки дилбар жунун:  
Бўй сочиб тураг, мана, бир даста садарайҳон.  
Синглим, шу райҳонингда бир армоним парчаси,  
Умримнинг бир гуссаси барҳам топди муқаррар.  
Ундадир ҳали чексиз чаманзорларнинг саси,  
Назар сол кенгликларга, жон синглим, Шамсиқамар.  
Қулларингда жон топмиш минг йиллик орзу, ҳали  
Зангари уфқуларга узантан чаман бўлгай.  
Инсон буюклигидан нишона ушбу, ҳали  
Она замин узра сен яраттан гулшан бўлгай.  
Дунёда тариқ каби беданабоп гап ҳам мўл,  
Дунёда ташвиш ҳам мўл қисгудек юракларни.  
Лекин бу кун оламда баҳтиёр ўшал қўнгил —  
Сигдиролса ўзига энг олий тилакларни.  
Замину замон яшнаб, учганда тамом сахро,  
Пешкаш бўлурман мен ҳам туганмас меҳрим билан.  
Турфа ранг чаман аро, Сиз тузган гулшан аро  
Етиб келурман мен ҳам райҳондек шеърим билан.

1975



\* \* \*

Ҳаддим борми сизга бир сүз демакка,  
Ҳатто узр айтмоқда сиғарми ҳаддим?  
Сизнинг ҳуснингизга боққали якка,  
Қанча савдоларни бошдан үткардим.  
Сизга икки олам борича нисор,  
Сиз икки оламдан баландсиз мутлақ.  
Сизга фақаттина термулмоқ даркор,  
Сизга фақаттина лозим сиғинмоқ.

1975

\* \* \*

Сен борсан — мен учун бу ҳаёт гўзал,  
Сен борсан — мен учун дилбар коинот.  
Сенсиз қолар эдим зулматда тутал,  
Сенсиз қолар эдим буткул bemурод.

Сенинг висолингда умрим яширин,  
Чечаксан, мен учун асло сўлмассан.  
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,  
Афсус, шундайлигинг ўзинг билмассан.

1975

\* \* \*

Саҳро сўқмоғида бошин эгиб жим  
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким.  
Агар у сен бўлсанг, қошингта борай,  
Агар у мен бўлсам, тезроқ кел, дустим.

1975

## ГЕНЕРАЛ

Музаффар зотларга мотам ножоиз,  
Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор.  
Биз мағур баш эгсак ўшалар боис,  
Уларга лойиқдир энг олий ашъор.

Жасур нажоткорлар саф — қаторида,  
Ўзбек йигитининг номи ҳам кушод.  
Тинчлик айёмининг бу наҳорида,  
Собир оғамизни этмоқдамиз ёд.

Ватан деган чоғда оддий ошён,  
Ўлан тўшагини англағанлар мўл.  
Мадад сўрагандга чорасиз жаҳон,  
Сиз Тошкент бағридан узаттансиз қўл.

Қайси бир мамлакат, қайси сарҳадда  
Нажоткор дўстларни зор кутган тупроқ.  
Мурғак хаёлимда шундоқ ҳолатда  
Тасаввур этолдим мен Сизни кўпроқ.

Бани одам учун нажот ахтариб,  
Жон берган шаҳидлар руҳига қасам.  
Одамзод яловдай юргай кутариб,  
Ўзбекнинг шу қатра, тоза қонин ҳам.

Билмадим у соат, у сўнгти фурсат,  
Нелар кечган экан Сизнинг хаёлдан.  
Балки, Она-Диёр кўкида қат-қат,  
Варраклар кўргансиз ўзғир шамолдан.

Балки, сўнгти дам ҳам умидга тўлиқ,  
Ёруғ бу кунларни этгансиз хаёл.  
Менинг бешигимга отилган ул ўқ,  
Сизнинг умрингизни узган эҳтимол.

Буюк Аждод бермиш бус-бутун фуур  
Ва қийиқ күзларда мерос жасорат.  
Жасур сафлар аро от суриб мағрур,  
Энг гаддор ёвларни эттансиз форат.

Сиздек фарзандларга шарафдир пеша,  
Сизга мангуликнинг хуш таронаси.  
Сиздек ўглониларни ёдлар ҳамиша,  
Мунис Ўзбекистон — мардлар онаси.

1975



## АВЛОДЛАР ҲИКОЯСИ

Ярим тун.  
Овулдан йўлчи ўтмоқда,  
Тулпор туёғидан чақнайди тошлок.  
Ногоҳ от дупури кириб кулоқда  
Чўчиб уйғонади кекса чол мудроқ.  
— Кексалик қурсин-да...  
Уф тортар узун,  
Хотирада Бойсун,  
Чақнаган ўқлар...  
Чол то саҳаргача юммайди кўзин,  
Набираси эса донг қотиб ухлар.

1975

## ШУКРОНА

Шукронада айт аввал парча нон учун,  
Сўнг култум сув учун шукронада такрор.  
Чунки бу оламда, яширмоқ нечун,  
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.  
Буюклар баҳтига ҳавас қил, аммо,  
Инсонлигинг учун шукр айтгил зинҳор.  
Чунки бу оламда сен учун ҳатто  
Оддий инсонликни кўп кўрганлар бор.

1975

## КАКЛИГИМ

Тоғлар элчиси деб хуш күрдим сени,  
Күш ичра энг ажиб қүш күрдим сени,  
Инжа дийдорингни туш күрдим сени,  
Манзили тоғ билан дарё каклигим.

Олис Боботоғдан бир тонг маҳали,  
Келдинг дүстим билан мени күргали.  
Зиёрат гоҳ инсон, гоҳ қүшнинг гали,  
Хуш келдинг, дедим, оҳ, зебо каклигим.

Кафтимдан беҳадик донлар терардинг,  
Теграмда товланиб яйраб юрадинг.  
Мунчоқ қўзларингни тикиб турадинг  
Чўмсан хаёлларга гоҳо, каклигим.

Билмадим не бўлди — кетдинг бедарак,  
Дўрмон боғларини кездим жонсарак.  
Кущдан дўст топгандим, кўп кўрди фалак,  
Энди қайлардасан, ошно каклигим.

1975

\* \* \*

Ионгил сен менинг муҳаббатимга,  
Менинг муҳаббатим буюқдан буюқ.  
Бовар эт ва лекин ушбу гапимга:  
Дилимда нафрат ҳам буюқдан буюқ.

1975

## ИККИ СОНИЯ

Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,  
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.  
Инсон юрагини тилкалар азал,  
Шу икки нарсанинг буюк армони.  
Биридан бошланар шу ёруғ олам,  
Дунёга қўйилгай остонаядан от.  
Уйдан боши эгик чиқдими одам,  
Ўша кун тор унга буткул коинот.  
Йигитнинг бир умри дўст билан бутун,  
Дўст билан ширинидир заққум ҳаёти.  
Дўстдан панд еган чоғ не бор унинг-чун!  
Бад унга ҳаттоқи бор инсон зоти.  
Буюк шиддат билан жўшаркан ҳаёт.  
Шу икки нарсага биз гоҳ бепарво,  
Шу икки сония ҳамдам бўлган зот,  
Менинг назаримда, энг азиз сиймо.

1975

\* \* \*

Тингла, бу абадий садо бўлади,  
Гадонинг душмани гадо бўлади.  
Иккови бир-бирин егунича то  
Ўргада бу дунё адо бўлади.

1975

Кенгга кенг фунё,  
Торга тор дунё.

Халқ мақоли

БИРИНЧИ МАШГУЛОТ

Жиндаккина феълингизни  
Кенгроқ қилинг, домлажон.  
Шунда сизга күрингайдир  
Күп ғалати бир жаҳон.  
Дүппингизни олиб аввал  
Қаранг у ён-бу ёнга,  
Дуч келгайсиз энг аввало  
Ҳаёт деган уммонга.  
Унда сиздан булак яна  
Яшайди күп одамлар,  
Елкасида ва ё шодлик,  
Ва ё ташвиш, ё гамлар.  
Дунёй хос деб аталган  
Бир макон бу, ҳар қалай,  
Фам-ташвишлар қаторида  
Шодлик ҳам бор бир талай.  
Билмам нечун сизнинг нигоҳ  
Бир нуқтада қотмишdir,  
Чексиз гўзал дунё сиздан  
Юз ўтириб ётмишdir.  
Кенг бўлсангиз у чоқ сизга  
Очилигайдир күп сирлар,  
Курингайдир кўхна мозий  
Ва келажак асрлар.  
Ҳиммат нури кўзингизни  
Ёритолса бирор он,  
Руҳингизга ҳимматлар ҳам  
Ёғилгайдир бегумон.  
Хўжа Ҳофиз девонида  
Булбул сайрап сиз учун,  
Оҳ, нақадар гўзал эрур,  
Бу тириклик, бу очун,

Мусиқа бор бу дунёда,  
Шеърият бор, сафо бор,  
Худди гұдак күлгусидек  
Мұхаббат бор, беғубор.  
Мовий күкка боқиб тингланг  
Турфа қушлар воласин,  
Субҳидамда ошиқларнинг  
Чеккан чексиз ноласин.  
Энди азиз каллангизни  
Буриб бу ён бир қаранг,  
Товланади тегрангизда  
Япроқчалар тилла ранг.  
Сиз уларнинг ҳолига ҳам  
Боқинг холис ниятдан,  
Япроқ умри битса ҳамки,  
Сұзлар абадиятдан.  
Қаранг, нечоғ гүзәл әрүр  
Қир-адирлар зангори,  
Шундай пайтда дилни ўртар  
Мангу яшаш хумори.  
Жиљдираган ариқчага  
Бир зум қараб тургайсиз,  
Ишонаман, сиз унда тоғ  
Қорликларни күргайсиз.  
Очилгайдир қаршингизда  
Юксак юртлар жамоли,  
Чүққиларга тирмашгайсиз  
Тоғ серкаси мисоли.  
Оқшом чўкар ва кўзғалар  
Тўрт тарафдан шамоллар,  
Оғушига олгай сизни  
Кўп ажойиб хаёллар.  
Юлдузларга термулгайсиз,  
Учгайсиз ҳам самога,  
Кўз ташларсиз кенгликларга,  
Уфқларга, дунёга.  
Қалбингизда на адоват,  
На ҳасад бор, на кадар,  
Руҳингизда улуғворлик  
Ҳис қилгайсиз бир қадар.  
Энди ерни фаҳм этгайсиз,  
У нок каби йўқ банди,

Домла, мұжаз шу нок узра  
Яшар одам фарзанди.  
Одам эса сизга қавмдир,  
Замондошдыр, үлкадош,  
Бирор йиртқич даф қылганда  
Еннингизда елкадош.  
Аниқ шариф шажаранғиз  
Қаршингизга келсин сал,  
Сиз ҳам одам фарзандисиз,  
Унұтманғиз ҳеч маңал.  
Рұхингизни чулғамаса  
Ногақоний бир бало,  
Миянгизнинг тархи энди  
Очилгай иншоолло.

### ИККИНЧИ МАШФУЛОТ


Баъдаз, мавжуд ақволингиз  
Тавсиф этиб атайин  
Бошқаларга ибрат учун  
Майли айтиб үтайнин.  
Тирик жонсиз, тонгми-пешин  
Үрнингиздан турасиз,  
Одамсиз-ку, балки аввал  
Туш таъбирлаб күрасиз.  
Үнгингизда тунов кечган  
Турли бадбин үй-хаёл  
Тушингизда дұзах бұлиб  
Акс этгандир, әхтимол.  
Қийин сизга, қандоқ қилиб  
Бу қолатдан қочасиз.  
Захрингизни әнг аввало  
Болаларга сочасиз.  
Курбон бұлар балки илк бор  
Шүрпешона бир чивин,  
Тутиб олиб әзгилайсиз,  
Тополсанғиз гар эвин.  
Болалар-чи, ох, болалар,  
Тарбиясиз, қув, суюқ,  
Шох билан дум битса агар  
Шайтондан ҳеч фарқи йүқ.

Хотин-чи, у хотин эмас,  
Дам сұзлаб, дам тұхтайди,  
Супургини миниб чолған  
Алвастига үхшайди.  
Қовоқ уйиб, ижирғаниб  
Энди ишга жүнайсиз,  
На бирор гап чиқар сиздан  
Ва на гапта унаисиз.  
Кучукчангиз дүч келади,  
Бир тепасиз, “ванг” дейди,  
“Ванг” дегани, ким билади,  
Балки “фөльинг танг” дейди.  
Остонадан бошланади  
Ана энди кенг ҳаёт,  
Сиз-чи, ишга йүл оласиз  
Фоят-фоят эңтиёт.  
Мусофирдек күча-күйда  
Жовдираисиз алантлаб,  
Бамисоли үгри мушук  
Тұрт томонга жалантлаб:  
Ана, Тошмат үтиб кетди,  
Пайқамади муттаҳам!  
Пайқаса ҳам сұрашмади,  
Демак, душман үша ҳам!  
Чойхонада уч-тұртта чол  
Чақ-чақ суҳбат қылади,  
Суҳбат қайда, айнаганлар,  
Сизни ғийбат қылади.  
Жой бермади трамвайда  
Аллақандай бир башанг,  
Касофатнинг касри уриб  
Яна тағин сиз тажанг.  
Ишхонанғиз қарши олар  
Пештоқлари ялтираб,  
Гул тувакда чечаклар ҳам  
Нозиккина қалтираб.  
Сиз-чи, дилгир, маңкамага  
Уввос тортиб кирасиз,  
Үзингизни үргимчакдек  
Бир бурчакка урасиз,  
Варақтайдайсиз газетани  
Дүч келасиз оловга:

Мукофотни беришибди  
Падарлаънат ановга.  
Ахир қандоқ бедодлик бу,  
Миянгизга урар қон,  
Қолмаётир бу дунёда  
Хаё, инсоф, дин, виждон!  
Бошланади яна қайта  
Ифво, фитна, ур-сурлар,  
Одам эмас бу юрганлар,  
Худо ҳаққы унсурлар.  
Күлингиздан келса агар  
Тўкиб тимсоҳ ёшини,  
Айлантириб ташлайсиз ҳам  
Хатто дустлар бошини.  
Ташқарида эса ҳёт  
Уммон каби тошади,  
Қитъалардан қитъаларга  
Чўнг булутлар ошади.  
Қайлардадир ҳал бўлади  
Буткул эллар тақдири,  
Юз йилларга арзигай гоҳ  
Сониялар ҳар бири.  
Буюк тарих чархпалаги  
Фувлар бетинч ҳар қачон,  
Коинотта сачраб кетар  
Учқунлари, алъамон.  
Бизга насиб бўлмиш яшаш  
Шундоқ улуг дунёда,  
Буюк инсон қадамидан  
Гурсиллар ер зиёда.  
Энди гапни очиқ айтсам,  
Кўрсичқонга ўхшайсиз,  
Бароқ мошни кўрмагунча  
Ҳеч бир гапни уқмайсиз.  
Холбуки, эл ҳиммат, меҳри  
Пешкаш эрур сизга ҳам.  
Дил очсангиз, жамъи одам  
Дилкаш эрур сизга ҳам.  
Холбуки, эл заҳмат чекар  
Сиз учун ҳам кун-бакун

Сиз-чи, фақат үйлагайсиз  
Узингизни, хұш нечун?  
Не бир зотлар умрин тикиб,  
Кезади күк бағрини,  
Сиз бўлсангиз кўрмагайсиз  
Бурнингиздан нарини.  
Тушунаман, умр қисқа  
Ҳақ дасти ҳам қисқароқ.  
Аммо нечун шу умрда  
Бунча бадбин яшамоқ?  
Бир қараашда закий зотсиз,  
Бир қараашда доносиз,  
Аммо, билмам, қай жин урмиш,  
Яшолмайсиз иғвосиз!  
Одам ўғли, завол кўрма,  
Бўлма одам заволи,  
Тушунтирдим ҳамма гапни  
Кўрга ҳасса мисоли.  
Эндиғи сўз... хуллас, феълни  
Кенгроқ қилинг, домлажон,  
Сизнинг кўрган бу кун эса  
Кун эмасдир ҳеч қачон.

1975



## ТАФАККУР МОНОЛОГИ

### I

Билмасман, қайдадир менга ибтидо,  
Билмасман, қайдадир менга интиҳо.

Асрлар қаъридан ўтаман сокин,  
Менга бари бирдир — ким кул, ким ҳоким.

Сизнинг қутқу билан зарра ишим йўқ,  
Шундоқ салобатли карвонман улуг.

Менинг кўнғироғим эшитолган зот,  
Ўзин баҳтли деса арзир умрбод.

### II

Мени атадилар худо деб аввал,  
Пайғамбар дедилар ва даҳо тутал.

Буюкман баридан минг-минглаб карра,  
Худо ҳам, даҳо ҳам мендан бир зарра.

Мен асли ҳосила эрурман гарчанд,  
Лекин бугун ота — кечаги фарзанд.

Теграмда чарх урсин, майли, замон, вақт,  
Мен-чи, ўз-ўзимга масъулман фақат.

Қаршимда гердаяр тоғлар ҳам бекор,  
Улар менинг учун шунчаки сангзор.

Баҳри Мұхит нима? Нима у денгиз?  
Чайқалган сувлардир, рангсиз ва нурсиз.

Офтоб, сайёралар чараклаб ётар,  
Мен учун оддий ҳол: борлик мухтасар.

Хайрат нималигин билмасман асло,  
Хатто чексизлик ҳам идрокимга жо.

### III


Ҳа, менга ҳеч эрүр коинот, жаҳон,  
Лекин мени қийнар фақат бир армон.

Мени қачонлардир яратган зотдан,  
Қарздорман, яъниким, одамизоддан.

У гоҳ буюк эрүр, гоҳ забун, барбод,  
Сира тушунмадим мен уни, ҳайҳот.

Фақат идрокимга занжирдир шу ғам,  
Сени эплолмадим, жувонмарг одам.

1976




## БИР ТАНИШИМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Эслайман, болалик чогимда бир кун  
Безори тош отди менга бесабаб.  
Йигладим бир четда бағрим бұлиб хун,  
Атрофга күз тикдім ночор, мұлтираб.  
Албатта, бирор-бир мадад истардим,  
Ахир, тушунарлы бундақа ҳолат.  
(Бола бұлгансиз-ку, сизлар ҳам қадим,  
Демакки, эсласам тортмам ҳижолат.)  
Хуллас, кимдир келиб йўл канорида  
Саёқ рақибимни ушлади мақкам:  
— Кутуриб қолдингми кучинг борида,  
Бошинітга тушганда биларсан, бўтам...  
Анча мулзам қилиб жўнатди уни,  
Сўнг келди мен томон жилмайиб, ёввош:  
— Сен ҳам тортаверма ҳадеб бурунни,  
Керак бўлар, ука, ҳали кўп кўз ёш...  
Хушёр тортиб қолдим шунда, албатта,  
Ҳатто дадиллашиб қолгандим бироз.  
Унинг-чи, кўзлари порларди катта,  
Мард ва майнин эди ундаги овоз.  
Дедим: — Хизрмисиз, бобом айтпандек,  
Мадад берасизми шундай чоғларда?  
У маъюс жилмайиб, қош чимириди тек:  
— Боласан, хаёлинг кўп узоқларда.  
Майли, Хизрманми ё Хизр эмас,  
Ҳар нечук турибман қошингда аён.  
Бирор ножуя иш рўй бердими, бас,  
Кимдир ажрим қилса — ўша мен, ўлон.  
Болага, албатта ҳикмат бир чақа,  
Чиллак ўйин каби аниқ тасаввур.  
У исмин айтди-ю, кетди бир ёқقا,  
Мен ҳам ҳайё-ҳайт деб кетдим ҳайтовур,  
Ким кўп бу дунёда, ҳар хил бола кўп,  
Биримиз бесарроқ, биримиз ёввош.

Мен ҳам қанчасига озор бердим хұб,  
Қанчасин дастидан түкдим ҳам сұнг ёш.  
Бирок, йиллар үтиб, улғайған сайин  
Үйга келар экан бошқача гаппәр.  
Үйга солар экан, тайин-нотайин,  
Ҳар хил нарсадаги ҳар хил тарафлар.  
Куршай бошлар экан миянгни ров-ров,  
Нега? Нечун? — деган саволлар үжар,  
Дейлик, фалончининг үғли-ку, меров,  
Нега имтиҳондан қатнашмай үтар?  
Бунақа гапларни тафтиш қилишни  
Үргатмаган эди агарчи отам.  
Лекин күра бериб шул каби ишни  
Лол қота бошладим энди чинакам.  
Буткул ҳодисотнинг сабабин аммо  
Англаб етмоқликка үтмасди тишим.  
Шундай маҳалларда күзимга гүё,  
Күриниб кетарди үша танишим.  
Бир кун гузарда денг, Тұхта лапашанғ  
Сув тұла күзасин чил-чил синдириди.  
Үйга келгач эса, айбдор деб қаранг,  
У үтай акасин тутиб урдирди.  
Тавба демоққа-ку, ёш эдим ҳали,  
Бовужуд, қайга ҳам етарди арзим.  
Үша танишимга үша маҳали  
Ҳатто хат ёзмоққа этғандым жазм.  
Қайга жұнатардим мактубни, аммо  
Қайларда юрибди ғаройиб ул зот.  
Олис кечалари у билан танқо  
Сұхбат қуарар бұлдым хаёлан бот-бот.  
Васваса дейсизми, рүё дейсизми,  
Доно фикрингизга ұвалда бу ҳол.  
Бир кун забтга олиб тасаввур изми,  
Тушда күрдим уни аник ва яққол.  
Арзим баён этдим биратұласи,  
Нега келмайсиз деб тұтдым сұроққа.  
Тұхта лапашанғнинг үтай акаси  
Кетиб қолғанини айтдым, узоққа.  
У маъюс жилмайды: — Биламан барин,  
Ахир, юмушим күп оламда, укам.  
Бирини эпласам, эплөлмам бириң,

Қандай улгурайнин, ёлғизман мен ҳам...  
Шундай деб танишим күздан йўқолди,  
Яъни, тұғрироғи, бузилди уйқум.  
Унинг шаҳди аммо ёдимда қолди,  
Мардона эди у ҳамда камсуқум.  
Йиллар ўтиб кетди, озми-кўп, мана,  
Оlam ишларидан бўлдим хабардор.  
Биламан, Хизр ким ва бидъат нима,  
Биламан, ёшлиқ ҳам кетди бетакрор.  
Бари ўтиб кетди бир туш мисоли,  
Эслайман гоҳ маҳзун, гоҳида қувноқ.  
Фақат ўша сиймо, унинг хаёли  
Менинг шууримга ўрнашди мутлоқ.  
Дунё ишларига бўлиб юзма-юз,  
Гоҳо келолмасам ўзим-ўзимга,  
Унинг дийдорини қўмсайман ҳануз,  
Кўринсайди дейман бир зум кўзимга.  
Балки кўришмоққа энди фурсат йўқ,  
Балки кута бериб ўзим ҳам толдим  
Ва лекин дунёда у зотнинг аниқ  
Иши кўплигига ишониб қолдим.  
Мехрибон устозлар назарида гоҳ  
Унинг нигоҳини пайқаб қоламан.  
Кимдир ҳушёр бўл, деб, айласа огоҳ,  
Ўша учрашувни ёдга оламан.  
Наби ҳам, расул ҳам эмас эди у,  
Лекин у мен учун бекиёс, порлоқ.  
Балки келмагайман энди рўбарў,  
Лекин у йўлимни ёриттан чароқ!  
Унинг ёди билан умрим сарафroz,  
Усиз ҳаёт менга машаққат эди.  
Эслайман, қомати дол эди бир оз,  
Номи эса унинг Ҳақиқат эди.

1976




## МАЛОМАТ ТОШЛАРИ

Хушёр бок, то фоний умр кечади,  
Тегрангда турфа хил тошлар учади.  
Бири қора ҳасад ё ғараз тоши,  
Бири ёвуз туҳмат ё мараз тоши.  
Майлига қай бири келмасин, қачон,  
Улардан муддао ҳамиша аён.  
Улар сабр косанг тұлдирмоқ бұлар,  
Улар умринг гулин сұлдирмоқ бұлар.  
Бошимдан үттанин этсам гар баён,  
Хушёр бок уларға ҳамиша, үғлон.  
Ва лекин дунёда үзга тош ҳам бор,  
У сенга етказмас беҳуда озор.  
У асло күксингта үқ каби ботмас.  
Танинг зирқирагиб, бурнинг қонаатмас.  
Умринг йұлларига бұлмагай у банд,  
Ё күнгил шищасин этмагай парканд.  
Сен томон нолакор, қай он етар у,  
Faфлат фариштасин бедор этар у.  
Идрокнинг мавжига теккани замон,  
У мудроқ руҳингта соглай ғалаён.  
У виждон тамали, диёнат тоши,  
Маломат тоши бу, маломат тоши!  
У балки аликсиз қолган бир салом,  
У балки авжида бўлинган калом.  
У балки дўстингта очиб дил, юрак,  
Тўйида айтилмай қолган бир тилак.  
Фарзанди дуч келгай балки аломат,  
Жажжи қўлларида санги маломат.  
Қабр тепасидан тош ҳайкал бокур,  
Олис хотиралар гулханин ёкур.  
Сен унга сўнгти дам этганимидинг бош,  
Оҳ, нечоғ шафқатсиз тош эрур бу тош.  
Инсоннинг тоғазлу фалокати бор,  
Унинг бир-бирига маломати бор.

Ташрифга кўз тиккан беморлардан то  
Шоҳлар дилигача маломатdir жо.  
Бахтсиз кимсаларнинг кўздаги ёши,  
Асли, яратганга маломат тоши.  
Жанглардан қайтмаган фарзанди учун  
Оналар дилида маломат тугун.  
Қадим одамзодга неча минг замон  
Маломат тошлари ҳамроҳ ҳар қачон.  
Асрий кошонага то офат келур,  
Нолакор мозийдан маломат келур.  
Минг йиллаб самога боқди одамзод,  
Фалақдан тилади мадад ва имдод.  
Ва лекин топгани фалокат бўлди,  
Шул сабаб ҳар сўзи маломат бўлди.  
Чорасиз Машрабнинг қиёмати бу,  
Инсоннинг худога маломати бу!  
“Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди!”  
Бу — етим Faфурнинг маломат банди.  
Ҳануз сарҳадлардан ғамгин сас келур,  
Маломат тошлари басма-бас келур.  
Одамни маҳв этур фарзанди одам,  
Одам эрур аммо томошабин ҳам.  
Етим гўдакларнинг кўздаги ёши,  
Бу — жумла жаҳонга маломат тоши.  
Гар буюк замонга фарзанд эрурмиз,  
Адолат бирла гар пайванд эрурмиз.  
Одам қадри магар буюқдан буюк,  
Лекин қай дилларда маломат тутук.  
Не деб сўзлаганкин, боқиб биз сари,  
Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари?!  
Сарғайган саҳфалар аро боқиб тек,  
Қодирий қабрини сўпар Отабек.  
Йироқ соҳилларда тарагиб оҳи,  
Кезар Альяндининг қонли арвоҳи.  
Ҳа, қону тер билан йўгрилиб кам-кам,  
Шундоқ барпо бўлди даврон муҳташам.  
Ҳар лаҳза мозийга гарчанд кетажак,  
Лекин олдда бизни кутар келажак.  
Гар қолур биздан ҳам эзгулик, карам,  
Лекин дегайларми бизни мукаррам?!

Мудроқ виждан учун, сохта шон учун,  
Беҳуда түкилган қанча қон учун,  
Заминнинг тузалмас жароҳати деб,  
Мовий дунёларнинг ҳаловати деб,  
Бир кун эгилмасми одамзод боши,  
Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши?  
О, буюк мавжудот, ҳазрати инсон,  
Сенинг аслинг гаҳи ғафлати инсон.  
Гаҳи сен баркамол бўлиб кўриндинг,  
Гаҳи бечораҳол бўлиб кўриндинг.  
Юлдузин бошингдан сочса ҳам само,  
Гоҳо ўз қадрингни билмадинг, аммо.  
Эзгулик йўлида ҳар битта қадам  
Раҳмат муҳри эрур сенга, эй одам!  
Оlam узра букун кўтармишсан қад,  
Унутма, буюксан, буюксан беҳад.  
То кезар бошингда ҳиммат қуёши,  
Сенга ёғмаса бас, маломат тоши!..

1976



## ХОТИРА

Билмадим, сен қандай йүлчи қүш эдинг,  
Бир зум құниб үтдинг ошиёнимга.  
Билмадим, сен қандай сирли түш эдинг,  
Күз очсам, ҳасратлар солдинг жонимга.  
Менга-ку, ариқда оққан сувни ҳам,  
Гоҳо миннат билан узатди дунё.  
Нетай полапоним, бу зиқна олам,  
Сенға үшани ҳам күрмабди раво.  
Яшамоқ сенинг ҳам әққинг эди-ку,  
Ажал құнғирогин не учун чалдинг.  
Сен онанг дилида тирик бир қайфу,  
Отанғ юрагида чақындай қолдинг.  
Келиш-кетишиңгдан не эди матлаб,  
Не учун бошимга солдинг бунчағам.  
Анор донасидеқ қаторинг үртаб,  
Бағримдан ситилиб кетдинг-ку, болам...

1976

## ОМАД ҲАҚИДА

Омад деган нарса дунёда бор гап,  
Бу ерда ҳар қандай хурофот бекор.  
Ҳозир сен шеъримни турибсан тинглаб,  
Демак, сен — ҳаётсан, омад сенга ёр.

Бошқача қисмат ҳам мавжуд-ку, ахир,  
Балойи қазодан асрасин зинҳор,  
Мен сенга шеър ўқиб турибман ҳозир,  
Демак, мен — ҳаётман, омад менга ёр.

Қолган уртадаги гапларни энди  
Нима деб атасанг сенда ихтиёр.  
Фалакда ҳаттоқи қүёш бекинди,  
Бизлар барҳаётмиз, омад бизга ёр!

1976

## **СУРАТ ВА СИЙРАТ**

Майли, сувратимга боққылу қувон,  
Лекин сийратимга ташлама назар.  
Бир ёқдан туганмас баҳт берди жаҳон,  
Бир ёқдан туганмас ўқинч ва кадар.

Чароғон умримни ёритган қуёш,  
Торгина кулбамга боқмади гоҳо.  
Заминдек айланган савдоли бу бош  
Қолди қисмат ичра заминдек танҳо.

Оҳ, нечоғ рангларга тұлиқ бу жаҳон,  
Оҳ, нечоғ ширин шу тириклик, кадар.  
Майли, сувратимга боққылу қувон,  
Фақат сийратимга ташлама назар.

*1976*

## **ТАҚЛИДЧИ ШОИРГА**

Тақлид қила бергин етса бардошинг,  
Модомики сенда бор экан ҳавас.  
Фақат бир қора кун күтариб бошинг,  
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас.

*1976*

## БАҲОР СЕНИКИДИР

*Қизим Юлдузга*

Баҳор сеникидир,  
Югур энтикиб,  
Югур адирларнинг лолазорига.  
Мен эса қувонай кўзимни тикиб,  
Тоғларнинг ҳаётбахш, тоза қорига.  
Баҳор сеникидир,  
Толма елишдан.  
Югур, соchlарингта баргаклар тақиб.  
Мен эса қувонай қаҳратон қишдан  
Омон чиқа олган илдизга боқиб.

1976

## СУРУР

Киш чоғин беғубор тонгидир ушбу,  
Тұрт тараф қор ичра — томоша күзгу.  
Ҳали кўзларингда новвотранг уйқу,  
Ҳар нечук, наҳоринг муборак бўлсин!  
Не баҳтки, сен билан эгизак сурур,  
Майли баҳордир у, майли қиш эрур.  
Осойиш замонда қалбингда фурур,  
Ватанинг, диёринг муборак бўлсин!  
Сендан нелар куттар бу олам-жаҳон,  
Бир ёнда замину бир ён қаҳкашон.  
Эҳ-ҳе, сафларинг ҳам неча минг, милён,  
Шу чексиз қаторинг муборак бўлсин.  
Ҳали тонг қуёши тоғу тошдадир,  
Не ёруғ ўйлар ҳам мудроқ бошдадир.  
Сен олти, бобонг-чи олтмиш ёшдадир,  
Кўшалоқ баҳоринг муборак бўлсин.

1977

## МОМО ОФТОБ


Энг кичик заррадан Юпитергача  
Үзинг мураббийсан.

*Fafur Fулом*

Эй, сен момо қүёш, эй биби офтоб,  
Ёлғиз сен чароссан, ёрсан бошимда.  
Зардыштий мисоли юкиниб шу тоб,  
Үтиниб туурман йигит ёшимда.  
Сұнғи дам чорасиз Муқанна сифат,  
Дил сұзим үзинітә айтай саросар.  
Офтобим шу келар йилда ҳам факат,  
Шодликлар тараттын элга баробар.  
Зулмат гүшаларни тундан эт фориғ,  
Бахт томсин шуылангнинг зар қанотидан.  
Офтобим, ҳимматинг тутмагил дариғ,  
Дунёда ҳеч битта инсон зотидан.  
Ойдин деразадан кириб бор аввал,  
Умидвор беморнинг хонаси томон.  
Бахш эттін унга ҳам умри мукаммал,  
У ҳам баҳорларга етолсин омон.  
Тонгти шуыланг каби тарат табассум,  
Маъсум гүдакларнинг дудокқларига.  
Қатра ёш томмасин асло, бирор зум,  
Мунис оналарнинг ёнокқларига.  
Балки сағар чоги күз очиб ўқтін,  
Кекса чол сен томон боққай интизор.  
Балки у тилагай умридан бир кун,  
Офтобим, унга ҳам раҳм эттіл зинчор.  
Офтобим, гарчи бу коинот аро  
Мұл сенга айттулик орзу ҳам тилак,  
Мангу бир армонга бовар эт аммо,  
Ҳануз күп дунёда муз қоттан юрак.  
Офтобим, майлиға, бир тонг, бирор зум  
Тафтингта чулғама дала-тузларни,  
Үша зотларга ҳам қылғыл тараҳхум –  
Эрит диллардаги қотган музларни.  
О, қанча юракни этмишdir асир,  
Ҳасад деб аталған қора бир бало.

Офтобим, шулар ҳам кун күрсин ахир,  
Зулмат қалбларига юбор нур-зиё.  
Сенинг-ку, даргохинг беҳад, бепоён,  
Мана бу Farб бўлса, мана бу Mashриқ.  
Пойингда бу жаҳон мисли бир ошён,  
Инсон бамисоли сочилган тариқ.  
Устоз лутф эттандек, оламда не бор —  
Барига мураббий сенсан доимо.  
Офтобим, шу мунис заминни зинҳор —  
Мехру шафқатингдан этма мосуво.  
Дўстлар сафида шод тарона айтиб,  
Мен ҳам дилдан сенга қилурман хитоб,  
Ҳар ўтган зум учун шукронга айтиб,  
Сенга талпинурман, эй момо офтоб!

1977



## НИСБИЙЛИК

Жуда яхши! — деймиз мана бу нарса,  
Гүё хукм каби янграр сўзимиз.  
Ўйлаб курганимизми ҳеч бирор марта,  
Киммиз ўзимиз?  
Жуда ёмон! — деймиз мана бу нарса,  
Гүё хукм каби янграр сўзимиз.  
Ўйлаб кўрганимизми ҳеч бирор марта,  
Хўш, ким ўзимиз?  
Кимгадир ёқамиз биз ўзимиз ҳам,  
Кимгадир ёқмаймиз биз ҳам ўзимиз.  
Шунақа чархпалак экан бу олам,  
Демак, нисбий эрур ҳар бир сўзимиз.

1977

## МИШ-МИШ

Унинг миш-мишидан ранжиманг асло,  
Нима бўлса асли наслида бўлган.  
Она қорниданоқ ўзи ҳам ҳатто,  
Асли миш-миш билан дунёга келган.

1977

## ҒАЗАЛ

Бу ишқ қиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,  
Үқурман деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Ярашгайдир, ажаб, сенга ажаб нозу таманнолар,  
Кетурман, деб шитоб этдинг, шитобинг ичра мен борман.

Юзинг ҳажри билан оқдан лаболаб чашм селобин —  
Ичурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра мен борман.

Умид узгил, дединг ошиқ, муҳаббат риштасин узгум,  
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен борман.

Қаён қолди ўшал сўзким муҳаббат кўшкини, эй ёр,  
Тузурман, деб сароб этдинг, саробинг ичра мен борман.

Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил кулбай ишқни —  
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра мен борман.

Муҳаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг қалбин,  
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен борман.

1977

## ҚОР

Бул ажойиб кун эрүрким,  
Ялтирап ҳар ёнда қор.  
Күкда офтоб, ерда юлдуз,  
Гарчи йүк осмонда қор.

Бул ғаройиб шеър недур деб  
Парпирар Юлдуз қизим.  
Мен дегайман, бок, азизим,  
Хадра-ю Дўрмонда қор.

Еттига тўлмиш, тўкилмиш  
Катта қизнинг тишлари.  
Оқ садафми ушбу ёнда  
Дур каби дандонда қор.

Суҳбат айлаб турган эрдим  
Мен Зариф қизчам билан,  
Кимдир айтди: кўп йўталманг  
Иккингиз, балконда қор.

Ушбу қорким эрта-индин  
Сув бўлар, бўстон бўлар.  
Сочда кўрдим тўртта тола  
Бул асл бўстонда қор.

1977

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Дўстлар учрашади: — Салом! — Яхши қол!  
Аслида мана шу таржимаи ҳол.  
Фанимлар дуч келар — жанг бўлар пухта,  
Таржимаи ҳолга кўйилар нуқта.

1977

\* \* \*

*Асқад Мұхтарға*

Туман тушаётир қирларга сокин,  
Дўрмон боғларида билтур қаҳратон.  
Мажнунтол уватда ҳорғин олар тин,  
Оппоқ сочларини ёйган паришон.  
Ногоҳ уйку ичра қарсиллар эман,  
Атрофда сукутнинг ҳорғин нафаси.  
Балки далаларга чўккан бу туман,  
Йироқ юлдузларнинг сирли шарпаси.

1977

## ЙИЛЛАР АРМОНИ

Кимгадир яхши гап айтдик, биродар,  
Кимдир бир умрга раңжиб ҳам кетди.  
Кун кечә ёш дердик үзни бир қадар,  
Бугун-чи, балогат пайти ҳам етди.

Инсон ўз умрини ўйласа күп вакт  
Қийнайды ўзидан ўтган қусурлар.  
Кимгадир айтилмай қолған бир раҳмат,  
Кимдандир сүролмай қолған узрлар.

Мукаммал күрмоқчи бўлдик дунёни,  
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.  
О, йиллар армони, йиллар армони,  
Армон кўрмадим мен сендан буюкроқ.

Инсонга тобемас замон, инчунун,  
Инсон юрагида аламлар қат-қат.  
Фақат бир таскин бор, барчаси учун  
Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.

1977

\* \* \*

Коинот гултожи инсондир азал,  
Ундаидир энг олий тафаккур, амал.  
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,  
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

1977

## ЯНВАРЬ

Яна далаларнинг шовқини тинди,  
Яна раққосадек тинди момик қор.  
Январь оқшомлари, айвонда энди  
Хаёл сурмакликни этдинг ихтиёр.

Бу — ойна күл эмас, қишиш — бу, замҳарир  
Күнгил тублариди сирли хаёллар.  
Борлик ҳам мисоли ўйчан мусаввир  
Нақш этмиш деразанг узра саволлар.

Зангори баҳорни ётар туш кўриб,  
Қайдадир — уммонлар тубида қуёш.  
Момо қишиш оқ жужун тўқир ўлтириб,  
Келинчак заминга ягона сирдош.

Оппоқ рўмолига ўраб куртагин  
Ухлайди қишиш бўйи бу зангор чирой.  
Фақат, ором ол, деб сўйлаб эртагин  
Кезади далалар тепасида ой...

1978

## ИКАР

(Талабаларга)

Фазога илк бора қанот қоққанни  
Икар деб атамиш хаёлан инсон.  
Үзини беаёв ўтда ёққанни  
Унутмай юради абадий жаҳон.

Икар битта эмас, йўқ, битта эмас,  
Саноғи юлдузлар мисоли катта.  
Кимки илк савобга из очдими, бас.  
Шу йилнинг Икари бўлгай, албатта.

Яроғим йўқ дея илк бора қўлин  
Саломга чўзган ҳам Икар аталгай.  
Тарқ этиб гордаги асрий манзилин  
Илк чайла тузган ҳам Икар аталгай.

Икардир Прометей номини олиб,  
Ўт излаб худолар қошига борган.  
Икардир илк севги домида қолиб  
“Яллама ёрим”ни куйлаб юборган.

Одамзод бошидан ўтиб не кунлар,  
Икарсиз қолмаган лекин ҳеч қачон.  
Бировин жигарин чўқиб қузгуналар,  
Бирови ўтларда ёнган беомон.

Гуллар майдонида анқийди ҳануз  
Жасур Брунонинг жизғанак дуди.  
Ёвқур Спартакка бурайми ё юз,  
Ё раб, Икар зотин борми ҳудуди.

Нурга, рўшноликка баҳш этиб ўзни  
Не зотлар ўтмади қадимдан қадим.  
Не ажаб, ҳаттоки Гулсара қизни  
Икар деб аташга айласам жазм.

Жасорат тимсоли Икардир абад,  
Жисми гар ўтларда кеттандир ёниб.  
Музаффар фазогир учаркан баланд  
Замона Икари деймиз қувониб.

Эй, менинг давроним, ўзинг босабот  
Кўкда ҳам кўкрагинг кериб турибсан.  
Ҳар қадам, ҳар зумда битта кашфиёт,  
Бесаноқ Икарлар бериб турибсан.

Инсон даҳосига борми ҳад-худуд,  
Соат чиқ-чиқидек тин олмас дунё.  
Одамзод фор ичра қоларди маҳдуд,  
Ўша — бир Икари бўлмаса, аммо.

Замину замонда ўзингсан ғолиб,  
Эй, менинг диловар, оловқалб укам,  
Сен ўзинг устозсан, сен ўзинг толиб,  
Сен ўзинг армоним, умидларим ҳам.

Сен борсан — бу даврон дастурхонида  
Офтоб ҳам бамисли кўрдан чиқсан нон.  
Сен борсан — нур порлар юрт осмонида,  
Сен борсан — событдир бу қадим жаҳон.

Замон қўлларингдан тутмишдир бу кун,  
Ўлмас боболарнинг руҳи бўлсин ёш.  
Арслон жуфттарчиси<sup>1</sup> каби ва лекин  
Обрў юқи билан яшама зинҳор.

Ҳаққинг бор, дилингда аждод фуури,  
Устозлар қошида, майли, этгин бош.  
Унутма ва лекин, улар ҳар бири  
Икар бўла олган ўзинг ҳам ахир.

Фахру фуурингта келмасин малол,  
Оқмаган дарёнинг номидир тақир...  
Синмас қанот билан — буюклар мисол  
Икар бўла олгин ўзинг ҳам ахир!

1978

---

<sup>1</sup> Жуфттарчи — шер ва асрлонларнинг ёмиш топишларида восита-чилик қилувчи ҳайвон.

## ИЗХОР

Қанча диёрларда сайд этиб юрдим,  
Қанча манзилларда туздим ошён.  
Ва буюк ҳикматта ахир юз бурдим,  
Сийланган жойида аизидир инсон.

Юртим сенда экан насибам тугал,  
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.  
Сен онам, сен синглим, ёримсан, азал,  
Эй, жоним, жаҳоним — Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,  
Иста, яхши кунда номим қўлгил ёд.  
Менсиз ҳам мукаммал экан бу олам,  
Менсиз ҳам баҳтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,  
Болангдай эргашиб кета олсам, бас.  
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,  
Сени танимаган мени ҳам билмас.

1978

## ТАЛАБА ЖУРНАЛИСТГА

Фунчага гул бўлиб очилмоқ учун  
Мактаб яратмабди қодири фаффор.  
Сенда-чи, газет бор ҳам дорилфунун,  
Агар очилмасанг — ўзингсан айbdор.

1978

## УМР ЎРТАСИ

Эсган бу илк баҳор шамолими ё  
Қайдадир адашган кеч кузнинг саси.  
Ранги ҳам, тузи ҳам ноаён дунё,  
Қирқми ё эллик бу, умр ўртаси.

Хипчинин чуҳ-чуҳлаб, этаги боғлиқ  
Болакай шовқини келар у ёқдан.  
Ўнгирин қоққанча кўк соқол отлиқ  
Чиқиб келаётир ҳозир бу ёқдан.

Сокин муюлишда кокилин ўйнаб  
Ёр куттган дилбарга тушдими кўзинг.  
Ўтабер фалакнинг чархини ўйлаб,  
У, сенинг эҳтимол, қизинг — юлдузинг.

Кўрган бир тушининг таъбир,  
Ям-яшил тоғ эмиш, теппаси-чи, қор.  
Қай кун қабр узра ҳам дўстинг учун бир,  
Ва ўзинг учун ҳам йиғладинг бир бор.

Ажиб сукут ичра милтирад олам,  
Офтоб ҳам қиздирар, тик келиб бу чоқ.  
Самода камолнинг авжими, қайдам,  
Ё завол палласин алами кўпроқ.

Қайга шошаётир умри равонинг,  
Не топдинг ва недан бўлдинг мосуво?  
Бир зум гупурса ҳам вужудда қонинг,  
Бир зум барчасидан сукунатраво.

Ўтмишу келажак бир зум ёнма-ён,  
Гоҳи паст, гоҳ баланд бўлиб сурингай.  
Етти оғайни ҳам кўкда ногаҳон  
Савол аломати бўлиб кўрингай.

Қарайсан, йироқда бир йўлчи танҳо,  
На ортга бурилар, на чиқар саси.  
Бошда тож, дилда ўт ва қўлда асо,  
Ўша кетаётган умринг ўртаси.

1978

## ХАЙРИХОХ

Ҳамдам ахтаради ҳар қандай одам,  
Дўстим деб атайди топса бегумон.  
Дўст излаб беҳуда кезгунча олам,  
Оёфинг остига боқсанг-чи, инсон!  
Мунис кўзларини тикиб, мўлтираб,  
Болакай юзингдан узмайди нигоҳ.  
Унда не мурод бор? Унда не талаб?  
У сенга сомеъдир, сенга хайрихоҳ.  
Изингдан термулиб қолди кекса чол,  
Кўзда таважжухи, дуоси тилда  
У сенга тилади барака, иқбол,  
Яна бир хайрихоҳ топибсан элда.  
Сен фаним атаган қай битта инсон  
Сен учун қайдадир чекди танҳо оҳ.  
Ўша ҳасрат ҳаққи келтиргум имон,  
У сенга хайрихоҳ, чиндан хайрихоҳ.  
Хайрихоҳ одамлар, бетаъма ҳамдам,  
Олам бир бутундир шу иноқликдан.  
Ахир мудаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам  
Бошланган эмасми хайрихоҳликдан?  
Улар бор — руҳингта ғам келмас ғолиб,  
Майли, гадо бўлгил, майли, бўлгил шоҳ.  
Гар дўст йиқитса ҳам оёфинг чалиб,  
Бошингни силайди ўша хайрихоҳ.

1978

## ХОЛАТ

Бир нафас күёшни ўз ҳолига қўй,  
Оташин дилингга этмагин қиёс.  
Бир нафас күёшдай кўрсатсан у рўй,  
Бир нафас күёшдай порласин күёш.

Бир зум денгизга ҳам боққил бетуйғу,  
Дема, ўйларимдай у теран, тенгсиз.  
Бир зум балиқларга ватан бўлсин у,  
Бир зум денгиз бўлиб гувласин денгиз.

Шамолнинг бўйнига осилма бир ҳам,  
Елмасин майли у хаёлинг мисол.  
Бир зум ўз ҳолича яйрасин у ҳам,  
Бир зум шамол бўлиб тентисин шамол.

Бир зум сен заминни қўйгил бекутқу,  
У ахир кўп туйди туйгулар таъмин.  
Бир зум майсаларга она бўлсин у,  
Бир зум замин бўлиб яшасин замин.

Бир зум ўз ҳолимга қўй сен ҳам, болам,  
Аён-ку менга ҳам Инсон матлаби.  
Бир зум одам каби яшайнин мен ҳам,  
Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби.

1978

## ВИСОЛ

*Қора денгиз шеъри*

Сира күз үнгимдан кетмас ушбу ҳол:  
Қоя теппасида ёнарди ялов.  
Харир либосини ечди-ю, дарҳол  
Денгизга ташланди бир парча олов!

Бу не қисмат эрур? Бу не фалокат?  
Бундайин висолга борми ҳеч чора?  
Билмай не қиласын, тұлғаниб фақат,  
Уә тортиб юборди денгиз бечора...

1978

## ДИЁР

Күпдир бу дунёда эллар, элатлар,  
Қадим ва ноқадим халқлар, миллатлар.  
Хар бири ўз тили, ўз эли билан,  
Эл ичра ҳар бири ўз феъли билан,  
Ранг-бараң суратли одамлар яшар,  
Ишлашар, куйлашар ҳамда курашар.  
Балки кимдир кимни учратмас минбаъд,  
Айрича намоён шодлик ва кулфат.  
Тўйлар давом этар, бола туғилар,  
Чўққи забт этилар, китоб ўқилар.  
Чорраҳалар тизгин, бозорлар фужон,  
Улфатлар, мажлислар, йифин, оломон...  
Хар бири гўёки ўз сири билан,  
Алоқаси йўқдай бир-бири билан,  
Мана шу турфа хил эллар барини,  
Улфатни, йифинни, ёшни, қарини  
Бирлаштириб турар бир ном дафъатан,  
У она диёрдир, жонажон Ватан!  
Кўпдир бу дунёда кентлар, овуллар,  
Кўчалар, шаҳарлар, бекатлар, йўллар.  
Кўмир сепилгандай тупроқлар кўрдим,  
Не-не водийлару қумлоқлар кўрдим.  
Узоқ кутб ёқда музлар қарсиллар,  
Жануб тоғларида гулхан чарсиллар.  
Ўзича ҳар бири ўзга маъводир,  
Ўзича ҳар бири ажиб дунёдир.  
Ҳар бири гўёки ўз сири билан,  
Алоқаси йўқдай бир-бири билан.  
Аммо шу турфа хил, рангдор тупроқни,  
Кентлар ва овуллар, шаҳру қишлоқни  
Туташтираб турар бир ном дафъатан,  
У она диёрдир, жонажон Ватан!

1978

## (Хази)

Оқ қоғоз, юзингта сирим айтаман,  
Мени бу сафар ҳам тинглагил, дўстим.  
Кеча битта ўзим сайр этиб чаман,  
Бир гўзал дилбарнинг домига тушдим.

Оқ қоғоз, оқ қоғоз, сенинг юзингда  
Қанча гўзалларнинг тасвирлари бор.  
Аммо минг йил ўтиб, келиб ўзингта  
Бундай гўзал юзин кўрмабсан зинқор.

Турардим қошида беҳис, безабон,  
Андиша босарди елкамдан оғир.  
Нетай, шеър бағишлаб қизга ўша он,  
Байт айтдим ўзимни тутолмай охир.

У мени тинглади мисли нилуфар,  
Ақиқ лабларида тер шабнам эди.  
Лекин қайрилди-ю, шоир бўлсанг гар,  
Шеърингни қоғозга бориб айт, деди.

Оқ қоғоз, юзингта сирим айтаман,  
Мени бу сафар ҳам тинглагил, дўстим.  
Кеча битта ўзим сайр этиб чаман,  
Бир дилбар гўзалнинг домига тушдим...

1979

## КАВКАЗ

*Кавказни севаман.*

*Лермонтов*

Яшил Нарзананинг ўтлоқларида  
Ўйнайди шамол ва тойчоқ басма-бас.  
Абадий сукут бор осмон қаърида,  
Абадий сукунат қаърида Кавказ.  
Замин арзандаси, э, кибор маъво,  
Аянч қисматларга гувоҳ салтанат.  
Бир елкангда Демон — у ёвуз даҳо,  
Бир елкангда шоён инсони ҳазрат.  
Кавказ, кимларга сен иқбол даргоҳи  
Кавказ, кимларга сен қатағон диёр.  
Сенда насорону ислом илоҳи  
Сенда бари, бари бўлмиш барқарор.  
Ёвуз кимсалардан қочиб, улоқиб,  
Кимлар ахтармаган бағрингдан макон.  
Мовий осмонингта ҳасратда боқиб,  
Лермонтов пойингда берган эди жон.  
“Кавказни севаман, севаман Кавказ”,  
Бу — не даҳоларнинг эзгу нидоси.  
Бу жойга келтиргай қувғин ё ҳавас.  
Бу жойда ҳар зотнинг бор ўз худоси.  
Одам зурёдига не бўлса жоиз —  
Мен ҳам юрагимга ошно билганман.  
Кавказ, қучогинга на бирон боис,  
Увоқ туйгулардан қочиб келганман.  
Кор каби покиза, тоғдек сарбаланд  
Ўтюрак инсонлар дийдори армон.  
Инсон дасти күкка етса ҳам гарчанд,  
Фарид туйгуларга тутқун у ҳамон.  
Ҳамон қайлардадир ҳасад, хусумат  
Энг олий ҳисларни тоғтагай мутлоқ.  
Юксаклик истасанг тоққа чиқ фақат,  
Теранълик исгасані денгизларга бок.  
Кавказ, сайёҳ сўзим маъзур тут бир дам,  
Кавказ, ҳасратларга йўқ менда ружу.

Дунёда ҳиммат ҳам, дилозорлик ҳам  
Инсон фарзандига ҳамроҳдир мангу.  
На ҳайт, на ўлим, на баҳт, на кулфат  
Мени ҳам ҳайратга солгай бу замон.  
Юксак чўққиларинг қўйнида фақат  
Хаста юрагимга топсайдим дармон.  
Кавказ, шарқ уфқида эй, тенгсиз диёр,  
Эй, буюк шеърият дорилбақоси.  
Ўзбек тупроғидан келибман бу бор,  
Сенгадир ошуфта қалбим сафоси.  
Энг олий ҳисларга ким бўлса гадо,  
Кутаргил, о, Кавказ, чўққилар томон.  
Фарид туйғуларнинг бандасин аммо  
Бўронларинг билан ғарқ эт беомон!

1979



## ОНАЖОНИМ, ШЕЪРИЯТ

Ҳамдам бўлдинг мен билан  
Ҳар қандайин кунларда,  
Юлдуз бўлдинг чароғон  
Энг қоронги тунларда,  
Суҳбат қурдик гоҳ шодон,  
Гоҳо ҳазин унларда,  
Энг олий баҳтим менинг,  
Онаジョンим, шеърият.  
Топган тож-тахтим менинг,  
Жонажоним, шеърият.

Сен билан бақамти то  
Бу оламда юрдим мен,  
Турфа хил инсонларни  
Ҳам танидим, кўрдим мен.  
Дўстлар билан гоҳ шодон  
Давронимни сурдим мен,  
Энг олий баҳтим менинг,  
Онаジョンим, шеърият.  
Топган тож-тахтим менинг,  
Жонажоним, шеърият.

Эсингдами, азизам,  
Утди қанча довонлар,  
Утди қанча тўфонлар,  
Утди қанча ёбонлар,  
Яхшиликдан сўз очдик  
Гоҳ дуч келса ёмонлар,  
Энг олий баҳтим менинг,  
Онаジョンим, шеърият.  
Топган тож-тахтим менинг,  
Жонажоним, шеърият.

## КАРВОН

(Устоз Миртемир хотирасига)

Сизга ташланмади, оҳ, не-не зотлар,  
Улар ҳар мүминга ташланар эди.  
Ташланмаса дили ғашланар эди,  
Улар пучак жонлар, аҳли бедодлар.

Жиндеккина нозик феълингиз билан  
Сокин бир кўнгироқ чалиб ўтдингиз.  
Ёруғлик кунларни бедор кутдингиз,  
Дардлашингиз фақат элингиз билан.

Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,  
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.  
Қадим Туркистоннинг тантн ўғлони,  
Покиза эдингиз мисли оқ қофоз.

Не-не үлкаларнинг не даҳолари  
Сиз боис ўзбекча сўйлаган эди.  
Сизнинг лафзингизда куйлаган эди,  
Қошғарийдан қолган тил садолари.

Шеърингиз учкуру ўзингиз карвон,  
Манзилга шошилмай келар эдингиз.  
Оҳ, устоз, ҳолбуки билар эдингиз —  
Югурк даврондир асли бу даврон.

Сизнинг армонингиз яшар қароғда,  
Балки у бўйлагай асрларни ҳам.  
Во дариг, мана шу сатрларни ҳам  
Ёзсам бўлмасмиди сиз тирик чоғда.

1979

## ЁШ РАССОМЛАРГА

(Жавлон Умарбековга)

Бамисли Бойсунда бойчечак гуллаб,  
Тошкент томларида ёнди қизгалдоқ.  
Ё товус патларин ўйғандай хиллаб,  
Намоён бўлдингиз айни кутган чоқ.

Даврада ўрнингиз, ўтинг, марҳабо,  
Юртимнинг гаройиб ўғлонлари Сиз.  
Қайда юргандингиз ўйчан ва шайдо,  
Ўзбек санъатининг имконлари Сиз.

Ҳозирча номингиз билмайди жаҳон,  
Ҳозирча келинни чизмоқдан сиз шод.  
Билмайсиз, елкангиз оша шодумон,  
Кузатиб турганин Музаҳҳиб, Беҳзод.

Сизга муштоқ ҳали турфа оҳанглар,  
Устоз Чингиз Аҳмар бор бу бустонда.  
Билмайсиз, сиз четдан ахтарган ранглар  
Кўмилиб ёттанин Чаганиёнда.

Сизни кутиб тураг ҳали кўп маъни  
Деҳқоннинг киприги узра кўнган чанг.  
Сизни кутиб тураг оппоқ пахтанинг  
Багрида яширин қанча сирли ранг.

Бугунча аслига ушаса сурат,  
Заррин рамкаларга қувнаб солгайсиз.  
Юз рангда товланиб келганда шуҳрат,  
Сувратин чизолмай шошиб қолгайсиз.

Узун сочинизга бир кун оқ тушар  
Сезмай ҳам қоларсиз умр ўтганин,

Чизган расмингизга ўғлингиз бесар  
Нотаниш бўёқни чаплаб кеттанин.

Майли юрсангиз ҳам дарвищдай кезиб,  
Бўяб чиқсангиз ҳам майли жаҳонни,  
Фақат бир ўтиңч бор, бергайсиз чизиб,  
Онамиз суврати — Ўзбекистонни.

1979



## БАҲОР ХОСИЯТИ

Қарантки, баҳорнинг вазифаси йўқ,  
Бирор маҳкамадан маош олмас у.  
Унга кор қилгайдир на араз, на дўқ,  
Сафарга чиқдими, келмай қолмас у.

Юксак қасрларни буркар чечакка,  
Гадо кулбасини безар саросар!  
Эзгулик бобида фақат у якка,  
Фақат у барчага тент ва баробар.

Кўнгил даричасин очиб қўйинг ланг,  
Фуссали дилда ҳам кулади баҳор,  
Умидвор инсонлар, уни олқишиланг,  
Фақат хосиятли бўлади баҳор.

1979

## ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз.  
Унда миллат яшар, унда тил яшар.  
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,  
Унда истиқомат қиласи башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,  
Унда она яшар, яшайди Ватан.  
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,  
Хайҳот! Қўзғалмасин бу Қалб дафъатан!

1979

## ШОИР ВА ИЛҲОМ

Айни тонг чогида кўз очди Илҳом,  
Боқди атрофига солланиб, кушод.  
Порлади чашмида Илҳомий пайғом,  
Илҳом кайфияти эди буткул шод.

Адо этмоқ учун эзгу хизматин  
Илҳом қалби сўнгсиз шавқ билан тўлди.  
Ўша ажиб ҳамда хуш кайфиятин  
Таниш шоирига етказмоқ бўлди.

Шуълага чулғади қанотин аввал,  
Юлдузлардан осди бўйнига маржон.  
Тугиб юрагига ҳисларин тугал  
Илҳом замин сари йўл олди шодмон.

Умидвор эди у, заминда бир кун  
Бунёд бўлажакдир ажиб бир ижод.  
Сатрида юлдузлар сочажак учкун,  
Ўқиган ҳар бир дил фаровон, обод.

Илҳом пайдо бўлди таниш кўчада,  
Ўшандоқ безанган — қанотлари зар.  
Аммо бу гал уни хилват гўшада  
Кутиб турар эди осий Иғвогар.

Зарра очирмасдан Илҳом кўзини  
Иғвогар ненидир гапириб солди.  
Шоир ўтирган деб сендан юзини  
Маржонларин бир-бир юлқилаб олди.

Тортиб олди ҳатто зиракларин ҳам,  
Илҳомнинг бошига солди қиёмат.  
Илҳом нари кетди маъюс, боши ҳам.  
Бу қандай кўргилик? Бу не маломат?!

Илҳом шоир томон йўл олди ночор,  
Дилида минг шубҳа, бошида минг ўй.  
Аммо дарвозанинг тагида бу бор  
Кутиб тураг эди уни Ҳасадгўй.


Чўлтоқ ҳассасини ўқталиб Ҳасад  
Илҳомнинг бошига туширди чунон:  
— Ким қўйибди сенга парвозни, номард,  
Бизлар ер юзида юрсак саргардон.

Шундоқ деб Илҳомнинг нозик ва майин  
Қанотларин Ҳасад юлиб ташлади.  
Бу ҳам етмагандек, шафқат қилмайин,  
Илҳомнинг юзига лойлар чағлади.

Ҳайҳот! Не қиласин билмайин Илҳом  
Илк бор кўз ёш тўқди шу тонг, аслида.  
Беқанот, белибос, дийдираб тамом  
Турарди қандайдир маҳлуқ шаклида.

Илҳом дарвозани чор-ночор қоқди,  
Билолмасди шўрлик ҳануз айбини.  
Шоир дарвозани очди-ю ёпди:  
Танимайман, деди, сендай дайдини.

1979



## ОИЛА

Каттаси кетганди балиқ овига,  
Чўмилиб-нетмасин, ишқилиб.  
Турли тасавурлар олар довига,  
Кампирнинг нафаси келар тиқилиб.  
— Хой, сиз ҳам болани ўйланг-да бундок...—  
Кампир эрк берганча пуч хаёлига,  
Капгирни қайгадир илиб ўша чоқ  
Танбеҳ бера бошлар чолига.  
Чол-чи, кўзойнагин артганча бот-бот  
Китоб варактайди: Бедилми, Машраб...  
— Мошинда кетувди кенжаси шаддод,  
Юрсин-да, ишқилиб, кўзига қараб...  
Кун ҳам эрта ботди, билмадим, кузми,  
Биттаси кечкида ўқийди.  
— Сен ҳам ўйлагин-да анави қизни?—  
Чол ҳам кампирини нуқийди.  
Ҳеч қайда ҳеч гап йўқ, шундоқ икковлон  
Бир-бирин бесабаб койир, туртқилар.  
Лекин иккиси ҳам билади пинҷон:  
Болаларни ўйлайди улар.  
Сўнгра бир маҳалда узун-қисқа бўлиб  
Болалар ҳам келар галма-гал.  
Дастурхон атрофи боради тўлиб,  
Хайрият, ҳаммаси жам, тугал.  
Кампир: — Шукр, — дейди қимтиниб лаби,  
Чол ҳам жилмаяди:  
Тушунар...  
Дунёда ҳеч бир гап бўлмаган каби  
Болалар овқатни туширад.

1979

## САМОВИЙ МЕҲМОН, БЕШ ДОНИШМАНД ВА ФАРРОШ КАМПИР ҚИССАСИ

Хабар келди Фан шаҳрига  
Олис Жунгли томондан.  
Ўтган кечада алланарса  
Ёниб тушмиш осмондан.

Юлдуз деса юлдуз эмас,  
Ёйлдошми бир дайди.  
Ҳар ҳолда у шов-шув соглан  
Тарелкага ўхшайди.

Бу хабардан илм аҳли  
Бир зум ўйга толдилар.  
Яна бирор миш-мишдир деб  
Шубҳага ҳам бордилар.

Чархлаб туриш керак аммо  
Туйгу билан ақлни...  
Ҳар эҳтимол жўнатдилар  
Жунглига беш вакилни.

Бешови ҳам тенгсиз олам,  
Беш қитъадан бўлмиш жам.  
Дунёдаги барча илм  
Шул бешовда мужассам.

Дунёдаги тилларни-ку  
Беш бармоқдай билишар.  
Керак бўлса кушлар билан  
Хандон сұҳбат қилишар.

Хуллас, бешов йиғилишиб  
Жунгли томон елдилар.  
Ҳатто фаррош кампирни ҳам  
Бирга олиб келдилар.

Дарҳақиқат, Жунгли нотинч,  
Не дараҳтлар шалпайган.  
Үрталықда алланарса  
Ётар эди, ялпайган.

Ойнакларни тутиб бешов  
У ёғидан үтдилар.  
Бу қанақа гап бұлды деб  
Бу ёғидан үтдилар.

Ва ниҳоят сирли уйни  
Уриб очиб олишди.  
Ичкарига қараб бирдан  
Анграйишиб қолиши.

Ётар эди үриндиқда  
Аллақандай бир махлук.  
Бир күзи бор...манглайида,  
Иккінчиси мутлақ, йүқ.

Лаб-даҳани одамга ҳам  
Үхшаб-үхшаб кетарди.  
Құл-оёғи узун-узун,  
Сал-сариқдир ранг зарди...

Беш донишманд ўзни энди  
Йүқотиши тамоман:  
Хазилакам гапми ахир  
Меҳмон тушмиш самодан!

Мана буни айтса бұлар  
Эң олий, зүр муаммо!  
Ұраб олди уни бешов,  
Миқ этмасди у аммо.

Күрсатиши үнга дастлаб  
Чексиз олам тархини.  
Сомон йұли, альфа, бета  
Буржларининг фарқини.

Меҳмон эса қимир этмай  
Ётарди жим, сұлайиб.

Манглайида битта күзи  
Боқар эди дўлайиб.

Кўрсатдилар унга яна  
Ёзув, шакл, формула.  
Мозийни ҳам кўрсатиши  
Кино қилиб бир йула.

Дунёдаги тиъларни-ку  
Луғат қилиб уйиши.  
Шу жумладан ўзбекча ҳам  
Бир-икки сўз дейиши.

Меҳмон ҳануз қимир этмай  
Ётарди жим, сулайиб.  
Манглайида битта күзи  
Боқар эди дўлайиб.

Кармикан, деб қулоғига  
Бақириб ҳам кўрдилар.  
Соқовми, деб имо билан  
Чақириб ҳам кўрдилар.

Таҳдид билан ҳатто бир оз  
Сикувга ҳам олиши.  
Охир чарчаб, ўзлари ҳам  
Сулайишиб қолиши.

Иш чиқмади, демак бизни  
Тушунмади у тараф!  
Ўша пайт, денг фаррош кампир  
Кириб келди тентираб.

Фаррошда у, уни-буни  
Йиғиштиromoқ унга тан.  
Ўриндиқда ётган зотни  
Кўрди кампир дафъатан!

— Вой бечора болагинам,  
Дард забтига опти-ку!  
Ҳолдан тойиб, бошқа кўзи  
Юмилиб ҳам қопти-ку!

Рангини кўр, сомон дейсан,  
Сувданмикан ё ўтдан! —  
Шундоқ дея фаррош кампир  
Бўла кетди гиргиттон.

Азбаройи меҳр билан  
Бошгинасин силади.  
Тикандайин тикка ўсган  
Сочгинасин силади.

Кампир билмас, ким бу маҳлук,  
Ё билса ҳам унутди.  
Ича қолгин, жон болам, деб  
Ҳатто унга сув тутди.

Ўшанда денг, ҳалигининг  
Қон чопди-я юзига.  
Дувва-дувва ёш ҳам келди  
Биттагина кўзига.

Жон киргандай бўлди бирдан  
Оёқ-қўли қимиirlаб.  
Жилмайгандай бўлди ҳатто  
Гапиргандай шивирлаб.

Айлантириб битта қўзин  
Боқди у ёқ-бу ёққа.  
Бир маҳал денг, дабдурустдан  
Меҳмон турди оёққа.

Олимларнинг ушбу ҳолдан  
Чимирилди қошлари.  
Бу қанақа сир бўлди, деб  
Тамом қотди бошлари.


Кор қилмади шунча илм,  
Этди қанча саргардон.  
Фаррошларнинг юлдузидан  
Тушдимикан ё меҳмон.

Не бўлса ҳам мурод ҳосил,  
Фан шаҳрига елишди.

Фаррош кампир сирин эса  
Сал кейинроқ билишди.

Олимларнинг хизматлари  
Йўқ, бекорга кетмалти.  
Шунча ишни қилишибди.  
Фақат Мехр етмалти.

1979



\* \* \*

Ҳимматли гапларга қулоқ солмоқ даркор.  
Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига,  
Лекин одамларнинг бир одати бор,  
Мақол тўқийдилар мослаб ўзига.  
Масалан, ит — вафо, демишлар, ҳайҳот,  
Ит эгалари буни тўқиганлар заб.  
Бирорлар итидан бўлгил эҳтиёт,  
Ўзингники бўлса бошқа гап...

1979

\* \* \*

Ҳўқизнинг бўйнига тақсанг тақинчоқ,  
Томоша аҳлига бўлгай овунчоқ,  
Сен одам шаклида юрган бир говсан,  
Хайф сенга на нишон, оддий бир мунчоқ.

1979

### ДОНИШМАНД ДЕДИКИ

Донишманд дедики, осонни кутма,  
Имкондан ортиқ бир имконни кутма.  
Дарёдан дарёни талаб айлагил  
Ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма.

1980

## АЁН БҮЛГАЙ

Агар ёринг хиром этса,  
Саболардан аён бүлгай,  
Такалуми чаман берган  
Садолардан аён бүлгай,  
Агар ёринг қүёш бўлса,  
Анга асло боқиб бўлмас,  
Камолингми, заволинг ё —  
Самолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг ҳусн шоҳи —  
Ўтар бўлса шаҳарлардан  
Гузарларда қолиб кетган  
Гадолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг жафокордир,  
Жафокор, деб, отин айтма,  
Унинг асли ўзинг чеккан  
Жафолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг садоқат деб  
Сенга кўнгил кўяр бўлса,  
Куйиб ағёrlаринг, бахти,—  
Қаролардан аён бўлгай.  
Агар ёринг мұжаббатни  
Нихон сақлар, гумон этма,  
У бир ганжидир, бироқ ҳадди  
Адолардан аён бўлгай.  
Агар ёринг бўлиб Ширип,  
Агар ўзни десанг Фарҳод,  
Қиёсинг чин ва ё лофдир,  
Вафолардан аён бўлгай.  
Агар ошиқсан, Абдулла,  
Қаноат қыл сабр бирла,  
Надур ҳолинг — сенга боқсан  
Балолардан аён бўлгай.

1979

## БАХМАЛЛИК ГИЛАМ ТҮҚУВЧИ ҚИЗЛАРГА

Бахмал бағридаги мұйжаз дастгоҳда  
Бахмал гилам түқир уч нафар сингил.  
Учтовлон бекачдир бу гул даргоҳда,  
Номлари Мукаррам, Буойша, Ойгул.  
Неча ранг ва неча ановойи бүёқ  
Ажид бир санъатта айланар бунда.  
Қизлар қалбидаги меҳру иштиёқ  
Ранг-баранг ип бўлиб бошланар бунда.  
Қизлар ўтиңч қилди: — Бўлса гар имкон  
Шоирлар номимиз шеърга қўшсалар.  
Қизлар, йўлингизда пешкашдир жаҳон,  
Илтифот бўлурми шеърга бунчалар.  
Сизнинг бу яратган мўъжиза санъат  
Юз йил тўзим билмай турмоқлиги рост.  
Яшаса шоирнинг шеъри шул муддат,  
Дўпписин кўкларга отарди паққос.  
Фурсат қархисида боқий нима бор?  
Шеърми у, қасрми, гиламми, палак?!  
Сизнинг қошингизда менинг бу ашъор  
Бамисли гулзорга қўнган капалак.  
Арзигай номингиз ёйсак оламга,  
Шул эрур менинг ҳам умрлик дардим.  
Ва лекин аслида, сизнинг гиламга  
Биттулик байт ёёсам баҳтли бўлардим.

1979

## ПАХТАКОР АБДУРАЙИМ АКА БИЛАН БАХТ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Бахт нима? Ҳаётми ва ёким хаёл?  
У недур? Мулкми ё умр безавол?  
Ё у сира ўчмас муҳаббатмикан?  
У ё меҳнатмикан? Ё санъатмикан?  
Ишдан ҳориб қайтдинг, дилгир ҳойнаҳой,  
Рафиқанг узатди бир пиёла чой.  
Унут бўлди шунда чарчоинг, зоринг,  
Кўнгилдан бир нафас кетди губоринг.  
Балки баҳт ўшадир? Сезмагандирсан,  
Уни ўзинг билмай излагандирсан?  
Сизнинг касбингиз шу, пахтазор ичра  
Эртадан то оқшом тинмайсиз сира.  
Йиллар чангидир бу сочингизда оқ,  
Меҳнатдан, юмушдан қолмабсиз бироқ,  
Қарайсиз — бир ёнда ўғлингиз ўқтам,  
Бир ёнда қизингиз — сафдадир у ҳам.  
Замон тинч, орзулар дилда аломат.  
Лекин энг муҳими — борсиз саломат.  
Балки баҳт дегани мана шу ҳолдир,  
Балки шу муҳташам толе, иқболдир.  
Бахт нима? Ҳаётми ва ёким хаёл?  
У недур? Мулкми ё умр безавол?  
Менинг назаримда буларнинг бари,  
Бахт деган дарахтнинг шохобчалари.  
Бахтга ўша чой ҳам даҳлдор эрур,  
Ақл ҳам, чирой ҳам даҳлдор эрур,  
Ҳаётнинг ғалвали гулдуросидан,  
Қувончи, ташвиши, хуш садосидан  
Йироққа тушмасак баҳтдир мана шу,  
Қандайдир муаллақ манзил эмас у.  
Бахт тенгдир шоири бастакорга ҳам,  
Абдурайим деган паҳтакорга ҳам.

1979

## БОБО ВА НАБИРА

Имиллаб боради йулда мўйсафид,  
Ўтган асрларнинг хаёли бошда.  
Ёнида типирлар набираси хит,  
Қўйворса етгудай шаҳди күёшга!

Чол-чи, тутмиш унинг қўлидан маҳкам,  
Набира кўзида андиша-ю зор.  
Ота, набирангни озод қўй бир дам,  
У ҳали узоққа кетмоғи даркор.

У ҳали номингни кўксига жойлаб,  
Самолар қўйнида ургусидир барқ.  
Уни қадамингта ташлама бойлаб,  
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...

1979

\* \* \*

Бунчалар камолот, айт-чи, кимда бор,  
Кимда бор бунчалик латофат, хусн.  
Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор,  
Бахтиёр жуфтингта муборак бўлсин.

Севганинг қалбida, билмам, қай ният,  
Демасман, шаънингта шеърлар битсин деб.  
Сени яраттандир асли табиат  
Бир шоир ҳажрингда куйиб ўтсин деб...

1979

## БИР УСТОЗ ҮГИТИ

(Хазил)

Топган-туттанингни халқقا бер, қўзим,  
Ўшанда ҳеч қачон топмайсан тўзим.  
Лекин бир мантиқни унумта асло:  
Яъни, мансубдирман халқقا мен ўзим.

1979

\* \* \*

Оқар дарёга ҳам кимдир банд берган,  
Ҳаёт кимга заҳар, кимга қанд берган.  
Эй ғофил, саркаш деб мени камситма,  
Фаним сенга эмас, менга панд берган.

1979

\* \* \*

Ҳар қалай қўлимда шарбат тўла жом,  
Гар маҳзун бўлса ҳам қалбимда илҳом.  
Энди бир самимий дўст ҳам топсайдим,  
Бахтили санар эдим ўзни батамом.

1979

## ИСТАК

Орзум шул, ўчмасин ёнган чироғинг,  
Юлдуздай нур сочин чашминг-қароғинг.  
Магар чинор бўлсанг, чинордай яша,  
Бевақт узилмасин бирор япрогинг.

1979

Не зотлар ўтдилар ҳасратта тұлиб,  
 Куңлари зимистон, туни сим-сиё.  
 Фазога термулиб, Улугбек бұлиб,  
 Йироқ дунёлардан ахтарди зиё.  
 Шоқлар юрагида балқирмиди нур,  
 Расуллар меҳридан порларми дунё?  
 Тубсиз зулумотда банд бўлган шуур  
 Бир-бирин қалбидан ахтарди зиё.  
 Оламни пайпаслаб мисли ногирон  
 Топғандари бўлди жаҳолат, риё.  
 Валий наздига ҳам бенурдир жаҳон,  
 Магар ўз қалбига бўлмаса зиё.  
 Қандай замонларга гувоҳмиз, устоз,  
 Ерга тушган каби хуршид ҳам гўё.  
 Кўк эмас, ушбу кун замин сарафroz,  
 Фалакка заминдан тараплар зиё.  
 Абас, йўқликларга кетди жаҳолат,  
 Асримиз уфқида у мисли рӯё.  
 Бу қандай сир эрур, қандай синоат,  
 Одам одам учун тараттай зиё?  
 Шуурга нур сочиб, машъял кўтарган  
 Сиздек устозларга олам маҳлиё.  
 Дейман хуш айёмда Сизни кутларкан:  
 Қалбингизда сира сўнмасин зиё!

1980

## ОЗАРБАЙЖОН

Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,  
Топмасссан бундайин хушбахт бир онни.

Мухр этди дилларга тарих инчунин,  
Қадим қондошликтин — олий эҳсонни.

Эъзозлаб турибди кутариб бошга,  
Бу кун озар эли Ўзбекистонни.

Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,  
Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни?

Ўзбекман, англамай қаёққа бордим,  
Шу инжа озарий тилни, забонни.

Дўстлик бу — муҳаббат янглиғ фараҳким,  
Билгай у на ҳадни ва на довонни.

Асли Муқаннага қиёс этгулик  
Бобакнинг қалбидан тошган туғённи.

Низомий болидан ҳалво пишурмиш  
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,  
Ўзинг айт, Фузулий биттган девонни.

Азизим, дилимда асраб юрибман  
Насимий қолдирган событ имонни.

Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,  
Озар ҳам аярмиFaфурдан жонни.

Сен билан кечмишнинг жангтоҳларида  
Бирга таниғанмиз яхши-ёмонни.

Тарих-ку, муҳташам ёдгордир олий,  
Сүйлайин шу кунни, айни шу онни.


Кондошлик туғини күтариб күшод  
Тавоб этмоқдамиз гулгун маконни.

Хазар коса бўлсин, яъни жоми Жам,  
Сипқаргил, шарафла давру давронни.

Мен сендаи мезбонни топмоғим гумон,  
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.

Мавжуд бўлмасайди оламда агар,  
Ўйлаб топар эдим Озарбайжонни.

1980



## ИНСОН МАНЗАРАСИ

Баъзан ўйлаб дейман, не бўларди гар  
Кудратин кўргазса табиат хассос.  
Ва инсон сувратин унинг муқаррар  
Феълу атворига айлаб кўйса мос.

Бунёд бўлар эди ажиб бир ҳолат,  
Не-не инсонларнинг абас ор шарми.  
Намоён бўларди аввал хушомад,  
Эмаклаб юарди бу қавмнинг бари.

Бешак яшиарди турфа қилмишин  
Издидом ичида бадкор мунофиқ.  
Таниб бўлмас эди лекин юришин,  
Яъни ўз феълига мос ва мувофиқ.

Қанчалар ранг-баранг инсон ҳаёти,  
Бари очиқ-ойдин шундоқ турарди.  
Оёғи осмонда иғвогар зоти  
Айри тили билан изғиб юарди.

Ҳа, магар чеврилса олам шу тахлит,  
Имон келтиардим бир ҳолга бешак:  
Оёғин заминга қадаган собит,  
Комил Инсон зоти не чоғлик юксак.

Фақат у мавжудки, олам файзиёб,  
Фақат инсонликка унинг ҳаққи бор.  
Устивор инсонлар, сиз нечоғ ноёб,  
Сизни учратган қалб нечоғ баҳтиёр...

1980

## ҚҮРИҚХОНА

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,  
Асраймиз ҳайвоңлар камёб зотини.  
Ҳатто атрофларин ўраб атайин  
Қуриқхона деймиз сүнгра отини.

Саёқ овчиларга у ён йүл бўлсин,  
Жарима соламиз, қамаймиз ҳатто.  
То у жонзодларни тинчига қўйсин,  
Қирилиб битмасин тирик дунё то.

Мунис мавжудотта меҳру шафқат бу,  
Бу инсон қалбида балқан ҳамият.  
То яшар қайдадир бу янглиғ туйғу,  
Ҳар нечук қирилиб кетмас табиат.

Оlamda kўp нарса камёб бир қадар,  
He-ne туйгулар ҳам камёбдир, алҳол.  
Мен дердим соғ қалбни учратган сафар,  
Дарҳол ўраб олинг атрофин, дарҳол.

Инсоғ йўқолмасин, ўранг мустаҳкам,  
То уни юзсизлик этмасин хароб.  
Эзгуликни асранг, оламда у ҳам  
Тождор турна каби бўлмасин камёб.

Оқибатни асранг, оқибат гўё  
Айиқдай қайдадир топмасин завол.  
Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё  
Оташга дуч келган полапон мисол.


Имонни асрангиз, у доим танҳо,  
Ундадир мужассам инсон матлаби.  
Авлодлар ахтариб юрмасинлар то,  
Уни аллақандай Қор одам каби.

Виждонни асралғыз қар недан ортиқ,  
Ягона заминни асрагансимон.  
Боболардан қолған ноёб бу тортиқ  
Токи авлодларга етолсинг омон.

Эзгу, латиф ҳислар бұлмасин таққир,  
Булбулни бойқушга топширманг зиндор.  
Худбин ва дилозор кимсанинг, ахир,  
Оғзи қон йиртқицдан қандай фарқи бор?!

Түқайга ўт кетса ёңгай бус-бутун,  
Адолат борлыққа ёлғиз онадир.  
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун  
Ёвузликдан зада Күриқхонадир.

1980



## УЧИНЧИ ОДАМ

Инсонлар бир-бирин юрса ардоқлаб  
Үргада восита асли зиёда.  
Ҳар икки одамни тургувчи боғлаб  
Учинчи Одам бор лекин дунёда.

Учинчи Одам бу — ўзи бир хилқат,  
Үшадир дунёга илк қўйган қадам.  
Икковлан ўлжани келтирган фурсат  
Ўчоққа ўт ёқсан учинчи Одам.

Пайғамбар шаклида у соҳиб қутқу  
Бандага худони далолат этган.  
Не ўжар шоҳлардан элти бўлиб у  
Гоҳо бош келтирган, гоҳ боши кетган.

Муҳаббат бобида у-ку бир маҳрам,  
Унингсиз висол ҳам йўқдир аслида.  
Шоирнинг ёр учун битган сатрин ҳам  
Ёд олган ўшадир — шеърхон шаклида.

Унинг бир унвони ҳакамдир азал,  
Шунчалар муҳтарам учинчи бу зот.  
Токи бу оламда меҳр нотугал,  
Мен фақат ўшандан қўрқаман, ҳайҳот!

Ахир у эмасми дўстни ғаниму  
Ғанимни дўст қилиб қўйгувчи одам.  
Магар у бешафқат бошласа гулу  
Дунёга favғолар солгай чинакам.


Рўёни рост деса, миттини кабир,  
Жанубни Шарқ деса айлаб имолар.  
Куфрли дунёда оз эмас, ахир,  
Ўшанинг измидан юрган сиймолар.

Учинчи бу одам тирикдир токи  
Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.  
Серғалва асрда бу зот ҳаттоки  
Салтанат шаклида бўлар намоён.

Оlamda, аслида, бордир дуст ва ёв!  
Орзум шул: покиза кўрсам вижданни.  
Кимсанинг номидан кимсага бирор  
Сотиб юбормаса, дейман имонни.

Кўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат,  
Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам.  
У — менми, у — сенми, ким бўлма, фақат  
Сенга инсоф берсин, учинчи одам!

*1980*



## ИЛТИМОС

Сенга балки аён, балки ноаён  
Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён.  
Майли, сувлар кечгин, майли, ўтда ён,  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Саргардон, йўлларда қолсанг ҳамки оч,  
Сабру қаноатни қилгил бошга тож,  
Ноганти йўлдошга бўлма ҳеч муҳтоҳ,  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Таънадир дунёда ёмондан ёмон,  
Нон бериб рангингни эттайдир сомон.  
Ақлинг бутун бўлса, тўрт мучанг омон,  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Бўри эмас дейсан одам одамга,  
Кўзинг каттароқ оч, боққил оламга,  
Бирор отамга дер, бирор онамга,  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Саховат аҳлига гарчи юз бурдим,  
Гоҳи дам ҳайратда лол қотиб турдим,  
Норнинг ит олдида чўкканин кўрдим,  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Оҳ, дўстим, демагил қайдан бу туйғу,  
Шеърим сен учун ҳам бўлолсин кўзгу.  
Менинг бир жайдари фалсафамдир шу:  
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

1980

## ТУЛКИ ФАЛСАФАСИ

— Устоз, — деди бир кун тулки тулкига,  
Нечун биз нишонмиз доим кулкига?

Үрмонда бүри ҳам, ҳатто жаноб шер,  
Бир-бирин туртишиб: — Тулкисан-а, дер!

Бошқалар устидан кулмаслар нечун,  
Бу ҳол қоронғудир биз ёшлар учун.

— Ука, — деди шунда тулкига тулки,  
Бундай ҳодисотнинг сабаби шулки,

Касбини эплолмай қолса аксари,  
Тулкилик қиласи ҳайвонлар бари.

Кўпинчча иложсиз қолган фурсатда  
Тулкилик қиласи шер ҳам, албатта!

Лекин бизнинг ишни эплолмас улар,  
Шу сабаб ўрмонда масхара бўлар.

Сен-чи, бундай ҳолдан асло ўкинма,  
Бошқалар сингари четта бекинма.

Тулкисан, бундай чоғ тулкилик қилгин,  
Тулки деб кулсалар, қўшилиб кулгин...

1980

## ДҮСТАРИМГА АЙТГАНИМ

Дунёда күп нарса унугилади:  
Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайғулар.  
Унугилиб борар муҳаббат дарди,  
Унугилар йиллар, йўллар, туйғулар.

Қирқ йиллик адоват унугилар секин,  
Унугилар ҳатто юракдаги дарз.  
Яхшиларнинг меҳри унугилмас лекин,  
Унугилмас улар олдидағи қарз.

1980

## ДУНЁНИ ҚИЗҒАНМА

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зиндор.  
Менинг бу оламда ўз айттар сўзим  
Ва ўзим сифинар мозорларим бор.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.  
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,  
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,  
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ,  
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,  
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ.

1980

## ШАРҚ ҲИКОЯСИ

Аниқ йили эсимда йўқ,  
Аллақайси замонда,  
Бир қишлоқда ота-ўғил  
Яшар экан омонда.

Улар фоят тутув экан,  
Ўргада мол-жони бир.  
Минг қиласа ҳам ота-ўғил,  
Минг қиласа ҳам қони бир.

Бир куни денг, шу икковлон  
Қайдадир йўл олиши.  
Минай деса от-улов йўқ,  
Ўйланишиб қолиши.

Куриб кетсин йўқчилик ҳам  
Ким неларга зор эди.  
Икковининг ўргасида  
Битта эшак бор эди.

Гарчи у ҳам бир оз яғир,  
Гарчи андак бедармон.  
Шу эшакни минсакми, деб,  
Ўйлаб қолди икковлон.

Ота деди: — Ўслим бундан  
На сен, на мен тингаймиз.  
Ўғил деди: — Ота, буни  
Галма-галдан мингаймиз.

Ота доим ота ахир,  
Яъни мудом иззатда,  
Эшакка у минди дастлаб,  
Ўғил яёв, албатта.

Бир қишлоқдан үгардилар  
Икков секин тиқирлаб,  
Ортларидан тұрт-беш одам  
Кулиб қолди пиқирлаб.

— Аҳмоқ экан манави чол,  
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.  
Үзи улов миниб олган,  
Үғли эса пиёда.

Фалати бир ҳисни түйиб  
Шартта пастта тушди чол.  
— Кела қолгин, ўғлим, — деди, —  
Эшакка сен минақол.

Энди ўғил түқимдаю  
Ота яёв кетарди.  
Энди улар башқа қишлоқ  
Күчасидан ұтарди.

Борардилар сұзсиз, секин,  
Аста-аста тиқирлаб.  
Ортларидан тұрт-беш одам  
Яна кулди пиқирлаб.

— Аҳмоқ экан манов бола,  
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.  
Үзи улов миниб олган,  
Отаси-чи, пиёда.

Ёш эмасми, бирдан унинг  
Орияти құзғолди.  
Шартта пастта тушди у ҳам,  
У ҳам яёв йўл олди.

Юриб-юриб иккаласи  
Неча адир, қир ошди.  
— Боре, — дея сүңг эшакка  
Иккови ҳам мингашди.

Аммо тағин бир манзилдан  
Үтар бўлди икковлон.

Не кулфатки, бу жойда ҳам  
Тинч қўймади оломон.

— Аҳмоқ экан булар роса,  
Инсофи йўқ лаванглар,  
Икки одам бир эшакни  
Миниб опти, қаранглар.


Маломатдан ота-ўғил  
Тамом ҳориб толдилар.  
Фазаб билан бир-бирига  
Термулишиб қолдилар.

— Айтмабмидим, — деди ота, —  
Гап уқмадинг, тирранча.  
Элу юртнинг ўргасида  
Бўлдик роса бўлганча.

Қўл силташди бир-бирига,  
Қолди фойда-зиён ҳам.  
Ота у ён кетиб қолди,  
Бу ён кетди ўғлон ҳам.

Қондошликтининг миллион йиллик  
Ришталари узилди.  
Ўртага бир эшак тушиб  
Оралари бузилди.

1980



## ИШОНЧ

Табиат, ишончдан айирма сира,  
Айрма, ўчмасин дилдан шукуҳинг.  
Бенишон йўқолиб кеттандан кўра  
Яхши-ку тентираб юрса гар руҳинг.

Тимқора осмонга ой чиқса дилбар,  
Заминга тўкилса нури сарсари.  
Булутлар ортидан боқолсанг агар,  
Абадий йўқликдан афзал-ку бари.

Сен юрган боғларни бахтга тўлдириб,  
Сайр этса шомларда дўст ила ёрон.  
Уларни ўргулсанг шаббода бўлиб,  
Ахир бу толенинг нимаси ёмон.

Бир кун фарзандингнинг ўксик дилида  
Ўйғонса ғамларни енгтан муҳаббат.  
Капалак мисоли учеб йўлида,  
Сен уни кутласанг, ахир, бу не бахт.

Ғамгин ва беиқбол ёринг оҳ уриб  
Болишга бош қўяр, кўз ёши таҳир.  
Сен унинг тушига билдирмай кириб,  
Тасалло беролсанг, саодат ахир.

Сен-ки, хор вужудни бир кун, табиат,  
Юлқиб оларкансан дилбар ҳаётдан,  
Мени шу ишончдан айирма факат,  
Айирма сен мени шул бир бисотдан.

1980

## СЕН ҚАЙДАН БИЛАСАН

Сен қайдан биласан,  
Балки юлдузлар  
Менга сирларини  
Сүйлаёттандир.  
Сен қайдан биласан,  
Балки бу күзлар  
Унсиз бир қүшиқни  
Күйлаёттандир.  
Сен қайдан биласан,  
Балки кенг олам  
Шу мұъжаз қалбимга  
Бүйлаёттандир.  
Сен қайдан биласан,  
Балки мени ҳам  
Кимдир қайдадир жим  
Үйлаёттандир...

1980

\* \* \*

Умр қисқа эди,  
Қисқартырдик яна.  
Озгина баҳтни ҳам бўлиб ташладик.  
Кулфат оқибатда қилди тантана,  
Шундагина кўзни ёшладик.  
Жаҳлдор табиат энди юз ўғирди.  
Боқмади, чопсак ҳам йиглаб ортидан.  
Тирик от ўрнига ёғоч отни берди,  
Уйни эса берди ернинг остидан.

1980

Дейдилар, ит ҳурап  
— Ўтади карвон,  
Ранжу балолардан  
Ёнмасин жонинг,  
Лекин алам қиласар,  
Бир умр гирён  
Итлар орасидан  
Ўтса карвонинг.

*1980*

### ОЛОМОНГА

Машраб осилганда қаёқда эдинг?  
Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганимидинг Қодирийни ё  
Қалқон бўлганимидинг келганда бало?

Хукмлар ўқилур сенинг номингдан,  
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?!

*1980*

## ДАВРА ҚҰШИРИ

Бош күтартған ҳар бир жондор гарчи кас әмас,  
Назар солғин, пойингдаги у бир хас әмас.  
Лайло бұлсанг у ҳам Мажнун, асло паст әмас,  
Сен учундир бор ҳаётим, шұхратим, шоним,  
Құлларингни бергил менга, ширинзабоним.

Дүстларинг ҳам бу даврада, яйрасанг, неттей,  
Умрдир бу, чорласанг ҳам тұхтамай үттай,  
Шоир сенға пок мұҳаббат жомини туттай,  
Сен учундир бор ҳаётим, шұхратим, шоним,  
Құлларингни бергил менга, ширинзабоним.

Мұҳаббатим лол қоттан ул тоғларинг айтсін,  
Тонғда оғын тақрор этган боғларинг айтсін,  
Менсиз үттан ҳар бир лаңза өфларинг айтсін.  
Сен учундир бор ҳаётим, шұхратим, шоним,  
Құлларингни бергил менга, ширинзабоним.

Келармидим қошингта гар бұлса ихтиёр,  
Жон риштаси боғланмишdir пойингта эй, ёр,  
Шоду хуррам бу даврада яира эй, дилдор.  
Сен учундир бор ҳаётим, шұхратим, шоним,  
Құлларингни бергил менга, ширинзабоним.

1980



## ДОСТОИЛAR



# ЖАННАТТА ЙҮЛ

(Драматик достон)

## Иштирок этувчи лар

Йигит	Фаришталар
Она	Дүст
Ота	Үзга одам
Тарозибон	Үссирин
Югурдак	Қария
Чол	Кимса
Хур қыз	Садо
Фаришта	

## БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Маңшар саҳросида гужғон оломон. Тарозибон хузурида  
Йигит ва Үзга одам

### Йигит

Маңшар тонги аста-секин оқариб келар,  
Күз олдымда содир бўлди Улуғ Қиёмат.  
Неча юз йил давом этди, билмам, бу йўллар,  
Тарозибон қошига ҳам етдик, ниҳоят.  
Тарозига тушар эмиш гуноҳ ва савоб,  
Қайси бири кўпроқ экан пешонамиизда?!  
Не бўлса ҳам, тарозиси бўлмасин нобоп.

### Үзга одам

Тарозибон не деса ўгу, ишонамиз-да!  
Қайси куни йиғлаб кетди бир мўйсафид чол,  
Етти бора ҳаж савоби бўлмабди қабул.

### Йигит

Нечук энди?

### Үзга одам

У дунёда юз бериб қай ҳол,  
Отасини сансираган экан бир бор ул.

## Йигит

Минг мартаба шукр бўлсин парвардигорга,  
Мендан рози кеттан экан қиблагоҳларим.  
Эс билмаган гўдакликни йўйсак бекорга,  
Сенсираган эмасман мен, йўқ гуноҳларим.  
Дўстлар билан калтаклашган чоғларим бўлган,  
Хар хил куфр ишларим ҳам кўпдир, билмадим.  
Балки менинг гуноҳ ҳалтам лиммо-лим тўлган,  
Лекин ота ҳурматини канда қилмадим.

## Тарозибон

Билдик, сипо зот экансан, на хору на хас,  
Навбатинг ҳам етиб қолди, титрама, юр сен!

### Ўзга одам

(*титраф тарозибонга яқинлашади*)

Салом, тақсир, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

### Тарозибон

(*кўлида дафтарчасини варақлаб*)

Бу ёққа тур. Исминг нима? Ҳожати ҳам йўқ,  
Тамға босиб қўйган экан сенга Оллоҳим.  
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўқ.

### Ўзга одам

Тақсир, агар ружсат бўлса, бир саволим бор,  
Умрим ўтиб, илк мартаба сўз сўрашим бу.

## Тарозибон

Ҳа, тушундим. Дўзахдан ҳам бўлма умидвор,  
Сенинг жойинг аросатда, тайин дедим-ку?

### Ўзга одам

Тақсир, менинг энг сўнгти бир аризам шулки, —  
Наҳот бекор кетаверса шунчалик тавоф?!

## Тарозибон

Гапни чўзма, аросатта борасан, чунки,  
Сен на гуноҳ қылгансану, на зарра савоб.  
Кани ким бор?!

Үзга одам тарозибондан узоқлашади.

### Йигит

Хайр, биродар. Нима бўлди?!

### Үзга одам

Аросатта.

### Йигит

Худо сақласин!

### Тарозибон (Йигитга)

Ҳой, йигитча, имиллама, кармисан баттар,  
Чидаб келган бизнинг жонни худо ёқласин.  
Минг йилмикан тарозунинг бошида жойим,  
Жаннат, дўзах тўлса тўлар, тўлмас бу дўкон.  
Марҳаматин дариф тутмай қодир худойим,  
Одамзотни санамасдан яратган экан.  
Кошки булар фариштага ўхшаса сал-пал,  
Шулар келиб бу дунё ҳам бузилиб кетди.

(ичкарига қараб)

Ҳой, югурдак, қара дейман, чилимга сув сол!

### Йигит

Амакижон, мен келувдим, навбатим етди.

### Тарозибон

Амакингни топиб бўпсан, жиндек сабр қил,  
Бизларнинг ҳам жонимиз бор, биз ҳам мутеъмиз.  
Наинки сен, ишлайверсак бизларнинг ҳам, бил,  
Оғзимизга келиб қолар она сутимиз.  
Сен қаёқда шошмоқдасан? Шунча йил кутдинг, —  
Қора гўрда кўкрагингни босганча захга,  
Пайт келганда барчасини наҳот унугдинг?  
Шошма, йигит, улгурасан ўша дўзахга.

### Йигит

Балки жаннат кутмоқдадир...

## Тарозибон

Қайдан биласан?

(иҷқарига)

Ҳой, чилимни келтири дейман!

Югурдак фаришта  
(иҷқаридан)

Хозир, хўжайин!

Тарозибон  
(Йигитга)

Сендаиларга дўзах яхши, мула бўласан.

## Йигит

Агар ёрдам қиласангиз-ку жаннат ҳам тайин.

Анча-мунча савобим ҳам бордир, ўлдими?!?

Қарасангиз бўлар эди тезроқ, амаки.

Югурдак фаришта чилим келтиради.  
Тарозибон чилимни пешлайди.

Шу ҳам ахир кайф бўлдими, чилим бўлдими,  
Билмасман ҳеч, берганлари хасми, тамаки.  
Бир зум ҳордиқ чиқарайин,

(Югурдак фариштага)

Ҳой, сен болакай,  
Ҳисоблаб кел менга бунинг қилмишларини.  
Сал янгишсанг, билиб қўйгин, ҳолинг бўларвой,

(Бир дафтарча узатиб)

Шу дафтардан топажаксан бор ишларини.  
Бугунги кун ҳисобидан ўн мингинчи бу.  
Дафтарчада қалам билан белги қўйганман,  
Бир озгина дам олайлик, ҳориб бўлдим-ку.  
Ростин айтсам, шу ишлардан чарчаб тўйганман.

(Йигитга)

Қани, ўтири, яқинроқ кел, сен ҳам ҳорибсан,  
Омад келиб тушиб қолсанг беҳиштга шояд.

Бу оламга анча эрта келиб қолибсан?  
Боиси не, фалокатми ёки жиноят?

### Йигит

Бир фалокат юз берганди тошқин маҳали,  
Қизалоқни сой сувидан қылгандим халос.

### Тарозибон

Шунақа де? Аммо, лекин етмас бу ҳали,  
Баъзи ишлар бұладики тасодиф, холос.  
Савоб деган нарса ахир тасодиф эмас,  
Етмиш икки томирдан у оқиб келгуси,  
Яхши одам яхшилигин англамай қолмас,  
У виждөнни бир вазифа дея билгуси.  
Қайси куни бир ношукур дүзахга кетди,  
Мен ўзим ҳам бир мушт урдим, ростин айттанда.  
Куриб кеттан, сиягига ёпишган эти,  
Қалби тұла ҳасад экан — ношукур банда.  
Қанча-қанча бегуноқнинг бошига еттан,  
Хатто бола-чақасига урмиш гуноҳи.  
Ким билсин, у дүзахга ҳам чап бериб кеттан,  
Ҳа, болакай, кенг экан-да худо даргоҳи.

### Йигит

Бизларнинг ҳам маҳаллада бор эди бир зот,  
Үша қайга борган экан, айтсангиз билиб.

### Тарозибон

Ким эди у? Текинхўрми, кофирми, шаддод?

### Йигит

Салом берсанг чүнтагингни кетарди шилиб,  
Кимдан зарра фойда чиқса үша заҳоти  
Бориб ётиб олар эди остонасига.  
Товламачи одам эди, ўтди ҳәёти,  
Тавқи лаънат осилмасдан пешонасига.

### Тарозибон

Ким билади, унақалар күп ахир, укам.  
Ким ҳам ахир бундайларни йўлга солибди...  
Қайси куни биттасини дўзахга ёzsам,

Гүринг күйгур нақ жаннатта ўтиб олиди.  
Қайта олиб келишади, ёзиб юбордим,  
У нокасни тиқажакман дұзах қаърига.  
Инобатта ўтар ахир менинг ҳам қаҳрим,  
Одамлар у, чидайдиган бари-бариға.  
Балки сен ҳам үғридуңсан ё нокас, суллоҳ,  
Турғандырсан ноилождан бўйнингни буриб.  
Балки олган сал барвақтроқ жонингни Оллоҳ,  
Гуноҳларни қилмагансан балки улгуриб.

Югурдақ фаришта ичкаридан чиқади, қўлида гуноҳ-  
савоб дафтарчаси

### Югурдақ

Мана, тақсир, олиб келдим, текшириб кўринг!  
Икки пайса етмас экан беҳиштга.

### Йигит

Ҳайҳот!

### Тарозибон

Ўзингни бос, пешонангни минг жойга ургин —  
Ўзгартиргай тақдирингни на оҳ, на фарёд —  
Демак, сенинг гуноҳларинг ҳаддан зиёда,  
Жаҳаннамга боражаксан начора, ахир,  
Бўйнингни эг, тавба қилгин, боқий дунёда  
Бошқалардай бир бандасан,  
Фарқинг йўқ тақир.

### Йигит

Мен дўзахдан чўчимасман, устимдан кулма,  
Мен чидайман, аммо қайда ҳақиқат, имон?

### Тарозибон

Ўзингни бос, ҳой йигитча, шаккоклик қилма,  
Худойимнинг қаҳри ёмон, ғазаби ёмон!

### Йигит

Мен дўзахдан минг мартаба даҳшатли бўлган  
Ходисалар ва кунларни кўрганман аввал.  
Мен шайтондан минг мартаба даҳшатли бўлган

Олчоқларни күриб, чидаб турганман аввал.  
Лекин, айтинг, қаёқда у олий ҳақиқат?  
Кетаётіб фақат шуни билмоқ истайман.

### Тарозибон

Сендақанги ботирларни күрганман фақат —  
Майли, сенинг жавобингни бермоқça шайман.

### Йигит

Нечун энди фақат менинг?

### Тарозибон

Чунки бир замон  
Сен күтқазған у қизалоқ менга хизматкор.

### Йигит

Ё Оллоҳим! Нечук энди у жаннатмакон  
Хизмат қилиб юрар экан бу ерда бекор?

### Тарозибон

Сабаб шуким, у бегуноқ қызча — фаришта,  
Майлиға у имон тилар сенға тангридан.  
Хүш, сен уни күтқазыбсан, қуллуқ бу ишга.  
Лекин қисмат оғирроқ-ку бунинг баридан.  
Сен жаннатий иш қилибсан бунинг учун, бас.  
Дейлик бир зум қуллуқ билан қилайлик таъзим.  
Лекин гуноқ деган гап ҳам рўй-рост иш эмас,  
Уни күриб кўрмаслик ҳам гуноҳи азим.

### Йигит

Менинг қандай гуноҳларим бор экан, қани,  
Илтимосим, энг оғирин берсангиз айтиб.  
Яна айтинг, гуноқ ишни кўрган маҳали  
Бўлғанмикан тилим тишлаб ўтирган пайтим?

### Тарозибон

Айлантирма гапни бунча, иккаламиз ҳам  
Ўзимизни галварсликка солмайлик бекор.  
Сени яхши танимайман-ку, сен соҳиб қалам,  
Сен шоирсан!

## Й и г и т

Валлоҳи аълам!

### Тарозибон

Шошмай тур, гап бор.  
 Сен шоирсан, сенга Оллоҳ ёруғ нур берди,  
 Оташ берди, забон берди, ҳам улуг юрак.  
 Тимсолингда бечоралар ўз дардин кўрди,  
 Бахтин кўрди, шодликларин кўрганлар бешак.  
 Боя сенга бир бандани айтиб бергандим:  
 Қора юрак, ҳасадгўй ҳам манфур ва олчоқ.  
 Ўзгасини қизиқсиниб ўзинг айтгандинг:  
 Товламачи ва текинхўр, сулиоҳ, ялинчоқ.  
 Танийсанми сен уларни?

(*Тепага қараб*)

Ё қодир эгам,  
 Пардаи хоб орқасидан уларни кўрсат!

Иккинчи арвоХ намоён бўлади.

## Й и г и т

Ҳайҳот! Мени жаҳаннамда ёндиригин, бироқ  
 Кўрсатмагин сен буларни, кўрсатма фақат!

### Тарозибон

Танидингми?

## Й и г и т

Ҳа, танидим.

### Тарозибон

Айбингни энди  
 Бир оз англаб олгандирсан, зуккосан, гапир.  
 Улар қанча бандаларнинг бошига етди.  
 Сен уларни кўриб, бир сўз дедингми ахир?  
 Илоҳий дил берган эди сенга худойим,  
 Қулоқ сол деб шўрликларнинг оҳи-воҳига.  
 Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,  
 Шеърлар битдинг юлдузларга, гулга, охуга.

## Йигит

Мен икрорман.

### Тарозибон

Аммо энди фойдаси йүқ-ку,  
Үз умрини яшаб бўлган энди одамзод.  
Ачинаман сенга, иним, инимсан, чунки —  
Гар қанотинг бўлмаса-да сен ҳам паризод.  
Қодир эгам муҳибларин сийлаган маҳал  
Шоирларни киритмишдир пари қавмига.  
Фаришталар тил фарқламас, миллат ҳам азал,  
Улар фақат қулоқ туттагай кўнгил майлига.

## Йигит

Бу гапларни оширдингиз меъёридан сал,  
Эшитганмиз бундақанги кинояларни.  
Гуноҳимга икрорман мен, тонмайман тутал,  
Юзга солманг, лекин ҳар хил ривояларни.  
Майли, дўзах тубларида кўйиб кул бўлай,  
Майли, қайноқ дарёларда оқсин суюгим...  
Кўзларимдан қон, ёш оқсин, зардобга тулай,  
Фақат бордир Оллоҳимдан битта тилагим.

### Тарозибон

Сўйла, қани, оташ тўла шу кўкрагингдан  
Ҳақиқатнинг шуъалари чиқсин сўнгги бор.

## Йигит

Менга бир жой курсатингки дўзах қаъридан,  
Токи ўша арвоҳларни кўрмайин зинҳор!

### Тарозибон

Суҳбатимиз маҳсулидир бундайин талаб,  
Оғир талаб, ростин айтсам, бундақа жой йўқ.  
Билмакдаман, кўкрагингда исёнкор бир қалб,  
Мен ўзим ҳам сендей эдим, ҳозир-чи, маҳлук...  
Бор, сен ҳозир, аросатнинг даштини айлан,  
Майли, жаннат дарвозасин қошига боргил.  
Икки пайса савобни сен топишга шайлан,  
Майли, йиғла, илтимос қил, майли, ёлборгил!

## Йигит

Ёлбормасман, йифламасман, бу қандайин гап,  
Бошқалардан савоб олсам гуноҳим учун.  
Майли, кетай дўзах сари ҳеч тортмасдан тап,  
Мангу азоб чекмоққа ҳам етади кучим.

## Тарозибон

Кўп қайсарлик қилма, иним, бу азоб боқий,  
Фоний дунё азоби ҳам сенга етарли.

## Йигит

Менга яна нечук керак ўзгалар оҳи,  
Қарғиш ўзи бор экан-ку, анча айтарли.

## Тарозибон

Ҳар кимдан ҳам сўрамассан, албатта, савоб,  
Сен деб ким ҳам роҳатидан кечар, укажон.  
Сен отангни ва онангни кўрарсан шу тоб.

## Йигит

Мен уларни кўраманми?

## Тарозибон

Мен айтсам, ион!

## Йигит

Оҳ, фалакнинг юлдузлари, чақнанг тобора,  
Фаришталар, баҳтлимассиз мен каби алҳол.  
Мен дўзахда ёнай, майли, лекин бир бора  
Мен уларни кўражакман, бу нечук висол?

## Тарозибон

Ҳа, кўрасан, лекин шуни унугта асло,  
Аҳволингни баён қилгил фарзандларга хос.  
Зора улар илтижосин тинглаб таоло,  
Жаннат йўлин сен учун ҳам кўрсатса рўй-рост.

## Йигит

Раҳмат сенга, холис хилқат, олийхиммат зот,  
Сендайларни яратибди — тангрига шукр.

Менинг учун бу йүриғинг олий мукофот,  
Ота-онам висолини күрайин бир кур.  
Лекин билгил, мен уларга арз этиб бешак,  
Савоб сүраб йиғламасман, кечирсін худо.  
Ұзларига етмас балки, менга васл керак.  
Балки қайта күришмасмиз, хайр, алвидо!  
Менга висол керак фақат.

(чиқиб кетади)

### Тарозибон

Хой, яна ким бор?

ПАРДА

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Аросат яланглигіда Йигит ёлғыз үзи

#### Йигит

Умрим үтди сарсонлиқда, саргардонлиқда,  
Яхши-ёмон замонларни күриб келдім мен.  
Баъзан маъно топа олдим чин инсонлиқда,  
Баъзан эса уни ерга уриб келдім мен.  
Мана, ўша тарозибон, у-ку, фаришта,  
Инсонлардан күра юксак туражак-ку у.  
У зотта ҳам қийин экан бундақа ишда,  
Күзларіда алланечук норизо түйғу.  
Қийин ахир уларга ҳам, қалблари бордир,  
Қийин ахир уларга ҳам — бордир күзлари.  
Фақаттіна фармона берар Оллоҳи қодир,  
Лекин қалбни англамайди қызлар сингари.  
Энди қайға борсам экан бу дашт, сахрова,  
Қайға бориб, падаримни кимдан сұрасам?  
Билолмасам, ким дўзахда, ким арш-аълода...

Йигит қаршиисида Чол пайдо бўлади

Ч о л

Ха, йүл бүлсин, мулла йигит?

Й и г и т

Валлоҳи аълам!

Ч о л

Кимсан, ўғлим? Йўлинг қайга, имонинг бутми?  
Қадамингдан подшоларнинг ҳиди келади?  
Лекин энди ҳаммага бир тангрининг ҳукми.  
Ким жаннати, ким дўзахи — ўзи билади.

Й и г и т

Ота, адам саҳросида йўлчиман танҳо,  
Дўзахиман, худойимнинг ҳукмига кўра.  
Марҳаматин дариф тутмай Оллоҳим аммо  
Висол учун рухсат берди.

Ч о л

Эришсанг зора.  
Ким билан сен учрашмоқчи бўлгандинг, ўғлон?  
Гар мен билан бўлса, қани, гапир, тинглайин.  
Агар қарзинг қолган бўлса — айтгин шу замон,  
Ақча эмас, дуо билан, майли, тўлайин.

Й и г и т

Ҳеч кимсада қарзим ҳам йўқ, олди-бердим ҳам,  
Гарчанд мени таламаган нокас қолмаган.  
Ақча учун икки дунё чекмасман алам,  
Зотан, унинг ўзи менда сира бўлмаган.

Ч о л

Хойнаҳой, сен бирор қизни кўрмоқчидирсан,  
Қасам ичган бўлсанг керак икки дунёга?

Й и г и т

Оҳ, отажон, қанийди мен севилган бўлсам,  
У қиз мени танимагай еру самода.

Ч о л

Унда кимни кўрмоқчисан?

## Йигит

Ота-онамни,  
Энди сүңг бор руҳларига бошимни эгсам.

## Чол

Бузрукворинг ким эдилар?

## Йигит

Эл чеккан фамни,  
Даф этувчи бир зот эди, табиблар отам.

## Чол

Шунақа де?! Отанг билан иккаламизнинг  
Вазифамиз ўшаш экан.

## Йигит

Сиз кимсиз?

## Чол

Гўрков!

Шундоқ, гўрков, сенга айтсам, ҳар биттангизни  
Бу ёқларга олиб келган икковиз, икков.  
У ўлдирган, мен бўлсан-чи, ўзинг биласан,  
Ер остига жо қилганман отанг гуноҳин.  
Кўп масхара қилишарди бизларни, билсанг,  
Оҳ, тириклар қайдан билсин гурковлар оҳин.  
Менга, мана, жаннат ато қилди худойим,  
Холбуки мен одамларни гўрга тиқардим.  
Гап шундаки, яхшиларни кўмганда доим  
Туни билан ухлаёлмай йиғлаб чиқардим.  
Яхшилари бор, албатта, табибларнинг ҳам,  
Ана, бири ҳамроҳ бўлиб юрибди менга.  
Тузук одам, ҳа, чиндан ҳам жаннати одам,  
Ана, ўзи келаётир, танитай сенга.

Ота яқинлашади. Даставал у Йигитни — ўғлини  
пайқамайди.

Ота  
(гурков чолга)

Хўш, оғайни, йўлни энди жаннатга бошла!

(Үглига күзи тушид)

Манови ким? Тушимми, ўнг?

### Йигит

Ота, отажон!

О, Оллоҳим, бошимизга осмонни ташла,  
Қайтдими-а, қайтмас дея ном олган замон!

### Ота

(Үгли билан күришади ва гүрков чолга)

Менинг пушти камарим бу, суюкли ўслим,  
Нуридийдам васли учун тангрига шукр.

### Чол

Хасратлашиб олинг, майли, мен кутай бир зум.

Кампирни ҳам кўрсайдингиз, бобои тушкур.

Мен бефарзанд бир одамман...

### Йигит

(гүрковга)

Раҳмат, эй бобо,

Ёр бўлгуси сизга шояд абадий роҳат.

### Чол

(йигитга)

Тангри сенга йўлдош бўлсин, майлига, аммо.

Ҳамроҳимни хафа қилиб қўимагин фақат.

### Гўрков чол узоклашади

### Йигит

(бир неча дақиқадан сўнг)

Мендан рози кеттандирсиз ҳойнаҳой, дада,

Кимга фурсат берибди бу югурик олам.

Баъзан имкон тополмадим ростин айтганда,

Мўъжазроқ бир тош қўйгандим қабрингизга ҳам.

### Ота

Марҳумларнинг ҳурматини бажо этмоқлик

Тирикларга ибрат учун топилган бир йўл.

Мурдаларга нима керак? Фақат кафанилик,

Ўғлим, сендан мен розиман, розиман буткул.

Юрагингда асрадинг сен ота ҳурматин,  
Мармартотш ҳам қўйдинг менинг тепамга, бироқ  
Ким муносиб фарзанд бўлса, падар шавкати  
Фиръавннинг эхромидан бўлар баландроқ.  
Бир қария ётар эди менинг ёнимда,  
Ўли унинг тепасига қўйди улкан тош.  
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,  
Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фош:  
Қабртошда ўзин исми ёзилмай қолмиш,  
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас  
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиш,  
Йўқ, бу савоб атамагай, манманлик, холос.  
Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса  
Ҳашаматли мармар тошни кўриб қолган он,  
О, бу тошни кўйган фалон азамат деса,  
Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.  
Кўряпсанми, инсон зоти ўлимни ҳатто  
Манманлиги учун рўй-рост ишлатмоқ бўлар.  
Оқибати нима кечди? Етди-ю фано  
Ҳаммаси ҳам йўқлик сари айлади сафар.  
Мендан аввал шўрлик онанг ўтди оламдан,  
Мана, бугун кўрибсанки, ҳаммамиз фоний.  
Бирор хабар борми, билмам, шўрлик онангдан.

### Й и г и т

Сизни кўриб туришим шу — келганим они.  
Тарозибон қошигача юрдик неча йил,  
Унинг ҳисоб-китобидан сал аввал ўтдик.

### О т а

Энди жаннат кучогига борармиз, ўғил?

### Й и г и т

Йўқ, дада, мен дўзахиман.

### О т а

Нимага? Нечук?

### Й и г и т

Қўйинг, бу ҳол янгиликмас мен учун, дада,  
Олиб қўйган қўринади жойимни бирор.  
Бу дунё ҳам олғирларга боқар экан-да.

Ота

Кўйгин, болам, ҳазил қўлма, қисмат беаёв!

Йигит

Бундан ортиқ қисмат бўлмас ахир, дадажон,  
Жазо учун жой бормикан дўзахдан ортиқ?  
Энди менга барибирдир ер билан осмон,  
Дўзах экан хизматимга берилган тортиқ.

Ота

Не қиласин, айбламасман Оллоҳ даргоҳин,  
Гарчанд сенинг қисматингдан чекмоқдаман оҳ.  
Бор экан-да, мен билмаган оғир гуноҳинг,  
Ўғлим, ахир пок эдинг-ку, нур каби, э воҳ!  
Сендан рози юрар эди каттаю кичик.  
Гоҳо келиб розилигин менга айтарди.  
Нечун энди дўзахисан? Нимага? Нечук?  
Қайси нокас гуноҳини сенга ағдарди?

Йигит

Ҳа, дадажон. Ҳамма гап ҳам ана ўшанда.

Ота

Наҳот бирор гуноҳлари сенга ёзилмиш?

Йигит

Ҳа, дадажон, ўзгаларнинг гуноҳи менда,  
Нокасларнинг гуноҳлари менга ёзилмиш.

Ота

Нима учун? Жойидами, эс-хушинг, ўғлим,  
Чалкаштириб қўймоқдасан ҳар хил гапларни.  
Нокасларнинг гуноҳига жавоб берар ким?  
Дейлик, бирор зино қўлса — сенга хатларми?  
Тушунмадим мен сира ҳам.

Йигит

Эшигинг, дада.

Сиз жавобгар бўлгандингиз беморларга.

Ота

Рост!

## Й и г и т

Сиз қанчалар қайғургансиз улар ўлганда,  
Софайганда бўлардингиз хурсанд бекиёс.  
Вазифамга кўра мен ҳам табиброқ эдим,  
Инсонларнинг руҳларига эдим жавобгар.  
Руҳи мажрух нокасларни кўрсам, не қилдим,  
Ўз тинчимни ўйлаб нари қочганман баттар.  
Улар эса бамисоли қутурган итдай  
Руҳимизга солар эди, фулу, қатағон.  
Ожизларни талар эди бижғиган битдай,  
Бир пул бўлиб қолар эди номус, ор, виждон.  
Ожиз қолган бечоралар айланиб боши  
Сиздан дори сўрар экан энди ўйласам.  
Барисига мен кабилар айбдордир рости.  
Мен жазога муносибман, ўйлаб қарасам.  
Аммо, афсус, энди қайта ўтмас одамзод.  
Ўз умрини яшаб бўлди, йўқдир фойдаси.

## О т а

Ўйлантириб қўйдинг мени, бу қандай бедод,  
Ахир ҳар бир ҳукм жорийнинг бор қоидаси.  
Сен ўз қўлинг етгунича иш қиласи эдинг,  
Бошқасига қолар эдинг ахир ноилож.  
Сен ўзинг ҳам бошқалардан ғам кўрар эдинг,  
Йўқ эди-ку, ўғлим, сенда салтанат ва тож.  
Наҳот энди ҳаммасига сен жавоб берсанг,  
Ахир ўзинг покҳомонми — шунинг ўзи, бас,  
Иғволарга балогардон бўлардинг, билсанг,  
Наҳот ўша савобинг ҳам бўлибди авас.  
Абдуллатиф гуноҳи ҳам сендадир балки,  
Кечир мени, парвардигор, ўзингсан ҳакам.

## Й и г и т

Дада, худо бошқармаган ҳеч қачон ҳалқни,  
Ихтиёрин берган эди лекин чинакам.  
Кимларнидир йўлдан урган ҳазрати шайтон,  
Кимларнидир бандам деган тангри таоло.  
Шайтон гапин муридлари бажарган обдон,  
Худо йўлин бандалари унугтан гоҳо,  
Ҳамма бало ана шунда, қодири гаффор  
Ўша нўноқ бандаларни кечирмас ҳеч бир.

Парво қылманг, дадажоним, баҳона бисёр,  
Қисматдир бу, қабрда ҳам тузалмас буқр.

### Ота

Хүш, бу ёғи не кечади?

### Йигит

Дүзах — надомат,

Лекин сира андуҳ чекманг мен учун, дада.

Кийнокларни кўп кўрганман аввал ҳам, фақат  
Алам қиласар икки пайса етмай қолганда.

### Ота

Етим қолдим ёшлигимдан мен ҳам отамдан,  
Одамларнинг эшигида санқидим итдай,  
Ҳатто дўзах лол қотарди мен чеккан ғамдан,  
Лекин шайтон йўриғига юрмадим қиттай.  
Урушларда бўлдим қанча, ўлмаган жоним,  
Пешонамга ёзган экан фарзанд, оила.  
Сизларни деб бутун умр оқарди қоним,  
Фоний умрим яшаб ўтдим ташвишлар ила.  
Имонимни бутун қилиб Оллоҳ серкарам  
Менга жаннат дарвозасин кўрсатди, шукр.  
Оҳ, учма-уч келган экан савобларим ҳам,  
Лекин сенга икки пайса бераман.

### Йигит

Ҳеч бир.

Етти қават ер қаърига тиқса ҳам тангри  
Мен дадамни жаннатдан ҳеч қилмасман жудо.  
Кечирингиз, дадажоним, боис сафарим —  
Васлингизга келган эдим, хайр, алвидо!

### Ота

Йўқ, йўқ, тўхта!

### Йигит

Хайр, отажон, уринманг бекор,  
Сизни йўлдан қолдирмайин, гарчи кетгум йўқ.  
Бу айрилиқ мангаликдир, оҳ на чора бор,  
Тангри ҳукми ҳар нарсадан олий ва буюк...

## УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Жаннатдаги ғоят гўзал қаср. Бу қасрда О на истиқомат  
қиласди. Атрофида фаришталар

### Фаришталар тиловати

Парвардигор шафқатни  
Ихтиёр этди.  
Ўн саккиз минг оламни  
Йўқдан бор этди.  
Бандасига билдириб  
Кўнгилларини.  
Тайин этди пайғамбар —  
Расулларини.  
Ҳазрат Одам шу тахлит  
Фасона бўлди.  
Малойиклар Одамга  
Парвона бўлди.  
Тўлсин боқий фароғат  
Ушбу хонага.  
Раҳмат нури даставвал  
Мушфиқ онага.

Она баланд таҳтда

### О на

Бир даҳшатни сезаётир юрагим тайин,  
Безовтаман, безовтаман анчадан буён,  
Гарчанд жаннат оромига ноил бўлмайин,  
Нимагадир юрагимда ғашлик ҳукмрон.  
Тавба, нечук ҳасрат экан менинг ҳасратим,  
Она зоти икки дунё наҳот тинчимас.  
Туғилгандан то сўнгги дам фарзанд қисмати  
Оналарнинг қисматига бўлганми пайваст...  
Нури дийдам қайда экан? Ким ҳам биларди...  
Ҳа, Оллонинг даргоҳи кенг, шахри ҳам катта.  
Имкон борми? Уни қандай қўриб бўларди?  
Уйда бўлса, келар эди ўзи, албатта.  
Дайди бўлиб ўсмаганди ўғлим ҳар қалай,  
Кутдирмасди, узоқ қолса мактуб ёзарди.  
Бу ерда-чи, куришмоқ йўқ, афсус, на қиласай,  
Бу ерда йўқ бирор билан бироннинг дарди.

Хур қиз югириб киради

### Хур қиз

Кутулмадим, қутулмадим шулардан, э воҳ,  
Ҳар қаерда бир гур экан бу йигит зоти.

### Фаришта

Илакишиб қолдимикан бирорта арвоҳ,  
Фақат, фақат нолиб ўтган бунинг ҳаёти.

### Хур қиз

Нолимайми? Хур кетсам-да боқмасдан, мана.  
Маҳрамлика келтирдилар, жаннат беҳуда.  
Сабаб нима? Сабаб — феълинг енгил дерлар, ҳа,  
Ҳақиқатни тополмасдан куйганман жуда.

### Она

Не гап, қизим? Безовтасан, нима гап ўзи?

### Хур қиз

Йўқ, йўқ, бекам, афв этингиз, шунчаки бир гап,  
Ногаҳонда тушди менга номаҳрам кўзи.  
Бу ерда ҳам бор шекилли бир хотинталаб.  
Остонада ўлтирибди меровланиб у.  
Гап сўрасанг, алланечук дудуқланади,  
Танир эдим сизни, дейди, шундай дейди-ю,  
Тупутини ичга ютиб ҳам сукланади.

### Она

Балки бирор танишингдир, балки бир Мажнун,  
Балки менинг ўғлим каби куйган бир йигит?

### Хур қиз

Танимасман, кўрганманман, ёт у мен учун,  
Балки бирор дўзахидир, шилқим, бесубут.

### Она

Ким экан у? Бу қасрда қандоқ иши бор?  
Номаҳрамлар нечун бүён қилибди журъат?  
Ҳар хил девлар кезар бунда, қўлида чўқмор,  
Лекин қадам босмас эди бандаси фақат.

Балки бирор ўткىнчидир, балки, эҳтимол...  
Шундақалар бўларди-ку у дунёда ҳам.  
Элимизда яхши одат бор эди, алқол,  
Мусофиридан аҳвол сураш савоб чинакам.  
Чақириңгиз!

### Ҳур қиз

Бекам, ахир мумкинмас сира,  
Эркак зоти бу қасрга қадам босмагай!

### Она

Мен — инсонман! Агар инсон бўлса бокира,  
Иблисларнинг қутқусига қулоқ осмагай!  
Тағин шуни унугмангки, унвоним — Она!  
Юрагимда не кечишин билолмассиз сиз.  
Сиз-ку ахир эрта-ю кеч менга парвона,  
Бўйругимдан ўзга бир иш қилолмассиз сиз!

### Ҳур қиз

Йўқ бекачим, бу шунчаки юзаки хизмат,  
Аслида биз интизомга посбонмиз атай.

### Она

Шунақами?  
Хўп фалати экан-ку жаннат,  
Посбонбоши келганида бу сирни айтай.

### Ҳур қиз

Йўқ, бекачим... мен шунчаки чалғидим гапдан,  
Истасангиз кира қолсин... Майлига... маъқул.  
Лекин фақат гап тегади.

### Она

Кимнинг тарафдан?  
У ниқобда кирсин, майли. Ҳодишимдир шул!

### Ҳур қиз чиқади

Не қилардим? Ҳар қайда ҳам нуқтаи низом,  
Жаннатнинг ҳам бор шекишли ўз йўсинглари.  
Ўғлим нолиб айтганидай, пойлайди мудом  
Маҳаллада чойхоначи кўса сингари.

**Хур қиз Йигитни ниқобланган ҳолда олиб киради**

**Хур қиз  
(Йигитга)**

Ниқобингни оча кўрма, йўқса бу зотнинг  
Кўйиб кетар савоб билан топган дунёси.

**Хур қиз чиқади**

**Йигит**

Оҳ, у қандай зот эканки, ўртар саботни,  
Ниқобдан ҳам ўтаётир унинг зиёси.

**Фаришта**

У — онадир, бандаларнинг ибтидосидир,  
Унга ҳурмат жойиз эрур икки оламда.  
Унинг меҳри самовотнинг илк садосидир,  
Шу боисдан ғалат ҳислар қўзғар одамда.

**Фаришталар тиловати такрорланади**

**Йигит  
(тиз чўкиб)**

Рұксат айланг, о, буюк зот, тиз чўкай сизга,  
Ҳар хил чучмал тавозедан йироқман гарчанд.  
Ногаҳонда кириб қолдим ҳузурингизга,  
Лекин она экансизки, мен сизга фарзанд.

**Она**

Етар, етар, тур ўрнингдан, олижаноб зот,  
Балки кекса мураббийсан, падарсан буюк.

**Йигит**

Ким эсак ҳам барчамизга бергансиз ҳаёт,  
Онаси бор ҳар қандайин зотнинг ҳар нечук.

**Она**

Ҳа, барчасин тушунаман, онаман, тўғри,  
Лекин буни англамади одамзод тугал.  
Она ўғлин ардоқлар, у бўлса ҳам ўғри,  
Лекин фарзанд она қалбин уқмас ҳар маҳал.

Ер юзида жанглар кечди қаттиқ, қатағон,  
Оналарнинг дийдасидан оқди қоңли ёш.  
Унутмангки, мойил бўлса жангларга ўғлон  
Она қалби шу қадарли тортади ёввош.

### Й и г и т

Номукаммал эди замин шу сабабдан ҳам,  
Неча-неча зотлар унда ахтармишди йўл.  
Лекин ажаб тароватли эди у олам,  
Жуда қийин тириклиқдан узмоқлик кўнгил.

### О на

Шундоқ гаплар айтар эди ўғлим ҳар доим,  
Эсимдадир, сўнгги нафас топширадим жон, —  
У деб эди: “Яратибди бизни худойим,  
Начораки, унинг ўзи қиласи пайҳон.  
Сабр қилинг, дер эди у, бўлинг мардона”.  
Ажиб кувват олган эдим таскин сўзидан.  
Сабр қилинг, дер эди-ю, лекин хуфёна  
Ўкрап эди, ёш оқарди унинг кўзидан.

### Й и г и т (четга)

Во ажабо, онамни ҳам худди шу тахлит  
Сўзлар билан кузатгандим бокий дунёга.

### О на

У ҳаётни севар эди босиқ ва собит,  
У топиниб яшар эди нурга, зиёга.  
Фоний дунё азобларин у татиб кўрди,  
Иғволардан тилка бўлди гоҳида дили.  
Қайдা ҳасад уруғ қўйса, билингки, дерди,  
Ўша жойда баланд бўлғай ифво ҳосили.  
Ёлғиз эди дунёда у, лекин чинакам  
Ёлғизлатиб қўйган эди ҳаёт бешафқат,  
Дерди мудом: “Бу дунёнинг доим бири кам,  
Орзу билан яшаб ўтар одамзод фақат”.

### Й и г и т (сергакланиб)

Ким эди у?

## О на

Ким бўларди бундақанги зот?  
Ё бир дарвеш, ё бир олим, ё шоир ахир.  
Шоир эди менинг болам, соҳиби ижод,  
Қисматини ўйлаб тун-кун ўртанаар бағир.

## Й и г и т (четга)

Қодир эгам, сўнгти бора сабот бер ўзинг,  
Дариф тутма бардошингни мендан баногоҳ.  
Чора қайда? Сўнгти дафъа ниқобда юзим  
Волидамга дуч келишни ўйлабмидим, оҳ,  
Чора қайда?

## О на

...Фалат гаплар айтарди гоҳо,  
Эсимда бор, эркаланиб деганди бир гал:  
“Ҳар бир зотта ёдгорлик бор, мен бўлсам аммо  
Қўяр эдим “Яхши Одам” номли бир ҳайкал.  
Сабаб шулким, яхши одам азиздир, ноёб,  
Сайёralар тўпи ичра қўёш мисоли”.

## Й и г и т (четга)

Оҳ, онамнинг ҳузурида турибман шу тоб,  
Ёзмишимда шундоқ экан унинг висоли.  
Аҳволимни баёт этсам кул бўлар куйиб,  
Бекор бўлиб кетажакдир топган жаннати.  
Дийдорига боқолмадим бир бора тўйиб,  
Ўзини ҳам ўртаётир ҳижрон кулфати.

## (Онага)

Бовар этинг сўзларимга, она, онажон,  
Жаннат руҳин туймоқдаман сұхбатингизда.  
Гар қоида кўтарса-ю, изн этса осмон  
Бўлар эдим азал-абад хизматингизда.

## О на

Кимсан ўзи? Қандай зотсан? Аён эт, ё Рабб.  
Илтижойинг юрак-бағрим юборди эзиб.  
Сўзинг тинглаб ва шикаста бастингта қараб

Она қалбим ниманидир турибди сезиб.  
Ким билади, сен сингари ўғлим ҳам бу кун  
Қайлардадир кезиб юрар овора, сарсон.  
Жаннатдами, дўзахда у — мубҳам мен учун,  
Лекин мени она дединг, демак — фарзандсан.

### Й и г и т

Она дедим, чунки ахир онасиз, она!  
Сиз ҳам ахир оналиқдан тона билмассиз.  
Мени болам деяверинг дилдан, росмана,  
Гарчанд фарзанд дийдорига қона билмассиз.

### О на

Нетай, ночор аҳволингни турибман кўриб,  
Нетай, бунда турли найранг ўйлаб топарлар.  
Ўзларининг рухсорларин очиқ қолдириб,  
Сендаиларнинг юзларига ниқоб ёпарлар.  
Ким эканинг ноаёндир менга бу фурсат.  
Билмасмен ҳеч — мақсадинг не? Муродинг нима?  
Олағовур ичра ҳозир дўзаху жаннат,  
Кимлигингни истасанг — де, истама — дема.

### Й и г и т

Мен ўткинчи бир кимсаман, муҳаббат боис  
Ногоҳ тухтаб ўтган эдим останангизда.  
Мен хуш кўрган, аммо лекин ҳур кетган бир қиз  
Хизмат қилиб юрар экан кошонангизда.  
Севар эдим мен бу қизни қизғин дил билан,  
Барбод этган ниятимни лекин сарҳадлар.  
Мендан аввал дўстим унга ошуфта бўлган,  
Кўришмадим, ёздим фақат турфа хил хатлар.

### О на

Ҳа, ҳур қизнинг у дунёси қорадир бутун,  
У қисматга бўй бермаган, қисмат бунга ёв.  
Бегонадан хуфя совға олгани учун  
Бўғиб кетган буни бир кун бўлажак куёв.  
Ҳа, ҳар кимнинг ўз дарди бор, мен бўлсам, мана,  
Кимни кўрсам фарзандим деб хаёл қиласман.  
Маъзур туттин каловлансан, мен ахир она,  
Жаннатда ҳам болам дея сочим юласман.

## Йигит

На чора бор? Оналарнинг йўриғи шундок,  
Мана, менда икки пайса етмас жаннатга  
Аҳволимни деёлмадим онамга бироқ,  
Савоб керак ўзига ҳам ахир, албатта!

## Она

Онанг билан кўришдингми?

## Йигит

Жаннатда онам,  
Лойиқ қаср ато этмиш парвардигорим.  
Менинг учун тириклиқда у чеккан аlam  
Етиб ортар, шу боисдан йўқ зўру зорим.

## Она

Савоб керак барчага ҳам ҳалол, бефириб,  
Мана, менинг савобларим учма-уч экан.  
Лекин уни кўрсайдим гар, савобим бериб  
Дўзахга ҳам кетар эдим, кечирсин эгам.

## Йигит

Ҳамма гап ҳам шунда, Оллоқ серкарам  
Кўш яратмиш чора ила бечора сўзин.  
Офтобсиз-ку, маҳв бўларди зулматда одам,  
Аммо тика олмасди ҳам офтобга кўзин.  
Мен отамни кўриб қайтдим, отам, хайрият,  
Ноил бўлмиш фароғатли жаннат васлига.  
Ҳосил бўлди, иншоолло, дилдаги ният:  
Мен уларни кўрмоқчийдим — кўрдим аслида.  
Бошим оққан томон энди кетарман гирён,  
Мен сингари чорасизлар изғиб юрибди.  
Фовур ичра тўнтарилиб ётибди жаҳон,  
Биздайларни эса дўзах кутиб турибди.

## Она

Қандоқ мадад берсан сенга? Ушбу маънода  
Кўз ёшидан бўлак ишга етмайди кучим.

## Й и г и т

Йўқ, онажон, алам чекманг, нурли дунёда  
Яшанг, майли дуо билан барчамиз учун.

Хур қиз киради

Хур қиз

(Йигитга)

Бўлди, энди тарк этингиз ушбу қасрни,  
Посбонбоши келиб қолар, кун оғаётир.

Й и г и т  
(четга)

Абадиян олиб кеттум, оҳ, ушбу сирни,  
Юрагимга ҳеч ёришмас тун оғаётир.

(Онага)

Сизнинг билан видолашмоқ оғир нақадар,  
Биздайларни кўп кўрган гар бу кўхна дайр.  
Энди сизга сўнгги сўзни айтай мухтасар:  
Куллуқ сизга, онажоним, алвидо, хайр!

## О на

Тўхта, тўхта! Менда ҳам бор сўнгти илтижо,  
Ниқобингни бир зум олгин, эй, яхши одам!

Й и г и т

Йўқ, онажон, йўқ онажон, мумкинмас асло,  
Оналарнинг ҳаққи эрур роҳатбахш олам.

## О на

Не ҳам дердим, нотанишсан сен менга зеро,  
Одамларни ўхшаш қилиб қўяркан замон.

(Хур қизга)

Кузатингиз ушбу зотни.

(Йигитга)

Энди алвидо!

Й и г и т

Алвидо, эй меҳрибоним, хуш қол, онажон!

## Ҳур қиз Йигитни кузатиб чиқади

Она

Маҳбус каби туравериб ушбу қасрда  
Балки фаҳмим ўтмаслашган, толиққан руҳим.  
Ким бўлди бу ажаб одам? Ким у аслида?  
Шунчаки бир ўткинчими? Ким бўлди у? Ким?  
Нимагадир танитмади ўзин, ҳар қалай,  
Юрагида дарди тўла, аламзада зот.  
Мурожаат қилди менга она деб атай.  
Ёнган дилим қайта бошдан ўргади, ҳайҳот!

## Ҳур қиз киради

Она  
(Ҳур қизга)

Кузатдингми?

## Ҳур қиз

Ҳа, кузатдим, эсин қўйган еб,  
Тушунмадим, муроди не? Қанақа дарди?  
Иккинчи бор видолашдим онам билан деб,  
Катта йўлда дабдурустдан йиғлаб юборди.

Она

Нима? Нима? Чакир уни, қайтаринг зинҳор,  
Оҳ, жаннатинг поймол ўлсин, бошимга етди!

## Ҳур қиз

Фурсат ўтди, энди уни ахтармоқ бекор,  
Улкан бир издиҳомга қўшилиб кетди.

Она ҳушидан кетади

Фаришта  
(Ҳур қизга)

Нима қилиб қўйдинг, ахир, ҳой иблис қизи,  
Бечоранинг жаннатини қилдинг-ку абас.  
Бежиз сени енгилтак деб айтмаган ўзи,  
Йўқса ҳозир сирни очмоқ шартмиди, нокас!

Зулмат чўқади

ПАРДА

## ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Дұзах дарвозаси олдидеги улкан хандақ. Үспирин ва  
Қария пачакилашиб турған бир ҳолат.

Үспирин

Талантлиман!

Қария

Талантлисан!

Үспирин

Такрорла тағин!

Қария

Куни бүйи такрорладим, етмасми, бүтам,  
Ельвораман, бир оз тинч құй, шафқат айлагин.  
Худодан күрк, чол кишини құйнама күпам.

Үспирин

Биласан-ку, азалийдир бизнинг бу жанжал,  
Бир томондан вакил сенсан, бир томондан мен.  
Хозир сени бұғажакман, чунки менда гал,  
Навбат етгач, хунарингни күрсаттайсан сен,  
Талантлиман!

Қария

Талантлисан!

(Үспирин Қарияни бұра бошлайды)

Күйвор, ҳой кофир!  
Ахлы инсоф, ёрдам беринг!

Үспирин

Бақыр, ҳа, бақыр!  
Кұрамиз, хұш, қани кимнинг таланти баланд.

Қария бақыра бошлайды. Йигит кириб келади.

Йигит

Кимдир бунда Исрофилнинг суридан ортиқ,  
Киёматни қойим қилиб додлаёттан зот?!

*(Уларни ажратиб, ўспиринга)*

Хой, инсофинг борми ўзи, бу нима қилиқ,  
Бобонг тенги бир чолни-я? Қўйвор, ҳой, шаддод!

**Ўспирин**  
*(Йигитга)*

Дўзахда ҳам тарбиячи пайдо бўлдими?  
Воизмисан, нима бало, тавбангдан кетай!

**Қария**  
*(Йигитга)*

Кўриб сен ҳам атворига кўнглинг тўлдими,  
Лекин навбат бунивидир, чидайман, нетай.

**Йигит**

Ҳеч нимани тушунмадим.

**Қария**

Ҳа, сенинг демак  
Соҳанг бошқа ё дунёдан ғофилсан буткул.  
Тараққиёт тимсолидир бизларнинг юрак,  
Неча минг йил тортишамиз мен зўр деб нукул.

**Йигит**

Йифиштириб қўйсангиз-чи, бу ишларни сиз,  
Чол кишилиз, ярашмайди сизга бу савдо.

**Қария**

Иложи йўқ, навбат билан тортишамиз биз,  
Тангри бизга шул жазони кўрибди раво.  
Кимдир айтиб кетган экан: ҳасад деган дард  
Энг аввало ўз эгасин кемиргай деб. Рост!  
Менга сира кун бермайди мана бу номард,  
Ёш бошига классикман дейди-я пақъос.  
Хозир бунинг навбатиди, мени у бўеди.

**Йигит**

Сизнинг навбат келганида не қиласиз, хўш?

**Қария**

Не қиласдим, оғзи бурни аралаш тўғри,  
Булғалайман ва ҳоказо, кўнглим жуда бўш.

## Й и г и т

Ё, алҳазар! Шунча хорми инсон деган ном.

### Қария

(Ұспириңга)

Хой, юр дейман, тарихни бу тушунмас экан,  
Юр, четрокда ишимиизни этайлик давом.  
Билиб қўгин, ҳозир менинг навбатим етган!

Улар четта чекинадилар.

## Й и г и т

Инсон зоти, сенинг недан каминг бор эди?  
Сенга тангри берганди-ку тафаккур, имон.  
Замин, ҳаво, — бари сенда барқарор эди,  
Нечун дилдан инсоғ ҳиссин айладинг гумдон?  
Ахир сен ит эмасдинг-ку, беланиб лойга  
Бир-бириңгни ғажисанг то суюк талашиб.  
Самимият қайда эди, тафаккур қайда.  
Луғатингда гар бу сўзлар ётди қалашиб,  
Ҳасад, ифво қайдан кирди шўрлик каллангта,  
Қайдан сени чулғаб олди худбинлик, куфр.  
Нечоғлик сен ширин эдинг гўдак паллангда  
Ва нечоғлик балчиқ ичра кечирдинг умр.  
Майли, қўқда камайса ҳам бирорта юлдуз,  
Ерда битта яхши одам кўпайса, дердим.  
Инсон учун асли кураш экан-ку жоиз,  
Ҳа, дўзахи эканман мен, ўзимдан кўрдим.

Кимса ҳовлиқиб келади.

## К и м с а

Қутқаз мени, ўн дақиқа гапимни тингла,  
Йўқса ҳозир келиб қолар менинг кушандам.

## Й и г и т

Оҳ, бечора, ҳовлиқмагин, ўзингни ўнгла,  
Шўрпешона бир кимсасан билсан, билмасам.

## Кимса

Бир зұравон мени сира қолимга құймас,  
Топширганлар мени унинг ихтиёрига.  
Шафқат деган нарсаны ҳеч билмайди нокас,  
Кунда бир бор пишиб олар сассиқ дорига.

## Йигит

Қандай дори?

## Кимса

Билмайсанми? Яңгисан демак,  
Бир үрага тиқиб олар азиз бошимни.  
Үн дақиқа сүзлаб олай, чорам йүқ булак,  
Хисобға ол касалимни, күзда ёшимни.

## Йигит

Хүш, нимани сүзлагайсан?

## Кимса

Ёмонлайман, бил!

## Йигит

Нима, нима!

## Кимса

Уқмадингми? Ифво қиласан!

## Йигит

Хүш, сен кимни ёмонлайсан?

## Кимса

Менга бари бир,  
Ифво билан ўз дардимга шифо қиласан.  
Пайғамбарми, худоми у, инсонми, шайтон —  
Мен ажратиб ўтирумайман, демократман чин.  
Гүл экансан, каллаварам, галварс ва нодон,  
Одаммассан, токи менга тушмабди ишинг.

## Йигит

Сендақалар қайда ұсган билмадим асло,  
Шу ерда ҳам ҳунарингни құймабсан, шүрлик.

## Кимса

Нега қўйй? Ўзи шундоқ яралган дунё,  
Бирор косиб, бирор табиб — касб-кор турлик.  
Ростин айтсан, бир сен эмас, ҳамманг ҳам пўкка,  
Икки дунё ҳақиқатга ўзимман нозир.  
Тарозибон устидан ҳам хат ёздим кўкка,  
Олатасир, текшир-текшир у ерда ҳозир.

## Йигит

Ҳа, юмушинг оғир экан.

## Кимса

Нимага оғир?  
Ота-онам орасини бузганман ҳатто,  
Бир-бирини заҳарлашиб ўлғанлар охир.  
Қайнонамни эса эсдан қилганман жудо.  
Зир титтаратди мени кўрса ҳатто тожу тахт,  
Ер юзида сарҳад билмай даврон сурғанман.  
Хўш, жаннатинг нима бўлти? Бузуқ бир хилқат.  
Унда пора олишганин ўзим кўрганман.

## Йигит

Бас қил, нокас, бас қил, нокас, муродинг сўйла,  
Яна қандай касалинг бор ифводан баттар?

## Кимса

Касалимми? Оғир касал. Танангта ўйла,  
Тек турсам гар, бор вужудим тинмай қичишар.

## Йигит

Йўқол бундан, лаънати зот!

## Кимса (кетаётисб)

Айниди бу ҳам,  
Иншоолло, яқин кунда тентак бўлади,  
Бир бор ўлса Аэроилнинг қўлида одам,  
Каминанинг дастларида икки ўлади.

## ПАРДА

## БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

### Йигит

(дүзах қопқаси олдида)

Хали дүзах қопқасидан ичкари кирмай  
Остонада шунча савдо бўлса-я, ё Рабб!  
Умрим ўтиб кетибди-да, ҳеч нени кўрмай,  
Тарозибон айттанидай, кўрмабман қараб.

(Овоз)

Аҳли нокас, тингла, тингла! Ҳозир барингни  
Ахлат ўра эшигига ҳайдаб йигаман.  
Ким яширган бўлса менинг ифвогаримни  
Ўзини ҳам уша жойга бирга тиқаман!

Дўст кириб келади

Дўст

(Йигитни пайқамай)

Қайдадир у, йигит умрим куйдирган суллоҳ,  
Бошимга у не кунларни ахир солмади.  
Менга роҳат бағишлайди уни қийнамоқ,  
Чунки менга узга юпанч энди қолмади.

(Йигитга кўзи тушиб)

Ие, ие, бу сенми... ё... ё кудратингдан!

Йигит

Сен ўзинг-чи? Узингми, ё мавҳум нишона?!

Дўст

Минг розиман, парвардигор, бу нусратингдан!

Йигит

Оҳ, бормисан, биродарим, дўстим ягона!

Дўст

(Кўришадилар. Жимликдан сўнг)

Шунақами? Дўзах дегин, Шундоқ бўлдими?..

## Йигит

Шундоқ бүлди. Мана сенга сұнғти хulosса!  
Үйлагаймиз на тириклик ва на ўлимни,  
Кисмат билан на низо бор ва на муроса.

## Дүст

Нече замон бу хилқатда кездим тентираб,  
Қолгани йўқ мен кирмаган биронта пучмоқ,  
Ҳатто жаннат қошига ҳам бордим муқарраб,  
Учратмадим, тополмадим, мен сени бироқ.  
Ва сұнғ тангри марҳаматин адо этай деб  
Иғвогарни топиб олдим бу ердан ахир.  
Эрмагим шу, жазолайман аламим ортиб,  
Кўп нолойиқ ишлар билан машғулман ҳозир.

## Йигит

Тентирадим ўшанча вақт мен ҳам тахминан,  
Ота-онам васлига ҳам етишдим ҳатто.  
Оқибатда лоқайд булиб қолгандим чиндан,  
На дўзаху на жаннатга бор эди парво.  
Ҳа, тангрига айтай энди мен ҳам шукрни,  
Ҳасратдошмиз, мана, энди шерикмиз, ҳамдам.  
Икки пайса савоб боис кўрдим кўп ерни,  
Олганим йўқ аммо уни ота-онамдан.

## Дүст

Сенинг айбинг нима экан? Гуноҳинг қай хил?

## Йигит

Гуноҳимми? Одамзодга ортиқ ишонмок!  
Шу боисдан икки пайса етмади сабил,  
Тарозибон дашном берди, у ҳақдир бироқ.

## Дүст

Нимасига ишондинг сен одам боласин,  
Айт-чи, унинг қай хислати сени этди ром?  
Йиғлаб туриб, сева туриб, дейман, тингла сен,  
Ишонмадим инсонга мен, тамом, вассалом!  
Осмондаги юлдузларни мумкин санамоқ  
Аммо инсон феъл-авторин борми поёни.  
Сента доим нима дердим, эслагин ўртоқ:  
Хаёл билан безаб бўлмас асло дунёни!

Эсингдами, күтқазгандинг мени иғводан,  
Йиғишириб олмасымдан ҳали хүшимни,  
Маңкаманинг котибаси тұсыб дағыттан  
Тилаб олди оғзимдаги тилла тишимни.  
Иғво, найранг, ҳасад, фийбат булар бариси  
Ох, азизим, очолмади күзингни наҳот?!  
Сенга вафо қылдими, хүш, илҳом париси,  
Жаннат ато қылдими ё “гузал” коинот?!

### Йигит

Тугатдингми?

### Дүст

Нимайди, хүш?

### Йигит

Үзинг-чи, үзинг,  
Фалва билан не орттирдинг? Айбинг не экан?

### Дүст

Ха, үлашга мажбур этар сенинг бул сүзинг,  
Ишончсизлик бўлди менинг бошимга етган!  
Тарозибон роппа-роса бир кун ўлтириб  
Кўз олдимда қилмишними чўтига солди.  
Ишонмайсан менга ҳам деб, писанда қилиб,  
Дафтариға кўл қўйдирди, тилхат ҳам олди.

### Йигит

Сенга қанча етмас экан?

### Дүст

Икки пайса, ҳа,  
Етишмаган менда ҳам шу маънавий томон.

### Йигит

Янглишибмиз иккимиз ҳам нозик нарсада,  
Чунки инсон ўз номи-ла Ҳазрати Инсон!

### Дүст

Ҳазрат Инсон деганинг не? Куруқ сүз фақат!  
Мен ҳам инсон, сен ҳам инсон, у ҳам инсон-ку!

Эса қайда ҳазратга хос бирор фазилат,  
Булар бари биз түкіган оддий лисон-ку!

### Й и г и т

Ишонмайсан, демак шулдир ақиданг тугал,  
Сени ким деб атасак, хүш, одамзод учун?

### Д ў с т

Ишончингни поймол қилиб құярлар аввал,  
Сүнгра уни қайта талаб қылмоқлик нечун?  
Ох, азизим, мени асло ёвуз деб билма,  
Мен ёвузыл курбониман, қалбимда алам.  
Ушбу ғалат нисбатимдан тағин сен кулма:  
Ура берсанг ғаюр тортар энг ёвшөш ит ҳам.

### Й и г и т

Яшаб үтдик тирикликтің тунд саҳросида,  
Масалан, бир наботтедек, бир чечак мисол.  
Яшнадик гоҳ баҳорларнинг хүш ҳавосида,  
Бандимизни букиб кетди гоҳ ёвуз шамол.  
Жами инсон борасида менинг бул сўзим,  
Ўйлаб қара, тарихда бор ибрат доимо:  
Не-не зотлар гар ўзлари топса ҳам тўзим,  
Одамзодга кўрганлар ёмонлик рало.  
Эзгуликнинг йўли оғир, серғалва гарчанд,  
Юксакларга кўтарида соҳибин бироқ.  
Майли, менинг руҳим синиқ, хаёлим парканд,  
Ҳис қилтурман эзгуликнинг офтобин порлок.  
Асабларим қақшаб кетди, ростини айтсам,  
Жаннат, дўзах ғалласидан бўлдим ҳам безор  
Дўстим, сенга бир ниятим изҳор айласам.

### Д ў с т

Хўш, у қандай ният экан?

### Й и г и т

Рад этма зинҳор.  
Ҳозир иккови кириб борсак, дейлик, масалан,  
Тўлармиди жаҳаннамнинг чексиз маскани?!  
Дўстлик ҳаққи, илтимосим эшил қатъяян:  
Олгин мендан етмаган шул икки пайсани!

## Дүст

Нима? Нима? Эсинг бутми? Сенга не бүлди?  
Эшитмадим гапингни мен! Қайтиб ол дархол!  
Билсанг, ҳозир коинотнинг бели букилди,  
Оҳ, сарсонлик қуриб кетсин, чарчабсан алҳол.

## Йигит

Галим қатый!

## Дүст

Куллуқ! Аммо сабр этиб бирров  
Менинг айтар гапларимга қулоғинг тутгин.  
Яхши-ёмон ҳикматларинг үзинің сийлов,  
Фалсафангни, азиз дүстим, бир зум унұттин,  
Кимманки мен ўз дүстимдан олсаму савоб,  
Ёлғиз ўзим кетаверсам ўша жаннатга.  
Ҳақиқатнинг мезонидир азалдан инсоф.  
Ҳар нарсанинг ўз йүриғи бордир, албатта.  
Эсингдами, Маҳшар бағрин роса оралаб  
Фақат сени, фақат сени ахтардим дедим?!

## Йигит

Дединг.

## Дүст

Аммо нима эди мендаги талаб?

## Йигит

Нима эди?

## Дүст

Мен қарзимни узмоқчи эдим!  
Сүнгги пайтда ифвогардан қылғандинг халос.  
Ҳәётимга бахш эттандинг тинчлик, ҳаловат.  
Яхшилигинг қайтаролмай қарздор эдим, рост,  
Бўйнимда бурч, эзилдим то рўзи қиёмат,  
Менинг учун икки олам бўлди бир чақа,  
Биласан-ку, қиёмат қарз деган нарсани.  
Тушун ахир мени, дўстим, қулоқ тут гапга,  
Савобим ол, сен ол мендан икки пайсани!

## Йигит

Во ажабо, томошанинг қызиги чиқди!  
Биласанми, таъма заҳри куфрдан ортиқ.  
Иғвогар-ку, ғазабингта ахир йўлиқди.  
Лекин сенда қарзим бўлса — ол, сенга тортиқ!  
Оғайнимдан икки пайса ўмарид шодон,  
Мақтанийми падаримнинг олдидা, қани?!  
Аҳволимни тушун, сен ҳам, баҳаққи имон.  
Сен оласан мендан ўша икки пайсани.

## Дўст

Асло! Асло! Сен оласан!

## Йигит

Йўқ, йўқ, мутлақо!

## Дўст

Сен оласан! Сен оласан! Охирги сўзим!

## Тепада садо гулдирайди

## Йигит

Тингла, дўстим, келаётир қандайдир садо!  
Бирга ўсдик, бирга майли топайлик тўзим.

## Садо

Волида-ю падарларга қуллуқ ва раҳмат!  
Ташаккурлар бўлсин нурли инсон зотига.  
Фикрингизни лекин бу ён булинг бир фурсат.  
Зеҳн солинг гапнинг асл тафсилотига:  
Икки дўстнинг садоқати, меҳри, ҳиммати  
Коинотнинг қадридан ҳам тургайдир баланд.  
Ҳеч не билан ўлчаммайди дўстлик қиммати,  
Қулатгай у сарҳадларни қудрати билан.  
Ҳикоятдан мурод шулким, улуг, муҳтарам  
Дўсти содик насиб этсин ҳар кимга ҳар он,  
Жаннат ато қиласажакман иккингизга ҳам!  
Жаннат йўли мана, Сизга очиқ, чароғон.

Атроф бирдан ёришиб кетади

ПАРДА

1978

# ҲАКИМ ВА АЖАЛ

(Достон)

*Абу Али ибн Сино таваллудининг  
1000 йиллигига багишиланади.*

## I

Жуда қадим замонларда,  
Минг йилча бурун,  
Бухоронинг шундоққина Афшонасида  
Яшар эди, ғоят закий битта ўспирин,  
Тенгдошлари қаторида ҳали расида.

Чорва билан машғул эди ота-онаси,  
Тириклиқдан камтаргина ком олган эди.  
Лекин шундоқ оиласининг ўша боласи  
Ёш бошидан Ҳаким деган ном олган эди.

Бир нарсада танти эрур доим табиат,  
Идрок берса қарамагай усти-бошингта.  
Неча-неча саройлардан ҳатлаб ўтган баҳт  
Ногаҳоний Ҳумой бўлиб келар қошингта.

Ҳакимда ҳам турфа хислат эди мужассам,  
Хусусан у табиблиқда пур ҳунар эди.  
Ҳар бир гиёҳ кўзларига гўёки малҳам,  
Малҳам эса гиёҳ бўлиб кўринар эди.

Болаликнинг бегамлиги ўтди кўп шитоб,  
Жуда эрта ниш қўрсатди унда тафаккур.  
Эрмак бўлди бобосидан қолган тиб китоб,  
Табиатдай баравж ўси, табиатдай ҳур.

Баҳор келса Ўрта чўлнинг далаларида,  
Чўликларнинг даврасида куни ўтарди.  
Гиёҳ териб гоҳо ўрим паллаларида  
Ҳўп<sup>1</sup>чиларнинг усулида байтлар битарди.

---

<sup>1</sup> Ҳўп — ҳўқиз билан ғалла янчиш.

Ҳаким деган номи унинг тарқалиб бот-бот,  
Не ҳайратки, ҳар учраган топди күшойиш.  
Келар бўлди унга энди атроф тумонот,  
Ҳар беморда унга истак, ҳар соғда хоҳиши.

Бандасига берай, деса берар экан деб,  
Оддийгина хулосасин чиқарган эл-юрт.  
Донги унинг Афшонага бўлган эди зеб,  
Кунба-кундан ортар эди бу шон беҳудуд.

Ўнг билан туш, вужуд ва руҳ, тафаккур, борлиқ  
Унинг зеҳну идрокида эди ҳукмрон.  
Бу дунёда инсон билан не бўлса боғлиқ  
Чулғар эди хаёлини мұжизасимон.

Ҳали сукут сақлар эди ва лекин тақдир,  
Ўрни ҳам бўш истиқболнинг қароргоҳида.  
Чорлар эди, ундар эди уни қайгадир  
Қишлоғининг чангли йўли гоҳи-гоҳида.

## II

Хабар келди Бухоронинг арқидан бир тонг,  
Ёш малика хасталаниб ётармиш ҳолсиз.  
Қолмабди ҳеч қараашмаган табиб, дуохон,  
Малика-чи, ҳануз ҳорғин, ҳануз мажолсиз.

Одам иси ёқмас эмиш, тунд ва бадқовоқ,  
Фақат китоб варақлармиш қараб дарчадан.  
На яхши-ю, ёмон гапга солмасмиш қулоқ,  
Юз ўтириши куппа-кундуз барча-барчадан.

Бундай ҳолдан амир ғоят ташвишда эмиш,  
Эзилармиш қизгинанинг ҳолига қараб.  
Хуллас, чопар буйруқ билан амирдан келмиш,  
Отланиши керак эмиш Ҳаким арк тараф.

Ўша куни келтирдилар Ҳакимни у ён,  
Баланд-баланд минорлардан бордилар ўтиб.  
Улкан аркка етишганда, бир йигит шоён  
Ичкарига бошлаб кетди илтифот этиб.

Мен Мирзоман, деди йигит, вазирдир отам,  
Маликага талабгорман, түй құлмоққа шай.  
Лекин бу қыз эркак зотин хушламас ҳеч ҳам,  
Күмак учун чақыртирдик биз сени атай.

Боз устига беморман деб, уйдан чиқmas ул,  
Үжар қызни юмшатасан, бошқа гап бекор.  
Қанақанги ұнарнинг бор, құллагил буткул,  
Эзіб ички бергил майли, ёзиб бер тумор...

Аввалига гангиб қолди бу гапдан Ҳаким,  
Эл ичида гарчи бисёр юриши эди.  
Неча-неча хасталикни даф этиб, балким  
Бундақасин биринчи бор күриши эди.

У илк марта аянч билан бокди үзига,  
Аянч эди қаршисида арк ҳам баякбор.  
Қаради-ю, Мирзонинг у ҳиссиз құзига,  
Юриб кетди илгарига дадил, шиддаткор.

— Күрсатингиз менга, — деди, — үша беморни,  
Мармар саңну зиналардан ошиб үтдилар.  
Айланишиб жуда юксак нақшин виқорни,  
Зийнатланған бир эшикка бориб етдилар.

— Мана, — деди Мирзо үйчан. — Малика шунда.  
Ошёнадан күринарди равоқтар олий.  
Ҳаким рұхсиз сухан құлди, күтгайсиз бунда,  
Қоида шул, иккимизни қолдириңг холи.

### III

Одам лойдан бунёд бўлган дейишган қадим,  
Хоки туроб бўлажак у ўлгандан сўнг ҳам.  
Шак келтирди илк мартаба бу гапга Ҳаким,  
Инсон билан талашарди бу уйда ҳашам.

Токчаларда ялтиради жавоқир, билур,  
Шамдоңларнинг куббалари кескир чараклаб.  
Ҳарир парда орқасида гүё гужум нур  
Ёш Малика ўлтиради китоб варақлаб.

Қаршисида мұъжизани күргандай тугал,  
Ҳаким бир зум туриб қолди ҳиссиз ва совуқ.  
Кіз эмас бу, пари эди ғоят мукаммал,  
У шаҳд билан дарпардага ёндошли ёвуқ.

Китобидан бош күтарди Малика ногох,  
Шиквали бир қарааш қилди: — Табибми сен ҳам?!  
Во ажабо, қәёқда бор бундайин нигох,  
Маликанинг кўзларида чаракларди ғам!

Бамисоли фор оғзида ўсган бир сунбул,  
Соя ҳидин уфурарди бу гўзал вужуд.  
Хонанишин эди бу қиз, ўй билан машғул,  
У ҳаётдан бекинганди, ёлғиз ва маҳдуд.

— Маъзур тутинг, — деди Ҳаким, сўз бошлаб секин,  
Ба фармоний олий келдим мен ушбу ерга.  
Мен табибман! Фикрат билан иш туттум лекин,  
Дардингизнинг шифоси бор, теккайсиз эрга!

Нафис чинни қўлдан тушиб сингандай гўё  
Жаранг солиб кулди қиз шўх, маст каби майсиз.  
Улаб кетди бироқ Ҳаким гапни шу асно:  
— Йўқ, маликам, фақаттина севиб теккайсиз!

Қанчалик тез ёнган бўлса шундоқ сўнди у,  
Бир зум қотди Ҳаким сари кўзларин қадаб.  
Рұҳсиз гўзал маъюстгина қилди гуфтигў:  
— Бухорода сендей табиб бор экан, ажаб...

Ошёнага илтифотсиз имо этди сўнг:  
— Устоzlаринг дорулари ана у жойда.  
Маликанинг кўзларида порлар экан мунг,  
У буюрди: — Табиб бўлиб қолгунг саройда!

Аён эди Маликанинг дилидаги дарз,  
У жиловлаб қўйган эди балоғат кучин.  
Неча йиллик армонини Ҳаким этди арз:  
— Рухсат бўлса кутубхона етар мен учун.

Билдиришишdir амир шу кун Ҳакимга рўйхуш,  
Муродига еттанди у бетўсиқ, бежанг.  
Бамисоли фазоларда парвоз этган қуш,  
Бамисоли уммонларда чарх урган наҳанг.

Бунда асрий қулёзмалар, девонлар ноёб,  
Илми нужум, илми шеъру илми тиб, бари.  
Қанча-қанча ҳикматлардан жам бўлган китоб,  
Бунда эди инсон ақлин жавоҳирлари.

Бир кун насиб этармикан менга ҳам шу баҳт,  
Мен ҳам нурли бу қасрга соларманни из?  
Чулғар эди уни гоҳо орзуласар хушбаҳт,  
Ўтказарди тунларини Ҳаким уйқусиз.

Саҳифалар орасидан рўбарўсига  
Чиқар эди турфа савол, нимага? Нечун?  
Ўлар бўлса инсон агар туғилмоқ нега?  
Наҳот мен ҳам яшаяпман ўлмоқлик учун!

Яратишдан мурод нима? Бундай чоф Ҳаким  
Тавба билан бош эгарди, келтирдим, деб шак.  
Бандаларга банда ишин буюрдинг токим,  
Ҳар заррада ўзинг борсан, ўзинг бор бешак.

Лекин тунлар идрок ила қолганда якка  
Йироқларга элтар эди яна хаёллар.  
— Гар ажалга даво топсам етардим ҳаққа,  
Ечиларди, — дерди Ҳаким, — барча саволлар.

Шундоқ ўтиб борар эди унинг кунлари,  
Фикру ўйин байтга солиб тизарди баъзан.  
Ҳордиқ чоғи ошиқарди Афшона сари,  
У ердадир волидаси, у ота маскан!

Шуҳрат уни ҳар сония чулғарди аммо,  
Умр деган ўтиб борар бетўхтов, шитоб.  
Ҳаким бир кун эзгу ишни этди муддао,  
Битсам, деди, авлодларга мен ҳам бир китоб.

Тиб илмининг уммонидан гавҳарлар тизиб,  
Дафтаримда барин-барин жам эта борсам.  
Илмим ила шояд фоний умрдан ўзиг  
Йироқ-йироқ авлодларга ҳам ета борсам.

Боболарнинг руҳи ўзи ёр бўлсин дея  
Ният билан Ҳаким бир тонг ушлади қалам.  
Хонасида пайдо бўлди бирдан жория:  
Йўқлаб келди, — деди, — сизни, ўзи, Маликам!

## V

Очиқ эди Маликанинг авзойи фоят,  
Остонада ҳатто енгил айлади таъзим.  
Бу ташрифдан мутаассир бўлиб ниҳоят,  
Бошин эгиб турар эди бир четда Ҳаким.

Жавонларга томон юрди Малика аста,  
Туриб қолди ниманидир гўё варақлаб.  
Саҳифадан нигоҳ узмай сокин, шикаста  
Лекин титроқ бир овозда бошлиб қолди гап:

— Муҳаббатдан сўз очгандинг у кун сен, табиб,  
Лекин шуни унугдингки, мен ҳам муслима...  
Ҳаким бир зум қараб қолди хаёлга ботиб  
Бамисоли лангариши йўқоттан қема.

Бухоронинг фоят теран дарди эди бу,  
Юракларга ботган пинҷон игнаси эди.  
Маликанинг лабларидан кўчган бу туйфу  
Аёл зотин кўр қисматта гинаси эди.

— Муҳаббатни тарғиб этмоқ жоизмас, бироқ  
Айт-чи, нетсин ўз қалбини ахтарса ҳар ким?  
Маликанинг овозида янгради сўроқ,  
Бу жасур қиз қаршисида жим қолди Ҳаким.

Бу — Малика, камол топган юксак саройда,  
Бўйга етиб излар эди ўзига ҳамдам.  
Муҳаббатни уқдирмоқдан йўқ зарра фойда,  
Ташна эди севгига қиз, ташна жуда ҳам.

Ёш Ҳакимдан жавоб кутиб, кутиб бирор ун  
Маликанинг кўзларида шуъла ёнарди.  
Ҳаким деди: — Икки нарса мубҳам мен учун,  
Бири ажал, бири эса муҳаббат дарди.

Жавонларнинг орқасида недир шу асно  
Кўчган каби бирданига кетди тарақлаб.  
Не ҳайратки, уй буржиду турарди Мирзо  
Китобларга кўмилганча, кўзи чараклаб.

Ногаҳоний манзарадан иккиси ҳам лол,  
Қалқиб кетди, чекингандай зўр рўйи баддан.  
Мирзо эса терга ботиб туаркан беҳол,  
— Мутолаа қўлмоқдайдим, — деди зўргатдан.

Маликанинг кўзларида чақнади кибр,  
Деди: — Нечук интилибди бу зот зиёга?!  
Қиз эшикни ёпар экан зарб билан кескир  
— Тоқатим йўқ менинг, — деди,— сендеқ Мирзога!

## VI

Ҳар қандайин одамда ҳар бор пинҳон қудрат,  
У йўналган жойин кесар лекин тиф каби.  
Малика деб Мирзо гарчанд чекса ҳам ҳасрат,  
Ўзга эди, бошқа эди унинг матлаби.

Фоят нозик фаҳм этарди буни Малика,  
Баттар ўтда ёнар эди таҳтни қизғаниб.  
Мирзо дилин босган эди теран таҳлика,  
Туни билан ухлаёлмай чиқди тўлғаниб.

— Қаёқдантир келиб қолган бир табиб юзсиз  
Маликага сұхбатдошdir, балки ҳасратдош.  
Тантиқ қизнинг хаёлин у банд этган сўзсиз,  
Тахтта томон ўрмалаган чаён бу, авбош!

Куритмаса бўлмас унинг изини минбаъд!  
Тонгда Мирзо Ҳаким томон йўл олди жадал.  
Юрагида уйғонганди сўқир бир журъят,  
Жўнатмоғи керак лекин тинч ва бежанжал.

Салтанатнинг пойидаидир Ҳаким ҳар қалай,  
Бошни тиқиб буларми ҳеч аждар комига.  
Хаёлини чулғаб олди режалар талай,  
Қарор қилди, Ҳаким тушгай олтин домига!

Мирзо шу кун Ҳаким билан келди юзма-юз,  
Одоб ила гап бошлади ғоят узоқдан:  
— Миннатдормиз хизматингдан, бурчлимиз сўзсиз,  
Мана сенга ҳамёндир, бу, — тұхфа биз ёқдан.

Энди етар, жўна энди қишлоғинг томон,  
Сендан ҳижрат, мендан эса бўлсин сийму зар.  
Муроди не, англаганди Ҳаким бегумон,  
Ёқар эди Мирзони рашк, ҳасад кўру кар.

Бу саройда китоб эди илинжи якка,  
Етишганди неча йиллик армони билан.  
Ҳаким деди: — Тайин этган мени Малика,  
Кетажакман фақат унинг фармони билан.

Саркаш Ҳаким қаршисида бўшашиб Мирзо,  
Чекинди сўнг афв сўраб ортига noctor.  
Ҳаким ҳиссиз қўл силтади, кўдна бу савдо!..  
Сўнг киришди китобининг шарҳига такрор.

Сарой ичра зулмат чўкиб, оққанида вақт,  
Ой сафарин бошлаганди мағриб томонга,  
Даричани очиб Мирзо ярим кеча нақ  
Лахча бир чўғ ташлаб кетди китоб жавонга.

## VII

Сарой узра ногаҳоний кўринди олов,  
Янграб қолди ғовур ичра посбонлар саси.  
Қиёқ тилин минорларга чўзиб беаёв  
Ёнар эди амирликнинг кутубхонаси.

Хоб аралаш ҳужрасидан югурди Ҳаким,  
Даричадан отди ўзин оловга томон.  
Фақат сунгти илинжига улгурди Ҳаким,  
Ёзмаларин олиб чиқди у ердан омон.

Тақдир унга берган эди беаёв фириб,  
Ҳаким мунглуг боқар эди бир уюм кулга.  
Тонг чоғида амирнинг хос миршаби кириб,  
Ҳайдаб кетди, уни түғри олий қабулга.

Аён эди, бало уни кутарди сўзсиз,  
Аён эди бўлмаслиги зарра ҳам шафқат.  
Юксак таҳтдан қаҳр билан тикканича кўз  
Қарши олди уни амир, — соҳиб салтанат.

— Сени Ҳаким деб билардик ғоятда донгдор,  
Ишонгандик шул сабабдан кутубхонани.  
Сен имонсиз зот экансан, фирибгар, айёр,  
Не муродда ўт қўйдинг, хўш, жавоб бер, қани?!

Ҳа, ҳакимга тушган эди бу иш уволи,  
У букилган ҳаддин букиб, деёлди фақат:

— Тангри воҳид, Бухоронинг шонидан холи  
Шон бўлмаган менинг учун, йўқ бўлак шавкат.

Пешонада неки бўлса бандаси кўрмиш,  
Жазога мен мустаҳиқман, амрингизга шай!  
Лекин буюк бул гуноҳга кимки кўл урмиш,  
Уни улуғ битикларнинг заволи ургай.

Кулфат деган келса асли кела берар, рост,  
Бир чувалган ипни энди тараб чиқар ким?  
Китобёқар деган номни олганди паққос  
Ўз умрини китобларга баҳш этган Ҳаким.

Китоб эмас, олов ичра ёнганди бағир,  
Фақир эди, ўрганмаган мукофотларга.  
Олим эди, нечук бошин кўтарсин ахир,  
Ҳаким эди, донғи кетган музофотларга.

Туар эди ўз ёғига қоврилиб Ҳаким,  
Ожиз эди ҳодисотнинг тафсирасидан.  
Жаранглади қулоқлари остида ҳукм:  
—Ҳайданг буни Бухоронинг чегарасидан!

Ҳали буткул босилмасдан саройда ғавро,  
Ҳали поён топмасидан миш-мишлар тугал,  
Маликанинг ҳузурига чорланди Мирзо,  
Уни фоят ўйга солди такаллуф бу гал.

Сипо эди Маликанинг авзойи гарчанд,  
Юзларига лекин ҳасрат солган эди из.  
Бамисоли зўр мўъжиза рўй бериб бирдан,  
Бир кечада катта бўлиб қолган эди қиз.

— Муродингта етдинг, — деди, Малика босик,—  
Ҳар ким кўргай не ёзилган шўр пешонага.  
Бироқ менга айт-чи, Мирзо, жавоб бер очиқ,  
У кун нега кирган эдинг кутубхонага?

Уни тафтиш қилмоқдайди Малика аён  
Ва баробар пинҳон дилин бораарди ёриб.  
Мирзо деди: — Юрагимни ўртагач гумон  
Даричадан тушган эдим, соядек бориб.

Оҳ, маликам, — деди Мирзо, — Сиз зотсиз порлоқ,  
Сиз ҳилолсиз, йўқ, қуёшсиз, у-чи, сўнник шам.  
У бир гадо, у бир табиб, у ялангоёқ,  
Ахир нечук у бўларди сиз билан ҳамдам.

Қиз дафъатан бўғриқди-ю, айлади хитоб:  
— Тингла, Мирзо, мен саройнинг тантиқ нуриман.  
Айбимми ё эгнимдаги бу зар, бу кимхоб,  
Мен ҳам инсон шуурининг меросхўриман!

Тингла, Мирзо, мана буни дейдилар қиёс,  
Бу — Бухоро Маликасин юрак ифшоси:  
Сен — тубансан, у-чи, юксак, сен — хок, у — қуёш,  
Сен — гадосан, у — тафаккур мулкин подшоси.

Инсон — Ҳазрат! Инсон — кабир! Бу гапни аммо  
Уққандирман на падарим ва на онадан.  
Ақидамни топтама сен, мен уни зеро  
Топган эдим сен ёқсан ул кутубхонадан.

Энди тамом қуриганди Мирзо мажоли,  
Сүз деёлмай Маликага турарди қараб.  
Бу қандайин сөхр бўлди, бу кимнинг фоли,  
Аёлдан ҳам чиқар экан авлиё, ё рабб!

Закий бу қиз мантиқ ипин олганди тутиб,  
Лекин ортга бурилди-ю, бошин этди ҳам.  
Секин деди: — Толеимни тургайман кутиб,  
Эркак бўлсанг Бухородан чиқиб кет сен ҳам!

## IX

Сўнгги бора боқди Ҳаким она Жайхунга,  
Сўнгги бора боқди ҳазин диёри томон.  
Қолди юрти, волидаси ботганча муніта,  
Уни олиб кетмоқдайди ҳимматли карвон.

Яхшиямки, тақдир деган юпанч бор, магар  
У бўлмаса одам ғамдан битарди қуриб.  
Бамисоли ошёнига шошган кабутар  
Шу бир сўздан паноҳ топар ҳар ким югуриб.

Мана уни қайларгадир йуллади тақдир,  
Гарчанд улуг шуҳратига йўқ эди тараф.  
Тасбиҳ қаби ўтирилиб кунлар бирма-бир,  
Ҳамадонга етиб келди карвон эрталаб.

Билмасди у, қисмат унга не қилар ҳадя,  
Бахт топарми ёки кулфат бегона жойдан.  
Бухоролик ҳозиқ Ҳаким келганмиш дея,  
Гап тарқалди ўша куни карвонсаройдан.

Эл ҳамиша икки зотнинг кутгай йўлини,  
Шул икковни юрагига санагай ҳабиб.  
Бири шоир — куйлагувчи эзгу дилини,  
Бири эса дардан фориғ этувчи табиб.

Тангри уни қисмаганди бундок инъомдан,  
Кўзига нур, юрагига жоду солганди.  
Карвонсарой эшигини ўша кун шомдан  
Неча юз-юз мажруҳ одам ўраб олганди.

Бу ерда ҳам чулғаганди Ҳакимни шараф,  
Жонбахш қўли унинг яна киришди корга.  
Ўқинса-да, у қувғинди умрига қараб,  
Шукр, деди қадр берган парвардигорга.

Не бўлса ҳам бу мунглуг юрт, бу унинг Шарқи,  
Ошно эди болаликнинг афсонасидан.  
Вайрон-ю, рудларининг йўқ эди фарқи  
Олисларда қолиб кеттан Афшонасидан.

Карвонсарой эшигига шошарди ҳар ким,  
Тонгдан то шом узилмасди бунда саф, қатор.  
Қай бир дарду хасталикни қайд этса Ҳаким,  
Китобига битар эди ўшани тезкор.

Кори-хайрга бахш этарди лаҳзаю онни,  
Ортар эди китобида қайд ва саҳифа.  
Бир кун ногоҳ йўллаб олий тахтиравонни,  
Саройига олиб кетди уни халифа.

## X

Вазирликка тайин бўлди Ҳаким ўша кун,  
Ажратдилар унинг учун олий, хос макон.  
Салтанатнинг осмонига берганди ҳусн,  
Йироклардан учиб келган юлдуз дурахшон.

Ҳаким учун неки жоиз, шай эди, ҳуллас,  
Фақат унга ёлғиз шартни кўрдилар раво.  
Уқтиридилар, сен Бухоро фарзанди эмас,  
Унуттайсан у ношукур юртни мутлақо.

Лекин Ҳаким шуурига сифмасди бу шарт,  
Хаёлида Афшонанинг гўзал осмони.  
Паноҳ эди салтанатлар Ҳакимга фақат,  
Ажал билан олишмоқлик эди армони.

Даф этди у неча-неча қисмат пандларин,  
Неча тилу забонларни фатҳ этди осон.  
Йиллар ўтиб, Шарқнинг улуғ донишмандларин  
Даврасига кирган эди бу жасур инсон.

У тиббиёт оламида күтарди байроқ,  
Улаб чиқди парканд, юлук ипларин бир-бир.  
Деди, тан ҳам яхлит эрур, сарғайса япрок,  
Узиб олиб обиҳаёт бермаслар, ахир.

Деди: танда бесабаб дард бўлмоғи душвор,  
Тараалгай у асаб деган битта маёқдан.  
Муҳаббат ҳам хасталикдир, инжик, шиквадор,  
Кириб келмас юракка у аллақаёқдан.

У асрарди дилда яна битта ниятин,  
Поёнига етолмасди ва лекин пешлаб.  
Кўрсам дерди тан-вужуднинг ботиниятин,  
Ёриб кўрсам дерди уни қўл билан ушлаб.

Лекин бундоқ манзарани ҳис этгани чоқ,  
Ногаҳоний қўрқинч билан титраб кетарди.  
Осиёманми? Яратдинг-ку мени ҳам, халлок,  
Дея тунлар, тангрига жим сукут этарди.

Боқар эди ой тамғали тоқи равоққа,  
Маҳобати улуғ эди, о, унинг ҳаддан.  
Тенгсиз журъат керак эди ошиб ўтмоққа,  
Асрларнинг ўзи тиккан бундай сарҳаддан.

Ажал билан олишувдир, дерди, ниятим,  
Иккимиз ҳам ҳақ олдида соме ҳар қачон.  
Эшик оға кирди бир кун: — Не дей, ҳазратим,  
Бухородан йўқлаб келмиш сизни бир меҳмон.

## XI

Ҳаким дили алланечук гувранди шу дам,  
Бамисоли эшилтандай бир сўз — жон физо.  
Эшик томон йўналди у шошиб, бечидам,  
Остонада турар эди бош эгиб Мирзо.

Ҳаким бир зум сукут этди бекалом, бесўз,  
Қаршисида фоят юпун зот эди, ҳақир.  
Этагини ўпар экан Мирзо букиб тиз,  
Нидо қўлди: “Мени маъзур туттайсиз, тақсир...”

Олисларда қолиб кетган севикли диёр  
Күрингандир ҳозир Мирзо шаклида балким.  
Бағрин очиб лутфу қарам этди ихтиёр,  
Мәҳмөнини ичкарига бошлади Ҳаким.

Фоят узоқ кечмишини арз этди Мирзо,  
Қув Малика уни юртдан бадарға құлмиш.  
Жиловдори билан икков бамисли гадо  
Юрглар кезиб тентирамиши, саргардон бұлмиш.

Ва ахийри паноқ истаб келмиш бу томон,  
Донғи кеттан улуғ Ҳаким, юртдош вазирга.  
Не қисмат бор, бажаармиш барин бегумон,  
Фақат таъқиб этмаса бас тақдир, қасирға.

Ногаёнда дув ёришди Ҳакимнинг юзи,  
Деди: “Олғил истаганча олтин ва күмуш,  
Сени менга парвардигор йұллади ўзи,  
Топшираман сенга, Мирзо, оғир бир юмуш.

Қабристонга ұтажаксан сен бугун оқшом,  
Харид қилиб келтиргайсан янги бир мурда.”  
Мирзо ранги узилди-ю, ўчди батамом,  
“Е, ҳазратим, бу нечук шарт”, дейді зұрға.

Ҳаким деди: “Ажални мен шундоқ йўл билан,  
Даф қилурман, муродимдир тажриба фақат.  
Гўрковни сен рози айла бисёр пул билан,  
Ҳузуримда қолай десанг, сир сақла минбаъд”.

Ўша тунда муродига етишди Ҳаким,  
Содир бўлди тиб илмида пинҷон инқилоб.  
Ёриб кўрди у инсоннинг танин баваҳм,  
Тонг ёришмай дағн этишни буюрди шитоб.

Куни бўйи иккови ҳам дилгир, бенаво,  
Ҳидлаб юрди дафъи дард деб юрак дорини.  
Лекин Ҳаким билмас эди, ўша кеч Мирзо,  
Келтирганди бўғизлаб ўз жиловдорини.

Шу зайлда салтанатдан Мирзо топди жой,  
Ном қозонди Ҳакимнинг бир юртдоши сифат.  
Унга меҳру таважжуҳда қаарди сарой,  
Қатнашарди донишмандлар қурганда сұхбат.

Сирдош бўлиб борарди у Ҳакимга секин,  
Унинг билан интиларди шуҳрат томига.  
Битта ҳолдан ўқинарди ғоятда лекин,  
Нега бу шон келмади деб ўзин номига.

Афшонадан чиқиб қолган битта осий зот,  
Лол қолдириб турса наҳот олам-жаҳонни.  
Мирзо олис кечалари ухламай бот-бот,  
Қарғар эди каж тақдирни, ўртарди жонни.

Асли Мирзо жүн тириклик гандаси эди,  
Умри ўтиб билмасди ҳеч, нима онг, шуур.  
У тангрининг шундайин бир бандаси эди,  
Унинг учун пуч гап эди идрок, тафаккур.

Ҳаким ногоҳ чорлаб қолди Мирзони бир кун,  
Узоқ муддат изҳор этди унга хуш ният.  
Деди: — Улуғ меҳнатимга ясадим якун,  
Китобимга нұқта қўйдим, энди, хайрият.

Кўрдим илк бор инсоннинг мен ботин аъзосин,  
Тафаккурнинг номидан мен иш тутдим, Мирзо.  
Тингла, Мирзо, мен ўлимнинг топдим давосин,  
Ажални мен даф қилурман, енгурман, илло.

Қирқта шиша терилганди токча сафига,  
Ҳаким бир-бир санаб чиқди эринмай зинҳор.  
Деди: — Эшит, жон узилгач, марҳум лабига  
Аввал буни, сўнгра буни томизмоқ даркор.

Қиркда еттагч жонланади марҳум мутлақо,  
Тилга кирап ва оёққа тургайдир бешак.  
Осиёликни ўзгаларга кўрмадим раво,  
Қўлламадим бул доруни, келтирмай деб шак.

Мирзо күзин қоплаганды қуюқ бир туман,  
Каршиисига тушган каби осмон эшилиб.  
Шивирлади: — Ҳакимми бу ёки ёсуман,  
Жаҳаннамда ёнмасайдим бунга қүшилиб.

Ҳаким маъюс бир оҳангда сунг этди нидо:  
— Дилим очдим сенга, юртдош бўлганинг учун,  
Бул доруни балки менга қўлларсан, Мирзо,  
Иншоолло, умр ҳали узундир, узун.

### XIII

Ҳамадонга етиб келди мудҳиш бир хабар,  
Сарой аҳли ваҳм билан турди оёққа.  
Кўқдан офат келтирганмиш сирли кабутар,  
Бағридоғ деб аталгувчи битта қишлоққа.

Қай даргоҳга бориб қўнса бу қуш, ҳар мўмин  
Ўша замон тил тортмайин адo бўлармиш.  
Қуш бир уйнинг ёстиғин қуритса бугун,  
Эрта ўзга хонадонда пайдо бўлармиш.

Ўша кун зуд етиб келди қишлоққа Ҳаким,  
Бунча бўлмас жаҳаннамнинг даҳшати ҳатто.  
Қирган эди аҳли юртни офат бераҳм,  
Бир кас йўққи, мурдаларни кўмиб келса то.

Таҳликага тушган эди Ҳаким баоят,  
Ўлат эди бу даҳшатли, бу қора ажал.  
Даф этмаса агар уни на бир вилоят,  
Кирилмоғи мумкин эди Ҳамадон тутгал.

Фармон қилди Ҳаким шунда: борки тирик зот  
Ташлаб чиқсин уй-уйини белибос, шу он.  
Олмагайлар ўзи билан на мулк, на бисот,  
Йироқ кетиб, ертўлада тутгайлар макон.

Ўт қўйингиз, деди сунгра бадбаҳт қишлоққа,  
Жону жондор, ҳатто тоши чўғ бўлиб ёнсин.  
Кўмиб ташланг кулини ҳам теран тупроққа,  
Кеттан кетди, қолган одам энди қувонсин.

Үйлади сүңг ҳодисотни Ҳаким үлтириб,  
Ха, дард асли күз илғамас заррадан үтар.  
Қай бир элда эгасидан офат юқтириб,  
Паноҳ излаб учиб келган дайди кабутар.

Бормикан ё тириклиқда ўзга тартибот,  
Чеклимикан мавжудотнинг ҳадди, саноғи?  
Лекин бунда мантиқ қани? Асли не мурод?  
Баробарми яхши билан ёмоннинг доғи?

Қайтар экан Ҳамадонга Ҳаким бенаво  
Хаёлига Афшонаси келди негадир.  
Остонада волидаси турғандай гүё,  
Дилгир Ҳаким қамчи босди отта бесабр.

Ногаҳонда вужудини қоплади титрок,  
Ўт ёққандай кўкрагига кириб аллаким.  
От кўйди у, саройгача етмасдан бироқ,  
Мирзо! — дея қулаб тушди эгардан Ҳаким.

#### XIV

Салтанатда олағовур бўлди чинакам,  
Ётқиздилар уни хилват ўз хонасига.  
Шогирдлари тепасида туриб, дам-бадам  
Муз босарди ёнаёттан пешонасига.

Амр этди у: бирор кимса келмасин ёвуқ,  
Унинг ўзи қўллаяжак буткул давони.  
Яrim кеча тан уувшиб, тер босди совуқ,  
Чақирирди ҳузурига шунда Мирзони.

— Тингла, Мирзо, — деди Ҳаким, — умр кетмоқда,  
Ажал билан келмоқдаман юзма-юз ўзим.  
Умидворман, қудратим бор уни енгмоққа,  
Бухорони эслашайлик, ўтиргил бир зум.

Агар умр вафо қилса, изн этса замон,  
Афшонага кетажакман қаландар булиб.  
Баҳор чоғи Ўрта чўлни кезиб беармон,  
Яна байтлар битажакман завқларга тўлиб.

Агар умр вафо құлса, қолган ҳаётим  
Үтказарман мунис, мушфиқ волидам билан.  
Китобимда қолди, шукр, илмим, саботим,  
Ортиқ ишим бўлмас эди кори ғам билан.

Умидворман, бу кулфатни енгажакман мен,  
Айтганимдек доруларни томизгин, Мирзо.  
Шундоғ дея руҳсиз Ҳаким кўз юмди секин,  
Чўмган эди тубсиз ўлим қаърига даҳо.

Мирзо тенгсиз томошани пойлаган мисол  
Доруларни олиб келди, бир-бир авайлаб.  
Жонбахш сувни лабларига томизди дарҳол,  
Ўзи айтган қоидага риоя айлаб.

Жонлангандай бўлди шунда вужуд, ажабо,  
Лабларига бир-бир дору тома бошлади.  
Юзларига қирмизи ранг югурди гўё,  
Во дариғо, Ҳаким нафас ола бошлади.

Бундай ҳолни кўрмаганди Мирзо тушда ҳам,  
Ҳайрат ичра йўқотганди тамом ўзини.  
Сунгги шиша қолганида, ё қодир эгам,  
Ҳаким бирдан тириклардай очди кўзини.

Ҳуши учеби тисарилди ортига Мирзо,  
Бамисоли зўр гирдибод қаърига олди.  
Унуг бир ҳол хотирига келгандай гўё,  
Қўлидаги сўнгти шиша муаллақ қолди.

## XV

Яқин келди Ҳакимга у секин гувраниб,  
Кўзларида ёнар эди олов бешафқат.  
— Тингла, — деди, — кимлигимни энди ол таниб,  
Кушандангман, етди менга охирги навбат.

Тарғиб этдинг дунёда сен ҳур муҳаббатни,  
Таҳт юлдузи — Маликадан мени айирдинг.  
Осиё банда, мурда ёриб топдинг шавкатни,  
Шуҳрат билан қулларимни менинг қайирдинг.

Менман ўша, Бухорода саройни ёқиб,  
Сени юрту Ватанингдан жудо қилган зот.  
Менман ўша, томирингда қон бўлиб оқиб,  
Соя каби таъқиб этган сени умрбод.

Айт-чи энди, қайбиrimиз йиқилган, йиққан?  
Қани, мени енгиб кўр-чи, ажал мен ўзим.  
Мен — иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,  
Сен — закосан, йўқдир сени кўрага кўзим.

Мен бермайман бул доруни, — шундоқ деб Мирзо,  
Остонага урди чил-чил, битди матлаби.  
Сўнгра хилват бу маскандан бесас, бесадо  
Чиқиб кетди, бурилганча улкан қурт каби.

Тонгда Ҳаким ётолига кирдилар аста,  
Гўё ҳеч сир ўтмагандай кун эди ёввош.  
Ётар эди тўшагида безабон хаста,  
Фақат ҳоргин кўзларида ялтиради ёш.

Кунлар ўтди, ойлар ўтди судралиб секин,  
Сўнг йиллар ҳам ўтиб борди сингиб йўқликка.  
Холатида бир ўзгариш бўлмади лекин,  
Ётар эди ҳануз Ҳаким бокқанча кўкка.

Шогирдларнинг умри кечди унга термулиб,  
Ҳаким кўзин тарк этмади нурли нишона.  
Охир бир кун ундан рози инсонлар келиб,  
Тепасида кўтардилар улкан кошона.

Қўниқдилар асрлар ҳам тақдир ишига,  
Салтанатлар келиб кетди такрор ва такрор.  
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига  
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор.

Бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,  
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан холи.  
Кўради-ю, сўзлай деса забони йўқдир,  
Эшитади, турай деса йўқдир мажоли.

1980 йил май — июнь.

## ШЕЪРИЯТИМИЗ ЮЛДУЗИ

Болалик, ўспириилик чоғларида дунё, теварак ат-роф, табиат киши кўзига янам сирли-синоатли туюлади, ям-яшил майсалару лолазор қирлар завқингни тоширади, узокдаги виқорли тоғлар тинмай ўзига чорлайди, ойдин ёз осмонида милт-милт этган юлдузлар сирли жилмайиб, хаёлингни олиб қочади. Шундай лаҳ-заларда “завқини қитиқлаган ширин туйғуларини” кўксига сиғдиролмаган ўн етти ёшли ўсмир ҳайрату ҳаяжонини шеърий мисраларда изҳор қилишга жазм этади, тезроқ вояга етиб, юртга муносиб фарзанд бўлишни, юлдузлардек порлашни орзу қилади:

Ипак из қолдириб учар қувноқлар.  
Бир-бирин қувлашиб, чақишар чақин.  
Осмон гузалларин кумуш ётоқлар  
Кўйнига чорлайди, субҳидам яқин.  
Дейман: осмонларнинг ҳилоли бўлсам,  
Хулкар ва Зухроси бўлгим келади.  
Шу гўзал ўлкамда камолга тўлсам,  
Порлоқ юлдузлардай кулгим келади.

Гарчи ёш шоирнинг кейинроқ ёзилган “Милтирайди митти юлдуз” деб номланган шеърида ўз тудасидан ажралиб қолган, шамдек титраб, кўк гумбазининг бир четида “танҳоликдан ёш тўкаётган” осмон жисми ҳақида сўз борса ҳам ойтмишинчи йиллар ўрталаридан бошлаб шеър оламида чақнаган “митти юлдуз” тўғрисида гапира бошладилар. Йиллар ўтди, у ўзбек шеъриятини янги босқичга олиб чиққан ёрқин юлдузга айланди, шуъласи йироқ-йироқларга таралиб, бутун туркий адабиётнинг, Шарқнинг йирик сиймолари қаторидан жой олди, шеърлари кўйлаб

Фарб тиілларига таржима қилинди. Нафосат оламида “Абдулла Орипов шеърияты” деган гушунча мустақам қарор топди.

## 1

Инсоният бадий тафаккури мүжизаларидан бири бұлған шеърият инсоннинг олам ва борлыққа ҳиссий-эмоционал муносабати ҳосиласидир. Жаҳоннинг тилга тушған шоирлари яратған шеърий дурданалар барча халқтарнинг, барча авлодларнинг маънавий мулки булиб қолади. Вақт үтади, даврлар янгиланади, адабиётта янги авлодлар кириб келади ва бу маънавий бойликка ўз ҳиссасини құшишга өмірлеңдірділар.

Абдулла Орипов адабиётта бирёзламалик, риторика, декларативлик, баёнчилик, “баҳтли замонага” ҳамду сано үқиши авж олган, адабиётнинг ижтимоий-эстетик қимматидан путур кета бошлаган бир даврда шеърият остоңында қадам қўйди.

Ҳар бир шоир сингари у ҳам ҳаваскорлик, изланиш босқичини босиб үтди. Юлдузлар, тоғлар, капалак ҳақида ёзди. Улардан шеър излади. Бироқ у үқиши-урганиш босқичини тез босиб үтди, шеъриятнинг миссиясини, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини жуда эрта англади. 1962 йилда матбуот юзини кўрган “Куз хаёллари”, 1964 йилда “Шарқ юлдози” журнали сақифаларида эълон қилинган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Милтирайди митти юлдуз”, “Бургут” каби шеърлар ўз овози ва услубига эга бұлған шоир шаклланыптырылған дараптандырылған дарак берди. Шоирнинг собиқ иттифоқда сталинча зўравонлик шарпалари ҳали буткул даф бўлмаган, мустабид тузум ҳукмронлик қилишда давом этадиган, адабиёт эса “соц. реализм” исканжаси остида эзилиш ҳолатида бўлған бир шароитда исёнкор руҳ билан суғорилган түғёнили, лирик-фалсафий, теран мушоҳадали, ҳаётни ўзича кўрган чинакам миллий ва халқчил шеърлари оғир сукунатни титратиб юборган момақалдироқ янглиф янгради.

“Альбомга”, “Юзма-юз”, “Темир одам”, “Аёл”, “Муножотни тинглаб”, “Ўзбекистонда куз”, “Тилла балиқча”, “Дорбоз”, “Отелло”, “Уйку” каби шеърлардаги ўзига хос мушоҳада, дадиллик, ҳақиқатни англашга интилиш, ҳалқнинг дардини айтиш, энг муҳими, эркни улуғлаш, истиколла талпиниш — тутма истеъодод соҳибининг барчани маҳлиё қилиб қўйган, қизғин баҳс-мунозараларга мавзу бўлган муҳим фазилатлари эди. Унинг шеърларидан баҳраманд бўлиш “шеърият байрами”га (Қайсин Кулиев ибораси) айланиб кетарди.

Ҳаётнинг ичига чукур кириб бориш, ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашдаги қатъият ва изчилик, чукур образлилик, фикр ва туйгуниң ажойиб бир тарзда омухталиги, шиддаткор руҳ, ички драматизм, поэтик тафаккурнинг тेранлиги, Шарқ ва Farb шеъриягининг энг яхши анъаналари уйғулашганлиги ёш шоир ижодий эволюциясини таъминлаган омиллар бўлди. Бироқ юлдуздай чақнаган бу истеъодод учқунлари вақтинча эмасмикан деган ҳадиклар ҳам йўқ эмас эди:

Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,  
Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.  
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада  
Истеъодим сўнганидан қиласар каромат.

Шукрлар бўлсинким, умумхалқ эҳтироми, адабий давраларнинг эътирофи ёш шоирни ҳаволантириб юбормади. “Митти юлдуз”нинг нурлари тобора авжланиб, ажиб шуълалар таратса бошлади. Тез орада “Сароб”, “Баҳор”, “Авлодларга мактуб”, “Совфа”, “Минораи калон тепасидаги лайлак”, “Бизникилар”, “Жаннат” сингари ҳар бири адабиётимизда воқеа бўлган шеърлар яратилди.

Бу жиҳатдан кўп тархли “Авлодларга мактуб”, “Сароб” шеърлари эътиборлидир. “Авлодларга мактуб” шеърининг ёзилишига 1966 йилги Тошкент зилзиласи турткни бўлган. Шоир вақтлар ўтиб маъшум зилзила ҳақида ёзилган газеталарга кўзи тушган авлодларни тасаввур қиласи. Улар қарашса-ки, саҳифаларда азоб-уқубат, вахима жабрини тортган одамларнинг эмас, балки хушнуд

одамларнинг суратлари илжайиб турибди. Бу не ҳол? Ер ости қаттиқ силкиниб, уй-жойлар бузилса-ю, одамларнинг чехрасида шодмонлик? Шоир бу ҳолнинг сиридан авлодларни воқиф қиласи:

Дўстларим, ҳайратда қолмангиз фақат,  
Сирлилик бизларнинг услугга мосдир.

Тинчи йўқолган одамларни жилмайишга мажбур этган бу куч — “Советлар” услуби эди. Шоир таг маъноли мисралар, сўзлар воситасида ёлғон жамиятнинг, эркинликка ёт тузумнинг моҳиятини очиб беради. Бу тузум ҳатто “инсоннинг азалий касби бўлган, дунёдай қадим” дўстликни ҳам сал булмаса биз кашф этдик, фақат бизга хос деб боңг уради:

Сизга фалокатдан берганда хабар  
Дўстлик борасида ёзурлар албат.  
Ёзурлар: “...биз бўлдик тенгсиз биродар,  
Бу хислат бизларга хос эрур фақат”.

“Сароб” шеърида олтмишинчи йиллар ўртасида со-биқ иттифоқда ҳукм сурган муҳит, сохта foялардан тикланган жамиятнинг, разолат ва ёзувлукнинг моҳияти, му-аллимнинг “олдинда кутаётган баҳтли ҳаёт” тўғрисидаги сабоги билан реал ҳаёт ўртасидаги номутаносибликнинг лирик қаҳрамон қалбida қолдирган жароҳатлари ўтли, шиддатли, даъваткор мисраларда очиб берилди:

Мен умримнинг бу суронли кечаларида  
На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим.  
Юрагимга бир маҳаллар кирган туйгулар  
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.  
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,  
Қўймайдилар ваъдаларинг чиқди деб сароб.

Бироқ лирик қаҳрамон бир вақтлар ўзи сажда қилган ҳазрати инсон эндиликда унинг кўзига телба мисоли кўринса ҳам, оламда разолат, қабоҳат уруғлари урчиб кетган бўлса ҳам, дунёнинг поклиги ҳақидаги “гўдак ишон-

чи қорга ёзилган” хатдек эриб кетган бўлса ҳам заминдан, ўзи яшаётган мұхитдан узилиб кета олмайди, чунки у шу мұхитнинг меваси:

Не тонг, ахир фарзандмиз-ку шу замонага,  
Ахир она сийнасидан фарзанд тонолмас.  
Құл күтариб бұлармиди ахир онага,  
Зотан, унга құл күтарған — фарзанд санаалмас.

Шоир етмишинчى йилларда ҳам ҳаёт қатламларига чукур кириб бориб, инсон қалби кечинмаларининг нозик тебранишларини чизища давом этди. “Она сайёра”, “Генетика”, “Бир танишим ҳақида баллада”, “Куриқхона”, “Маломат тошлари”, “Учинчи одам” каби шеъларида бутун бир романга, қиссага арзирли муаммоларни ўргага ташлади ва уларни лирик қаҳрамоннинг асаб толаларидек тарапнг тортилган кечинмалари орқали ифодалашга муваффақ бўлди. Шоирнинг кейинги давр ижодида ҳам маънавиятни юксалтиришга, руҳиятни поклашга хизмат қилувчи сарбон туйғулар янада тиниқлашди, фалсафий руҳи кучайди, кўлами кенгайди.

Ҳар қандай зиддиятли даврларда бўлганидек, қарама-қаршиликлар кучайган, мухолифлик сўнгти нұқтасига етган, қадриятлар қайта баҳолана бошланган, йўл танлаш муаммоси кундаланг қўйилган саксонинчى йиллар охирида ёзилган “Узлат”, “Ишонч кўтприклари”, “Саволлар”, “Тараққиёт”, “Бегоналик” “Эътиқод” каби шеърларда кўпчиликни қийнаган саволлар ўтқир қилиб қўйилди, ўзини ҳақиқатман деб даъво қилувчи соҳтакорликлар фош этилди.

## 2

Давр ижодкорга мавзулар, туйғулар бериши мумкин. лекин ҳамма гап бу ниятни қай таҳлитда ифодалай билишда, рўёбга чиқаришща. Абдулла Ориповнинг санъаткор ижодкор сифатидаги маҳорати шундаки, лирик бир шеър доирасида умум аҳамиятли муаммони ўқ марказга олиб чиқиб, ўз поэтик ниятини реал борлиқнинг инъикоси бўлган фикрлар ва ҳис-туйғулар орқали жамият ва

алоҳида олинганд бир шахс оламининг ҳаққоний манзараси ва сийратини, шарҳи ва таҳлилини сатрларга сингидира олади. Шу ўринда сўз ўз-ўзидан шеъриятда, шу жумладан Абдулла Орипов шеърларида лирик қаҳрамон масаласига бориб тақалади.

Шеъриятда лирик қаҳрамон доимо асар марказида булади. Шеърият ихлосмандлари муаллифнинг лирик “мени” орқали шоирнинг поэтик оламидан воқиф булиш, унинг кечинмалари гирдобига кириш ва туйгуларини ҳис қилиш имкониятига эга буладилар. Лирик қаҳрамон дейилганда кимни — шоирнинг ўзиними ёки бирор бошқа шахсни назарда тутамизми деган савол туғилиши табиий.

Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони аксарият ҳолларда шоирнинг ўзи, унинг “мени” сифатида намоён булади. Бироқ бундан шоир билан лирик қаҳрамон бир шахс, улар ўртасига тенглик аломати қўйилади деган хуласа келиб чиқмаслиги лозим. Шоирнинг лирик қаҳрамони ўз даврининг илфор foяларини илгари сурувчи маънавий бой, эстетик фаол, юксак ватанпарвар, курашчан, дўстлик ва севгида садоқатли типиклашган образдир. Шеъриятнинг табиати, ўзига хос қонун-қоидалари, хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда лирик қаҳрамон фақат шоир шахси билан чегараланиб қолмайди.

Бу жиҳатдан Е. Евтушенконинг фикрлари эътиборлидир: “Шоирнинг таржимаи ҳоли — бу унинг шеърларидир... Шоир бошқалар тӯғрисида шафқатсизлик билан ҳақиқатни ёзиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўзи ҳақида ҳам шафқатсиз ҳақиқатни ёзиши керак. Шоир шахсини реал шахста ва поэтик шахста ажратиш сўзсиз ижодий ўз жонига қасд қилишга олиб келади... Шеъриятда ўзи ҳақида сукут сақлаш шак-шубҳасиз бошқа барча одамлар ҳақида сукут сақлашга, уларнинг изтироблари, фам-қайгулари ҳақида миқ этмасликка олиб келади”. (Е. Евтушенко. Политика — привилегия всех. Издательство Агентство Печати Новости, Москва, 1990, 589-бет). Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони айнан мана шундай ўзи ҳақида ҳам, ўзгалар ҳақида ҳам аёвсиз шафқатсиз ҳақиқатни арзи ҳол этувчи лирик қаҳрамондир.

Лирик қаҳрамон тушунчасини аниқлашда ҳар бир шоирга хос бўлган ижодий индивидуалликдан, ҳаётни тасвирлашнинг фақат ҳар бир шоирга хос бўлган тамойилларидан келиб чиқсан маъқул. Абдулла Орипов шеърда купингча “мен” номидан гапиради. Бироқ шоирнинг шундай шеърлари ҳам борки уларда шоир “мени” доираси торлик қилиб қолади, шоир маълум бир гуруҳнинг, ҳалқнинг номидан сўзлайди, фақат ўз изтиробларини шеърга солиб қолмайди. Бироқ масаланинг яна бир жиҳати шундаки, шоир бевосита ўз бошидан ўтмаган “бетараф” кечинмаларни ҳам айнан ўз кечинмалари сифатида беришга интилади ва бунга кўп ҳолда муваффақ булади. Демак, шоирнинг лирик “мени”, биринчи навбатда, шоирнинг ўзи, айни замонда умумлашма образ ҳамдир.

Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига ўз оҳантлари, ўз ифода усули, борлиқقا — табиат ва жамиятта, одамларнинг руҳий оламига ўз қарашларига эга бўлган лирик қаҳрамони билан кириб келди. Шоир шеърларида лирик қаҳрамон кўп қиррали ва шу билан бирга уйғун образ сифатида намоён булади. Унинг лирик қаҳрамони эволюциясини шеърда ўртага қўйилган муаммолар, уларнинг мазмунини очиб бериш, шоир шеъриятидаги асосий мотивлар ва кайфиятларни, шеър манбаларини аниқлаш орқали тушуниш мумкин.

Лирик қаҳрамон билан лирик характер бир-биридан тамомила бошқа-бошқа тушунчалардир. “Темир одам” шеърини яратишда шоир инсон кашф эттан “темир одам” — робот деталидан моҳирона фойдаланиб, ҳиссиз, туйфусиз, манқурт кимсалар ҳақида сўз юритади. Шеърдаги:

Темир одам ясад юргунча, кўпроқ  
“Жонли темир”ларни ўйлангиз, устоз, —

деган хитоб лирик қаҳрамоннинг даъватидир. Нафратни, ишқни, меҳрни билмайдиган кимса эса — шоир яратган, тип даражасига кутарилган лирик характердир.

Абдулла Орипов шеъриятида ранг-баранг турфа олам лирик характерлар яратиш орқали поэтиклаштирилади. Шу маънода лирик характер шоирнинг ҳаётни ўзига хос

идрок этишини, ҳаёт ҳодисаларининг янгича талқинини, ўз ёқтириши ва ёқтириласлигини, ижодкор сифатида ўз қиёфасини, қалб розини изҳор этиш воситаси ҳисобланади. Шеърий асарнинг табиатидан келиб чикувчи лирик характер ижодкорнинг борлиқни субъектив тушуниши, акс эттириши билан чамбарчас боғлиқдир.

Шоир шеърларида туйфу ва фикр қоришиқ ҳолда на-моён бўлади. Лирик характер фикр ва ҳиснинг диалектик бирлигига асосланади. Лирик характер — образ ижодкорнинг воқеликка муносабати, нимадандир қониқиши ёки қониқмаслиги, қандайдир воқеа-ҳодисага ўз хайри-хоҳлиги ёки норозилигини билдириши, руҳиятига таъсир қилган кечинмаларни ифодалаши орқали яратилади.

Хур фикрлилик, истиқлол умиди, Ватанинн ҳур, озод, инсонни эркин кўриш орзуси, жамиятдаги салбий кўри-нишларга аёвсиз муносабат, адолатта, ҳақиқатта этишиш истаги Абдулла Орипов ижодида марказий ўринда тура-ди ва лирик қаҳрамон образи кўп жиҳатдан шоирнинг мана шу ҳаётий ва эстетик тамойиллари, идеалларидан келиб чиқиб шаклланади.

Қандайдир умумий, “байналмилал” тил ҳақида гап-сўзлар авжига чиққан 60-йиллар ўртасида шоир аждод-ларимиздан ўтиб келаётган она тилимиз — ўзбек тилининг ҳимоясига даъват этилган ўтли мисралар яратди:

Минг йилларким, булбул каломи  
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.  
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли  
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.  
Она тилим, сен борсан, шаксиз  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган куниң, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Олтмишинчи йиларнинг ўрталарида ёзилган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Сароб”, “Юзма-юз”, “Ўзбекис-тонда куз”, “Бизникилар”, “Баҳор”, Минораи калон тепасидаги лайлак”, “Совға” каби шеърларда ва “Ўзбекистон” қасидасида миллий ўзликни англаш, Ўзбекистон ис-

тиқоли, халқ ва Ватан тақдири, “миллион эгагларга сочилған ўзбек”нинг дарду ҳасратлари, муаммолари илк бора ўткир қилиб қўйилади. Бу шеърлар учун умумий бир оҳанг, умумий фоя — бу ҳурлик, миллий уйғониш фоясидир.

Умуман, халқ, унинг дарду ташвиши, Ўзбекистон мавзуси шоир ижодида айрича бир муҳаббат билан қаламга олинади. Она-юрт — жонажон Ўзбекистон — Абдулла Орипов энг баланд мақомларда қаламга олган мавзудир. Шоир бевосита Ўзбекистонга шеър бағишладими, пахтани мадҳ этадими, ҳамма вақт кўз ўнгидага жафокаш ҳалқимиз, унинг муаммолари, ташвишлари туради. Миллатнинг уйғонишида, миллий фуур туйғуларининг чуқур томир ёишида, Ватанини танишнинг теранлашишида шоир сўзининг салмоғи бекёс бўлди. Унинг лирик қаҳрамони Ўзбекистонни оташин бир севги билан севади. Шуниси характерлики, Ўзбекистонга булган муҳаббат баландпарвоз мисралар, яланғоч мадҳиялар билан эмас, балки лирик қаҳрамон қалбининг туб-тубидан отилиб чиқсан кечинмалар, безовта ўйлар тарзида инкишоф тоғади:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлслайди,  
Қорликларни макон этган бўлслайдинг,  
Мехрим бермасмидим ўша музларга?

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини ўқиб чиқасиз, аммо қўйилган саволларга жавоб аниқмасдек туялади. Тўғри:

Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса кечирма асло! —

мисраларига асосланиб, киши ўз ватанини бойликлари, гўзаллиги учунгина севмаслиги лозим деган фикр келиб чиқиши мумкин. Лекин бу фикр ҳам тугал, аниқ фикр эмас. Бу шеър тўғрисида жуда кўплаб турли-туман фикрлар бишシリлган, ҳар бир мунаққид ўзича ҳар хил шарҳлаган. Бироқ шоир “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”

сўзларини нима учун айнан сарлавҳага олиб чиққанлиги-ни, коса тагидаги нимкосани, шоир назарда тутган, сатрлар орасидаги “яширин мухолиф”ни ҳеч ким айтмаган. Фурсат етиб буни шоирнинг ўзи ошкор қилишига тўғри келди. “Ўша даврда Ўзбекистонни пахтаси учун, олтини учунгина ҳурмат қилган, ҳурмат қилмаган бўлса-да, шундан фойдаланган қудратли мустамлакачи синфлар бўлган. Уларнинг руҳияти муқаррар кишининг фашини кўзғар эди, шунда мен, хўп, сен уни бойлиги учун севар экансан, сен фақат шунинг учун севар экансан, севмасанг-да фойдаланасан, ҳолбуки, ўша пахта ҳам меники, олтин ҳам, аммо мен нима учун севаман Ўзбекистонни?! Агар мангу музикларда яшаган бўлсанг ҳам, ҳалқим, мен бир чукча ё ёкутга ўхшаган бўлганимда ҳам сен учун жонимни берар эдим-ку! — деган мухолиф кайфият ва фикр билан ўз вақтида ёзилган”, — деб қайд этади муаллиф. Лирик қаҳрамоннинг Ўзбекистонга бўлган муҳаббати ич-ичидан отилиб чиққанлигининг сабаби мана нимада экан. Ўша пайлар ошкор айтилиши ҳеч мумкин бўлмаган “яширин мухолиф” билан бўлган мунозара кескин лирик конфликт яратганлиги туфайли ҳам шеър мана шундай таъсирли оҳанг касб этган.

Ўзбекистон, она ҳалқ, Ватан ҳурлиги ва озодлиги мавзуси даъваткор руҳ билан қўшилиб Абдулла Орипов “феномени”ни вужудга келтирган компонентлардан бири бўлди.

Шоир ҳалқимиз тарихи, олис мозийда ва яқин ўтмишда яшаб ўтган буюк сиймоларимиз, қатағон қурбонлари бўлган улуғ адibu шоирларимиз ҳақида миллиатимизнинг қадрини баланд кўтаришга, ўзликни англаб олишга даъват қилувчи шеърлар битди.

### 3

Шоир лирикасидаги яна бир катта мавзу — бу инсон мавзуси, инсон ҳақидаги янги ҳақиқатларни очиб бериш, инсонни бутун мураккаблиги билан тасвирлаш муаммосидир:

Коинот гултожи инсондир азал,  
Үндадир энг олий, тафаккур, амал.  
Хатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,  
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

Шоирнинг бутун ижоди мана шу инсон закоси, унинг сир-синоати, англаб бўлмас сеҳру жодуси, юксаклиги ва тубанлиги қаршисида лол бўлган қалбнинг ҳайратидек таассурот қолдиради. У бир шеърида:

Қанча-қанча сир яшар ҳар кимнинг бисотида.  
Шул сабаб ул ИНСОНДИР, шул сабаб у ЗОТ эрур,

деб ёзади. Дарҳақиқат, инсонни, унинг мураккаб кечин-маларини, руҳий оламини тадқиқ этиш, “буюк мавжудот”-нинг англаб олиш ҳамиша ҳам осон бўлавермайдиган феъл-авторини, “сийрати”ни англаш истаги шоирга сира тинчлик бермайди.

Бироқ шоир инсон тасвирида абстракт муаллақликдан жуда йироқ. “Мен нимани кўриб, ҳис этган бўлсан, шуни қаламга олишга ҳаракат қилганман”, дейди шоирнинг ўзи. Унинг ўлмас мавзудаги шеърлари инсон руҳияти ва маънавияти ҳақидағи тизгинсиз, зиддиятли фалсафий мушоҳадалардир. “Генетика”, “Маломат тошлари”, “Қуриқона”, “Учинчи одам”, “Тафаккур монологи”, “Виждон”, “Денгиззга”, “Бир танишим ҳақида баллада”, “Диалектика” каби шеърлар, “Жаннатта йўл”, “Ҳаким ва ажал”, “Ранжком”, “Соҳибқирон” каби катта жанрдаги шеърий асарларни олайликми, уларнинг барчасида инсон маънавияти, эътиқоди, яхшилик ва ёмонлик, гўзалик ва қабоҳат, виждон ва имонсизлик ўртасидаги кураш, дунёни софлаш, комил инсонғояси жозибали, эҳтиросли, фалсафий теран ифодаланади. Бу шеърларнинг ҳар бири узоқ изланишлар, “ижод “тўлғоги”, олижаноблик ва разиллик қаршисида ҳайратта тушиш, инсондаги турфа, бутунлай қарама-қарши ҳолатлар олдида танг қолиш маҳсули сифатида юзага келган. (“Мен ҳар гал каттароқ бир шеър ёзишга киришганимда баҳайбат ҳайвон билан жангта киришшайтгандек бўламан”, дейди шоир.) Ўзи яшаб

турган даврнинг, инсоннинг сир-синоатини билишга, бадий мушоҳада этишга, унинг мураккаб руҳий олами манзараларини чизишга ошиқиши, ҳар бири ўзига хос “сайёра” бўлган, юрагида, ўю фикрида сўз билан ифодалаш мушкул тилсимотлар яширинган инсон қалбини тадқиқ этиш мудом шоир дилини безовта қилиб келади. Шоир бир шеърида бежиз:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,  
Унда она яшар, яшайди Ватан.  
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,  
Ҳайҳот! Қўзгалмасин бу Қалб дафъатан!..

дэя хитоб қилмайди. Бир томондан, ўзида Ватан, тил, миллат, башар каби умуминсоний тушунчаларни ифодалаган инсонни мукаммал кўриш, унда инсоф, меҳр, диёнат, адолат ва одиллик, виждан каби матлаблар тобора ноёблашиб бораётганлигидан ташвишга тушиш, уларни асраршга чақириш, “асримиз одам”ининг гоҳо идрок қилиш мушкул бўлган саъй-ҳаракатларидан ёқа ушлаш, иккинчи томондан, умумий, бироз мавҳумроқ инсонни кўйлашдан аниқ бир инсоннинг ички оламига нигоҳ ташлашга ўтиш, яъни инсонни бадиий-фалсафий талқин қилиш баробарида конкрет-ҳиссий идрок этиш шоир ижодида инсон талқинининг ўзига хос хусусиятларидир.

Шоир шеъриятида инсон концепцияси жонли мавжу-дотнинг гултожи — инсондаги ёзувлик ва эзгулик ўртасидаги зиддият тарзида комил инсон яғасидан келиб чиқиб аниқ ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан ёритилади. “Инсон манзараси”, “Илтимос”, “Ишонч кўприклари”, “Яланғоч сатрлар”, “Тириклик”, “Фалати зот”, “Савоб”, “Тафаккур монологи” каби шеърларда инсонни янада баркамол кўриш, маънавий поклик масалаларининг турли жихатлари ўткир қилиб қўйилади, “дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бутун ёвузликдан зада қўриқхона” бўлган бир даврда меҳр-муҳаббат, савоб, пок ниятлар инсонни тарк этмаслиги учун бонг уради:

Оламда кўп нарса камёб бир қадар,  
Не-не туйгулар ҳам камёбдир, алҳол,  
Мен дердим: соф қалбни учратган сафар,  
Дарҳол ўраб олинг атрофин, дарҳол.

4

Ҳар қандай бадиий асарда ҳаёт ҳодисалари, замондошларнинг ўй-фикрлари ижодкорнинг шахсий кечинмалари орқали бадиий образлар воситасида умумлаштирилади. Бироқ ҳар бир ижодкор объектив воқеликни субъектив тасвирлайди, яъни кўплаб ҳаёт ҳодисалари ичидан ўз ижодий идеалига, ёзиш усулига мос келадиганларини саралаб олади. Бундан лирик қаҳрамоннинг бошқа компонентлар билан биргаликда ҳар бир ижодкорга хос бўлган ўз услуги билан чамбарчас алоқадорлиги масала-си келиб чиқади.

Ижодда у ёки бу даражада бадиий юксакликка кутарилган шоирларнинг ўзига хос шеърий услуги ярқ этиб кўриниб туради. Ўзбек шеъриятида Чўлпон, Faфур Fuлом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Усмон Но-сир ва бошқаларнинг ўзига хос бетакрор поэтик услуги шаклланган. Замонавий ўзбек шеърияти ҳам поэтик индивидуалликка бой. Э. Воҳидов, О. Матжон, У. Азим, Ш. Раҳмон, Ҳ. Худойбердиева ва бошқалар ўзига хос услугига эга.

Услуб бадиий ижоднинг, ҳар қандай бадиий асарнинг муҳим жиҳатларидан бири, бадиий асардаги ғоявий-эстетик моҳият унсурларидан бири сифатида ҳар бир ижодкорнинг ҳаётни ўзига хос, такрорланмас усуллар билан ўз мушоҳадасидан ўтказишидир.

Услуб масаласи ижтимоий воқеаликка шеърий муносабат билдиришнинг ўзига хослиги, дунёқарашиб, мавзу танлаш, образ яратиш, маҳорат масалалари билан бевосита боғланиб кетади.

Абдулла Ориповнинг шеърий услугида фалсафий-лирик йўналиш устунлик қиласиди. Олам бадиий-фалсафий идрок этилади. Бироқ фалсафий унсурлар аралашиши шеърни фалсафий тизимнинг шеърий баёнидан иборат

қилиб қўймайди. Фалсафий руҳ устунлик қилган, вақт ва замон, инсон ва табиат муносабатлари замирига курилган, чатнаб турган тафаккур ёғуларидан бино бўлган бу шеър иморатида энг аввало лирик субъектнинг ички туйгулари изҳори, уни тўлқинлантирган, ҳаяжонлар гирдо-бига отган ҳис-туйгуларнинг зиддиятли кечинмалари олдинги ўринда туради. Шоирни чексиз ўйларга толдирган азалий ва абадий муаммолар бадиий образ либосига бурканади ва бадиий-фалсафий умумлашма даражасига кўта-рилади. Шоир лирик субъектнинг ўй ва кечинмаларини инсон онги ва дунёқарашининг энг умумий қирралари билан мутаносиб олиб қарайди ва тасвирлайди. Мангу муаммолар ҳақида сўз боргандা ҳам ҳамиша замон, давр, вақт шоирнинг кўз ўнгига туради, инсониятни минг йиллардан бери ўйлантириб келаётган муаммолар, масала-лар, долзарб замонавий ҳодисалар, муаммолар билан уй-фунашиб кетади. Шоирнинг умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар мавзусида юксак мақомли тафаккур шеъриятида инсон ва борлиқ масалалари аниқ мақсад билан ўртага қўйилади ва талқин қилинади.

Аниқ бир образдан фалсафий мушоҳада томон бориш, одатий бир ҳолнинг ички маъносини кўра билиш Абдулла Ориповнинг шеърий услуби учун хосдир. Маромига етган поэтик услуг етук ижодкорларгагина хос бўлиб, улар ижодининг аввал-бошиданоқ шаклланади, бу ўзига хос шеърий услуг кейинчалик фақат такомиллашиб, мукам-маллашиб боради, холос.

Шоирнинг энг сара шеърларида оддий гапдек туюлган ҳар бир сўз, ҳатто тиниш белгиси шеър олдига қўйилган ижодий ниятни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Унинг кўпчилик шеърлари монолог шаклида, лирик қаҳрамоннинг эҳтиросли, зиддиятли ўй-фикрлари асосига курилади. Худди шундай услуг товланишларини “Уйку”, “Қўриқхона”, “Маломат тошлари”, “Учинчи одам” каби шеърларда кўриш мумкин. Шоир “Уйку” шеърини ўн, ўн беш йиллаб муттасил давом этадиган летаргия уйқуси деталидан фойдаланиб ёзган. Лирик қаҳрамон кунгли ўртанган пайтлар узоқ йиллар ухлаш хоҳишини баён қиласа-

ди. Нима учун? Бунинг сабаби эҳтиросли мисраларда аён бўла боради:

Майлига, олис йил ухлайн, лекин  
Энг кутлуғ саҳарда кўз очсан қайта.  
Балки ер юзида қолмас эди ғам,  
Бундан ҳам ёруғроқ бўларди дунё.

Шу тариқа сатрма-сатр “нотинч аср”нинг жароҳатлари, дардлари, зиддиятлари қофозга тўкила бошлайди. Лирик қаҳрамоннинг яккаю ёлғиз нияти шу асрнинг, даврнинг фарзанди сифатида уни соғ, бокира ҳолда кўриш. Шоир ўз поэтик мақсадини рӯёбга чиқариш учун хилмажил бадиий воситалардан, чунончи қаршилантириш, зидлаш, кескин коллизиялар яратиш йўлидан боради. Мана бу сатрларга эътибор берайлик:

Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,  
Юлдуз қилиб отдинг фазога ўзни.  
Кўзғата олмадинг ўрнидан бироқ  
Аскар елкасида турган юлдузни.

Шу биргина турт сатрда йигирманчи асрга хос зиддиятлар лўнда, образли ифодалаб берилган. Инсоният фантехника тараққиёти соҳасида мислсиз ютуқларга эришиб, ҳатто тубсиз осмон қаърига саёҳат қилишга, космик кемаларни учиришга, не-не ихтиrolар, кашфиётлар қилишга, дарёларнинг ўзанини саҳроларга буришга муваффақ бўлди. Бироқ инсонлар бир-бирларини тушуниб етишга, дўстликда, биродарликда яшашга ўргана олмадилар, ҳаётда разил кимсалар бўлмаслигининг уддасидан чиқа олмадилар. Инсониятнинг энг зўр ақл эгаларининг фикри-зикри оммавий қирғин куроллари яратишга қаратилди, дунёнинг қудратли давлатларида лак-лак қўшин душман ҳамласини бартараф этишга шай ҳолда тутиб турилди. Мана шундай комилликка даяват этувчи, маънавиятни улуғлашта йуналтирилган, даврнинг ўткир муаммоларини кўтариб чиққан шеърлар шоир бутун ижодининг марказий мавзуларидан бирини ташкил этади.

“Маломат тошлари” ана шундай шеърлардан бири-дир. Бу күп тархли интеллектуал шеърнинг фалсафий қир-раларини, маъно-мазмунини, тоясини дафъатан илғаб олиш осон эмас. Шоир давр ва одамлар ҳақидаги ўла-рини ифодалашда бирмунча мураккаброқ йўлдан боради. Ҳаётда ҳар хил тошлар бўлади. Уларнинг баъзилари тош-дек юрагингта қадалади, дилингни вайрон қиласди. Улар ҳасад, фараз, тұхмат тошлари бўлиши мумкин дейди шоир. Лекин дунёда шундай тошлар ҳам борки, у ҳар кимнинг дилида бўлади. Булар отилмаган тошлар. Лекин унинг қалбда қолдирган жароҳати отилган тошдан минг чандон оғирроқ бўлади. Бу қандай тош бўлди экан:

У балки аликсиз қолган бир салом,  
У балки авжида бўлинган калом,  
У балки дўстингта очиб дил-юрак,  
Тўйида айтилмай қолган бир тилак...  
Инсоннинг то фазлу фалокати бор,  
Унинг бир-бирига маломати бор.  
Ташрифдан кўз тиккан беморлардан то  
Шоҳлар дилигача маломатдир жо.

Бу “нечоғ шафқатсиз тош” қадим дунё яралибдики, одамзодга илашиб олган, ундай айрилмайди:

Ҳануз сарҳадлардан ғамгин сас келур,  
Маломат тошлари басма-бас келур.  
Одамни маҳв этар фарзанди одам,  
Одам эрур аммо томошабин ҳам.

Бу гафлат босган инсон қўйнидаги бошқа инсонга қаратилган меҳрсизлик, диёнат тошимикан, давроннинг (ахир у ҳам аслида одамлар изми билан юради-ку) ин-сонлар бошига солган ададсиз кулфатларимикин? Нима бўлганда ҳам бу тош бор экан, инсон мукаррам була олмайди.

Абдулла Орипов шеърияти учун ўткир сатирик рух, инсон камолоти ва маънавиятга қарши бўлган барча сал-бий кўринишларга аёвсиз муносабат хосдир.

Сафар Барноевнинг хотирлашича, ёш шоирнинг илк ижод намуналари ҳақида Абдулла Қаҳҳордан фикр сўрашганда, устоз ёзувчи бундай деган экан: “Шеъриятда куттилмаган янги нафас пайдо бўлди. Томчини кузатган бўлсангиз, тўлишгандан кейин томади. Абдуллажоннинг шеърлари ҳам ана шундай. Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади”. Ушбу мулоҳазаларда Абдулла Ориповнинг ижодий услугуга хос муҳим белгилар, унинг шеър яратиш санъати “сири” очиб берилгандек. Шоир кўпинча ўзини безовта қилган, оромини ўғирланган мавзу устида кунлаб, ойлаб мулоҳаза юритади, фикрлар обдан пишгач, қулига қалам тутади.

Албаттага, шоир шеъриятининг довруги, таровати мавзу доирасининг кенглиги, кўлами билангина белгиланиб қолмайди. Ушбу мукаммаллик шеърий санъатнинг юксаклиги, ўзига хос услугуб товланишлари билан оҳанрабодек ўзига тортади.

Шоир бадиий тасвирни кучайтириш, фикрни яққол ифодалаш учун ўз поэтик ниятидан келиб чиқиб зарур ўринларда шеърни мурожаат, мулоқот шаклида қуради, ўхшатиш, сифатлаш, қаршилантириш каби бадиий воситалардан моҳирлик билан фойдаланади:

Кимлардир умрида бир шам ёқмасдан  
Машъал бўлмоқликни қилгайлар даъво,,,

ёки бўлмасам:

Тақдир қулида ёйдек,  
Этилиб борар қаддим.

Шеърларнинг композицион курилишида ҳам шоир ижодига хос шакл умумийлигини кузатиш мумкин. Кўпчилик кичик шеърлар ҳикматли сўзлар билан бошланади: “Токи тирик экан дунёда одам, унга ҳамроҳ эзур гоҳ шодлик, гоҳ фам” (“Байрам”). Бундай шеърларни хотималашда ҳам ўзига хослик бўртиб туради: “Бежиз айтмаганлар, асл ҳукмдор, Худонинг ердаги сояси бўлур” (“Шарқ ҳикматлари”). “Жангларда қай

ўзбек берган бўлса жон, унинг қаторида мен ҳам ўлганман” (“Мужоҳид”).

Бундай қараганда, шоир сатрларга тизган сўзлар ҳар кун ишлатиб юриладиган жайдари сўзлардан иборатдек туолади. Бу аслида ҳам шундайдир. Бироқ шоир ҳар бир сўзга, товушга образ яратиш учун ранг таълаган мусавирик кўзи билан қарайди, ички мусиқийликка, интонацияга катта эътибор беради.

## 5

Башарти шоир шеъриятини мавжланиб оқаётган улкан дарёга, унинг асосий йўналишларини бу сўз уммонига қўйилаётган ирмоқларга қўёслайдиган бўлсак, бу ирмоқлардан бирининг номи Ўзбекистон, Ватан, миллий уйғонишга даявот, истиқлол ўйлари, иккинчисининг номи ҳаёт, инсон ҳақидаги образли фалсафий мулоҳазалар ва ниҳоят учинчисининг номи севги ҳақидаги оташин сўздир. Шуниси эътиборлики, бу уч йўналиш шоирнинг илк ижодидаёқ баравар намоён бўла бошлади. Шу ўринда 1962 йилда битилган “Куз хаёллари”, 1963 йилда ёзилган “Сен баҳорни соғинмадингми”, 1964 йилда эълон қилинган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърларини эслаш мумкин.

Шоирнинг бутун шеърияти сингари муҳаббат лирикаси ҳам ўзига хослиги, теранлиги, туйгуларнинг табиийлиги, ҳаётйлиги, реал воқеликка монандлиги билан ажралиб туради. Севги ҳақидаги ҳазин, мунгли оҳанглар ҳар қандай оҳ-воҳлар, ўлдим-куйдимлардан тамомила йироқ. Жавобсиз муҳаббат изтироби, алами, чуқур инсоний кечинмалар, чинакам севги орзуманди бўлган катта қалб эгасининг дарду дунёси, ҳасратлари, ёниш-уртанишлари, изтироблари шоир муҳаббат лирикасининг мазмунини ташкил этади.

Илк ижод намуналаридан бўлмиш “Сен баҳорни соғинмадингми” шеърида ҳали муҳаббат фавғоларига, қизларнинг “қўлидаги қонли ҳанжарларга”, “ўзини минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга солган, тирноклар бе-заги сахардан шомгача” эрмаги бўлган танинзларнинг макруу ҳийлаларига рўбару бўлмаган, севгida хиёнат қилиш-

нинг азобини тортмаган, ишқ қасридан “ҳоли забун”, “толеи тола-тола” бўлмаган, пок севги соғинчи, интизорлиги билан тўлиқ тоза қалбнинг баҳор насимидек ҳаётбахш, тоғ булоқларидек мусафро туйғулари иншо этилади.

“Эслаш”, “Деразангни қоплар оқшом зулмати...”, “Чувалади ўйларим сенсиз”, “Хайр энди...”, “Йўлим бошлар...”, “Ёндиму ва лекин ҳижрон тунида...”, “Ёмғирли кун эди...”, “Қўйгил, у кунларни эслатма менга”, “Севги ўлими” каби ўнлаб шеърларни кўнгилхушликдан бутунлай бегона чинакам ишқнинг дардчил талқини, ошиқ қалб ўрганишларининг кўтаринки, юксак пардаларда ифодалangan оҳи, нидоси дейиш мумкин.

“Йўлим бошлар, кетарман бир кун...” деб бошланадиган шеърда муҳаббат изтироби, қийноқли севги “ёрилмаган ярадай севги” деган ӯҳшатиш воситасида таърифланади. Кечагина бир тан, бир вужуд бўлган икки инсоннинг ҳаёт йўллари қарама-қарши қутблар томон ажралиб кетмоқда. Улар энди бехосдан учрашиб қолсалар ҳам ўзларини мутлақо бегона одамлардек тутишга маҳкум. Ёрилмаган яра қанчалик азоб бергани сингари, бир қарорга келинмаган севги ҳам шунча азобли, қийноқли. Бироқ бир томон бир қарорга келганда ҳам иккинчи қалбда қолган жароҳат изи, изтироби ёрилмаган ярадан ҳам баттар оғриқли. Ўтмишга айланадиган масъуд дамларни унутиш эса мушкул. Шеърда ана шу инсоний дард, фожей лирик хусусият табиий ёритилади:

Кўчаларда ёр эмас энди  
Тўқнашамиз бегона булиб.  
Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг  
Наҳот бўлмас бирор хотирот?  
Ишонмайман, муҳаббатдан сўнг  
Бегоналиқ бошланса наҳот?!

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги бир қанча шеърларида азалий туйғунинг мана шундай зиддиятли, мураккаб жиҳатлари поэтиклаштирилади.

“Отелло”, “Гўзаллик”, “Мен сени куйламоқ истайман” каби бир қанча шеърларда шоирнинг муҳаббат

ҳақидаги идеаллари мужассам топган. Лирик қаҳрамон бутун қалб бағишенгандын, бор вужуд фидо қилинген муҳаббатнигина тан олади. Шу билан бирга “чирой оламининг тенгсиз сайқали” бўлган гўзаллик, малак сиймолар дафъатан юракдан ғам-аламни кетказиб, самовий ҳисларга чўмдирса ҳам эстетик категория сифатида гўзалликнинг ички моҳияти, пари руҳсорнинг маънавий олами бирламчи ўринда туради.

Шоир наздишаги севги талқини, вафо ва садоқат тушишчалари маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз чашмасидан сув ичади. “Аёл” шеъридаги “ўн тўққиз ёшида бева қолган келинчак”нинг жангчи ёрига садоқати кимларгадир эриш туюлиши, гарбча яшаш тарзига унчалик ҳам мос келавермаслиги мумкин. Бироқ шарқона мезонлардан келиб чиқиб вафо, садоқат тимсоли, ёрнинг хотираси олдида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишнинг юксак намунаси сифатида талқин қилинади. Ҳудди шундай талқин “Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг” деб бошланадиган шеърнинг ҳам руҳига сингдириб юборилган. Маъшуқа ҳаётда ўзи танлаган йигитни юракдан севади. Унинг учун ҳар нарсага тайёр. Ҳатто осмондаги юлдуга айланса ҳам ёрининг ёнига тушишнинг иложини топишга ўзида куч топа олишига ишонади. Бироқ биргина монелик (“Отам оқ йўл берсайди бизга”) унинг ўз орзусига етишиши йўлида ўтиб бўлмас тўсиққа айланган. Ҳалқимизда “ота рози — худо рози” деган нақл бор. Шарқона одоб-ахлоқ қанчалик оғир бўлмасин ота ризолигини олмасдан қалтис қадам ташлашдан, ўзини юлдудек ёрнинг бағрига отишдан тияди.

Шоирнинг “Муҳаббат” шеъри бундай бошланади:

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман.  
Фақаттина бир ғам ўртар юракларимни,  
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.

Лирик қаҳрамон ўзининг инкор этилган, жавобсиз қолган севгиси тарихини ҳеч нимани яширмасдан тўкиб солади. У ёниб, оташин эҳтирос билан севгану, бироқ кўнгил

шишаси “йўқ”, деган биргина сўздан чил-чил синган. Мана шундан унинг дунёси қоронғу. Вужудини фам, андуҳ ўраб олган, кайфияти тушкун. Бироқ:

Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,  
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.  
Бутун ҳаёт нималиги, севги йўриғи —  
Бари маълум, ҳаммасига етади ақлим.

Шеърда Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос мўжизавий туйғунинг одам баъзан ҳатто ўз-ўзига очик икрор бўлишга ботинавермайдиган пинҳоний жиҳатлари қаламга олинади.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикасида севгининг фожей ҳолатлари ёрқин очиб берилган. Бунинг мисоли ўша “Муҳаббат” ёки бўлмасам “Биринчи муҳаббатим” шеърлари. Шоир бу фожей севги талқуни орқали муҳаббатнинг энг эҳтиросли, теран ва характерли қирраларини очиб беришга муваффақ бўлган. Бир жиҳатдан олганда, севги йўлидаги тўсиқлар қанчалар қаттиқ, оғир бўлса, унинг ички куввати шунчалар кўп намоён бўла боради. Осон эришилган ва баҳтли-саодатли севги ўз кескинлигига кўра фожиали севги билан тенгглаша олмайди. “Муҳаббат” шеърида муҳаббатнинг ана шу қирраси мөхирона очиб берилган. Лирик қаҳрамон бутун дарду ҳасратларини очиқ-ошкора изҳор қиласди, севгисининг самимийлигига, туйғуларининг табиийлигига инонтиради.

Шеърда шоирнинг замонавий воқелик материали асосида севги мавзусига ўзига хос ёндашиши, ўз тафаккури ёғдуси билан қараши мужассам топган. Лирик қаҳрамон муҳаббатни ҳаётнинг буюк неъмати, табиат инъоми деб билади, “гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб”, чин юракдан, самимий севганинги ошкора изҳор қиласди. Шеърда дунёдай қадимий бу туйғуга банди бўлган қалбнинг ўртанишлари, зиддиятли ўй-фикрлари, ички қарама-қаршиликлари эҳтиросли ифодаланган. Оҳиста, бир маромда бошланган оҳанг мисрама-мисра тарапнглашиб, кескинлашиб боради. Бора-бора юрак ҳайқириғига, ўтли нидога айланади. Лирик қаҳрамон гоҳо “севги йўриғи”-

ни англаб етгандек бўлади. Яъни муҳаббат — бу ҳар бир ёшнинг қалбига меҳмон бўладиган ўткинчи бир ҳавас, лов этиб ёнади-ю, ташвишли ҳаётнинг бошқа синовлари олдида таслим бўлади, деган ўйларга ботиб, ўзини юпантурмоқчи бўлади.

Шеърда “бахтли муҳаббат”га мұяссар бўлмаган қалбнинг дарду ҳасратлари, умид-ишончи, илтижоси, ҳеч қандай куч, панду насиҳат, зўрлаш билан воз кечтириб бўлмайдиган илоҳий туйғунинг сехру жозибаси чуқур, мураккаб кечинмалар тарзида берилади. Бирор ўзига ёқмаган юмушни бажаришга кўндириш мумкин, бироқ ҳеч қачон зўрлаб севдириш мумкин эмас, мажбуран айрилиққа гирифтор қилинган севги ҳам барibir бир умр қалбда қолади. Уни ҳеч қандай куч юрак жавҳаридан айира олмайди. Мана шу ҳолат шеърда ўзининг жозибали ифодасини топган.

Абдулла Ориповнинг муҳаббат лирикасига севги драмасини, қалб кечинмасининг ўзини бера билиш, севгувчи юрак ҳужайраларининг тебранишларини, титроғини ифодалай билиш хосдир. Бу жиҳатдан “Биринчи муҳаббатим” шеърини юракда армон бўлиб қолган муҳаббат ҳақидаги мунгли, ҳазин куйга қўйёлаш мумкин. Ҳар бир мисра, ҳар бир сатр, ҳар бир ўхшатиши армонли муҳаббатнинг лирик қаҳрамон қалбида, ўйу фикрида қолдирган асоратини чукурроқ очиб беришга қаратилган. Лирик қаҳрамон назарида чексиз фалакда кезиб юрган ой ҳам порламайди, бўзарив ботади, Зухра юлдузи ҳам милтираб зўрға нур таратади. Унинг маъюс, ғамгин руҳи бутун борлиқни шу тарзда идрок қиласди. “Муҳаббат” шеъридаги сингари бу шеърда ҳам лирик қаҳрамон ўз ўтмиш ҳаётини бўяб-бежаб, “сайқаллаштириб” ўтирумайди, борини тўкиб солади. Чархи кажрафторминг гарди билан юракка, имонга зид йўл тутганлигини яшириб ўтирумайди:

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи туполон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан.

Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,  
Лекин сени йўқотдим, биринчи маҳаббатим,  
Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Шеърда мұҳаббат түйфуси минглаб күз илғамас ип-лар воситасида мұхит, жамият билан чамбарчас чати-шиб кетғанлиги, тириклиқ, борлық дунё ғоҳида анг-лаш ғоятда мушкүл сир-синоатларга тұлалығи, қувонч ва ғам инсон ҳәётида ҳамиша әгизак юриши теран маңноли фалсафий қуйма сатрларда саңыткорона мұхрланади.

## 6

Шоирнинг достонлари ҳам адабиётимизда воқеа бўлган асарлар сирасига киради. Бу жиҳатдан айниқса “Жаннатга йўл” драматик достони ҳамда “Ҳаким ва ажал” достони характерлидир. “Жаннатга йўл” (1978 й.) турғунлик даври энг авж олган палладарда жуда катта қийинчиликлар билан дунё юзини кўрди. Асар боси-либ чиққандан кейин ҳам унга отилган маломат тош-лари тўхтамади. Шоир “совет воқелигини” бузиб тас-вирлашда айбланди. Марказқўмнинг, шахсан унинг биринчи котибининг топшириғига мувофиқ тузилган нуфузли комиссиянинг ижобий хулосасигина асарга қарши қаратилган ҳужумлар пайини бир даражада қир-қандек бўлди. Аслида, бутунги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, диний-мифологик, хаёлий-фантастик шакллардан фойдаланиб битилган ушбу достонда чиндан ҳам “совет воқелиги бузиб кўрсатилганлиги” аён бўлади. Бу “бузиб кўрсатиш” энг адолатли, энг батар-тиб тузум деб айюҳаннос солинган жамиятнинг бутун норасоликлари, инсониятнинг энг илфор, энг тараққий топган қисми деб жар солинган совет халқи яшаган мұхитнинг иллатлари рўйирост очиб ташланишида на-моён бўлади. Воқеалар тошқин пайти дарёга чўккан қизалоқни кутқармоқчи бўлиб ўзи ҳалок бўлган Йигит нариги дунёда Тарозибонга рӯпара бўлишидан бошла-нади. Ҳисоб-китобдан кейин Йигитнинг жаннатга ки-риши учун икки пайса савоб етишмаслиги аён бўлади. Тарозибон бунинг сабабини Йигитта қуйидагича изоҳ-лайди:

Сен шоирсан, сенга Оллоқ ёруғ нур берди,  
Оташ берди, забон берди, ҳам улуг юрак.  
Тимсолингда бечоралар ўз дардин кўрди,  
Бахтин кўрди, шодликларни кўрганлар бешак...  
Илоҳий дил берган эди сенга худойим,  
Кулоқ сол деб шўрликларнинг оҳи-воҳига.  
Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,  
Шеърлар битдинг юлдузларга, гулга, охута.

Йигитнинг аросатга ноил бўлишига унинг “бу дунёда” шоир бўлганлиги, фақат гуллар ва булбулларни куйлаб, ёвузиликни курганда ўзини чепта тортганлиги, уларга қарши курашмаганлиги сабаб бўлган экан. Тарозибоннинг “сийлови” билан Йигит аросат ялангликлари, жаннат ва дўзах остоналарида Онаси, Отаси, Дўсти ва бошқалар билан учрашади, Ифвогар ва Ҳасадгўйга дуч келади, кекса ва ёшнинг жанжали устидан чиқади ва “номукаммал заминда”ги ўз гуноҳларини — ўғри, каззоб, пораҳўр, ифвогар, ҳасадгўй, нокас, тилёғлама, шайтон йўлдан урган, руҳи мажруҳ кимсаларга қарши курашмай, бундай иллатларнинг урчишига, одамзоднинг йўлдан озишига улуш қўшганлигини тўлароқ англай бошлайди. Эзгуликнинг йўли тўсиб қўйилганлигидан:

Ер юзида жанглар кечди қаттиқ, қатағон,  
Оналарнинг дийдасидан оқди қонли ёш.

Воқеаларни ёритишнинг гўё “нариги дунё”да кечает-гандек усули таъланиши ўзи яшаб турган ҳаётнинг реал манзаларини чизиш, барча қабоҳатлар илдизини кўрса-тиб бериш, давр ва тузум ҳақидаги ўзини чукур ўйлан-тирган, ташвишлантирган фикрларни образли тарзда иф-далаб бериш имонини берган. Қуйидаги мисралар бир заминда, бир осмон остида умргузаронлик қилиб муроса йўлини тополмаётган, бир-бирини еб ташлаш қасида яшаётган инсоният қавмига қаратилган маломат тоши-дек янграйди, уни огоҳликка, вақт борида эсини йифиши-тириб олишга, маънавиятни асрашга чақиради:

Инсон зоти, сенинг недан каминг бор эди?  
Сенга тангри берганди-ку тафаккур, имон.  
Замин, ҳаво — бари сенда барқарор эди,  
Нечун дилдан инсоф ҳиссин айладинг гумдон?  
Ахир сен ит эмасдинг-ку, беланиб лойга  
Бир-бирингни ғажиссанг то сүяк талашиб.  
Самимият қайда эди, тафаккур қайда.  
Луғатингда гар бу сўзлар ётди қалашиб,  
Ҳасад, ифво қайдан кирди шўрлик каллангта,  
Қайдан сени чулғаб олди худбинлик, куфр.

“Жаннатга йўл” драматик достони даврнинг бадиий-эстетик моҳияти таг заминли ижтимоий-фоявий йўналишдан туриб пухта таҳлил этилганлиги, юксак бадиий пафоси билан ўзбек достончилигига муҳим ютуқ бўлди. ✓

“Ҳаким ва ажал” достони (1980 й.) Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йилиларига бағишлаб ёзилган. Унинг мазмунини икки оғиз гапда етиб бериш мумкин. Бухоронинг Афшонасидан чиқсан ёш ҳакимнинг довруғи амирнинг ҳам қулоғига етиб боради ва хаста қизи шифо топиши илинжида уни Бухорога чорлайди. Ҳаким қизнинг ишқ дардига мубтало бўлганлигини аниқлайди. Руҳи тетиклашган Малика унга саройда табиб бўлиб қолишини таклиф этади. Бироқ ёш ҳакам кутубхонадан фойдаланиш унга кифоя қилишини илтимос қиласди. Саройдаги ёш Мирзо бойлик илинжида Маликага уйланиш ниятида эди. Бироқ Ҳаким унга фақат севиб турмуш қуриши кераклигини уқтиргандан кейин Мирзонинг таъмали мақсади чил-чил синади. Ўч олиш ниятида тунда кутубхонага ўт кўяди. Буни Ҳакимдан кўрган амир уни Бухородан бадарга қиласди. Карвон йўллари олимни Ҳамадонга элтади. Бу ерда ўз илму амали билан вазир лавозимига тайинланади. Бироқ бойлик ва тахт юлдузидан айрилганлигини Ҳакимдан кўрган, Маликанинг амири билан Бухородан чиқариб юборилган Мирзо бу ерга ҳам етиб келади. Ҳеч нарсадан гумонсирамаган очик қалб Ҳаким уни кеширади ва ўзига шогирд қилиб олади. Айёрлик билан Ҳакимга сирдош бўлиб олган Мирзо тиб илмида буюк инқилоб юз берётганлигидан — Ҳаким ажалга даво

топганлигидан воқиға бўлади. Ҳасад унинг ичини қуртдек кемиради. Вақти келиб Ҳаким ажал билан юзма-юз келади ва ҳаёт дорисини ўзида синашга қарор қилади — доруларни бир-бир томизиши Мирзодан илтимос қилади. Ногоҳ унинг вужудида тириклик аломатлари кўрина бошлайди, нафас ола бошлайди. Бироқ Мирзо охирги шишадаги доруни Ҳакимнинг лабларига қўймайди. Шу тариқа ажалнинг давоси топилмай қолади. Достоннинг насрый баёни шундай ифодалаш мумкин. Бироқ унинг шеърий баёни китобхонни оҳанрабодек ўзига тортади. Одатда эпик жанрдаги шеърий асарлар доимо ҳам шиддатли, таранг оҳангда давом этавермайди. Бу достонда эса шоир ҳар бир мисра устида қаттиқ тер тўкади. Ҳалқ ривоятлари ва тарихий воқеалар асосида буюк ҳаким ва қомусий аллома образини яратиш мақсад қилиб қўйилган достон санъат асарларининг марказида турадиган азалий мавзулар — мангулик ва ўлимнинг моҳияти, эзгулик ва ҳасаднинг азалий кураши муаммоси бадиий юксак, қўйма сатрларда талқин этилиши билан адабиётимизда катта жанрдаги шеърий асарларнинг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолди.

Ёмонликка қарши ўт очиш қайта қуриш йилларида ёзилган “Рањжом” достонининг ҳам бош гоясини ташкил этади. Юмуши ифво, тұхмат қилишдан иборат уч ноқаснинг “фисқу фасод қўмитаси” тушиб олганлигини тасвирлаш воситасида уларнинг асл афт-башаралари очиб ташланади.

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин, 1995 йилда битилган “Соҳибқирон” шеърий драмаси шоир ижодида ҳам, адабиётимиз ривожида ҳам ўзига хос ўринда туради.

Бу даврга келиб ниҳоят ижодкор аҳли учун ҳам ҳар қандай “изм”ларда холи чинакам эркин ижод даври бошланди. Мустақиллик, истиқбол берган неъмат тарихда ўтган буюк сиймоларимиз, чунончи соҳибқирон Амир Темур тўғрисидаги бор ҳақиқатни айтиш имкониятини берди.

Гарчанд шоир тарихий воқеаларга асосланиб, “адолат ва дини ислом ҳимояси деб ер юзини фатҳ айлаган, тар-

тиб ўрнаттан” буюк аждодимизнинг реалистик, ҳаққоний образини яратиш ниятида ўтмиш тарихимизга мурожаат қылган бўлса ҳам, асар теран замонавий аҳамият касб этган. Шоирнинг “Соҳибқирон” асаримни ўтмишга боқиб, бутун учун ёзганман”, деган сўзларида катта маъно бор. Буюк жаҳонгирнинг қўйидаги сўзлари ҳукуқий, инсонпарвар демократик жамият куришга, Ўзбекистонни дунёning ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишига аҳд қылган биз замондошларга қаратилгандек:

Буюк давлат барпо этдим,  
Тангрига шукр,  
Золимларнинг тааррузли қўлларини мен  
Мазлумларнинг этагидан юлқиб ташладим.  
Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,  
Монеъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.  
Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,  
Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг.  
Орангизга сира-сира тушмасин нифоқ,  
Умр буйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,  
Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт,  
Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо  
Гар адолат поймол бўлса — тоқат қилолмас.  
Адолат ва озодликни муқаддас билинг.  
Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,  
Ҳар кимларнинг куткусига дафъатан учманг...  
Тожу таҳтни мендек узоқ сақлай десангиз,  
Киличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.  
Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,  
Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг.

Драма Амир Темур ҳаётининг сўнгти йиллари тасвири орқали “куч— адолатдадир” деган ақидани ўзига шиор қилиб олиб, тарқоқ улусларни бирлаштириб буюк давлат тузган, қадами етган ерда бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган, ҳарбий саркардалик бобида бебаҳо мерос қолдирган, элсевар, юрганинг ҳаловати, шони, шавкати йўлида оромидан кечган буюк инсоннинг теран образи яратиб берилгандиги билан қимматлидир.

Чинакам халқ шоири, замонавий ўзбек адабиётининг улкан намояндаси Абдулла Ориповнинг ижодий қиёфаси фақат шеъру достонлари билантина чекланиб қолмайди. Унинг шеърият мавзусига, адабиётимизнинг атоқли вакиллариFaфур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳдор, Усмон Носир ижодига доир мақола ва сұхбатлари, даврнинг үткір масалаларига бағишланган публицистик ижоди ҳам фикрлашдаги ўзига хослик, топқырлық, масаланинг моҳиятини тушунтиришщаги зұққолиги билан ажralиб туради. У дунё адабиётининг мұмтоз намунаси, улуғ итальян шоири Данте Алигьерилининг “Илоҳий комедия”сини маҳорат билан ўзбекча сұзлатди, украин мұмтоз шоираси Леся Українканинг “Мағораларда” драматик достонини, венгр драматурги Еньё Хельтаннинг “Соқов Рицарь” шеърий драмасини ҳамда Низомий Ганжавий, Пушкин, Т. Шевченко, К. Кулиев ва бошқа шоирларнинг талай шеърларини таржима қылди. Унинг бу соҳадаги фаолиятини күздан кечириш асосан ўз рухига яқын асарларни таржи-ма қилишга интилғанligини күрсатади. Шу боисдан ҳам улар маҳорат билан ўтирилган, асл нұсханинг ифори тұқилмасдан худди аслан она тилемизда яратылғандек туялади:

Дарёлар гувиллаб чопар денгизга,  
Күшлар ҳәэлингни завққа ўрайди.  
Замин мұжизалар берару бизга,  
Эвазига фақат ҳайрат сұрайди.

Мустақиллик, истиқбол йилларида шоир ижоди янги поғонага күтарилди, халқ ва юрт ташвиши ҳақидаги ўйлар янада теранлашди. “Шоир қалби” (1998 йил) шеърида шоир ўзи бир умр севиб күйлаган юртта бўлган теран туйғуларини қўйидагича изҳор этди:

Юртда не муборак ишлар бўлғувси,  
Ундан шоир қалби шавққа тўлғувси...

Унинг ҳар гўшаси жаҳондир менга,  
Тошлиқ йўллари ҳам равондир менга...  
Мавжига ногаён кимдир тош отгай,  
Зарби юрагимнинг тубига ботгай...  
Гар сен дарё бўлсанг — ирмогингдирман,  
Лат есанг, оғриқли бармогингдирман.

“Хикмат садолари”, “Ҳаж дафтари”, “Женева дафта-ри”га кирган туркум шеърлар ёзди. “Ҳалқ”, “Ватан”, “Туркистон болаларига”, “Ўзбек қомуси”, “Фидойи” каби шеърларда Ватан мавзусининг янги қирралари очиб берилди, юртнинг корига яраган эзгу фазилатли инсонлар образи яратилди. Бу шеърларнинг мазмун-мундарижаси-ни Ватан ва ҳалқ шаънига мадҳия айтиш, мавжуд реал-ликни шунчаки таъкидлаш ташкил этмайди. Уларда жа-ҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган қадим юрт-нинг, “жонида бир гавҳар бор”, қонида “иймон нури доимо оқиб турган”, “кагтакон йўлга чиқсан” ҳалқ кеч-миши ва истиқболи манзаралари чизилади, масъулиятли, бугунга хос ҳусусиятлар бадиий гавдалантирилади, ин-сон ва жамият, инсон ва табиат мавзусидаги азалий ўйлар давом эттирилади. Истиқтолнинг қадрига етиш, Ватан-ни кўз қорачиғидек асраш, ўтмиш сабоқларидан қатъий хулоса чиқариб, ниҳоят “оломонлик” психологиясини улоқтириб ташлаб, ҳақ-ҳуқуқини, жаҳонаро қадрини та-ниган ҳалқ бўлишга даъват, келажаги буюк Ўзбекистон-нинг саодати унинг фарзандларининг яққаламлигига эканлиги ҳиссий-образли йўсинда ифодалаб берилади.

Вижондан айрилиб қолган фурсатда  
Бошланар тож-тактга ружу дафъатан.

Не-не зукко ҳалқлар қолиб гафлатда  
Тўзириб кетажакдир бутун бир Ватан...

## ёки

Чинор бўлиб илдиз отинг, қоя бўлиб тиклангиз қад,  
Улуғ-улуг аждодларнинг хавотири Сиздан беҳад...  
Ўтингч ила ҳасратимни насиҳат деб юзга солманг,  
Худо инсоф берган куни бармогингиз тишлаб қолманг, —

каби мисрларда орзиқиб кутилган истиқолни мустағкамлашга, яқдилликка, огоҳликка, ўзликни танишга, “урфони зўр миллат бўлиш”га, ўткинчи зеб-зийнатларга муккасидан кетишдан баланд туриб, “юрак жавҳари”ни асраршга, юксак маънавият эгаси бўлишга даъват янграйди, она-юртнинг камоли учун юракдан куйинган бедор қалб ўрганишлари кечинмалар тарзида берилади.

Чуқур фалсафийлик, бутун бир шеърнинг вақт ва замон, инсон ва табиат муносабатлари замирига қурилиши, ҳар бир сатрда чатнаб турган тафаккур ёғдулари сингари шоирнинг бутун ижодига хос хусусиятлар тўқсонинчи йилларда ёзилган “Майна”, “Буюклиқ”, “Армон эмасми?”, “Адолат”, “Дунё”, “Бир қарасам...” каби шеърларда изчил давом эттирилди.

Энг сўнгги вақтларда ёзилган “Ўзбекистон асри”, “Олий неъмат”, “Бедорлик”, “Йўлтўсар” каби шеърларда ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч туйгула-ри тараннум этилди, буюк давлат қурилиши йўлида тўға-ноқ бўлмоқчи бўлган дайди тўдалар, қаланғи-қасанғилар-нинг шум нияти, разил қиёфаси фош этилди.

Яқингинада ёзилган “Шоир юраги” шеърида ижодкор қалби оламда юз берадиган барча ҳодисалар бир-бир ўтадиган кўприкка қиёсланади. Бу кўприкдан соғлар ҳам, беморлар ҳам, сultonлар ҳам, қуллар ҳам, сўйишганлар ҳам, бир-бираига ғанимлар ҳам, нур билан зулмат, ўлим ва ҳаёт бир-бир ўтади. Шеърда ҳар бир чинакам шоир “инсоният кўприги”дан галма-гал ўтаётган одамлар дилидан кечаётган ҳис-туйгуларни, даврнинг “юрак уриши”-ни бадиий муҳрлашга масъулдир, деган тоя сингдирилган.

Бу масъуллик ҳалқимизнинг севимли шоири тарихга “Ўзбекистон асри” бўлиб киражак йигирма биринчи асрда ҳам “инсоният ҳис-туйгулари кўприги”да событ туражига қатъий ишонч уйғотади.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ

# МУНДАРИЖА

Күрган-билгандарим ..... 5

## Шеърлар

Учкун .....	14
Күшча .....	14
Юлдузлар .....	15
Тоғлар .....	16
Чўпон .....	17
Капалак ва мен .....	17
Қўшиғим каби .....	18
Келингиз, дўстларим .....	18
Баҳор .....	19
“Тонгни ҳам осмонга тик боқиб кутдим...” .....	20
“Умр дуч қыларкан...” .....	20
Софдил .....	21
“Ҳали олдиндадир...” .....	21
✓ Севгисиз одам .....	22
Сув париси .....	23
“Кулма-кулма...” .....	25
“Тонгни ҳам...” .....	25
Сендан йироқда .....	25
“Шовуллади...” .....	26
“Номаълум қиз” суратига...” .....	26
Куз хаёллари .....	27
Дарбанд дарёси .....	29
Қўл .....	30
Одамлар .....	30
✓ Эслаш .....	31
“Деразангни...” .....	32

“Үйлардимки...”	33
Қалам	33
“Жажық гұдак, сен туғилдинг...”	34
“Баҳт кутмасман...”	35
Пушкин	34
Онамга хат	37
Сен баҳорни соғинмадингми	38
“Мен қувонар бұлсам...”	39
Булоқ	39
Гиёх	39
“Жұнар бұлдым...”	40
Курдешларимга	41
Шундай яшар одатда одам	42
Милтирайди митти юлдуз	42
Бургут	43
Мен нечун севаман Ўзбекистонни	44
Альбомга	45
“Муножот”ни тинглаб	47
“Бола әдім...”	48
Асримиз одами	49
Булат	50
Ўзбекистонда қуз	51
“Йўлим бошлар...”	53
“Сен Пушкиннинг севган малаги...”	54
“Юлдузлар ўтига...”	54
“У қўшиқ қуйлади...”	55
“Уни кўрсам...”	56
Куз манзараси	57
“Гоҳо ер меҳрини ўйларкан...”	57
“Куй, дўстим, тилларанг шаробдан менга...”	58
“Булат тошди...”	58
“Нега мени севмадинг...”	59
Юзма-юз	60
“Кел, ёруғ эт...”	67
Айрилиқ қўшиғи	68
Қасам дара	69

“Қани, най бер менга, дүстгинам...”	71
“Учқур хаёл соҳиби йигит...”	72
Геолог Ҳабиб Абдулаев қабри ёнида	73
Истакларим	73
“Үйғон, қүш үйнар...”	74
Она тилимга	74
Дорбоз	75
Тилла балиқча	75
Ҳайвонот боғида	76
Булбул	76
Темир одам	77
Үйкү	79
Отелло	81
Аәл	83
Эттали	84
Тун	85
Ҳаёт ишқи	86
“Үтинаман...”	86
Армон	87
“Оиласа түғилса гүдак...”	88
Улғайиш	90
<u>Мұхаббат</u>	91
“Күпдан күтган эдим...”	93
Чол ва “коммунизм” қиссаси	94
“Хайр энди...”	96
Қонли күйлак	97
Хүрөзқанд	98
Газета сотувчи	99
Хуш келибсан, янги йил	100
Авлодларга мактуб	101
“Хат ёзмадим...”	104
Онам вафотига	104
Кетгандар ёди бу	105
Онажон	106
Най	110
Шоирлар ҳаёти	111

Жаннат .....	111
“Чувалади ўйларим сенсиз...” .....	112
“Емғирли кун эди...” .....	113
“Осмон уфқуларга...” .....	113
Сароб .....	114
Табият .....	117
Алвидо, устоз .....	119
Баҳор шамоли .....	120
Юрак ва ақл .....	121
Баҳор .....	122
Сенга .....	126
Сөзим .....	127
Она .....	128
“Ўзимни...” .....	128
Мен сени куйламоқ истайман .....	129
Арманистон .....	130
Нечун тим қорадур арман кўзлари .....	133
“Алвидо, деб...” .....	133
Севан кўли .....	133
Ереван кўчасида .....	134
Нутқ .....	135
Күшчага .....	136
“Кўйгил, у кунларни эслатма менга...” .....	137
Гўзаллик .....	138
“Оҳ уриб ҳар ёнда изгийди шамол...” .....	139
“Баҳор кунларида...” .....	139
Куз манзаралари .....	140
Севги ўлими .....	140
Оху .....	141
Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида .....	142
Абдулла Қаҳдор .....	143
“Оталар...” .....	143
“Умр ўтиб борар...” .....	144
“Дунё бир гулзордир...” .....	144
Шоир .....	145
Совға .....	146

Ёзажакман .....	148
Минораи калон тәпасидаги лайлак .....	149
Алишер .....	150
Алишернинг онаси .....	152
Горький .....	153
Жумбоқ .....	154
Хатолар .....	154
Биринчи мұхаббатим .....	155
“Бул ажаб...” .....	156
“Севгидан...” .....	157
Самолётда ёзилған шеър .....	157
Бу күн .....	158
Баҳор күнларида .....	159
Кетмоқдаман .....	160
Илғор ишчи ва чаққон мұхбир қиссаси .....	151
Ҳақиқат йұллари .....	165
Юртим шамоли .....	167
Саратон .....	169
Хотирот .....	171
Она сайёра .....	172
“Бу жойларға нега келдім мен...” .....	174
“Оташга сиғинди бир замон халқым...” .....	174
Қанот .....	174
“Ендімү ва лекин ҳижрон туніда...” .....	175
Илк севги .....	175
“Ох, ўттан у күнлар қайтмагай зинҳор...” .....	176
Бизницилар .....	176
Рұдым .....	177
Чексизлик .....	178
Ўзбекистон .....	182
Қарши күшиғи .....	187
Кенглик нұқтаси .....	189
“Дўрмон боғларига...” .....	189
Илтижо .....	190
Ҳамид Олимжон хотирасига .....	192
Киргиз диёри .....	193

“Кузак шамоллари...”	194
Кутлов	196
Үрмөн	197
Дорилфунунга	197
Шоир	198
Сергей Есенинга	199
Мүмин Мирзо	200
Номаълум одам	201
Некрасов ҳасрати	202
“Келдим...”	203
Мактуб	204
Чорлаш	204
“Булбул ўтай эрур зофлар орасида...”	204
Ёлғизлик	205
Сув	206
“Ногоҳ энтиқди-ю, эгилди камон...”	206
Ҳангома	207
Муаллим	211
“Болалик йилларим...”	212
Саодат	213
Құшиқ	214
Қозогистон	215
Қозогистон охуси	216
Софинч	217
Яхмалак	218
“Нимаики ёзма...”	219
Насиҳат	219
Генетика	220
Денгизга	223
Аллома	225
Қасоскор ҳақида баллада	227
Турмуш ташвишлари	228
Музаффар ўлка	229
Танишлар	229
Ният	230
Умр	231

Мен англаб етган фалсафа .....	231
Онамни эслаб .....	232
Ойбек номли хўжаликда .....	232
Баҳор нашидаси .....	233
Глобус .....	234
Ёшлиқ .....	236
Ҳамза монологи .....	238
Ирода .....	239
Муаллимларга .....	240
Чули бобонинг набираларига дегани .....	241
Саломнома .....	242
Ҳавас .....	243
“Фаним бўлолмасмиз...” .....	244
Райхон .....	245
“Ҳаддим борми сизга...” .....	247
“Сен борсан...” .....	247
“Сахро сўқмоғида бошин эгиб жим...” .....	247
Генерал .....	248
Авлодлар ҳикояси .....	250
Шукронা .....	250
Кақлигим .....	251
“Инонгил сен...” .....	251
Икки сония .....	252
“Тингли, бу абадий садо бўлади...” .....	252
Тарбия .....	253
“Ошиқни тасвирлай дегандим бирров...” .....	259
“Дунёда...” .....	259
“Сен менинг...” .....	259
Қиши кечаси .....	260
Сенинг овозинг .....	260
Тафаккур монологи .....	261
Бир танишим ҳақида баллада .....	263
Маломат тошлари .....	266
Хотира .....	269
Омад ҳақида .....	270
Сурат ва сийрат .....	271

Тақлидчи шоирга .....	271
Баҳор сеникидир .....	272
Суруп .....	272
Момо офтоб .....	273
Нисбийлик .....	275
Миш-миш .....	275
Ғазал .....	276
Қор .....	277
Таржимаи ҳол .....	278
“Туман тушаётир...” .....	278
Йиллар армони .....	279
“Коинот гултожи инсондир азал...” .....	279
Январь .....	280
Икар .....	281
Издор .....	283
Талаба журналистта .....	283
Умр ўргаси .....	284
Хайрихоҳ .....	285
Ҳолат .....	286
Висол .....	287
Диёр .....	288
“Оқ қороз...” .....	289
Кавказ .....	290
Онажоним, шеърият .....	292
Карвон .....	295
Ёш рассомларга .....	296
Баҳор хосияти .....	298
Инсон қалби .....	298
Шоир ва илҳом .....	299
Оила .....	301
Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси .....	302
“Ҳикматли гапларга...” .....	307
“Ҳўқизнинг бўйнига тақсанг тақинчоқ...” .....	307
“Донишманд дедики...” .....	307
Аён бўлгай .....	308

Бахмаллик гилам тұқувчи қызларға .....	309
Палтакор Абдурайим ақа билан баҳт ҳақида суҳбат.....	310
Бобо ва набира .....	311
“Бунчалар камолот, айт-чи кимда бор...” .....	311
“Бир устоз үгити .....	312
“Оқар дарёға ҳам...” .....	312
“Хар қалай...” .....	312
Истак .....	312
Зиё .....	313
Озарбайжон .....	314
Инсон манзараси .....	316
Күриқхона .....	318
Учинчи одам .....	319
Илтимос .....	321
Тулки фалсафаси .....	322
Дүстларимга айттаним .....	323
Дүнени қызғанма .....	323
Шарқ қикояси .....	324
Ишонч .....	327
Сен қайдан биласан .....	328
“Умр қисқа эди...” .....	328
“Дейдилар...” .....	329
Оломонга .....	329
Давра құшиғи .....	330

### Достөвлар

Жаннатта йұл. Драматик достон .....	332
Ҳаким ва ажал. Достон.....	371
Д.Бегімқұлов. Шеъриятимиз юлдузи .....	390

Адабий-бадий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

Түрт жилдлик

Биринчи жилд

Шеърлар ва достонлар

Муҳаррир *Жонибек Субхон*

Мусаввир *Виталий Куликов*

Бадий мұхаррир *Anatolij Bobrov*

Техник мұхаррир *Tatjana Smirnova*

Кичик мұхаррир *Nazmi Fozilova*

Мусаҳид *Mawzuda Nasridinova*

Компьютерда тайёрловчи *Эля Ким*

ИБ № 3896

Босишига 18.10.2000 й.да рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108^1 /_{12}$ . Офсет босма.  $22,68+0,21$  вкл. шартли босма тобоқ.  $17,0+0,25$  нашр босма тобоғи. К-1527 рақамли буюртма. 104-2000 рақамли шартнома. Жами 10000 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

## **Орипов, Абдулла.**

Таңланган асарлар: 4 жилдлик /Сұнг сүз муаллифи: Д. Бегимкулов; Таҳрир ҳайъати: О. Шарағиддинов, М. Құшжонов, Э. Воҳидов ва бошқ. — Т.: F. Ғулом номидағи Адабиёт ва санъат нашр., 2000.— 1-жилд: Шеърлар ва достонлар. — 432 б.

Ўзининг оташин шеърияти билан ўзбек адабиётига янгича нафас, янгича руҳ олиб кирган Абдулла Орипов бутунги кунда ижоднинг камолот чўққисида. Унинг шеърларидағи теран фалсафийлик, шарқона донишмандлик, Ватанинг шонли ўтмиси ва бутунги тақдирни, халқ қисмати ва келажаги учун бир комил фуқароларча куюнчаклиги, ҳаётдаги салбий кўринишларга муросасиз истеҳзоси кўп йиллардан бўён шеърият мухлислари диққатини ўзига оҳанрабодек тортиб келади.

Тўрт жилддаги “Таңланган асарлар” — китобхонларга шоир ижоди билан яна бир марта тўлароқ танишиш имконини беради, деб ишонамиз.

Ўз2

Абдулла Орипов 1960 йиллар бошида.

Шоирнинг онаси Турди она Эрдона Карвон қызи.

Абдулла Орипов талабалар ҳузурида шеър ўқимоқда.  
1971 йил.

Шоирнинг отаси Ориф бобо Убайдулла ўғли.

## **МУҲТАРАМ КИТОБХОНЛАР!**

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир Абдулла Ориповнинг тўрт жилдлик “Танланган асарлари”ни нашр этмоқда. Тўрт жилддаги китоблар 2000—2001 йилларда босмадан чиқарилади.